

У қотиллик, ўғирлик ва товламачиликнинг гувоҳи бўлиб қолди. Ўз касби–корига кўра жиноятчи бўлган одам бу ишларни қилган эди. Улар бу жиноятлардан ўзларини қутқармоқчи бўлиб, кўрқинчли жиноятлар ортида айнан у тургандай қилиб кўрсатадилар. Жиноятчилар уни асосий гумондор қилиб кўрсатадилар. Унинг қочиб кетишдан бошқа чораси қолмайди, аммо душманлар Европанинг, Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларининг олти давлати чегараларини босиб ўтиб, уни таъқиб қиладилар.

У яширинишга, ўзини четга олишга ҳаракат қилади, лекин зулматга нур ёриб кириб, у учун сирлар қаърига яширинган нарсаларни очиб ташлайди, унга ҳақиқат намоён бўлади.


Китобдаги ҳамма шахсларни ва воқеаларни муаллиф тўқиб чиқарган.

ГУВОҲ

ДЖОШ МАК-ДАУЭЛЛ

ДЖОШ МАК-ДАУЭЛЛ

ГУВОҲ



Джош Мак-Дауэлл

ГУВОХ




Київ
«Новий світ» нашієти
2010

Originally published in English under the title
The Witness by Josh McDowell.
© 2006 by Josh McDowell

Printed in Uzbek language
Київ, «Новий світ» нашриєти, 2010

© «Новий світ» нашриєти, 2009



Қиз вафот этди. Хотин бедарак йўқолди. Рафик Рэмзи шахсий ҳаётидан ҳавотирда эди.

— Фақат икки кун қолди, — деди бу кекса ёшлардаги одам Монте-Карлодаги бой ва бадавлат хонадонининг меҳмонхонасини қадамлаб ўлчар экан. У бирин-кетин бир неча сигаретани тутатиб чекди, гўёки у ўпка саратонидан ўлишни қотилнинг ўқидан ёки бомбасидан афзал кўргандай. — Сизнинг келишингиздан олдин менга яна бир мактуб келди. Уларнинг айтишларига қараганда, агар мен жума кунигача яна пул жўнатмасам, улар Клодетни ўлдириб, кейин менинг изимга тушар эканлар. Шунинг учун ҳам, жаноб Аккад, хушхабар олиб келдим деб айтинг, акс ҳолда мен бошқа бардош қила олмайман.

— Бу сафар қанча пул сўрамоқдалар?

— Йигирма беш миллион, — деди Рэмзи. — Бу мен берган ўн бир миллион еврога кўшимчадир.

Оддий одам учун бу жуда катта пул ҳисобланади. Бирок етмиш тўққиз ёшли Рэмзи оддий одамлардан эмас эди. Ярим йил олдин у раҳматли акаси билан бирга 1963 йилда асос солган “Блю Найл Холдингз” номли компаниясини француз конгломератига 563 миллион еврога сотди. Эндиликда у Мисрда бой ва бадавлат одамлардан бири ва Шимолий Африка, Яқин Шарқдаги ишбилармон намояндаларнинг кўзга кўринган коммерсантларнинг энг машхури эди.

Марван Аккад узун қимматбаҳо итальян чарм диванига ўтирди ва вазиятни ўйлай бошлади. Қандайдир бир маънода Рэмзи — идеал мижоз эди: у кекса, бой ва қўрқоқ. Айнан

шундай одамлар учун Аккаднинг бизнеси мўлжалланганди.

Аммо шундай ишлар билан шуғулланар экан, Аккад хар қадамда инсон хулқ-атворининг бузуклигига дуч келарди — очкўзлик, коррупция, шантаж ва қотиллик жуда авж олган эди. У икки азиз кишисидан айрилган бахтиқаро чол Рэмзини юпатишга сўз топа олмасди. Унинг ўйлашича, секьюрити хизматидан кетишнинг аллақачон вақти келганга ўхшайди.

Аккад қаҳвасини охиригача ичди-да, Ўрта ер денгизининг жилваланиб турган сувига боқди. Куёш ботиб, шафақ сув бўйидаги баланд иморатларнинг ойналаридан акс этиб турарди. У чуқур ўйга толди: ота-онаси унинг ҳозирги шуғулланаётган ишига ва ҳаёт тарзига нима дейишган бўларди — вертолёт ва лимузинларда сайр, Армани маҳсулоти костюм-шимларини ва кевлардан тикилган жилетларни кийиб юриш. У қанчалик ўз ҳаётини хавфхатарга кўйиб қалтис ишлар билан шуғулланса, унинг чўнтагига пуллар шунчалик кўп оқиб келарди. Қолаверса, ҳақиқий бизнесменнинг асл моҳияти ана шунда эмасми?

Онаси нима дейиши мумкинлигини Аккад яхши биларди. Онаизор қачонлардир ўғли армиядан қайтиб келгандан кейин Байрутдан кетиб, шифокор ёки инженер бўлишини, Ранияни излаб топишини ва Парижда жойлашиб қолишини илтижо қилган эди. Она ўғлининг ҳаёти тинч ва осуда бўлишини, унинг фарзандлари улғайиб биронта бежавотир ва муваффақиятли иш билан шуғулланишларини жуда истаган. Лекин Аккад онасининг гапига кирмади. Нотовон ўғил наркоманлар ва тамагирлар томонидан қўлга олинган бойларнинг хотинларини қайтаришга ёрдам беришини, мижозларни Боғдод, Мосула ёки Фаллуджидан олиб чиқишга ҳаракат қилганини она тасаввур қилганмикан?

— Янгилик бор, — деди ниҳоят Марван Аккад. — Бирок янгилик нохуш бўлиши мумкин.

— Оҳ Клодетт? — деди жавоб кутаётган Рэмзи. — Бу хайвонлар хотинимни бирор нима қилибдиларми? Мен уларнинг ҳаммасини ўлдираман! Онт ичиб айтаманки, мен золим конхўрларни топиб, улардан ўч олмагунимча тинчимайман!

Аккад норози тарзда бош чайкаб қўйди.

— Сиз нотўғри фикр юритмоқдасиз. Илтимос, ўтиринг. Гап Клодеттга тааллуқли.

— Айтинг, сиз нимани биласиз?

— Жаноб Рэмзи, тинчланинг. Жойингизга ўтиринг, мен сизга ҳаммасини сўзлаб бераман.

Бақувват Рэмзининг соғлиги сўнгги икки ҳафта давомида жуда ёмонлашди. У оҳистагина креслога чўкди ва навбатдаги сигаретани тутатди. Унинг қизарган кўзларида бетоқатлик акс этиб турарди. Қария олдинга энгашгандай бўлди.

— Жаноб Аккад, илтимос қиламан, гапни чўзманг. Дикқатим ошиб кетди.

Аккад хўп дегандай, дарҳол гап бошлади.

— Жаноб Рэмзи, сиз Сан-Паула ҳақида нималарни биласиз?

Савол чолни довдиратиб қўйди.

— Сиз Бразилиядаги шаҳарни назарда тутаяпсизми?

— Ҳа.

— Ҳеч нарса билмайман, — деди Рэмзи елкасини қисиб. — Нима сабабдан сизни бу шаҳар қизиқтириб қолди?

— Чиндан ҳам ҳеч нарса билмайсизми? — сўради яна бир бор таажжубланган Аккад.

— Мен бирор нимани билишим керакми?

— У ерда ваколатхоналар ёки “Блю Найл” заводлари борми?

— Йўқ.

— У ердан сизнинг маъмуриятингизга алоқадор бўлган бирор кимса келмадими?

— Йўқ.

— Балки, ўша ердаги ходимларингиздан бирортаси ташриф буюргандир?

— Ўйлашимча, йўқ.

— Сизнинг ўзингиз иш юзасидан Сан-Паулага борганмисиз?

— Йўқ деяпман—ку сизга!

— Хотинингиз билан дам олишга ҳам бормаганмисиз?

— Қандай дам олишга? — вайсади Рэмзи. — Менинг жуда ишим кўп бўлса.

— Сан-Паулага Рэмзи хонимнинг ўзлари бирор юмуш билан бормаганмилар?

— Йўқ, албатта.

— Сизнинг ишончингиз комилми?

— Сиз нима демоқчисиз? Мен тушунмаяпман...

— Яна бир сўрайман, сизнинг ишончингиз комилми жаноб Рэмзи? — Аккад жавоб кутарди. — Яхшилаб ўйлаб кўринг.

Рафик Рэмзи ўрнидан турди, яна сигаретани тутатганича хонанинг у ёғидан —бу ёғига юрди.

— Умуман олганда, борган бўлиши мумкин, — деди у бирозгина ўйланиб.

— Менга шу ҳақда сўзлаб беринг.

— Ҳикоя қилиб берадиган ҳеч нима йўқ, — гап бошлади Рэмзи. — Холаваччам Клодетт қачонлардир бир бразилияликка турмушга чиққан эди. Аммо уларнинг биргаликдаги ҳаёти узокка чўзилмади. Ярим йил ўтгач улар ажралишдилар.

— Сиз у ерга тўйга борганмисиз? — сўради Аккад.

— Йўқ, мен бормаганман. Лекин Клодетт Сан-Паулада бўлган. У ер унга ёқмабди. Мен Сан-Паулани назарда тутаяпман. Шаҳар жуда гавжум ва шовқин экан. Унинг айтишига кўра, шаҳар Нью-Йоркка ўхшар экан, фақатгина мафтункорлигидан ташқари.

— Тўй қачон бўлиб ўтган?

— Ҳозир эсимда йўқ, эхтимол, уч-тўрт йил илгари бўлса керак, — деб жавоб берди Рэмзи ўзига бардан вино қуяр экан. — Хўш, нима бўпти? Нега менга бундай саволлар беряпсиз?

Аккад эгилиб столнинг устида турган портфелини очди, унинг ичидан катта бир конвертни олиб Рэмзига узатди.

— Бу нима? — сўради чол бокалдаги мартинидан аранг бир култим ютиб.

— Конвертни очинг, кейин биласиз, — деди Аккад.

Рэмзи бироз Аккадга тикилганича қотиб қолди, сўнгра стаканни столнинг устига қўйди ва секингина конвертни оча бошлади. Конверт ичидан 20*25 ҳажмли оқ-қора фотосуратни олди. Суратни кўргач унинг ранги оқариб кетди, юзида эса таажжубланиш акс этиб турарди. Унинг қўлида икки кун олдин олинган хотинининг фотосурати турарди. Суратга олинган вақт расмда ёзилган эди. Пул олиш мақсадида юборилган бошқа фотосуратлардан бу расмнинг фарқи шунда эдики, бу расмда хотини боғланмаган эди. Хотиннинг оғзи елим қоғоз билан ёпиштирилмаган. Аёл бемалол ўтирганича, қандайдир корхонада бошқарувчи ёки клерк (*баъзи мамлакатларда ёзув-чизув ишларини олиб борадиган хизматчи* — изоҳ таржимонники) билан суҳбатлашар эди.

— Мен... мен тушунмадим, — ниҳоят тилга кирди Рэм, унинг расм ушлаб турган қўллари қалтирарди. — Бу нима? Бу фотосурат қаерда олинган?

— Бу расм Сан-Паулада яширин камера билан олинган, — тушунтирди Аккад. — Унда сизнинг хотинингиз жонини қутқариш учун юборилган пулни банкдан шахсан ўзи олмоқда.

Рэмзи бундай хабарни асло ақлига сиғдирилмас эди.

— Жаноб Аккад, сиз нима деяпсиз, менинг хотиним... гапни ўйлаб гапиринг! — деди мўйсафид. — Сизнинг

Ўйлашингизча, менинг хотиним пул олиш мақсадида шундай йўл тутган. Шундайми? У менга хиёнат қилдимми?

Аккад ҳеч нима демади. Бирор маслаҳат беришдан олдин аччиқ ҳақиқат мижозга етиб боришини у кутарди. Аммо Аккад бундай қилишга улгурмади. Икки бор узилган ўқ овози эшитилди, ялтираб турган ойналар чилпарчин бўлди. Чол йиқилди, унинг оғзидан қон сизиб оқди. Рафик Рэмзи ўлдирилди, Марван Аккад эса энди ўзининг навбати келганидан хавотирда эди.

Марван катта ёғоч стол орқасига беркинди. Ойна ва идиш-товоқларни, расм рамаларини синдириб яна ўқлар узилди. Синиқ парчалар ҳамма ёққа учарди.

Хонага Рэмзининг икки кўриқчиси югуриб кирди. Улар нима юз бераётганлигини англамасданок, отиб ўлдирилдилар. Улар жавоб ўқи отиш у ёқда тутсин, снайпер қаерда жойлашганлигини, ким кимни отаётганлигини англашга ҳам улгурмадилар.

Марван телефон гўшагига ёпишди, аммо телефон сими қирқилган эди. У пистолетини олмоқчи бўлиб қўлини белига узатган эди, бироқ қуролни уйга кираётганда соқчилар олиб қолишгани эсига тушди. Бошининг устидаги тоқчадан бир нечта қимматбаҳо қадимий вазалар коллекцияси синиб тушди. Отилган ўқлар барча мебелларни илма тешиқ қилиб юборди.

Бу ерда қолиш хавфли эди. Рэмзининг қотиллари нишонга оладиган қуролдан фойдаланган бўлишлари керак. Марван хонада эканлигини, айнан қаерга беркиниши мумкинлигини улар яхши билардилар.

Марван чапга бурилди ва ўлиб ётган кўриқчиларнинг олдига эмаклади. Отишув янада кучайди. У эгилганича кўриқчиларнинг қуролларини, Рэмзининг хотини расмини олиб хонадан дахлизча чиқди.

Лифтдан яна икки кўриқчи чиқди.

— Ётинглар! Ётинглар! — деб бақирди Марван.

Бирин-кетин яна ўқ отилди. Биринчи кўриқчи полга ётиб олди. Иккинчиси улгурмади. Икки ўқ унинг танасини тешиб ўтди, оғриқдан у ингради.

— Жаноб Аккад, тезроқ зинага боринг! — бақирди биринчи кўриқчи ва яраланган дўстига ёрдам бериш мақсадида унинг бошини кўтарди, бироқ энди кеч эди.

Марван кўриқчининг айтганини қилиб қўлидаги пистолетни шай қилганича зиналар томон борди: душман уни шу ерда нишонга олиши мумкин эди. Лекин аксинча, у ер бехавотир экан. У югуриб пастга тушди, нима қилаётганини ўзи тушунмас эди.

Марван айвонга чиқди, агар унинг ҳайдовчиси ҳали шу ерда бўлганда эди. У оломон ичидан ҳайдовчисини топишга ҳаракат қилди, лекин топа олмади. Атрофни полициячиларнинг сигнали ва ўт ўчирувчи машиналарнинг қийқириғи ларзага келтирди. Одамлар ваҳимадан бақиришар эди. Ҳаммаёқ тўс-тўполон. Озгинага бўлса-да, отишув тўхтади.

— Жаноб Аккад! — оломон ичидан кимдир чақирди уни.

Бинога кўриқчилар ва агентлар оддий граждан кийимида югуриб киришди. Кўплаб аҳоли юзларида ваҳима билан лифтдан чиқиб келишарди. Танишлардан у ҳеч кимни учратмади, аммо таниш овоз яна уни чорлади.

— Жаноб Аккад, мен бу ердман!

У ўгирилиб қараса, унинг ёнига бўйи пастаккина, кўнгли очик ҳайдовчиси келаётган экан.

— Жаноб Аккад, — деди ҳайдовчи нафаси тикилганича, — сиз зудлик билан бу ердан кетишингиз керак. Сиз шу ерда туринг, мен бориб машинамни олиб келаман.

— Мен сиз билан бирга бораман, — деди Аккад.

— Йўк, жаноб, мен ўзим бораман, — деб эътироз билдирди ҳайдовчи. — Мен ҳозироқ қайтиб келаман.

Монакода салобатли ва ҳашаматли яшаш жойи ҳисобланмиш бу бинони ҳамма тезроқ тарк этиб кетишга шошиларди. Одамларнинг орасида ҳайдовчи ҳам кўринди.

Марван ҳозир баҳслашишга уринмас эди. У ҳали кўп нарса ҳақида ўйлаши керак. Марван Клодетт Рэмзи ва

шерикларининг пулларини назорат қилиб юрганини улар билармиканлар? У Сан-Паулада изига тушганидан улар хабардормиканлар? Марван тўғри йўлдан қайтиши учун Рафик Рэмзининг жонига қасд қилишдимикан? Бундай бўлиши мумкин эмас, чунки бу ҳақда у Рэмзининг ўлимига бир дақиқа қолганида айтиб берди-ку?

Рэмзи ўн кун олдин “Аккад ва унинг партнёрлари” бюросини ёллади. Бунга қадар узоқ йиллар давомида унинг хавфсизлиги билан Париж фирмаси шуғулланган. Хотинининг бедарк йўқолганидан ва қизининг вафотидан кейин Рэмзи Аккад компаниясидан ёрдам сўраб, икки жиноятни очиб беришларини илтимос қилади. Марван яна одам беришни ёки француз кўриқчиларини тўлиқ ўзгартиришни таклиф қилади, аммо Рэмзи салбий жавоб беради. У сезиларли даражада ўзгартиришлар киритишни истамасди, чунки бу ўз навбатида душманларни сергак қилиб, гаровга олиб кетилган ва жуда яхши кўрган хотинининг ҳаётига зарар етказиши мумкин деб ўйлаган. Ва бундай фикр энг катта ҳатога йўл қўйишнинг сабабчиси бўлди.

Ҳар томондан полиция ва бошқа машиналар учиб келишини Марвин кўрди, шунингдек, оммавий ахборот хизматчилари ҳам тез орада шу ерда ҳозир у нозир бўлишларини у тушунарди. Яқин Шарқ ва Европа газеталарининг биринчи саҳифасида унинг расми босилиб чиқиши ўзига асло керак эмас эди. Кўриқловчи бюронинг синчков бош администратори бу каби рекламага муҳтож эмас.

У соатига қаради ва майдондаги оломонга назар солди. Ниҳоят, ҳайдовчиси ялтираб турган янги “Рэндж Ровер” машинасига ўтириб, ўт олдираётганини кўрди.

Марван бинони тарк этди. У бу ердан иложи борича тезроқ кетмоқчи эди. Бироқ, у майдонда ўтиб машина томон бораётганида, кўрқинчли портлаш юз бериб, унинг

машинасини ҳайдовчиси билан кулини кўкса совурди. Кучли портлашдан Марван кўприк томонга учиб тушди. Тутун ва олов шиддат билан осмонга кўтарилди. Машинанинг синиқлари ва ёнаётган қисмлари атрофга учиб тушди. Айнан шундай оғир вазиятда Марванни овлаш бошланганлигини у тушунди.

Ён-атрофда жасадлар ётарди. Яраланганлар оғриқдан бақириб, ёрдам сўрар эдилар. Бошқалар эса шок ҳолатида қоқиниб, у ёқдан бу ёққа дўстларини, яқинларини, нима юз берганини тушунмаган ҳолда, излаб юришар эди.

Марван ўрнидан турди, кийимларини қоқди ва юзидаги конни артди. У қўриқчилардан олган курулни чиқарди, ундаги ўзининг қўл изларини артди ва яқинида турган ахлатдонга ташлади. Яна бир бошқа курулни у пиджагининг тагига тикди ва бир неча кварталдан югуриб ўтиб, шаҳар марказига томон шошиб кетди.

У тезроқ меҳмонхонага бориб, у ердаги нарсаларини йиғиб олиб, шаҳардан чиқиб кетиши керак эди. Ҳеч ким уни тўхтатишга уринмади. Юз берган воқеадан ҳамма ўзи билан ўзи овора эди, ким у, қаерга шошаётгани билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди.

Марван олдидан ўтиб кетаётган таксини тўхтатди.

— Ле Меридьенга, — деди у хайдовчига, машина елдай учиб кетди.

Тоғлар ортига астагина кун ботарди. Шаҳарнинг у ербу ерида чироқлар ёна бошлади. Казино ва қаҳвахоналар очилди. Бой ва бадавлат одамлар вақтини ўйин-кулги билан ўтказадиган Монте-Карло, гарчанд юз берган нохуш воқеа тафсилотлари тез орада кенг ёйилса-да, жонланиб гавжум бўла бошлади.

Марван Гаваньдаги яхталарнинг сувда шакли акс этиб турганини кўрди. У акасига қўнғироқ қилиши кераклигини, пул зарурлигини, самолётга билет кераклигини ўйларди. Аммо қаерга? Италиягами? Ёки Франциягами?

Қочишга шайланган Марван гўёки ўз хатосини тан олаётганлигини тушунар эди. Лекин юз берган ҳодисадан сўнг унинг танлаш имконияти йўқ эди. Агар шаҳарда қоладиган бўлса, ўзини ўлимга ҳукм этади. Албатта, полицияда уни батафсил сўроқ қиладилар. *Рафик Рэмзи билан уни ким таништирган? Нима учун у Монте-Карлога келган? Қолаверса, Рэмзига француз қўриқловчи фирма хизмат қилаётганини у биларди—ку? Нима учун уларнинг учрашуви Рэмзининг ўлими билан яқунланганлигини у қандай қилиб тушунтиради? Қўриқчилардан нимага у қуролни олди? Нега ўзининг шахсий пистоленини у ерда қолдирди?* Булардан ташқари, полиция ходимлари уни бошқа саволлар билан кўмиб ташлашади. Рэмзи биринчи учрашувда унга нима деганлигини у ҳамон ўйларди.

Такси меҳмонхона олдида тўхтади. Марван хайдовчига йўл ҳақини тўлади ва уни кутиб туришини илтимос қилди: меҳмонхонада ушланиб қолишни у истамасди. У бино ичига кирди ва лифтда бешинчи қаватга кўтарила бошлади.

Лифтда чамаси йигирма ёшлардаги ёкимлигина қизни учратиб қолди. Бу қиз унга Ранияни эсга солди. Сочлари узун, қоп-қора. Чуқур, жигар ранг кўзлар. Оқ ипак кофта. Қора юбка. Қора пайпоқ. Дуру маржонлар. Тирноқлари қизил рангда. Қизил помада. Эҳтимол, жуда тўқ ранглар. Қиз уялибгина жилмайди. Бошқа вақт Марван унга жавобан жилмайиб, гапга тутган бўларди. Фақат бугун эмас.

У хаёлларини жамлаб, бир ярим ҳафта олдин телефон орқали Рэмзи билан бўлиб ўтган суҳбатни эслашга уринди. Умуман, гап нима тўғрисида борганлиги унинг эсида. Рэмзи, хотинини гўзаллик салонидан ва қизини мактабдан қайтишида ўғирлаб кетганликлари ҳақида, бу ходисаларга нима сабаб бўлганлиги тўғрисида гапирганди. Хотин ғойиб бўлгандан кейин пул талаб қилинди, қизнинг ўғирланиши эса фожеа, яъни ўлим билан тугади. Марван ҳаёлан гумондор шахсларни бир-бир санаб ўтди. Рэмзи ўндан ортиқ шубҳали шахслар — олдинги ишчилар ва рақобатчиларининг исмларини айтди. Унинг фикрича, унинг оиласига хужум қилишга

имконият ва маблағлар ана ўшаларда бўлиши мумкин экан. Бироқ Марванни яна бир вариант хавотирга соларди.

Қўнғирок чалинди, лифт учинчи қаватда тўхтади. Қиз чиқаётиб уяли телефонини сумкасидан олди ва қандайдир номерларни тера бошлади. Қизнинг ғоз юриши, бирор нозкарашма қилмаслиги унга яна Ранияни эслатди.

Лифт эшиги ёпилди. Марван ҳаёлан яна Рэмзи билан телефон орқали бўлиб ўтган суҳбатга қайтди. Қариянинг ҳикоя қилишича, бир неча йил олдин француз разведкасидан икки киши ундан 250 минг евро талаб қилиб, уни қўрқитиб товлашга урингандилар. Акс ҳолда солиқ хизматидаги уларнинг дўстлари “Блю Найл Холдингз” компаниясини солиқ тўлашдан бош тортганликда ва ҳисоботда кўплаб қонунларни бузганликда айблаб, жиноий жавобгарликка жалб қилишларини айтган эдилар. Рэмзи ва унинг компаниясига тегишли бўлган уйдирма маълумотларни газетага бериб, уларнинг кирдикорларини фош қилишларини айтганлар.

Ўшанда Рэмзи кўпмиллатли корпорация компаниясини сотишга ҳаракат қилган. Корпорация идораси Парижда жойлашган эди. Узоқ давом этган текширув ижобий хулоса чиқарган тақдирда ҳам, бу шартномага ёмон таъсир кўрсатиши мумкин эди. Рэмзи талаб этилган пул миқдорини гўёки “консультация хизмати” учун берганини Марвага айтган. Аммо кейинги сафар қаллоблар яна миллион евро сўраганларида, Рэмзи Интерполга мурожаат қилди. Агентлар қўлга тушди, уларга 25 йил қамок жазоси белгиланди. Бироқ жазоланувчилар шерикларини айтиб бериш баҳонасида айблов билан тил бириктирганларидан кейин, уларнинг ўликларини камерадан топдилар. Қотиллик очилмагач, жиноий иш тўхтатилди.

Француз расмий шахслари, гарчи Рэмзи уларни ҳеч нимада айбламаган бўлса-да, ундан кечирим сўрадилар ва айбдорлар ўзларича, француз махсус хизмати ёки ҳукуматидан ташқарида ҳаракат қилганликларини Рэмзига етказишга уриндилар, натижада сувдан қуруқ чиқдилар.

Аммо Рэмзининг тахмин қилишича, бу ишнинг ортида ҳеч бўлмаганда француз разведкасидан бирортаси иштирок этган бўлиши мумкин. Айнан шу шахс француз разведкасидагилар қўлга тушиб қолишидан қўриқиб, қамокдаги маҳбусларни ўлдириш учун ҳам одам ёллаган бўлса керак. Худди ўша шахс ҳозирда ҳам Рэмзидан пул талаб қилаётгандир.

Шунинг учун ҳам ҳеч кимга ишонмаган Рэмзи Марванга ёрдам сўраб мурожаат қилган. Агар Рэмзига қарши (балки мустақил равишда) француз махсус хизматидан бирор кимса ҳаракат қилаётган бўлса ҳам, Париж полициячиларидан бошқаси ишни очиб ташлаб, гуноҳкорларни жазога тортишига ишониб бўладими?

Лифт бешинчи қаватда тўхтади. Ўйланиб қолган Марван лифтдан чиқмади. Балки, Рэмзи ҳақдир? Эҳтимол, унинг хотини бу номаълум агент билан олдиндан иш тутиб келаётгандир? Нима учун? Бунинг сабаби нимада? Рафик ва Клодетт Рэмзи бахтли ҳаёт кечираётгандай эдилар: улар бойбадавлат эдилар, бир-бирларини севардилар, ниҳоят Рафик ўз ишларини яқунлаганда, уларнинг иккиси ҳузур-ҳаловатда яшашни истаган эдилар. Нима юз бериши мумкин?

Лифт эшиклари ёпила бошлади.

Марван реал воқеага қайтди. Ҳаммасини яна бир марта синчиклаб ўйлашга ҳали вақт топилади. Ҳозир эса у тезроқ нарсаларини йиғиштириб, шаҳардан зудлик билан чиқиб кетиши керак. Агар полиция у билан суҳбатлашишни лозим топса, албатта уни ахтариб топади. Аммо Марван снайпер ўқини ёки яна бир бор бомба портлашини кутиб ўтирмайди.

У эшикни тўхтатди, лифтдан чиқиб коридор бўйлаб чапга бурилди. Коридор одатдагига қараганда қоронғурак эди, худди лампочкалар куйгандай, ёки кимдир атайлаб бир нечта лампочкаларни бураб қўйгандай эди.

Бирдан коридор охирида бир шарпа кўрингандай бўлди. Марван қуролнинг ўзига хос даққисини эшитди ва уни топиб олишганини тушунди.

Коридорда ўқ овози эшитилганда, Марван ўзини чапга ташлади. Отилган ўқ унинг ёнидаги деворни тешиб ўтди, деворнинг сувоғи унинг устига тўкилди.

Рэмзининг квартирасида кўриқчиларнинг биридан олган курулни у чўнтагидан чиқариб. ўқ узди. Шу пайт коридорнинг охиридаги бошқа эшик очилди. Марван орқага бурилди ва қоронғуда турган яна бир одамнинг шарпасини кўрди — у Рэмзи билан лифтда бирга чиққан қиз эди.

Марван полга ётиб олди, бошининг тепасидан яна иккита ўқ тевоорга тегди. У мўлжаллаб икки марта қизга қарата ўқ узди, ўгирилиб рўпарасида турган яна бир одамга ҳам икки марта курулидан ўқ отди. Ўқнинг ҳеч бири нишонга тегмади, аммо Марван бир неча секундни қўлга киритди.

Бир неча метр олдинда қайсидир номерга олиб кирувчи йўл бор эди. Тўғри, у ер ҳам беркиниш учун ишончли жой эмас, бироқ бошқа илож йўқ. Марван яна икки мартадан ҳар томонга ўқ ўзди, бунга жавобан ўқ узилганда, у бурчакка беркинди. Унга ҳужум қилаётганлардан ҳеч бири яхшилаб уни нишонга ололмасди. Аммо бу ҳолат узоқ давом эта олмайди.

Яна ўқ овозлари жаранглади.

Икки тарафдан душман ҳамла қилиб келаётганди.

Марваннинг бир неча сония вақти бор эди.

Марван икки мартадан чапга ва ўннга ўқ ўзди, сўнгра “Ҳалақит берилмасин!” деган тахтачани боши узра кўтарди. Сўнгра оёқлари билан тепиб эшикни очди ва ўзини ичкарига урди. Эшик кулфи узилиб тушди. Отишма яна авж олди.

Хонада овқатланиб ўтирган янги келин-куёв кўрқиб кетганларидан бир-бирларини қучоқлаб олдилар.

— Кроватнинг тагига беркининглар! — деди пичирлаб Марван. — Тез бўлинглар!

У ёвуз одам эмаслигини тушунтиришга вақти йўқ эди. У имкон қадар уларнинг хавфсизлигини таъминлашга интилди. Улар Марвандан кўз узмай катта каравот тагига эмаклаб киришди. У пистолетдан қуруқ обоймани суғуриб олиб, янгисини қўйганини улар тикилиб кузатардилар. Сўнгра Марван шиша эшикни суриб болохонага чиқди.

Шу вақт у ўқ овозини эшитди, ўқ унинг елкасини тешиб ўтганини ҳам сезди.

Зарбадан у шиша столга йиқилди, тагидаги стол эса синиб кетди. Марван ўзини йўқотмади, орқага думалаб бир қўли билан юзини беркитди, иккинчиси билан ёпиқ эшикка қарата ўқ узди. Ўқ нишонга аниқ тегди, эшик чилпарчин бўлди. Дуру маржон таққан қизнинг ҳам кўкрагига иккита ўқ тегди. У қаттиқ қичқирди ва ўзини тута олмай полга йиқилди.

Хўп, биттаси тамом, энди иккинчисига навбат.

Оғрикқа қарамай, Марван бир амаллаб ўрнидан турди ва ёнидаги хонага устидаги шиша синиқларини қоққанича судралиб кирди. Душман шу хонани нишонга олишини у сезди. Ёшгина келин бўлмиш аёл тез-тез нафас оларди. Янги куёв эса уни тинчлантиришга ҳаракат қиларди, аммо энди бефойда.

Қаҳр-ғазабдан Марваннинг қони қайнади. У дуру маржон таққан қотил қизнинг олдида тўхтади ва унинг пульсини ушлаб кўрди. Хали тирик. Унинг пульси секин, нотекис урарди. Қизнинг пистолетини у бир четга отди ва ерга қараб ётган танани ўгирди. Оппоқ кофта бирпаста қип-қизил қонга бўялди.

Ҳар эҳтимолга қарши Марван эшикка қарата яна бир ўқ узди, кейин пистолетни қизнинг томоғига тиради.

— Сени ким юборди? — чалажон қиздан сўради Марван тишларини ғичирлатиб.

Қонга бўялиб, беҳуш ётган қиз астагина жилмайди, аммо ҳеч нима демади.

Марван саволини француз тилида қайтарди, аммо қиз жавоб бермади.

— Клодетт Рэмзи — шу аёл сени Сан-Пауладан жўнатдимми? — Марван қиздан жавоб кутарди.

Қизнинг юзида бирданига кўркув ва дахшат аломатлари сезилди. Ҳа, бу исм унга танишлиги маълум эди. Қиз Сан-Паула ҳақида ҳам биларди. Марван пистолетини қизнинг томоғига янада қаттиқроқ босиб тиради, лекин у гапиришни истамасди. Бирдан қизнинг кўз қорачиғи тепага қараб кетди, қиз унинг қўлида жон берди.

Марвиннинг юраги шиддатли туртки билан адреналиннинг куюқ аралашмасини ўтказиб, қасос олиш истагида қаттиқ урарди. У қизнинг пистолетини тортиб олди ва магазини кўздан кечирди, сўнгра иккала пистолетдан ўт очиб, коридорга югуриб чиқди. Қоронғуда беркиниб ўтирган иккинчи қотилнинг тирик қолишига ҳеч қандай имкони йўқ эди. Қотилни ўлдиргач, Марван иккала бўш қолган пистолетларни ҳам мурданинг устига ташлади. Кейин унинг қўлидаги ўқланган пистолетни ва чўнтагидан ўқ билан тўлдирилган обоймани олди. Уни ёнида на пули, на паспорти бор эди.

Марван янги келин-куёвнинг хонасига қайтиб кирди. Дуру маржон таққан қизнинг ҳам ёнида ҳеч қандай ҳужжати йўқ эди. Булар кўзга кўринмас ва исм-фамилиясиз профессионал қотил, ўлжани тун қоронғусида топа оладиган ва огоҳлантирмай ҳужум қиладиган душман эдилар. Агар Рэмзи ҳақ бўлиб чиқса—чи? Агар булар ҳақиқатдан ҳам француз агентлари бўлса—чи?

Ҳозирча бир нарса аён: улар янглишишди.

Қотиллардан қутилган Марван яраланган елкаси эндигина қаттиқ оғриқ бераётганлигини, дераза ва эшикларнинг шиша синиқлари кесиб кетган юзларидан қон оқаётганини сизди.

У полиция машиналари сиреналарининг увуллашини эшитди.

Шу ерда қолиш керакми ёки қочиш даркорми?

Зудлик билан ҳал қилиш лозим. Полиция тез орада бу ерга кириб келади. Бу эса унинг безовталигини янада оширади.

Ўзини ҳимоя қилиш вақти келди. Лекин нима учун ва қандай қилиб? Марванга ов қилиш бошлангани аниқ кўриниб турибди. Қолаверса, овчилар унинг босган ҳар бир кадамидан хабардор. Овчилар унинг Монакога келганини биладилар. У “Меридьен” меҳмонхонасида тўхтаганлигини ҳам улар биладилар. Марван меҳмонхонага бошқа исм ва фамилия билан келган бўлса-да, бундан қатъий назар, улар Марванни топиб олдилар. Улар Марваннинг Рэмзи билан учрашишини, учрашув жойи ва вақтини ҳам билганлар. Марван қандай машинада келишини, лифтда кўтарилишини ва нечанчи қаватда тушишини улар аниқ билганлар. *Бу қандай бўлиши мумкин? Улар қаердан биладилар?*

Албатта, уни таъқиб қилаётганларнинг европа ёки маҳаллий полицияга, махфий хизматга ҳеч қандай алоқалари бўлмаслиги мумкин. Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Марванни яна ким таъқиб қилиши мумкин? Унинг сафари ҳақида жуда кам одам билган, бунинг устига, унинг сафарга кетиши икки кун олдин режалаштирилган.

Марван уни меҳмонхонага олиб келган таксичини топишга қарор қилди. Агар у ҳали ҳам пастда уни кутиб турган бўлса, агар тўс-тўполондан у кўрқиб қочиб қолмаган бўлса, агар уни полиция ҳайдамаган бўлса, ёки кутишдан зерикиб ўзи кетиб қолмаган бўлса, — Марван

буни яшириниш учун Худонинг марҳамати сифатида қабул қилади. У Миланга жўнаб кетади, у ердан – Римга, иложи борича тезроқ Бейрутдаги акаси билан боғланишга ҳаракат қилади.

Мабодо таксичи кетиб қолган бўлса, беркиниш имконияти бекор қилинади. Марван қолиш кераклигини тушунади. Унинг тақдири ҳал этилади, Ҳодисалар ижобий яқун топиши мақсадида полицияга бориши даркор.

Агарда ўйланиб ўтиришга унинг етарлича вақти бўлганда эди, эҳтимол, у яхшигина режа тузган бўларди. Аммо унинг бир неча сония вақти бор, холос.

Пистолетни чўнтагига жойлаб, Марван ваннага кирди ва юз-қўлларини ювди. Имкон қадар кийимларидаги қон доғларини ювишга ҳаракат қилди, елкасидаги яраланган жойни хўл сочиқ билан артди. Эғнидаги чарм куртка бирозгина зарбани пасайтирган, бироқ яра ўрнини тикиш лозим. Махсус медицина ёрдамисиз ўқ теккан жой заҳарланиши мумкин.

Аммо ҳозир оғриқ қолдирадиган дориларни ичишдан ўзга чораси йўқ. У шундай қилди ҳам: пластик идишдан дориларни олиб ичди. Ярасини боғлашга вақт тигиз; бунинг ўрнига, у ярасидаги қонга тўлган сочиқни олиб ташлаб, куртканинг тагидан салфеткаларни тахлаб қўйди. Сўнгра шкафдан келин-куёвга тегишли бўлган нарсага тўла сумкани олди-да, фавкулодда вазиятда фойдаланадиган қўшимча чиқиш эшигига йўл олди.

Зинапоялардан пастга тушиб, меҳмонхонанинг чап тарафидаги чиқишдан кўчага қаради. Полициячиларнинг битта машинаси келган эди. Машина ичидан икки полициячи сакраб тушди-да, меҳмонхонага кириб кетди. Таксичи ҳамон кутиб турарди. Марван машинагача бир неча метр югуриб борди, машинанинг эшигини очиб орқа ўриндиғига ўтириб олди.

— Аэропортга, — деди у француз тилида.

Ҳайдовчи жойидан жилмади.

Марван ўша сўзни инглизча айтди, аммо ҳеч қандай натижа бўлмади.

Таксичини елкасидан бир туртиб уйғотиш учун у олдинга эгилдию машина рулидаги қонга кўзи тушди. Ҳайдовчи чап чаккасидан ўқ еб, рулга бошини кўйганича ўлиб ётган эди.

Марван чўнтагидан яна пистолетини чиқарди. У тўхташ жойини, йўлни ва асосий кириш эшигини кўздан кечирди. Ҳеч ким йўқ. Яқинлашиб келаётган бир нечта полиция машиналарининг сирена овозлари эшитилди.

Бу белги нимани англатади? — ўйлади у. — Такси бор, аммо ҳайдовчи йўқ.

Шу ерда уни кўркинчли фикр данг қотирди. Машина эшикларида ва салоннинг ичида унинг қўл излари тўлиб ётибди. Агар ҳозир у қочиб кетадиган бўлса, ҳайдовчини ўлдирганликда айбланади. Уни ҳибсга оладилар. Унинг карьераси шу билан якун топади. Марваннинг компанияси барбод бўлади. Одам ўлдирганликда айбланиб, қидирувда юрган кўриқчиларни бойлар ёлламайдилар, гарчанд улар бегуноҳ эканликларини исботламоқчи бўлсалар ҳам.

Аммо у қочадиган бўлса, бир афзалликка эга бўлади. Бу — ҳаётини сақлаб қолиш. Агар шу ерда қоладиган бўлса, унинг ҳаёти хавф остида бўлади.

Юз берган ҳамма воқеаларни ҳисобга олган ҳолда, Марван агар Монте-Карлода қоладиган бўлса, ўзини ўлимга ҳукм этишига ишонч ҳосил қилди. Унинг изидан тушганлар Марван ҳақида жуда кўп нарса биладилар ва ташаббус улардан келиб чиқади. Агар қочиб кетгудек бўлса, у Монакодан Европага кетади ва қопқонга чап бериб қолиш имкониятига эга бўлади. Ким ва нима учун уни таъқиб қилаётганлиги, эндиликда нималар қилиши мумкинлиги тўғрисида ўйлаб кўришга унинг етарлича вақти бўлади.

Хуллас, у бир қарорга келди. У зудлик билан қочиши керак.

Марван яна ён-атрофни кўздан кечирди, ўгирилиб орқага қаради. Яқинида ҳеч ким кўринмади. У олдинга эгилди-да, олдидаги ўтирғичнинг суянчиғини орқага сурди. Таксичининг жасадини орқа ўриндикқа тортиб олди. Сўнгра машинадан тушиб, уни бир айланиб ўтди, олди эшигини очиб, юкxonани ҳам очди.

Юкxонадан енгил кўрпа ва йўллар белгиланган харитани олди. Мурдани кўрпа билан ёпиб қўйди, харитани эса олдинги ўриндикқа ташлади. Машина бардачогида автомобилнинг хужжатларидан ташқари, суғурта гувоҳи ва бир қанча квитанциялар, бир пачка салфетка ва пакетчада кетчуп бор экан. Салфеткалар жуда қўл келди. Марван атрофни кўздан кечиргач, машинанинг ичини салфеткалар билан иложи борица ва қўлидан келганича бармоқ изларини тезлик билан тозалаб арта бошлади.

Яхшиямки, албатта Марваннинг фойдасига, ҳайдовчини ўлдирганларида чап томондаги ойна очиқ бўлган экан. Шунинг учун ўша ойна соғ қолган. Марван машинага ўтирди, ойнани ёпди, машинани ўт олдириб яна бир бор ойнага қаради. Яраланган елкаси жуда азоб берарди, лекин хозир бу тўғрида ўйлашнинг мавриди эмасди.

Полиция машиналари чироқларини ёққанича меҳмонxонага тобора яқинлашиб келарди.

Меҳмонxонанинг иш бошқарувчиси асосий кириш олдида турганича полициячиларни кутиб олди. У Марван томонга қараб нимадир деди, Марван эса буни ўтиб кетишга сигнал деб қабул қилди.

Меҳмонxонанинг тўхташ жойидан Марван секингина машинани юргизди ва ғарб томонга бурди.

Италияга бориш хато ҳисобланади, деган қарорга келди у. Энг қулай вариант — бу Франция. Марселда унинг пули, кийим-кечаги ва бир нечта сохта паспортлари бор. Европа ва Яқин Шарқ шаҳарларининг бир нечтасида жойлаштирилган бундай ҳеч ким билмайдиган хилватгоҳлар унинг ишида

эхтиёт чоралардан бири сифатида зарур эди. Бир неча соатдан кейин у Марселга етиб боради. Марселда Марван машина ва ҳайдовчининг жасаидан кутилиб, Касабланкага учиб кетиш учун самолётга ўтиради.

Мароккода у деярли ҳеч кимни билмайди. Узоқ йиллардан бери Марван у ерда бўлмаган. Қачонлардир у ерга бошқа қайтиб бормасликка қасам ичган. Аммо бундай вазиятда унинг қалбини вайрон қилган аёлнинг олдига боришдан бошқа чора йўқлигини у англаб етди.

Инспектор Жан-Клод Годдар ўзининг эски икки эшикли “Рено” автомобилида ўтирар эди. Унинг машинаси кўплаб хизматдаги машиналар ва телекўрсатувлар ижодкорларининг (миллионлаб томошабинларга аллақачон шовшувга тўла янгиликлар кўрсатиларди) машиналари орасида тиқилиб, тўхташ учун жой кутиб турарди. Ва ниҳоят Рэмзи биносининг олдида жой топиб тўхтади. Машина бардачоғидан пистолетини ва инспекторлик жетонини олиб машинадан тушди. Ташқарида ноябрь ойининг совуқ кунлари эди.

Жан-Клод Годдар йигирма йил мобайнида Монакода детектив бўлиб ишлади, шундан сўнгги беш йил давомида у катта детектив лавозимини эгаллаб келмоқда.

Италия ва Франция ўртасида жойлашган Монте-Карло дунёдаги энг кичик мамлакатлардан бири (Ватикандан кейин иккинчи ўринда туради). Монте-Карло 2 кв. км. ортиқроқ қимматбаҳо пляж майдонига эга бўлиб, унинг 32 минг аҳолиси бор. Албатта, ўғирлик, жиноят ва бошқа муаммолардан холи эмас. Европанинг бошқа жойларига қараганда бу ерда жуда кўплаб миллионерлар бўлганлиги сабабли, бу шаҳар бойиб кетиш мақсадида юрган ҳасадгўйлар ва таъмагирлар диққат-эътиборини ўзига жалб қилишининг ажабланарли жойи йўқ. Аммо миналар қўйилган машиналар-чи? Қотилликлар-чи? Булардан ташқари, бир кунда бир нечта жойда содир бўлаётган қасддан ўлдиришлар-чи? Бугунги кунга қадар бундай воқеаларни кулоқ эшитиб, кўз кўрмаган.

Инспектор “Рэндж Ровер” машинаси ускуналарининг кўчада ёниб ётганини кўрди. Тутаб ётган темирлар ёнидан

Ўтиб, у бинонинг даҳлизига кирди. У лифт билан тепага кўтарилди ва ўлиб ётганларнинг устидан сакраб ўтиб хонага кирди. Унинг йигирма саккиз ёшли қорачадан келган ёрдамчиси Колеетт Дюваль инспекторни меҳмонхонада кутиб олди. У ерда терговчиларнинг кичик, аммо профессионал гуруҳи иш олиб бораётган эди. Улар қотиллик содир бўлган жойни синчиклаб ўрганишарди.

— Биз бу ерда ўзимизни йўқотмай, дадил туриб иш қилишимизга тўғри келади, — деди Дюваль.

— Ҳозирча бизга нималар маълум? — сўради Годдар. У биринчи бор бундай ҳашаматли, саройга ўхшаш кошонани кўриб турибди. Лекин қотиллик содир бўлган жойда у имкон қадар ўзини вазмин тутишга ҳаракат қиларди.

— Сиз шефдан дастлабки маълумотларни олдингизми? — сўради Дюваль.

— Ҳа.

— Унда бошлаймиз.

Ёрдамчи уни хонанинг ўртасида полда ётган ва атрофи мел билан чизилган, тўладан келган эркакнинг олдига бошлади.

— Раҳматли Рафик Рэмзи Сулаймон билан танишинг.

— Бу ўша Рэмзими? — сўради Годдар. — Миср миллионери шу бўладими?

— Минг афсуски, ҳа, — деди Дюваль. — Сиз у билан танишмисиз?

— Бир неча йил олдин у ва унинг хотини билан мен Гран-Прида танишганман, — жавоб қилди Годдар. — Ажойиб инсон. Улар акаси билан Асвонда ёки Луксоренинг қаеридадир қашшоқликда катта бўлишган, кейин фиръавнлардан ҳам бойиб кетишди. Аввалига улар темир руда, олтин, фосфат ва шунга ўхшаш қазилмаларни қайта ишлаш билан машғул бўлдилар. Акасининг вафотидан сўнг Рэмзи асосан Нил дельтасининг табиий газ конида хизмат қилди ва шундай бойликка эга бўлди. Умуман олганда, Рэмзи

ниҳоятда дилкаш инсон бўлган: у самимий, хушмуомала ва содда эди. Унинг хотинига келсак...

Овозини пасайтириб, Годдар сўради:

— У шу ердами?

Дюваль йўқ дегандай бош чайқади.

— Унчалик эмас.

— “Унчалик эмас” нима дегани?

— Уни Парижда икки ҳафта олдин ўғирлаб кетишибди.

— А-а, — деди Годдар ўзини гуноҳкор деб ҳисоблаб.

— Бу ҳали ҳаммаси эмас, — деди Дюваль.

— Яна нима?

— Рэмзининг биринчи никоҳидан бўлган яккаю-ягона қизи – айнан онаси ғойиб бўлган кунни ўлдирилган.

Годдарнинг пешонаси тиришди. *Бу нимаси? Ота ўлдирилган. Қиз ўлдирилган. Хотин ўғирланган. Бу бахтсиз оила қандай балога йўлиққан? Уларни ким шунчалик қаргаган?*

— У неча ёшда эди?

— Қирқ икки ёшда.

— Йўқ, хотини эмас, — деди Годдар. — Қизи неча ёшда бўлган?

— Кечирасиз, — деди Дюваль ва ёзув лафтарчасига қаради. — Бригитта ўн икки ёшда бўлган.

Таъсирланган Годдар бош чайқади. Ўзининг қизи эндигина ўн ёшга тўлади.

— Гумон қилинганлар борми? — сўради у. Хаёлан шундай қотилликка қўл урганларни албатта топиб, уларни жинойий жавобгарликка тортишга у аҳд қилди.

— Ҳозирча йўқ, — жавоб қилди Дюваль.

— Гувоҳлар-чи?

— Эҳтимол, биттаси бордир.

— Ким?

— Қандайдир Марван Аккад деган одам, — деди Дюваль.

— Уни қидириб топинглар, — буйруқ берди Годдар. — Дарҳол менинг ҳузуримга олиб келинглар.

Марваннинг йўлга чиққанига ҳам мана бир соат бўлибди. Ҳаммаси туманда содир бўлгандай. Қўркув, чарчоқ ва оғриқ ҳаммаси биргаликда аралашиб, аниқ фикр юритишга ҳалакит берар, ҳис-туйғуларни хиралаштирарди.

Ҳар сафар у йўл ҳақини тўлаганда: “Мана, ҳозир мени кўлга туширадилар”, деб кутади. Полициячиларнинг машинасини кўриши биланок, ҳозирок мени тўхтатишади, деб ўйларди. Аммо ҳозирча ҳаммаси тинч. Ҳаттоки жуда ҳам тинчга ўхшайди.

Монакода аллақачон уни қидирувга беришгандир. Демак, уни Италия ва Франциядан қидирадилар. Яъни агарда у Европада кутиб ўтиришни хоҳласа, бундай қилолмайди. У Шимолий Африкага кетиши керак. Лекин у паромда кета олмайди: бу жуда узоқ вақтни талаб қилади. Демак, самолётда учиш керак. Аммо ўз исми шарифига у билет ололмайди. Айнан шундай вазиятда ишлатиш учун беркитиб қўйилган қалбаки паспортлар кўл келади. Фақатгина Марсельдан учиш кетиб, у озодликда қолиши мумкин.

Агарда хотираси уни алдамаса, соат ўнда Касабланкага учадиган “Роял Эр Марок” рейси бор. Ярим кечада у Касабланкада бўлиши мумкин. Албатта, бу жуда хавфли. Аэропортда уни ҳибсга олишлари мумкин, аммо бошқа чора йўқ. У таваккалига бир ҳаракат қилиб кўриши керак.

Йўл белгиси ўтиб кетди — юз километрдан ошиқроқ масофа қолди. Марван ўзича бир нима деб ғулдиради ва газни босди.

Марван А8 шоссеси бўйлаб борарди. Шунга ўхшаш магистралда у ниҳоятда заиф эканлигини Марван яхши

тушунади. Бошқа айлана йўллардан ёки қирғоқ бўйидаги шосседан юришга унинг вақти йўқ эди. Шундай ҳам вақт жуда тизгиз. Ҳали аэропортга ўз вақтида етиб борса ҳам катта гап. Бироқ машина ва орқа ўриндикдаги мурдадан қандай қутилади? Самолётга қандай ўтиради? Билет олиш у ёқда турсин, ҳали ҳаттоки брон ҳам қилинмаган.

У Бейрут рақамини терди. Шуниси ажабланарлики, унга таниш овоз жавоб қилди.

— Алло?

— Рами, бу Марван.

— Эҳ Худойим, акагинам, бу чиндан ҳам сизмисиз? Қандайсиз? Ҳозиргина радиодан эшитдим: Монте-Карлода даҳшатли ҳодисалар юз берибди. Кимларнидир отишибди, қандайдир машиналарни портлатишибди, аммо тафсилотлар ҳақида ҳеч нарса айтилмади.

— Менинг ишларим жойида, — деди Марван. — Фақат озгина асабийлашдим, холос.

Ҳақиқатни олганда, оғриқдан у зўрға ўзини тутиб турарди, аммо укаси хавотирланишини у истамди. Ҳар ҳолда, айнан яраланганлигини укасига айтгиси келмади. Хавотирланишга кўплаб бошқа сабаблар мавжуд.

— Сен бир ўзингмисан? — сўради у.

— Ҳа, — деди Рами. — Қолганларнинг ҳаммаси уй-уйига кетиб бўлишди.

— Жуда яхши. Менга сенинг ёрдамнинг керак.

— Албатта. Нима бўлди?

— Ҳозир айтиб бераман, — деди Марван, — лекин олдин менга самолётга битта билет буюриб қўйгин.

— Қачонга?

— Кечкурунга.

— Қаерга?

— Марсельдан Касабланкага.

— Марсельдан? — сўради Рами. — Аммо мен сизни...

— Рами, илтимос қиламан. Мен сенга ҳозир ҳаммасини тушунтириб бераман. Марсель — Касабланка. Сўнгги рейс соат нечада?

— Соат саккиздан ўттиз дақиқа ўтганда, аммо...

— Сўнгги рейс соат ўнларда деб ўйлабман мен.

Бирдан чап томондан патруль машинасига ўхшаш бир машина уни кувиб келаётганини Марван кўриб қолди. У газ педалини сал қўйиб юборгандай бўлди. Телефон орқали Рами ҳамон гапиришни давом эттирарди.

— Марван, менга ишонишингиз мумкин. Бу самолёт билан мен юз марта учганман. 256-Рейс. “Роял Эр Марок”, “Эр-Франс” билан ҳамкорликда. Учиш вақти 8.30. Касабланкага самолёт соат 10 да келиб қўнади.

Патруль машинаси фараларини бир ёқиб қўйди. Сўнг Марваннинг машинаси обгон қилиб, унинг олдига ўтиб олди. Марван овозини чиқариб сўқинди.

— Нима? — деб сўради Рами.

— Ҳеч нима, — жавоб қилди Марван. — Бошқаси йўқми?

Тўхташ керакми? — ўйлади Марван. — Тўхтагани билан нима бўлади? Орқа ўриндиқдаги жасадни қаердан пайдо бўлганини қандай тушунтириб беради? Укаси компьютер тугмаларини босаётганлигини у эшитиб турибди. Укаси барча бюрларни текшириб чиқаётганини Марван кўриб тургандай эди.

— Марван, минг афсуски, бошқа рейс йўқ, — деди ниҳоят Рами. — Агар сиз Касабланкага бугун бормоқчи бўлсангиз, фақатгина 256-рейс бор, холос. Сиз қолиб, эртага эрталаб бирон бошқа рейс билан учиб кетсангиз бўлмайdimи?

Марван янада қаттиқроқ асабийлашди. У машинанинг тезлигини пасайтирди ва йўлнинг четига чиқди.

— Йўқ, — деди у укасига. — Мен бугун учиб кетишим керак.

— Унда сиз 8.30 даги самолётда учинг. Сиз ҳозир каердасиз?

Узоқда яна бир патруль машинаси кўринди.

— Билетга буюртма беравер, — деди у.

— Бир тарафгами?

Марван машинани тўхтатди ва авария сигнализациясини ёкиб қўйди.

— Йўқ, иккала тарафга.

— Ортга қайтиш билетини қачонга буюртма қилай?

— Ким билади дейсан?

— Хўп, — деди Рами. — Бирор нима ўйлаб топарман. Аэропортда ҳамон сизнинг ўша ячейкангиз борми?

Марван жавоб бермади. Унинг икки кўзи унга яқинлашиб келаётган патрул машинасида эди.

— Марван, — гапида қатъий турарди Рами, — Марселдаги сейф ҳали ҳам сизда мавжудми?

— Бўлиши мумкин! — жавоб қилди Марван. — Унда Марселга нима учун ҳам борардим?

— Яхши, яхши, асабийлашманг, — деди Рами, — мен фақат сизга ёрдам бермоқчиман.

Марван ёнидаги ўриндикда ётган пистолетга қаради. “Асабийлашманг” дейиш жуда осон.

— Билетни қандай фамилияга буюртирай?

— Карделла фамилиясига, — деди Марван.

— Джек Карделлами?

— Ҳа.

— Яхши, — деди Рами. — Ўтиш жойиданми ёки ойнанинг олдиданми?

Марван жавоб бермади. У секингина телефонни қўйиб, кўлини пистолетга узатди. Укаси савол беришни давом эттираётгани эшилиб турарди. У пистолетнинг совуқ пўлат дастасини қаттиқ сиқди.

— Марван! Сиз мени эшитяпсизми?

Тердан кафтлари нам бўлди. Юраги отилиб чикқудек бўлиб тез-тез урарди.

— Марван!

Машина тўхтамасдан Марваннинг ёнидан учиб ўтиб кетди.

Уни қидиришмоқда. Ярим километр олдинда кетаётган қизил “Порше” машинаси тўхтатилди. Қилган ишидан ёки қилмоқчи бўлган ишидан Марван енгиллик сезмади, аксинча, у ўзидан нафратланди. У айбсиз полициячини нафақат совуққонлик билан ўлдиришни ўйлади, балки пистолет тепкисини босишга тайёрланарди. *Унга нима бўлмоқда? У қандай одамга айланмоқда?*

Марван ўз қалбига назар солгандай бўлди ва унинг қалби ярим кечанинг зимистонлигидан ҳам қорароқ эканлигини кўрди.

— Марван! — телефондан яна укасининг овози эшитилди. — Нималар бўляпти ўзи?

Марван пистолетини жойига қўйди. Кафтларини шимига ишқаб артди ва тинчланишга ҳаракат қилди. У телефонни қўлига олиб укасига жавоб берди:

— Ҳа, Рами, мен шу ердаман. Мени кечир.

— Нима бўлди? Ҳаммаси жойидами?

— Йўқ, — деди Марвин. — Ҳаммаси жойида эмас.

У машинасини ўт олдириди ва Марсел томонга елдай учиб кетди. Худди шу вақтда гўёки тўғон ўпирилгандай бўлди, у укасига юз берган нохуш воқеаларни сўзлаб берди: Рэмзи билан бўлиб ўтган суҳбат ҳақида; қотиллик тўғрисида; портлатилган машина ҳақида; “Меридьене”даги отишув тўғрисида. Машинанинг орқа ўриндиғида ҳамон ўлдирилганича ётган таксичи ва ҳозирда у сўзлашаётган телефон ҳақида ҳаммасини гапириб берди. Шунингдек, қочиб кетишга қарор қилганлигини ва одам ўлдиришга шай турганини ҳам оқизмай-томизмай айтди.

Бундай иқрор ҳаяжонланиш ва ўзининг гуноҳкорлигини ҳис этиши билан боғлиқ эди. Лекин иқрорда Рамига етказилиши керак бўлган маълумотлар мавжуд эди. Ахир у компаниянинг иккинчи ўринда турувчи ходими, бўлиб ўтган воқеалар эса, бевосита, компаниянинг фаолияти билан боғлиқ эди. Эҳтимол, энг муҳими, Марванга ҳозирда укасининг аниқ ва равоён фикрлари ва сўнгги соатларда юз берган ҳодисалардан бирозгина чалғиши зарур. Аини пайтда Марван укасидан нажот кутарди.

— Сен нима деб ўйлайсан, мен қандай хато қилдим? — сўради Марван ҳикоясини тугатиб.

— Юз берган воқеалардан кейин Монте-Карлони тарк этганингизми?

— Ҳа.

— Йўқ, — деди Рами ҳеч иккиланмай. — Мен ҳам шундай қилган бўлардим.

— Ростданми?

— Албатта, — ўз гапини тасдиқлади Рами. — Сизнинг ўзга чорангиз йўқ эди.

— Агар мени полиция тўхтатганда-чи? — деб сўради Марван. — Мен унда нима қилардим?

— Бундай ҳолат юз бермагани учун Худога шукр қилинг, — жавоб берди Рами.

Аммо Марван ҳозир Худога шукр қилишга тайёр эмасди. Марван узоқ йиллардан бери Ундан дарғазаб. Унинг ибодатлари ҳеч қандай роль ўйнамаётгандай туюларди. Унинг ибодатлари Худога етиб бормади, ўзининг саволларига эса у жавоб ҳам олмади. Жароҳатлар битмас эди. Рамидан ташқари, у барча яқинларидан айрилди. Ҳозирда эса у узоқ йиллардан бери машаққатли меҳнати эвазига барпо қилган ҳамма нарсани йўқотиши мумкин эди.

— Буларнинг ҳаммаси бизни талофатга олиб келиши мумкин, — деди Марван бироздан кейин.

— Ёки ўлимимизга сабабчи бўлиши мумкин, — деб кўшиб кўйди ука.

Марваннинг диққати ошди. Рамининг гаплари тўғри. Укасини шундай аҳволга солиб кўйгани учун Марван ўзини койиди. У доимо Рамининг ҳимоячиси бўлиб келган, ҳозир эса иккисининг ҳаётини ҳам хавф остига кўйди.

— Минг афсус, — деди у. — Лекин бундай бўлишини мен асло кутмаганман.

Аммо Рами унинг важларини эшитишни ҳам хоҳламади.

— Ака, мендан хавотир олманг, — деди у.

— Лекин мен жуда хавотирланяпман, — жавоб қилди Марван.

— Марван, ҳаммаси жойида бўлади, — деди Рами. — Сизнинг ҳам ишларингиз юришиб кетади. Ахир, бундан ҳам оғир вазиятлар бўлган-ку.

— Билмадим, укажон, — нафасини ростлади Марван. — Билмадим.

Шаҳар узра полиция вертолётлари шовқин солиб учиб юрарди. Монте-Карлога олиб борадиган ва шаҳардан чиқиб кетадиган барча йўлларда назорат пунктлари жойлашган. Ҳамма машиналар, такси, автобус, шунингдек, шифохона ва меҳмонхоналарни текширишарди. Портлар ва вертолётлар учун шахсий аэродромлар ёпилди. Монако шаҳрига хизмат қилувчи, яқин орадаги Ницце аэропорти ходимлари огоҳлантирилди.

Аммо кичкинагина шаҳарни ларзага келтирган қотилликнинг ягона гувоҳи Марван Аккад ҳамон топилгани йўқ. Полициячиларга Рафик Рэмзининг ўлимига сабабчи бўлган қотилнинг изига тушишга ёрдам берувчи бирор далил ёки восита йўқ. Инспектор Жан-Клод Годдар бош чайқади (асабийлашишдан ошқозон яраси касаллиги пайдо бўлди) ва балконга чиқди. У тоза ҳаводан чуқур нафас олди, бетондан қилинган қирғоққа тўлқинларнинг шиддат билан урилишини томоша қилди.

— Мана сиз истаган расм, — деди Колет Дюваль унга ҳозиргина ишланган 21 х 27,5 см. ҳажмдаги фотосуратни узатар экан.

— Бу назорат камерасиданми? — сўради Годдар.

— Ҳа, жаноб, — деди Дюваль. — У ерда ҳаммаси тайёр.

— Ҳозир бораман, — деди Годдар.

Унинг қўлида Марван Аккаднинг сурати турарди. Ташқи кўринишидан кино юлдузлари сингари кўзга яққол ташланмаса-да, бу истараси иссиқ ёшгина йигит экан. Унинг териси очиқ оливка ранг бўлиб, қоп-қора сочлари

калта қилиб олинганди. Сочи, соқоли ва бакенбардлари тоза қилиб олинган (ёки бу расмга шундай тушганми). Бурни унчалик катта эмас, ияги — қатъиятли. Бўйи-басти келишган, жисмонан бақувват экан. Годдарнинг эътироф этишича, ҳеч қандай ўзига хос, бошқалардан фарқ қиладиган хусусиятларга эга эмасди. Оломондан уни ажратиб туриши мумкин бўлган бирон чандиқ, нуқсон йўқ. Бекаму кўст тан кўриқчиси.

Годдар эътиборини Марваннинг кўзлари ўзига жалб этди: катта-катта, кўйкўз, инспектор кутганидан кўра жуда самимий, ўткир ақл ва унинг виждонли, инсофли, ҳаттоки олижаноб эканлигидан дарак бериб турувчи кўзлар. Аммо бу кўзларда Годдар аниқлаб олиши қийин бўлган яна қандайдир хислат беркингандай эди. Бу эса Годдарнинг қизиқишини уйғотди ва синчковлигини оширди. Эҳтимол, бу қайғу ва хафалик тамғасидир?

— Расмни зудлик билан кўпайтиринг ва одамларимизга тарқатинг! — деб буйруқ берди у. — Телевидениега жўнатиш эсингиздан чиқмасин. У гувоҳ сифатида қидирилмоқда.

— Яхши, жаноб.

— Ва албатта мукофот берилишини эълон қилинг.

— Қанча? — сўради Дюваль.

— Бизнинг ҳисобимизда қанча пул қолди?

— Менимча. Юз.

— Яхши, ҳаммасини олинг, — деди Годдар. — Кимда ким ашаддий қотилликда айбланаётганларни тутишга, жавобгарликка тортишга ёрдам қилса ва улар ҳақида бирон бир аниқ хабар етказса, ана ўшанга 100 минг евро мукофот берилади. Албатта, бизда бор нарсалар тўғрисида Интерполга хабар беринг. Эҳтимол уларда Марван ҳақида бирон маълумот бордир.

— Жаноб, ҳаммаси бажарилади.

— Ҳа айтгандай, қидирув доирасини кенгайтиринг, — кўшиб кўйди Годдар. У янада кўпроқ хавотирланар эди.

— Марван Монте-Карлода ҳозир йўқ деб ўйлайсизми?

— Билмадим, — деди Годдар. — Канна, Сент-Рафаэл, Йера, шунингдек, Италиядаги Альбенги ва Генуи аэропортларига хабар беринг.

— Шунчалик узокқа ҳам хабар берамизми?

Годдар бошини тебратди.

— Коллет, биз таваккал қила олмаймиз. Қотил ёки котиллар кимлигини биз билмаймиз. Биз ҳозир кимни қидиришимизни ҳам билмаймиз. Ҳозирча бизнинг ягона илинжимиз — бу Марван. У хануз шу ерда бўлиши мумкин. Агар биз хато қилаётган бўлсак-чи?

— Ҳа, жаноб.

— Кичкина шаҳарлардаги темир йўл станциялари ва паромлар ўтадиган жойлар билан боғланишлар. Ҳар ярим соатда менга ҳисобот бериб турунглари. Чунки барча янгиликлардан мен хабардор бўлишим керак.

— Яна бир нарса, — деди Дюваль. — Сиз унга кўнғироқ қилдингизми?

Годдар индамайгина бош чайқади.

— Эҳтимол, шундай қилиш керакми? — секингина гапини давом эттирди Дюваль.

— Ҳа, сиз ҳақсиз, — Годдар чуқур хўрсинди.

— Хоҳласангиз, мен кўнғироқ қилай!

Годдар шуни хоҳларди. Амма қанчалик кўнғилсиз бўлмасин, буни унинг ўзи катта детектив сифатида зудлик билан амалга ошириши керак.

— Йўқ, — деди у ниҳоят. — Мени ўзим гаплашаман. Фақат рақамини териб беринг. Бу жуда муҳим деб айтиб, гўшакни менга беринг.

— Хўп, жаноб, — деди Дюваль. — Мен кўнғироқ қиламан.

Годдар ётоқхона олдидаги кичкинагина хонага кирди. Бошқа детектив у ерда кузатиш камерасидан ёзиб олинган лавҳаларни кўрсатар эди. Бутун суҳбат давомида Рэмзининг

юзидаги безовталик ифодаси ва Марваннинг хотиржамлиги уни хайратда қолдирди.

— Тўхтатинг, — деди бирдан Годдар яхшироқ кўриш учун олдинга эгилар экан. — Ҳа, шу ерни яна бир бор айлантинг.

Марван Рэмзига конверт узатарди. Рэмзининг биринчи таъсири — шок, кейин — қаҳр-ғазаб?! Нафрат?!

— Бу нима? — сўради Годдар детективдан. — Конвертдан у нима олди?

— Кўринмаяпти, — деди детектив, — жаноб Аккад фонни беркитиб турибди.

— Бошқа камераларнинг ёзуви борми?

— Йўқ, жаноб. Ўйлашимча, бор-йўғи шу.

— Бу қандайдир фотосуратми?

— Шунга ўхшайди.

— Катталаштириш мумкинми? Равшанроқ қилишнинг иложи борми?

— Ҳозирча йўқ, жаноб, — жавоб берди детектив. — Бошқармадаги бизнинг аппаратурамизда катталаштириб кўриш мумкин.

— Бир уриниб кўринг! — буйруқ берди Годдар. — Бирор натижа бўлса дарҳол мен билан боғланинг.

Гап шунда эдики, у Марсель Лемьени кўргани кўзи йўқ.

Буни бошқача қилиб айтиб бўлмайди. У билан иш ҳақида гаплашиш у ёқда турсин, оддий суҳбатлашишнинг ўзи Годдарнинг асабига тегар эди. Аммо нима қилмоқ керак? Клодетт Рэмзининг бедарак йўқолиши ва Бригитта Рэмзининг ўлдирилиши тўғрисидаги жиноий ишларни Лемье олиб борарди. Унга хабар бериш керак эди. У қотиллик юз берган жойни ва Рэмзининг хонасига ўрнатилган кузатиш камераси ёзувларини кўрса керак. У бу нарсалар тўғрисида Аккадга айтиб бериши керак. Чунки Аккадни ахтариб топишнинг иложи бўлса, у жуда керакли гувоҳ бўлиши мумкин.

Қолаверса, бутун Европа полициячилари орасида Лемье ҳақиқий қаҳрамон эди. У бир нечта шов-шув ишларни, машхур, бой-бадавлат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган одамлар билан боғлиқ қотилликларни фош этди.

Бироқ у Годдарга ёқмасди. Уларнинг икки бор бирга ишлашларига тўғри келган. Иккала ҳолатда ҳам унинг кўнглида ёмон таассурот қолган.

2000 йилнинг баҳор фаслида Монте-Карлода хордик чиқараётган француз дипломати ғойиб бўлди. Уч кундан кейин унинг хотинига хат келди. Хатда дипломат учун хотинидан катта миқдорда пул талаб қилинган. Аммо пул бермасликка қарор қилдилар. Бир ҳафтадан кейин Годдарнинг одамлари сувдан тўлқинлар қирғоққа отиб юборган дипломатнинг жасадига дуч келдилар. Ўша куни казиноларнинг бирида ишлаган официант аёлнинг мурдаси

топилди. У ўзини ўзи ўлдирган, шекилли. Бу икки қотилликнинг ўртасида бирор алоқа мавжудмикан? Годдар аёлнинг қариндош-уруғларини ва дўстларини сўроқ қила бошлади. Икки суткадан кейин у иккала қотиллик ўртасида бевосита алоқа борлиги тўғрисида эгри далилларга эга бўлди. Шунингдек, Годдар ишончли далиллари йўқ учта гумондор шахсларнинг исми ва фамилиясини билиб олди.

Айни шу пайт Лемье суқулиб кириб, бутун ишни ўз кўлига олди. Годдернинг ўз ходимларига айтишича, бу қилинган ҳаракат ишни тезроқ яқунлаш учун эмас экан. Бу жиноятлар умуман фош қилинмади. Барча маълумотлар эскирди. Гумондор шахслар озодликда қолдилар. Кўплаб далил-исботлар йўқолди. Тергов жараёни давомида (агар буни шундай ном билан атаб бўлса) Лемье ниҳоятда ўзига бино кўйиб, жуда кўпол муносабатда бўлди. Хуллас, охир—оқибатда, ишни “очиқ бўлмади” деб баҳона қилиб, Парижга жўнаб қолди. У ҳамманинг кўнглида хўрликни келтирадиган нохуш ҳис қолдирди.

Сўнгра Годдер билан Лемье 2003 йилнинг ёзида бир—бирига дуч келишди. Ўшанда 25 миллион долларлик яхтасига ўтириб, Монте-Карлодан Ўртаер денгизи бўйлаб саёҳатга чиққан француз магнати ва кема эгаси ўғиллари билан ғойиб бўлганди. Бу худди кеча бўлиб ўтгандек, ҳаммаси Годдарнинг эсида. Бошқармадан саҳар соат олтида кўнғироқ бўлди. Ғойиб бўлганнинг хотини асабийлашган. Оммавий ахборот воситалари саросимада. Газеталардаги шов-шув ва дабдабали сарлавҳалар.

Ҳар куни ҳам Франция премьер-министрининг дўсти йўқолавермайди. Лекин уларни топишнинг иложи йўқ эди. На қон, на жасад бор. Мутлақо ҳеч қандай из йўқ. Лекин ҳамма жавоб кутарди. Париж газеталари Монте-Карло ҳукуматини тинмай айбларди. Годдарни қисти-бастига олишарди: бармоқ излари, гувоҳлар, нимаики терговнинг

боришига ёрдам берадиган бўлса, ундан талаб қилинарди. У овқат ҳам емасди. Умуман уйку йўқ. Ҳолсизликдан унинг ходимлари ва ўзи ҳам шифохонага тушишларига сал қолди.

Ва ниҳоят нимадир юз берди. Нимани кутган бўлсалар, нима ҳақида илтижо қилган бўлсалар, ана ўша юз берди. Француз магнатининг ўғиллари бир одамга пул беришлари кераклигини Годдар синчиклаб билиб олди. Бу одамни улар рус банкири деб ўйласалар, аслида у рус мафиясига хизмат қиладиган айғоқчи бўлиб чиқди. Бундан ташқари, айғоқчининг Монте-Карлода квартираси борлигини, уни шаҳарда кўришганини ҳам Годдар билди. Қолаверса, айғоқчининг икки шеригини магнат ғойиб бўлган куни одамлар кўрганлар — улар катер ёлламоқчи бўлган эканлар.

Иш жойидан кўзғалди. Эндиликда Годдар тергов ишларини давом эттириши учун гумонланувчи шахс ва сабабга эга эди. У ишни жойида ҳал қилиш мақсадида Москвага учиб боришга рухсат сўраб, бошлиқларга мурожаат қилди. Аммо детективга рад жавоби берилганда, у хайрон бўлди. Ҳеч қанча вақт ўтмай унинг кабинетига Лемье ташриф буюриб, тергов ишлари унга берилганлигини айтди ва иш бўйича барча ҳужжатларнинг копиясини талаб қилди. Годдар рози бўлмади, аммо детективнинг норозилиги унинг бошлиқлари томонидан рад этилди.

Москвага Годдар эмас, балки Лемье жўнаб кетди. Бу жиноий иш ҳам тўхтатиб қўйилди. Чунки “банкир”нинг ёрдамчилари сирли равишда ғойиб бўлишган, унинг ўзи эса мутлақо арзимас қилиб кўрсатилди. Аммо Лемье мисли кўрилмаган мулозимликни намоён этди. Тез орада русларга қўйилган айблов бекор қилинди ва Лемье Парижга қайтиб келди. У бу ишни назорат қилиб туришга ваъда берди, аммо иш охирига етказилишига ва гуноҳкорлар жазога тортилишига ҳеч қандай умид қолмади. Қолаверса, рус “банкири”дан бир нечта ҳукумат бошлиқлари, шу жумладан,

Монако ҳукумати ҳам кечирим сўрашди. Годдарга келсак, “ҳеч бир асоссиз Монаконинг ҳурматли дўсти обрўсини шубҳа остига қўйганлиги учун” ойлик маоши сақланмаган ҳолда бир ҳафтага ишдан четлатилди...

Мана энди Европа детективларининг энг ашаддий безбети Марсель Морис Лемье қайтмоқда.

Дюваль балконга чиқди ва телефон гўшагини Годдарга узатди.

— Бу ўша, — деди пичирлаб Дюваль.

Годдар кўзларини ишқалаб гўшакни олди.

— Инспектор Лемье, сизнинг овозингизни эшитиб турганимдан жуда хурсандман, — деб ёлғон гапирди детектив.

— Сиз менинг дам олиш кунимни тўхтатдингиз.

— Минг афсус, жаноб, лекин менинг ўзга чорам йўқ. Сизга ёмон хабарларим бор.

— Сизнинг қўнғироғингизнинг ўзи мен учун ёмон хабар, — деб минғирлади Лемье.

Годдар аранг ўзини тутди. Бу одамга тоқат қилиш қийин.

— Сизга шуни маълум қилишим керакки, жаноб Рэмзи ўлдирилган.

Алоқанинг нариги четида сукунат.

— Рафик Рэмзими? — ниҳоят сўради Лемье.

— Минг афсуски, ҳа, — гапни тасдиқлади Годдар ва Рэмзининг ўлими ҳақидаги тафсилотларни қисқача баён қилди.

— Гумонланувчилар борми? — сўради Лемье.

— Ҳозирча йўқ, биз тергов ишларини эндигина бошладик. Ишончим комилки, сиз бунда ёрдам берасиз.

— Гувоҳлар-чи? — яна сўради Лемье.

— Биз ҳозир шу иш билан шуғулланмоқдамиз, — жавоб қилди Годдар. — Бир одам бор, қўриқчилик бюросининг катта администратори Марван Аккад. Рэмзи отиб ўлдирилганда, Марван у билан бирга эди. Эҳтимол, Рэмзи

уни ишга ёлламоқчи бўлгандир. Биз умид қиламизки, ким ва нима учун Рэмзининг ҳаётига хавф солаётганини у Марван Аккадга айтган бўлиши керак.

— Умид қиламиз деганингиз нимаси? — сўради Лемье. — Нима, сиз ҳали уни сўроқ қилмадингизми?

— Йўқ, — деди Годдар, — ҳозирча йўқ.

— Жуда яхши, — киноя билан гапирди Лемье. — Мен ўзим ундан сўраб оламан. Ҳозироқ аэропортга жўнайман. Йигирма дақиқалардан сўнг кимдир мени вертолёт майдонида кутиб олсин.

— Йигирма дақиқадан сўнг? — ҳайрон бўлди Годдар. — Сиз Парижда эмасмисиз?

— Йўқ, мен Ниццедаман.

Лемье бу гапни шундай айтдики, гўё Годдар буни билиши керак эди. Балки, билиши ҳам керакдир. Нега Дюваль бу ҳақда уни огоҳлантирмади? Годдар тасодифларни ёмон кўришини Дюваль билар эди-ку. Бу тентаклиги учун унинг танобини тортиб қўйиш керак. Аммо ҳозир эмас. Чунки Годдарнинг ҳозирда ниҳоятда ундан ҳам муҳимроқ иши бор.

— Яхши, жаноб Лемье, — жавоб берди у. — Менинг одамларимдан бири албатта сизни кутиб олади ва Рэмзининг уйига олиб боради. Бироқ сиз ҳозирча Марван Аккад билан гаплаша олмасангиз керак, деб ўйлайман.

— Нима учун? — қатъий оҳангда сўради Лемье.

— Марван ғойиб бўлибди.

— Ғойиб бўлибди?

Годдар чуқур нафас олди. Айнан шуни Лемьега айтишдан у чўчиб турган эди.

— Билишимча, ҳа. Тўс-тўполонда у ғойиб бўлибди. Лекин шаҳардан чиқиш йўлларинг ҳаммаси беркитиб қўйилган. Тез кунда биз уни излаб топамиз ва сўроқ қиламиз. У жуда ишончли гувоҳ бўлиши мумкин. Қолаверса, у ягона гувоҳ.

— Йўк, жаноб Годдар! — деди Лемье аччиқланиб. — Сиз жуда катта хато қияпсиз. Марван Аккад гувоҳ эмас. Мен учун у — асосий гумондор шахс.

— Гумондор шахс? – сўради Годдар. – Биз у ҳақда ҳеч нарса билмаймиз, — ким у, нима учун бу ерга келган — номаълум.

— Унда билинг, — деди буйруқ оҳангда Лемье. — Уни хибсга олиш тўғрисида буйруқ чиқаринг ва Миландан тортиб Марсельгача алоқадор бўлган шахсларни огоҳлантиринг. У қочиб кетишига йўл қўйманг. Акс ҳолда, жаноб Годдар, сиздан тортиб ҳамма детективларингизнинг боши кетади.

Ёмғир ёға бошлади. Марван ойна тозалагичларни ишга солди ва ўзи ишонмаган Худога, ёмғир трассада машинам сирпаниб кетмасин, деб илтижо қила бошлади. Бирданига жимжитликни бузиб ва уни чўчитиб қўл телефони жириглаб қолди.

— Алло?

— Марван, бу мен, Рамиман. Сиз етиб келдингизми?

— Йўқ, ҳали.

Марван олдин соатига, кейин харитага қаради. Унинг диққати ошди. Соат саккиз ярим бўлибди, у эса эндигина Марсельнинг бир четига кириб келмоқда.

— Рами, — деди у, — ўйлашимча, етиб боролмайман.

— Марван, сиз етиб келишингиз керак, — деди Рами. — Сизнинг бошқа иложингиз йўқ. Француз қамоқхонасидан эмас, Шимолий Африкадан мен сизни олиб кетишим мумкин. Ҳали узоқми?

— Чамаси, беш қилометрча бўлса керак, балки ўн километрдир, лекин соатга бир қарагин.

— Ҳа-ҳа, мен биламан, — деди Рами. — Сиз аэропортга етиб боргунингизга қадар, биз баъзи бир масалаларни ҳал қилиб олишимиз керак.

— Масалан, нимани?

— Аввалам бор, сизнинг телефонингизни, сизнинг айтишингизча бу телефон таксистники экан, тўғрими?

— Ҳа.

— Аммо сиз Прагадаги бизнинг кодимиз бўйича кўнғироқ қилганмисиз?

— Албатта.

— Демак, полиция сизнинг менга кўнғироғингизни кузатиб туролмайди, — деди Рами. — Аммо улар қаерга кўнғироқ бўлганлигини аниқлашга ҳаракат қиладилар. Шунинг учун бу телефон орқали сиз бошқа фойдалана олмайсиз. Бизнинг гапимиз тамом бўлгандан кейин телефонни ташлаб юборинг. Тушундингизми?

— Ҳа, тушундим.

— Касабланкага келганингизда янги уяли телефон сотиб олинг, — гапини давом эттирди Рами, — нақд пулга сотиб олинг. Қизғончиқлик қилманг, энг яхшисини олинг, токи унга ҳеч ким улана олмасин.

— Яхши.

— Ана шу янги сотиб олган телефонингиздан фақат менга кўнғироқ қилинг, бошқа ҳеч кимга!

— Хўп бўлади, бошқа ҳеч кимга қилмайман.

— Марван, мен ҳазиллашаётганим йўқ, — деди жиддий оҳангда Рами. — Сиз жуда чарчагансиз, сиз асабий ҳаяжондасиз. Сиз ҳозир нима қилаётганингизни билмайсиз, шунинг учун ниҳоятда эҳтиёт бўлишингиз керак. Бирор хатога йўл қўйишингиз мумкин эмас. Биз юз берган ходисаларни обдон ўйлаб, бирор фикрга келмагуниimizча, ҳеч кимнинг кўзига кўринмасдан сиз бир четда бўлишингиз керак. Сиз дўстларингиздан ҳеч ким билан учрашмаслигингиз, ёлғон-яшиқ гапларга қўшилмаслигингиз лозим.

— Бу унчалик қийин эмас, — ёлғон гапирди Аккад. — Мароккада мен ҳеч кимни танимайман.

— Яхши, — деди Рами. — Шундай бўлгани дуруст.

Рания Париждан кетиб ҳозирда Касабланкада яшаётганини Рами билмас эди, қолаверса, Марван укасига бу ҳақда гапиришни ҳозир истамасди.

— Ака, кулоқ солинг, — гапини давом эттирди Рами, — бир нарсани айтиш мумкин. Клодетт Рэмзи ҳақидаги фикрларингиз сизга панд бермади. У тирик, ҳозирда у Сан-

Паулада ва пулларни ўз ҳисобига ўтказиш билан овора. Демак, ҳамма ишнинг бошида ўша турибди. Бу ҳақда би-лишимиз — бизнинг фойдамызга.

— Нимаси ёмон? — сўради Марван. Марсельда ёгаётган ёмғир янада кучайди. Унинг елкаси қаттиқ оғриб, ниҳоятда азоб берарди. Ҳар дақиқа оғриқ зўрайиб борарди.

— Сиз Клодетт Рэмзининг ва у билан ишлаётганларнинг изига тушганингизни улар биладилар.

— Тушунмадим, — деди Марван. — Ахир, бу тўғрида менинг ўзим, Цюрих ва Сан-Пауладаги менинг ишончли одамларим биледи, холос.

— Улар икки ёклама ўйин олиб бораётган бўлсалар-чи?

— Буни тасаввур қила олмайман, — жавоб берди Марван. Мен уларни ўн беш йилдан ортиқроқ биламан.

— Улар Рэмзининг телефонидаги гапларни эшитишлари мумкинми? — сўради Рами.

— Монте-Карлодами?

— Йўқ, Парижда.

— Бўлиши мумкин, — укасининг гапини тасдиқлади Марван. — Аммо ким? Қўриқчилик бюросими?

— Ёки полиция, — деди Рами. — Ахир француз разведкасидан кимдандир шубҳаланаётганлигини Рафик Рэмзи айтган-ку.

— Ҳа.

— Демак...?

Марван ўйланиб қолди. Эҳтимол, укасининг гапи тўғридир.

— Сиз Рэмзига қўнғироқ қилганингизда нима ҳақда гаплашган эдингиз? — сўради ука. — Сиз фотосурат ҳақида гапирганмисиз? Сан-Паула ҳақида-чи?

— Йўқ, албатта, йўқ, — деди Марван. — Мен имкон қадар тезлик билан етказишим керак бўлган янгиликларим борлигини айтган эдим. Фақат Парижда эмас, шахсан у билан бирор жойда учрашим кераклигини таклиф қилдим.

— Монте-Карлода учрашишни сиз айтдингизми?

— Йўқ, у.

— Қаерда, қачон учрашиш кераклигингизни сизга у телефон орқали етказдимиз?

— Худди шундай.

— Мана сизга жавоб, — деди Рами, — демак телефон суҳбатлари эшитиб борилган.

— Ким эшитган бўлса, мен нималар ҳақида гапираётганлигимни тушунмаган, — деб фикр юритарди Марван. — Улар фақат бу жиддий ва хавфли эканлигини тушунганлар, холос. Клодет ва унинг одамлари саросимага тушиб қолдилар. Шунинг учун учрашувимизни барбод қилишга уриндилар.

— Айнан шундай бўлган, — деди Рами, — улар фақатгина Рэмзини эмас, балки сизни ҳам ўлдиришни режалаштирганлар.

— Демак, улар мен тириклигимни биладилар, — деди Марван, — уларнинг Монте-Карлодаги хужуми ижобий натижа бермабди.

— Яъни, улар кўркмоқдалар, — давом эттирди Рами. — Сизни улар топиб, йўқ қилмагунларича асло тинчимайдилар.

— Хуллас, то улар бизни топгунларига қадар, биз уларни тезроқ топишимиз зарур.

— Биз буни қандай амалга ошираемиз?

— Биринчидан, одамларни Сан-Паулага жўнат, — деди Марван. — Клодеттни топиш ва қочиб кетишига йўл қўймаслик зарур. Агар биз уни топгудек бўлсак, қолганларни бизга у кўрсатади.

— Шундай, — деди Рами. — Мен шу билан шуғулламан.

— Иккинчидан, Монте-Карлода терговни ким олиб бораётганлигини билгин, — гапини давом эттирди Марван. — Билгин-чи, терговчи жинойтчилар билан боғлиқ эмасмикан, ёки унга ишонсак бўладими.

— Тушундим, — деди Рами. — Яна нима?

— Парижда кимларни танийсан?

— Разведкада бир яхши дўстим бор, — жавоб берди Рами. — Сиз мени Парижга ваколатхона очишга юборганингизда у билан танишганман. Унда сиз ҳали Парижга бормаган эдингиз. Дўстим дурустгина лавозимда. У ҳаммани танийди. Қолаверса, у албатта мендан ёрдамни аямайди.

— Яхши. Эҳтимол, у бирор нимадан хабардордир. Аммо Рами, эҳтиёт бўлгин. Укажон, биз кимга қарши курашаётганимизни эсингдан чиқармагин.

— Хавотир олманг. Дўстим ниҳоятда эҳтиёткор.

— Яхши.

Ёмғир янада шиддат билан ёғарди, температура кескин пасайди. Аммо Марван узоқдан аэропорт белгисини кўрди. Мана, манзилга у етиб келганга ўхшайди.

— Суҳбатимизни якунлаймиз, — деди Марван. — Мен манзилга етиб келдим.

— Яхши, — жавоб қилди Рами. — Эҳтиёт бўлинг. Менга уч кундан кейин қўнғироқ қилинг.

— Албатта қиламан, — деди Марван. — Ҳа, Рами...

— Эшитаман, Марван?

— Раҳмат сенга.

— Ахир мен сизнинг укангизман-ку!

Марван аэропортнинг тўхташ жойига келди. Соат роппароса саккиз. У машинани тўхтатиш учун бўш жой топди-да, моторни ўчирди. Сўнгра салондаги қўл изларини яхшилаб артди, орка ўриндиқдаги нарсалари бор сумкани олди. Тез кетаётиб машинанинг калитини, пистолетни ва уяли телефонни ўша ердаги ахлат челақларга ташлади.

Асосий бинога у соат 8:12 кириб келди. Имкон қадар тезроқ, ўзига ҳеч кимнинг эътиборини қаратмай у ўз ячейкаси томон борди. Ячейка деб номланмиш темир яшиқни очиб, у ердан Марван бир нечта қалбаки паспортларни, ўнтача кредит карточкаларни (ҳар бир паспорт учун иккитадан) ва бир қанча пачка майда евро пулларни олди. У шунингдек, қўшимча кийим-кечакни, қўйқўзни яшил ранг қилиш учун контакт линзаларни ва кичик рюкзакни олди. Темир ячейка эшигини ёпиб, Клодетт Рэмзининг фоторасмини ахлат яшиқка ташлади ва яқиндаги хожатхонага кирди.

Соат 8:21-да “Роял Эр Марок” деразачаси олдига борди, чипта ва чиқиш талонини олди.

— Жаноб Карделл, тезроқ бўлинг, — деди эшик олдида турган малласоч хоним. — Самолётга чиқиш бошланди.

Марван паспорт текшириш жойига шошилди. Унинг олдида бир нечта одам турганди. Полициячилар ва гражданданча кийинган агентлар аллақачон бу ерга етиб келган эдилар. Аэропортни полициячилар босиб кетган. Марван навбатга турди ва ўзини табиий тутишга ҳаракат қилди. Аммо юраги дукиллаб урарди. У ҳозир ҳибсга олинини ва сўроқ қилиниш хавфидан фориғ бўлиши керак. Тинчланиб ўзини

тутиши ва ўзини ким қилиб кўрсатмоқчи бўлса, ўшандай бўлиши лозим.

У ўз фикрларини Ранига қаратишга уринди. Марван ўз юзида унинг силаётган қўлларини тасаввур қилишга, бағрида унинг иссиқ нафасини ва ёқимли атир ҳидини ҳис этишга ҳаракат қилди. Марван эшикни очиб кириб келганда, қиз нима дер экан? Марван нима дейди? Рания уни уйига киритармикан? Унинг дўсти, ёки турмуш ўртоғи бормикан?

Марван фақат у ҳақда ўйлагиси келарди, лекин навбат аста-секин сурилиб келар ва хаёллар уни бошқа томонларга етаклаб кетарди. Полиция нуктаи назаридан уни қайси тоифага хос деб биладилар? Уни гувоҳ сифатида қидирадиларми, ёки икки одамнинг жонига қасд қилган қотил сифатидами? Ёки уч бора қотиллик қилганда айблашадими? Франция ва Италиядаги барча аэропортлар, денгиз портлари, темир йўл вокзаллари ва меҳмонхоналар огоҳлантирилганмикан? Ёки фақатгина Монте-Карлодаги яқинларини огоҳ қилишганмикан? Қайсидир бир маънода у қочиб кетишга муяссар бўлдимикан, ёки унинг бўйнига арқон солиндимикан?

У ойнадаги ўзининг аксига назар солди. Илон териси билан қопланган туфли товонлари Марваннинг бўйини анчагина новча қилиб турибди. Йиртиқ джинси шим, қора футболка, “Трейтфул Дэд” ёзуви бор ранги ўчиб кетган джинси куртка, шу кўшиқчи гуруҳнинг хитлари унинг MP3-плейеридан эшитилиб тургани, қора кўзойнак ва елкасидаги куртка туфайли уни олдинги президентлар ва премьер-министрларнинг тан кўриқчисига эмас, Европа бўйлаб саёҳат қилиб юрувчи америкалик талабага кўпроқ ўхшатиш мумкин эди. Марван ўзини зўрға таниб оларди. Айни муддао.

Француз полициясидан саккиз хизматчи ҳужжатларни синчиклаб кўриб, металлловчи асбоб ёрдамида багажларни текширар эди. Унинг назарида, бутун диққат-эътибор гўёки унга қаратилгандай туюларди. Кўпдан бери у бундай

тарзда ҳаракат қилишига тўғри келмаганди. Бу гал ҳам секьюритни алдаб ўта олармикан?

Ва ниҳоят унинг навбати келди. Марван Монте-Карло меҳмонхонасида янги келин-куёвларнинг хонасидан ўғирлаб келган сумкани нарсалари билан текшириш учун конвейерга ташлади. Сўнгра у ўзининг сохта америкача паспортини, чиптасини ва самолётга чиқишга талонини кўрсатди.

Башараси бесўнақай, баҳайбат бульдог итига ўхшаш жандармнинг энг каттаси сочлари калта қилиб олинган ва тор форма кийиб олган эди. У ҳўмрайиб тикилиб турарди. Жандарм синчиклаб Марваннинг сохта ҳужжатларни текширди. Диққат билан ҳар бир ҳужжатни кўриб чиқди.

Марваннинг пульси тез ура бошлади.

Жандарм француз тилида ниманидир сўради.

— А? — деди Марван кулоғидаги плеейернинг наушнигини олар экан. У ўзини эсанкирагандай тутди.

Жардарм энди инглиз тилида гапирди.

— Жаноб Карделл, сиз қаёққа йўл олдингиз?

— Дўстим, мен Касабланкага кетяпман, — деб жавоб берди Марван калифорнийча акцент билан. — Аслида жаноб, Рабатга, агар такси тополсам.

Ёлғон детектори орқали жавоб бермаганига у хурсанд эди.

— Сиз бир ўзингизми?

— Афсуски, ҳа.

— Иш билан сафарга отландингизми ёки саёҳат қилишгами?

— Менинг хоҳишимча, фақат саёҳат қилишга деб ўйлайман, — шундай деб Марван кулиб юборди, токи текширувчи жардармнинг сал бўлса-да кайфиятини кўтариш учун. Зора шундан кейин уни тезроқ ўтказиб юборса.

Бироқ унинг қилган ҳазили ноўрин бўлди, шекилли. Аксинча, полициячи янада хушёр тортди ва унга тикилиб қаради. Унинг қараши одамни тешиб юборгидай эди.

— Сизнинг куролингиз борми?

— Йўқ, — деб жавоб берди Марван афсуслангандай.

— Наркотиклар-чи?

Бу жуда осон савол эди. У ҳеч қачон ҳаётда наркотик татиб кўрмаганди. Бироқ у ўз образидан чикмаслиги керак.

— Бугун йўқ, — деди у киноя билан.

Бу ҳам жандармни юмшатмади.

— Сизнинг ёнингиздаги пул ўн минг евродан кўпми?

Марван дарҳол ҳисоб-китоб қилди. Агар хато қилмаса, унинг ёнида икки минг еврога яқин пул бор. У яна илжайиб кўйди.

— Ҳазиллашяпсизми?

Жандар қошларини чимирди.

— Бу ерга келиш учун мен ўзимнинг “Харлей”имни сотишимга тўғри келди, — деб тушунтирди Марван. — Мана, пулнинг кўп қисми аллақачон тугади. Францияда ҳамма нарса шунчалик қимматли эканлигини мен тасаввур ҳам қилмагандим!

— Рабатда сиз қаерда тўхтайсиз?

Марван иккиланиб қолди. Франциядан чиқаётганда бирор марта унга бундай савол берганликларини у эслай олмайди. Уни фош қилишмоқчимиз? Нега унда ҳибсга олишмайди? Ҳаяжондан унинг томоғи қуриди.

— Севган қизимникида, — ниҳоят жавоб берди у.

Бу яна ёлғон эди. У Рания билан кўришмаганига ярим йилдан зиёдроқ бўлди. Қиз уйига кўядими, ёки йўқми — у билмасди. Қизнинг уйини топа олишига Марваннинг ишончи йўқ эди. Бироқ у жуда ҳолдан тойган. Елкадан яраланган жойи газак ола бошлаган. Меҳмонхонадан унга жой ажратилмаган, Мароккода унинг ҳеч бир дўсти-ганиши йўқ. Ҳозир эса, у ёққа учиб кетишга бундан бошқа ҳеч қандай ишончли сабаб кўрсата олмайди.

— Демак, наркотикларингиз йўқ? — яна бир бор сўради жандарм.

— Эҳ-ҳа, мен жинни бўлишим мумкин, аммо бу даражада эмас.

— Сизнинг сумкангизни кўришим мумкинми? — деди жандарм ҳамон ундан шубҳаланар экан.

Марван рухсат берди, шу дақиқада у Монте-Карлода сумкани олганда, ичида нималар борлигини текшириб кўрмаганлиги унинг ёдига тушди. Бу сумка эркакникими, ёки хотин кишиникими, у билмасди. Сумканинг ичида нима борлигини ҳозир у саккиз жандармлар билан биргаликда билиб олади.

Жандарм рюкзакни очишдан бошлади.

Яна бир джинси шим. Ювилиши керак бўлган иккита кир футболка. Ювилиши керак бўлган яна бошқа кийим-кечаклар. Уларнинг ичида тоза кийим ҳам бор экан. Плейер учун батарейкалар. Гришанинг юмшоқ муқовали “Фирма” номли китоби. “M&Ms”нинг очилган пакетчаси. Соқол олиш учун станок. Эски тиш чўткаси. Ярми ишлатилган “Crest” тиш пастаси тубиги. Дезодарант. Ва тилла узук солинган бахмалдан қилинган кичкинагина кутича.

Узукни кўргач, Марваннинг хаёли яна бошқа ёққа кетди. У бу узукни умуман эсидан чиқариб қўйибди. Марван узукни неча ойлар мобайнида эсламади. Ушбу узукни у Ранига совға қилганди. Қиз эса уни қайтариб берганди. Марваннинг қалбидаги ҳис-ҳаяжон ташқарига ўқдай отилиб кетишга тайёр эди. Бирдан Марван жандармнинг кўзларидаги илиқлик аломатини кўрди.

— Никоҳ қурмоқчимисизлар? — сўради у.

— Агар севгилим хоҳласа, — деб айтди Марван ўзини қўлга олишга ҳаракат қилиб. — Шундай бўлмаса, мен “Харлей”имни нима учун сотдим?

Жандарм салгина жилмайди ва бошини чайқади. У рюкзагдаги нарсаларни жойига солди ва сумкани очди. Марваннинг дами ичига тушиб кетди.

Не кўз билан қарасинки, сумка аёлларнинг кийим-кечагига тўла эди. Сумкага кўйлақлар, купальниклар, тор джинси шимлар, баланд ва паст пошнадаги туфлилар, тасаввур қилиб бўлмайдиган нарсалар жойланганди. Ҳамма нарсалар янги ва қимматбаҳо эди (баъзи бир кийимлар янгилигича биркаси билан турганди). Марван Аккад (ҳозирда Жек Карделл) бу нарсалар қаердан олинганлигини ва ким учунлигини тушунтириб бериши лозим эди. Марван нима дейишини билмай ҳайрон бўлиб турарди.

“Ҳайрон бўлганлигим юзимда акс этмадимикан”, деб ўйлади Марван.

— Сизни аслида Жек эмас, балки Жаклин Карделл деб аташ тўғри бўлармиди? — деб сўради жандарм ва кулиб юборди.

Америкалик йигитга тикилиб турган барча полициячилар ҳам кулиб юбордилар.

— Кечирасиз, — деди ва ниҳоят жандарм. — Мени тушунишимча, буларнинг ҳаммаси асал ойи учун, тўғрими?

Ва беҳосдан Марванга кўзини қисиб қўйди.

Марван ўз ҳаяжонини ошкор этмасликка ҳаракат қилди ва жандармга жавобан у ҳам кўз қисиб қўйди.

— Йигитнинг гули, мени тушундингиз-а...!

“Скелет” етиб келди.

Шундай ном билан Годдар ва Дюваль Лемьени аташган. Уларнинг айтишига кўра, Лемьенинг “фақат суяги бор, юраги йўқ”. Ҳозир у шу ерга келади.

Годдар балкондан майдонга вертолёт қўнганини, ундан новчадан келган, ориқ одам чикиб, уни олиб келиш учун юборилган ҳеч бир белгисиз бўлган машинага ўтирганини кўрди. Машинада кўп юриш мўлжалланмаганди, чунки майдон “Соверен Плейс” — зебо кўринишга эга бўлган кўп хонадонли комплексдан юз метрча узоқда жойлашган эди. Бу комплекс Рэмзи оиласи учун (шунингдек, масалан, Монаконинг маликаларидан бири учун ҳам) баъзида яшаш уйи бўлган.

Годдарнинг аниқлашича, Рэмзининг яна тўртта уйи бўлган. Бири — Алексанлрияда, Рафик катта бўлган Ўртаер денгизининг жанубий қирғоғида. Иккинчиси – Қоҳирага яқин шаҳарда, “Блю Найл Холдингз” асосий офисидан узоқ бўлмаган Маади шаҳридаги ҳашаматли уй. Учинчиси — Швейцариянинг Даво шаҳридаги қимматбаҳо қаср. Бу уйни Рафик кўпинча ижарага топширар эди, чунки эндиликда лижада кўп учуш унинг соғлиғи учун зарар эди. Ва ниҳоят, майдони қирқ гектарга тўғри келадиган ва Клодеттнинг кадрдон шаҳри ҳисобланмиш Парижга яқин жойлашган ажойиб уй. Бу ерда оила аъзолари ўзларининг кўп вақтларини ўтказар эдилар.

Монте-Карлодан уй сотиб олиш фикри Клодеттдан келиб чиққан. Буни Годдар уларнинг шахсий ошпазидан билиб олди. Отишма вақтида ошпаз ўз хонасида ўтирган

экан. “Бу ерда Клодетт аристократлар жамиятига хос тарзда хаёт кечирган”, деб хикоя қилади ошпаз. Клодетт кўплаб ўзининг бой ва бадавлат дўстларини қабул қилиш учун катта ва шинам уй бўлишини истаган. Бомонд вакиллари ёзда дам олгани келганларида, Клодетт уларга ўз маконини мактаниб кўрсатишни жуда яхши кўрарди.

Телефон жиринглаб қолди. Годдар гўшакни кўтарди. Сўнг қаттиқ овозда:

— У келмоқда! — деди ва ҳаммани ташқарига чорлади.

Икки марта қайтаришнинг зарурати йўқ эди. Скелет билан учрашишга ҳеч кимнинг истаги йўқ эди. Полициячилардан ҳар бири у билан қачонлардир бирга ишлашга тўғри келган. Шунинг учун ҳамма одамлар — расмга тушираётганлар, бармоқ изларини олаётганлар, қотиллик жойини ўлчаб турганлар, ўқларни йиғаётганлар имкон қадар тезроқ ишларини тугатдилар. Асбоб-анжомларини жой-жойига солиб, хонани тарк этишга шошилдилар. Аслида улар ўз ишларини яқунлаб бўлгандилар. Улар жасадларни олиб чиқиб бўлган, энди майда-чуйда ишлар билан банд эдилар. Агар улар керак бўлиб қолсалар, қайтиб келишлари мумкин. Эндиликда эса улар кетиш мумкинлигидан хурсанд эдилар, шу жумладан Дюваль ҳам.

Бир неча дақиқадан сўнг лифт эшиги очилиб, Лемье чиқиб келди.

— Жаноб инспектор, хуш келибсиз, — деди Годдар.

Лемье саломга алик қайтармади. Ҳеч нима демади. Жилмаймади ҳам. Ҳаттоки Годдарнинг узатган қўлини сиқиб ҳам қўймади. У дарҳол меҳмонхонанинг у томонидан бу томонига юра бошлади — секин ва ўйланиб, баъзида эгилиб, қон изларини ва мел билан қилинган чизикларни ўрганди. Уни, айниқса, отилган ўқларнинг бурчаклаб йўналганлиги қизиқтирди.

— Бўлганингиздан кейин мен сизга рўпарадаги хонани кўрсатаман. Қотил ёки қотиллар бу хонадан фойда-

ланганлар, — деб таклиф қилди кузатиб турган Годдар. — Менинг одамларим у ердан милтиқ ва нишон топиб олдилар.

Лемье жим турарди. У отилган гильзаларни санаб чиқди. Сўнгра у девордаги, китоб жавонидаги, стол, стуллардаги ва диванлардаги ўқ изларини кўришга киришди. Деразадан рўпарадаги бинога, эҳтимол, ўқ отилиши мумкин бўлган жойга қаради.

— Гильзаларда, афсуски, бармоқ излари йўқ, — деб давом эттирди гапини Годдар.

Лемье бу сафар ҳам индамади. Атрофда сукунат.

Годдар уни кузатиб турарди. Лемье жуда новча ва ниҳоятда ариқ эди. Эгнига кийиб олган қора лондон плаш суяк елкаларидан кафан каби осилиб турарди. Унинг юзи узунчоқ, хўмрайган эди. Лемьенинг ёши 62да бўлиб, Годдарнинг отаси билан тенг эди. Лемьенинг боши ҳам Годдарнинг отасиники каби кал бўлиб, фақатгина қулогининг устидан уч-тўрт дона толадан иборат соч осилиб турарди. Қирра бурун остида — кичкинагина оқ тушган учбурчак мўйлови бор эди.

Ҳаммасидан ҳам Лемьенинг кичкинагина, қўй кўзлари Годдарнинг жиғига тегарди. Юксак интеллект ва афсонавий фотографик хотирага эга кўзларда ҳеч қандай илиқлик, ёки қурбон бўлганларга, унинг оила аъзоларига нисбатан ҳамдардлик, қолаверса, ушбу котилликнинг айбдорларини аниқлаб, жазога тортиш учун меҳнат қилаётган одамларга нисбатан миннатдорлик руҳи асло намоён бўлмасди.

“Бундай шафқатсиз, золим одам бутун Европада қандай қилиб юксак мартабага эга бўла олиши мумкин?” — деган саволни Годдар ўзига ўзи берди. Ҳа, у очиб ташлаган жиноий ишларни бутун дунё криминалистлари ҳамон ўрганиб келмоқдалар. Ташлаб қўйилган ва охирида йўқ бўлиб кетган бошқа жиноий ишлар—чи? Нега энди гап

“буюк” Марсель Лемье ҳақида бораётганда, очилмаган ёки ниҳоясига етказилмаган жиний ишлар эътиборга олинмаслиги керак?

— Қотиллик содир этилган жойнинг ҳиссини ва ҳаттоки ҳидини мен қанчалик яхши кўришимни сизга ифодалаб беролмайман, — ниҳоят деди Лемье хонада у ёқдан—бу ёққа юрар экан. — Бу уста Моне ёки Монега ўхшаган рассомнинг ажойиб тасвири сингаридир. Жаноб Годдар, бу пуантилизмдир. Яқиндан бирор деталь, бирор тасвир ранги ҳеч қандай маънога эга эмасдай. Мана, сиз орқага бир қадам ташлайсиз ва кўзингизни юмиб бутун тасвирни тасаввур қилиш учун тўхтайсиз. Ана шунда арзимас икирчикирлар сизга ёрқин, шафқатсиз, қизиқ тарихни ҳикоя қилади. Айнан шундай буюк детективлар доимо йўл тутганлар. Улар кўзни юмиб ва қалбни ўлдириб, ҳикоя ортидан оғишмай борганлар.

Годдар жавоб қилмади. Лемьега нисбатан унинг бутун нафрати кўзиди. Эндиликда Лемьега таъриф беришда, Годдар салбий хислатлар рўйхатига яна унинг такаббурлигини ва улуғлик савдосини қўшиши мумкин.

Энди Скелет ярим йил олдин Париж қўриқчилик фирмаси томонидан бутун квартира бўйлаб ўрнатилган мини камераларни ўрганарди.

— Барча камераларнинг ёзувлари тайёрланган, — деди Годдар савол берилишини кутиб ўтирмай. — Ёзувлар рақамли, вақти кўрсатилган. Уларда ҳаммаси қайд қилинган: Рэмзининг Марван билан суҳбатлашгани. Рэмзининг қандай отилгани. Танқўриқчиларининг ўлдирилгани. Марваннинг қандай қилиб уларнинг куролини олгани. Ҳаммаси шу ерда. Ҳа, айтгандай, мен баллистика ҳисоботини олдим. “Меридьен” меҳмонхонасидаги жасадларнинг ҳеч бўлмаганда, иккитасида — уларнинг пистолетининг ўқлари аниқланди. Шубҳасиз, Марван отган.

Лемье тўхтаб, бошини кўтарди.

Лемьенинг қизикқанлигини кўрган Годдар рухланиб кетиб, кўшиб кўйди:

— Муаммо шундан иборатки, камералар нима юз берганлигини кўрсатади холос, лекин нега бундай бўлганлигини айтмайди. Овоз йўқ. Рафик Рэмзи ўз ҳаётининг сўнгги дақиқаларида нималар деганини фақатгина Марван Аккад билади. Телефон орқали сизга маълум қилганимдай, менинг ишончим комилки, адашмасам сизники ҳам, — бўлиб ўтган мудҳиш қотилликка фақатгина Марван ойдинлик кирита олади.

— Жаноб Годдар, сиз уни топдингизми? — сўради Лемье қандай жавоб бўлишини билиб турган бўлса ҳам.

— Йўқ ҳали, — деди Годдар, — лекин биз унинг изига тушдик.

— Қандай қилиб?

— Одам ташиш билан машғул бир компания машина йўқолганлиги тўғрисида хабар берди. Такси ҳайдовчиси сўнгги бор “Меридьен” меҳмонхонасидан кўнғироқ қилган. Уни топа олмаяптилар, унинг ўзи ҳам кўнғироққа жавоб қилмаяпти. Меҳмонхона менежерининг таъкидлашича, ғарб томонга машина йўл олганлигини унинг ўзи шахсан кўрган экан.

— Франция томонгами? — аниқлик киритди Лемье.

— Эҳтимол, шунақага ўхшайди, — жавоб қилди Годдар. — Ҳозир менинг одамларим кўчада ўрнатилган камераларни текширмоқдалар. Камералар машина ўтиб кетганлигини белгилаб олган бўлсалар, ажаб эмас.

Барча жойларга камералар ўрнатиш — бу бой — бадавлат мамлакат шаҳар ўзига раво кўриши мумкин бўлган юқори технологиялардан биридир. Монте-Карлода ҳамма ерга камералар ўрнатилган. Сени камерага туширмасларидан бир қадам ҳам кўя олмайсан. Ҳар доим ҳам қотилликнинг олдини олиб бўлмайди, бироқ камералар орқали юз берган қотилликни қайта кўриб, айбдорларни топиш жуда осон.

— Мехмонхона менежери кетаётган таксини қачон кўрган?

— Тахминан икки соатча олдин, — деди Годдар.

— Марванни ҳам шаҳарда бошқа кўришмаганми?

— Йўқ.

— Ницце аэропортида ҳам уни кўришмаганми?

— Йўқ.

— Канныда—чи?

— Йўқ.

— Йереда—чи?

Хонада у ёқдан—бу ёққа юраётган Лемье бирдан кескин тўхтади.

— У Марсельга йўл олмоқда, — деди у. — Мени зудлик билан аэропорт хавфсизлик хизмати бошлиғи билан уланг, тезроқ!

256 “Роял Эр Марок” рейси самолёти ёмғирли қоронғуликда учиб кетмоқда. Самолётда 140та йўловчи бўлиб, уларнинг бири Марван Аккад, ёки Жек Карделл эди.

Самолёт жануб томон бурилди ва Ўртаер денгизи устида 7 500 метр баландликда соатига 800 километр тезликда учарди. Стюардессалар яхна ичимликлар таклиф қилишди, пилот салондаги чирокни ўчирди, барча йўловчилар уйқуга кетишди. Марван ухлай олмасди. Яраланган елкаси жуда оғрирди. Ҳолсизликдан у бирдан терлаб кетарди, безгак тутиб кўнгли айнирди. У стюардессадан оғриқ қолдирадиган дори сўради ва уни кока-кола билан ичиб юборди. Сўнгра юзини ва кўлини ювиб олиш учун туалетга кирди.

У ичкарига кириб эшикни ёпиб олди ва ойнага қаради. Унинг кўриниши ўзининг ҳолига мос тушарди: юзи оқарган, кўзлари қизарган. Курткасини ечган эди, футболкаси қонга беланганини кўрди. Аэропортда кийинаётганда қоғоз салфеткаларни яраланган жойига қўйган эди. Салфеткалар қонни шимиб олибди ва ундан кейин футболкасига ўтибди.

Марван курткасини илгакка илиб қўйди, қўлларини совунлаб ювди ва ярасига ёпишиб қолган қоғоз салфетларни кўчириб олиш учун авайлабгина сув билан хўллади. Муолажа жуда оғриқли эди ва у ўйлаганидан кўпроқ вақтни олди. Бирдан эшикни стюардесса тақиллатди.

— Жаноб, — деб чақирди у, — сизга нима бўлди?

— Ҳеч нарса, ҳаммаси жойида, — жавоб берди Марван.

— Ростданми? — яна сўради у.

— Ҳа, ҳаммаси жойида дедим—ку, — жавоб қайтарди Марван.

— Биз ҳадемай кўнамиз, жаноб. Сиз жойингизга қайтиб, ўз ўрнингизни эгалланг ва ременларни қадаб олинг.

— Ҳа, албатта, — деди у. — Мен ҳозир бораман.

Марван ўзига бошқаларнинг эътиборини қаратишига ҳеч ҳожат йўқ. Ўзини жуда ёмон ҳис қилишига қарамасдан, оғриқдан афтини буриштириб шошар экан, у яраларини ювди ва тоза нам салфеткаларни яна кўйиб олди. Сўнгра юзини ювди, артинди, раковина ва столга теккан қонларни артиб, ишлатилган қоғоз салфеткаларни ахлат челақка ташлади. Эгнига курткани кийди ва яна ойнага тикилиб қаради, токи бирор жойида қон қолмадимикан. Сўнгра эшикни очиб ҳожатхонадан чиқди.

— Ҳаммаси жойидами? — сўради ундан стюардесса.

— Самолёт мени бирозгина чайқади, шекилли, — деб жавоб берди у, стюардесса мени тинч кўярмикан, деб ўйлаб.

— Чиндан ҳам сизнинг аҳволингиз жуда ёмон, — деди қиз. — Етиб келганимиздан кейин сизни шифокор бир кўриб кўйишини истайсизми?

— Бунинг зарурати йўқ, — жавоб берди Марван. Бирдан уни яна тер босди. — Қаллиғимнинг ўзи кўриб кўяди. Сиз жуда меҳрибон экансиз, ташаккур.

Стюардесса нари кетди. Аммо Марван жойига ўтириб, самолёт Касабланкага яқинлашганда, у яна хавотирлана бошлади. Ҳа, у Марселдан ва Европадан чиқиб кета олишни уйдалади. Лекин у бошқаларнинг эътиборини ўзига жалб этди. Бу аёл унинг юзини, кўзларини, хулқ-атворини эслаб қолди. Аёлдан Марван ҳақида сўраганларида, қанча вақт ўтган бўлар экан?

Марванни камида уч мамлакат полицияси қидирмоқда. Клодетт Рэмзини ва унинг каллақесарларини гапирмаса ҳам бўлади. Марванга улар қанчалик яқинлашиб келдилар экан? Аэропортда из қолдирганлигини у биледи. Изларини

топгач, полиция унинг Мароккога кетганини билиб олади. Агар икки кун ўтгандан кейин у тирик қолса, уни омади чопибди, деб ҳисоблаш мумкин.

Ниҳоят самолёт аэропортга қўнди. Марван ҳеч бир тўсиқларсиз паспорт назорати пунктидан ўтди, кирога машина олди ва шаҳарга жўнади. Ташқарида ноябрь ойининг кучли ёмғири ёғарди. Машина салони ҳеч исимас, ойнани артиб турувчи асбоблар яхши ишламаганлиги учун у йўлдаги кўрсаткичларни кўра олмас эди. У Касабланкада фақатгина бир неча бор бўлган, холос, ўшанда ҳам кортеж таркибида.

Бунинг устига Марваннинг яна иситмаси кўтарилди. У холсизланиб қолган, шунинг учун қаерда кетаётганлигини аранг билиб оларди. Икки марта унинг кўзи кетиб қолиб, зўрға ўз йўлига ўтиб олди. Ўзининг ҳолатини у яхши биларди, бироқ қўлидан ҳеч нарса келмасди: йўлни давом эттириши керак. У кўп қон йўқотди. Ўқ теккан жой шишиб кетган. У анчадан бери овқат егани ҳам йўқ, ухлагани ҳам йўқ. У шок ҳолатига тушиб қолишига оз қолди.

Кармонида эҳтиёт қилиб юрган қоғозчага адрес ёзилган эди. Қоғозда ёзилган манзилгоҳга етиб келганда, вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолганди. Катта Масжиддан унчалик узоқ бўлмаган жойда жойлашган кўпқаватли кулранг бино Мароккодаги бошқа кўпхонали биноларга ўхшаб кетарди. Бироқ унинг бошқалардан фарқ қилиб турадиган бир томони бор эди: бу бинонинг еттинча қаватида Марван учинчи синфдан бери яхши кўрган қиз яшайди.

Бу бинода яшовчилар сокин уйкуда эдилар, шунингдек, эшик олдида турган қоровул ҳам. Марван оёқ учида секингина унинг олдидан ўтиб кетди ва тепа қаватга зиналардан кўтарила бошлади, токи лифт шовқини чолни уйғотиб юбормасин деб.

Марван еттинчи қаватга кўтарилганда, нафаси қисди. Елкадаги оғриқ янада кучайди. Коридор унчалик ёриқ

эмасди, шунинг учун унинг кўз олдини туман босди. Томоғи куриди. “Менимча, 701–хонадон бўлса керак”. У ўзига керакли бўлган эшик олдида турарди.


Кўркувдан ва журъатсизликдан унинг юраги қаттиқ урарди. Уни нималар кутаётганлигини ўзи билмасди, аммо кўриниши ниҳоятда аянчли эканлигини яхши биларди. Бошқа нима ҳам қиларди? У у ёқ–бу ёққа қаради: коридорда ҳеч ким йўқ эди. Атроф жим-жит, фақатгина коридорнинг охирида кимнингдир телевизорни овози зўрға эшитилар эди. У эшикни тақиллатди. Жавоб бўлмади. У яна бир бор эшикни тақиллатди. Яна жавоб йўқ.

Марванни ваҳима босди. Қиз уйда йўқ. Вақт шунчалик кеч бўлганда, у қаерда юриши мумкин? У манзилни адаштириб қўймадимикан? Марваннинг боши айлана бошлади. У совуқни ва холсизланганлигини сизди. Эҳтимол, меҳмонхона топиб, эрталаб яна бир бор келсамикан? Қайси меҳмонхонага боради? Ахир, у меҳмонхонадан жой буюртма бермаган–ку. Ҳатто меҳмонхона қаердалигини ҳам билмайди. Қўнғироқ ҳам қилолмайди, чунки унинг телефони йўқ. Кўз ўнгида ҳамма нарса айлана бошлади. Оёқларида мадор қолмади.

Марван эшикнинг занжири товушини ва кулфнинг буралаётганини эшитди. Қаршидаги эшик очилди. Чирок ёруғи унинг юзига тушди, у афтини буриштирганича тескари қаради. Фаришта овозини эслатувчи ёқимли овоз ундан сўради:

— Марван, бу сизмисиз?

Марваннинг кўз ўнги қоронғулашиб, хушини йўқотди.



Клодетт Рэмзи катта вилладаги бассейн олдида каравотда ётибди. Вилла баланд тоғда жойлашган. У стакандаги муздай пина-колани трубочка орқали ичяпти. Сан-Пауланинг қиздирилган қуёш нурларини унинг бадани гўё ўзига сингдираётгандай эди.

У ўзини яқиндагина эркинликка эришган ва шу эркинликдан роҳатланаётган аёл сифатида тутарди. Шу ерлик хизматкор Клодеттнинг елкаларига ва белларига кокос ёғини суриб уқаларди. Сўнгги қилинган ишлар ҳақидаги янгиликларни кутар экан, аёлнинг асаблари ҳамон таранглашган эди. Ниҳоят, у феъли жуда оғир, золим — “фиръавн” билан энди яшамайди. Клодетт эри Рафик Рэмзини орқасидан “фиръавн” деб атарди. Хайриятки, кўзига тўнғиздай кўринган эрдан у халос бўлди. Рафик ўлди. Унинг тансоқчиси—чи? Уни ҳам йўқ қилишдимикан? Агар тансоқчи ҳам ўлдирилган бўлса, яна ким қолди? Эри ичидаги дардини яна кимга айтган бўлиши мумкин?

Уяли телефон жиринглади. Аёл ётган ўрнидан туриб ўтирди ва хизматкорини бошқа ишга буюрди. Ўзи ёлғиз қолганига ишонч ҳосил қилгач, телефон-раскладушқасини очиб сўради:

- Бу линия мутлақо ишончлими?
- Албатта, — деб жавоб қилди бир овоз бошқа томондан. — Нима, сиз мени жинни деб ўйлаяпсизми?
- Мен таваккал қила олмайман. Вазият қанчалик жиддий эканлигини ўзингиз яхши биласиз.
- Хавф остида турган фақатгина сиз эмас.

— Демак, ҳаммаси бажарилдими?

— Ҳаммаси эмас.

— Бу нима деганингиз? — сўради Клодетт аниқ жавоб кутар экан.

— Эрингизнинг масаласини ҳал қилдик. Аммо Марван Аккад қочиб кетди.

— Нега қочади? Ахир, мен уч гуруҳга пул тўлаганман.

— У — профессионал.

— Қайтанга, мен сизларни энг зўр профессионал, деб ҳисоблардим.

— Биз уни албатта топамиз, — ишонч билан айтди овоз. — Уни йўқ қиламиз. Бироқ буни амалга ошириш учун кўп вақт ва ундан-да кўпроқ пул керак бўлади.

— Бекорчи гап! — гердайиб гапирди аёл. — Бошқа бир цент ҳам бермайман. Сиз иккисини ҳам ўлдираамиз, деб айтгансизлар. Мен олдиндан пулини тўлаб қўйдим. Қолгани — бу сизнинг ишингиз!

— Рэмзи хоним, сиз баъзи бир нарсаларни унутиб қўйибсиз.

— Мени бундай атаманг! — талаб қилди у. — Бу исмни ёмон кўришимни сиз биласиз.

— Шундай бўлса-да, — гапини давом эттирди овоз, — сизнинг қаердалигингиз, нималар қилганингиз менга маълум. Қолган ҳаётингизни қамоқда ўтказишингизга мен-да етарлича далил-исботлар мавжуд.

— Фактлар сизга ҳам қарши гувоҳлик беради, — кўполлик билан жавоб қайтарди аёл.

— Шундайми? Қани, кўраамиз.

Клодетт аччиғи чикқанича, бассейн олдидаги майдончани қадамлар билан ўлчаб кўрди.

— Сиз мени кўрқитяпсизми?! Мени-я...

— Овозингизни ўчиринг! — деди нариги томондан келган овоз. — Ишнинг ўртасида ўз мажбуриятларидан бўйин товлаб, ишдан воз кечмоқчи бўлган ягона буюртмачи

мен деб ўйлаяпсизми? Бундай одамларнинг эсини киритиб кўйишнинг кўплаб усулларини биламиз. Менинг сизга маслаҳатим: ўзингизга бино кўйманг.

— Мен воз кечаётганим йўқ! — жавоб берди Клодетт. — Лекин мен келишганимиздан ортиқ пул тўламайман.

— Сиз қанча керак бўлса, шунча пул тўлайсиз. Бўлмаса, ўз ҳаётингизни берасиз! Сиз мени тушундингизми?

Клодетт турган жойида ёғочдай қотиб қолди. У берган ваъдасининг устидан чиқади. Қўлидан ҳар бало келади. Клодетт ўлишни хоҳламасди. У фақатгина эркин ва бойбадавлат бўлишни хоҳлайди. Бундай ҳаёт кечиришга унинг тўла ҳақи бор. Бригитта ваҳшийларча ўлдирилди. Клодетт бундай бўлишини кутмаган, бу учун пул тўламаган. У ўз шахсий ҳаётидан хавотирда.

— Яхши, — деди у чуқур хўрсиниб. — Ишни яқунлаш учун сизга яна қанча пул керак?

Бўғзидан отилиб чиқаётган хайкирикни Рания Фаваз зўрға тўхтатиб қолди.

У саросимага тушган, кўзларига ишонмас эди. Марван Аккад билан у тахминан ярим йилдан бери кўришгани йўқ. Қиз янги ҳаёт — Марвансиз ҳаётни бошлаш учун Париждан кетиб Касабланкадан иш топди. *Марван қандай қилиб уни топди? Нега у бу ерга келди? Унга нима бўлди экан?*

Бир кўли билан халатини ушлаб, Рания Марваннинг пульсини ва пешонасини пайпаслаб кўрди. Марван эшик олдида хушсиз ётар, лекин тирик, иситмаси жуда баланд. Марваннинг кўйлагидаги қон изларини кўриб, қиз астагина куртканинг олдини очди. Рания жароҳатни кўрди, қандай даҳшат!

— Лайло! — деб пичирлаб чақирди у кўшнилари уйғотиб юбормаслик учун. — Лайло, тезроқ бу ёққа кел!

Кўшни хонада яшовчи Лайло бемаҳалда уйғотганларидан норози бўлиб, аранг ўрнидан турди, уйкусираганича қоқиниб меҳмонхонага келди. Кўзларини ишқалаб қараса, уларнинг эшиги олдида қандайдир одам бошқача бўлиб ётибди.

— Бу ким? — сўради Лайло.

— Марван Аккад, — жавоб қилди Рания уни секингина чалқанчасига ётқизар экан.

Лайло оғзини очганича, донг қотиб қолди.

— Марван? Бироқ ўйлашимча... Бу ерда у нимага ётибди?

— Ёлғиз Худо билади, — деди Рания. — Қара, у ярадор.

— Ярадор?

Лайло кўрқиб кетди.

— Лайло, уни уйга олиб киришга ёрдамлашвор, — деди Рания.

— Нима, сен жинни бўлдингми? — сўради Лайло. — Биз полицияга хабар беришимиз керак.

— Йўқ! — тез жавоб қилди Рания қатъий оҳангда.

— Нега? — Сўради Лайло.

— Мен сенга кейин тушунтириб бераман.

— Йўқ, ҳозир тушунтир! — талаб қилди Лайло.

— Секинроқ! — пичирлади Рания.

— Менга ҳозир тушунтир! — деб гапида туриб олди Лайло.

— Ҳозир эмас, — деди Рания. — Бу ерда эмас. Коридорда айтолмайман.

— Менинг хонадонимга уни олиб киришинг учун сенга ёрдам беролмайман.

— Бизнинг хонадонимизга, — унинг гапини тўғрилади Рания. — Агар эсингда бўлса, ижара ҳақининг ярмини мен тўлайман.

— Аммо шартнома менинг номимга расмийлаштирилган, — жавоб қилди Лайло. — Шунинг учун мени ҳайдаб чиқаришларини хоҳламайман. Бунинг устига, Франциядан келган қандайдир қочоқни деб, мени ҳибсга олишларини ҳам истамайман.

Рания қаддини ростлади ва дугонасининг кўзларига тикилиб қаради. Уларнинг иккови ҳам ҳамшира бўлиб, қайсидир касалхонанинг бир бўлимида бирга ишлар эдилар. Иккисидан бири Марванга керакли ёрдамни кўрсата олишига Рания ишонмасди, аммо бир ҳаракат қилиб кўриш лозим.

— Лайло, у ўлиб қолади. Биз уни шу аҳволда қолдиролмаймиз.

Лайло кўнмади.

— Тўғри. Биз полицияни чақирамиз, полиция унга ёрдам бериши мумкин.

Лайло телефонда кўнғироқ қилиш учун бурилди, аммо Рания унинг кўлидан тутди.

— Дугонам сифатида сендан илтимос қиламан, ёрдам бер, — ялиниб-ёлворди Рания.

— Кўлимни кўйиб юбор!

— Сен менга ёрдам берасанми? — деб сўради Рания Лайлонинг кўзларига тикилганича.

— Мени кўйиб юбор, дедим сенга! — гапида қатъий турарди Лайло.

— Майли, менга ёрдам бермай кўяқол, — деди Рания, — аммо эртага эрталаб ўтган ҳафта касал бўлмаганингни доктор Рамизга албатта етказаман.

Лайлонинг аччиғи чикди.

— Сен бундай қилолмайсан.

— Нега энди? — сўради Рания. — Мен ўшанда ёнингни олиб, докторга сени касал деб айтдим, чунки мен сени ҳақиқий дугонам деб ҳисоблаганман. Агар доктор Рамиз, ўтган ҳафта сен испан дўстинг билан бир ҳафта мобайнида Тенерифда серфинг билан шуғулланганингни эшитса, ўйлаб кўр-чи, нима дейиши мумкин эди?

— У сени ҳам ишдан бўшатади, — деди Лайло. — Ёлғон гапирганинг учун.

— Бўлиши мумкин, — жавоб берди Рания ҳамон дугонасининг кўлини тутганича. — Агар Раул ҳақида отанга айтиб берсам, у нима қилишини биласанми? Унинг таъқиқлашига қарамасдан, Раул билан яширинча учрашаётганингни отанг биладими? Мехмонхоналарда икковингиз бир хонада қолишларингиз-чи?

Лайло кўлини тортиб олди.

— Хўп, мен сенга ёрдам бераман, — деди у. — Аммо Раул ҳақида оғиз очмайсан. Агар отам билиб қолгудек бўлса...

Бирдан рўпарадаги квартирада чироқ ўчиргичининг шиқиллагани эшитилди, кейин эшик тагида ёқилган чироқнинг ёруғи тушди. Бадави хонимнинг хонадонида қандайдир ҳаракатлар бошланди. Қўшниларнинг ичида энг кўп гапирадиган ва тўполон кўтарадиган Бадави хоним эди. Агар у Марванни кўриб қолгудек бўлса, албатта полицияга хабар беради ва юз берган воқеадан ҳаммани огоҳ этади.

— Тезроқ! — деди пичирлаб Рания.

Улар Лайло билан – иккиси ҳам нозиккина қизлар — Марванни кўл-оёғидан кўтариб хонага олиб кирдилар ва дарров эшикни ёпдилар. Салгина нафасларини ростлаб, уни меҳмонхонадаги диванга ётқизиб, устини кўрпа билан ёпиб қўйдилар.

Рания тиббий чамадончасини, Лайло эса — тоза сочиқларни олиб келди. Сўнгра Рания кўрпани суриб, Марваннинг куртқасини ечди ва футболқасини қайчи билан кесди. Иккови ҳам ярани кўриб ижиргандилар.

— Ярага инфекция тушибди, — деди Лайло.

Рания Марваннинг иситмасини ўлчади ва бош чайқади.

— Иситмаси 40.

Ҳис-ҳаяжонларини ичига ютиб, Рания нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлади. У кичкинагина стерилланган скальпель ва докани олиб, ярани тозалай бошлади. Сўнгра яраланган жойга антисептик билан ишлов берди. Бундай муолажа ниҳоятда оғриқ беради, аммо Марван сесканмади, хотто кимирламади ҳам.

— Рания, биз уни шифокорга кўрсатишимиз керак, — деди Лайло, Раниянинг ўзи севмаган одамга, унинг гапи бўйича, бирор ёрдам қилишга уринаётган жонсарак дугонасини кўриб. — Агар биз шундай қилмасак, у ўлиб қолиши мумкин, биз қилган хатомиз учун жавоб беришимиз керак бўлади.

— Уни шифокорга кўрсатиш мумкин эмас, — жавоб берди Рания.

— Нега? — сўради Лайло.

— Сенингча, агар мумкин бўлганда, унинг ўзи полицияга ёки шифохонага мурожаат қилмаган бўлармиди? — деб сўради Рания дугонасидан кўз ёшларини артиб. — Бирор кўнгилсизлик юз берган бўлса керак. Акс ҳолда бу ерга — менинг олдимга келармиди? Бунинг сабаби бўлса керак.

— Уни кидиришяптимикиан?

— Билмадим.

— Лекин у сени қандай топиб келди экан? — сўради Лайло. — Мен ўйлабманки...

— Мен билмайман, — Рания ўйланиб қолди. — У ҳар доим кашфиётчи бўлган.

— Бу ишни қилганлар ҳам шундай “кашфиётчи” бўлсалар-чи? — сўради Лайло. — Агар уни ўлдириш учун улар бу ерга келсалар, нима бўлади? Сен, нима, тушунмаяпсанми? Улар бизни ҳам қўшиб ўлдирадилар.

Рания хўнграб йиғлаб юборди. Лайлонинг гапи тўғри. Марван жон таслим қилмоқда, унга ёрдам бериб, улар ўз ҳаётларини хавф остига қўймоқдалар. Лекин қачонлардир қандайдир бир сабабларга кўра улар ажралиб кетишган бўлсалар-да, Рания индамай қўлини қовуштириб ўтиролмади.

Қиз хонасига югурди.

— Қаерга? — сўради Лайло.

Рания иш кийими, оқ халатини эгнига кийди. Кармонини ва гувоҳномасини олиб эшик томон борди.

— Қаерга кетяпсан? — яна сўради дугонасидан Лайло.

— Шифохонага.

— Рания, ақлингни еб қўйибсан!

— Менга баъзи бир нарсалар керак.

— Нима деяпсан? Сенга нима керак?

— Антибиотиклар, плазма ва оғрикни қолдирадиган дорилар.

— Ҳозир ярим кеча-ку!
— Биламан. Мен йигирма дақиқалардан сўнг келаман.
— Бу йигирма дақиқада у ўлиб қолиши мумкин.
— Аммо сен шифохонадан бирор нима олишингга ҳаққинг йўқ, — деди Лайло.

Рания шкафдаги пальтосини олиб кийди.

— Менинг бошқа чорам йўқ.

— Сени тутиб олишса-чи?

— Эҳтиёт бўламан.

— Бу жуда хавфли.

— Хўп, қандай таклифинг бор? — сўради Рания.

— Мен Раулга қўнғироқ қиламан, — деди Лайло. — Бу ҳафтада у кечасилик сменада туради.

— Йўқ, — деди Рания. — Марван ҳақида иккимиздан бошқа ҳеч ким билмаслиги керак.

— У ҳеч кимга айтмайди.

— Раҳмат, дугонажон, мен сендан миннатдорман. Аммо буни ўзим қилишим керак.

— Нимага? — сўради Лайло. — Сен ўз ҳаётингдан, ишингдан, нимаики бўлса, ҳаммасидан нима учун воз кечмоқчисан? Марван Аккад учунми? Ахир, уни бошқа кўришни истамаслигингни ўзинг айтдинг-ку. Ҳа, ўзинг айтгансан.

— Биламан, — деди Рания сумкасидан калитларни олиб. У Лайлога ўгирилди-да, унинг юзидан ўпиб қўйди. — Лекин нима учунлигини мен сенга айтмадим. Агар сен билганинга эди, албатта мени тушунган бўлардинг. Фақат сени тутиб олмасликлари учун ибодат қиламан, деб менга сўз бер.

— Сўз бераман, — деди секингина Лайло.

Шундай қилиб, Рания уйдан чиқиб кетди.

Рания машинани шифохонанинг орқа томонида қолдирди ва бир нечта эшикларни тортиб кўрди. Ҳаммаси ёпиқ эди. У ён тарафдаги эшикларни тортиб кўрди, аммо уларни ҳам тунда беркитиб қўйишибди. Фақатгина тез ёрдам эшиги томонидан кириш мумкинлигини у тушунди, демак, қоровулнинг ёнидан ўтиши керак. Яъни қоровул уни кўриши, эҳтимол, бирор нимани сўраши мумкин. Ёки бўлмаса, унинг келганлигини дафтарга қайд қилиб қўйиши ҳам мумкин (аммо Рания қандай сабабни кўрсатади?). У соатига қаради. Бошқа чораси йўқ.

— Фаваз хоним, мен ҳеч қачон сизни бу ерда бунчалик кеч юрганингизни кўрмаганман, — деди қоровул киз унга гувоҳномасини кўрсатгач.

— Мени доктор Рамиз чақиртирган экан, — деб ёлғон гапирди Рания, — бир нималарни олиб кел, деб илтимос қилганди.

— Тинчликми? — сўради қоровул.

— Албатта, — жавоб берди у. Қизнинг юраги тез-тез уриб кетди. — Эртага доктор бир нечта мижозни кўриқдан ўтказиши керак экан, унинг баъзи бир дори-дармонлари йўқ экан. Тезгина олиб чиқаман.

— Ёрдам керакми?

— Йўқ, ҳаммаси жойида, — жавоб берди Рания хизматдошини алдаётганлигидан уялиб. Бундан ташқари, у ўз ишини ҳам хавф остига қўймоқда эди. — Мен тезда чиқаман.

— Яхши, — деди қоровул. — Мана бу ерга имзо қўйинг.

Қоровул журналда Рания имзо қўйиши керак бўлган каторни кўрсатди. Қиз ручкага бир қаради-да, буларнинг ҳаммаси нималарга олиб келиши мумкинлиги ҳақида ўйлади.

— Нима бўлди? — деб сўради қоровул қизнинг ўйла-ниб қолганлигини сезиб.

Рания бир дақиқага кўзини юмди-да, сўнг эснади.

— Йўқ, шундай, мен бирозгина чарчадим, — деб жавоб берди қиз.

Рания ручкани қўлига олди ва имзо қўймоқчи эди, аммо ручка ёзмади.

— Ёзмаяпти, — деди қиз.

— Шундайми? — сўради қоровул. — Уни бир силкитиб юборинг.

Ручкани Рания яхшилаб силкитди ва яна бир бор ёзиб кўрди. Лекин ручка барибир ёзмади.

— Бу қанақаси бўлди? — деди қоровул. — Мана, менинг ручкамни олинг.

Қоровул чўнтақларини пайпаслаб кўрди, аммо ручка жойида йўқ эди.

— Таажжуб, — деди у столнинг устини қараб, кейин столнинг тагига эгилиб қаради. — Ҳозиргина ручка шу ерда эди.

Рания соатига қаради.

— Мен шошиб турибман, — деди қиз. — Балки мен тепага югуриб чиқиб, доктор Рамизга керакли бўлган нарсаларни олиб чиқсам бўладими?

Қоровул ҳамон ручкани қидирарди.

— Тушунмадим... — деб ғудурлади у паришон, хаттоки жиғибийрон бўлиб. — Бу менинг яхши кўрган ручкам эди.

Тез орада қоровулдан жавоб ололмаслигини Рания тушунди, у бўлса имкон қадар тезроқ Марваннинг олдига қайтиб бориши керак. Шунингдек, Лайлонинг олдига ҳам, токи у айниб қолиб полицияга қўнғироқ қилиб қўймасин.

Қиз лифт томонга қаради, лекин бу кўп вақтни эгаллаши мумкинлигини ўйлаб, зиналардан тез кўтарила бошлади. Қоровул ҳамон ручка қидириш билан овора эди. Рания учинчи қаватда жойлашган муолажа хонасига югурди.

Қаватжим-жит эди. Битта хамшира стол олдида ўтирарди, иккинчиси эса касалларни бирма-бир кўриб чиқарди. Тез ҳаракат қилиш лозим. У керакли калитни топиб, эшикни очди ва хонага кирди. У қўшимча хонани очиб ичкарига кирди. Рания керакли бўлган ҳамма нарсаларни олди-да, сумкасига солди. Бирдан оёқ товушлари эшитилди. Қиз чирокни ўчириб, бурчакка беркиниб олди.

Эшик очилди. Кимдир чирокни ёқиб, хуштак чалганича ичкарига кирди. Раниянинг юраги тўхтаб қолгандай бўлди. Бу Лайлонинг дўсти, Рауль эди. *Рауль бу ерда нима қиляпти? Балки, Лайло унга қўнғироқ қилгандир? Ёки айтиб бергандир?* Вазият тобора кескинлашиб борарди. Қиз бу ерда кечаси нима қилаётганлигини тушунтириб беролмайди. Агар Рауль қизни сотиб қўйса-чи...

Бундай фикр Ранияни чўчитиб юборди. У бу ҳақда ўйлашни хоҳламасди. Раниянинг нафаси ичига тушиб кетди. Қиз Раулнинг оёқларини кўрди, у дарчага қараб тинмай хуштак чалаётганини эшитди. Раниянинг бу ердалигини у билмайди, агар билганда у ахтарарди. Рауль светни ўчириб, хонадан чиқиб кетди.

Рания нафас чиқарди. У дир-дир титрарди. Қиз бир неча дақиқа, “Яна бирор кимса келмаяптимикиан”, деб кулоқ солиб турди. Аммо атроф жим-жит эди. Рания секингина ўрнидан турди, ҳеч нарсага тегиб кетмаслик учун аста чиқишга ҳаракат қилди. Керакли ҳамма нарсани олди. Бирор кор ҳол юз бермасидан тезроқ кетиши керак.

Коридорга эгилиб қаради. Йўл очиқ эди. Сумкани кўкрагига босганича зина томонга юрди ва учинчи қаватдан пастга югуриб тушди. Сал нафасини ростлаб олиш учун биринчи қаватда тўхтади. Сўнгра тезлик билан чиқиш

томонга отилди. Телевизор кўриб ўтирган қоровулга боқмади ҳам.

Эндигина эшикдан чиқиб кетмоқчи эди, уни чорлаган овозни эшитди.

— Фаваз хоним, тўхтаган!

Рания турган жойида қотди.

Бу қоровул эди. У Ранияни фош қилди. Лекин қандай қилиб?

Қиз тез-тез нафас оларди. Боши айланди. Нима қилиш керак? Қочиб кетолмайди — уни тутиб олишади. Жуда бўлмаганда уни департация қилишади. Агар...? Йўқ, бу тўғрида у хаттоки ўйламайди ҳам.

Рания ўзини хотиржам қилиб кўрсатишга уринди ва секингина бурилди. Лекин унда нажот қолмади. У ўзида кўркув ва заифликни ҳис қилди. У ўз тақдирига, Марван ва Лайлонинг тақдирига ўзини бағишлаши керак. Улар қонунни буздилар, шунга яраша жазоланишлари лозим. Бу қандай содир бўлди?

Қоровул ўрнидан турди. Унинг юзида ҳеч қандай ваҳима йўқ эди. У жилмайди.

— Фаваз хоним, қаранг, мен ручкамни топдим, — деди у кизни ҳайрон қолдириб. — Бу ёққа келинг, келганингизни ва кетганингизни қайд қилиб қўйишингиз лозим.

Қоровул хурсанд эди, Рания бўлса йиғлаб юборишига сал қолди. Лекин 10 дақиқадан сўнг у уйида турарди.

— Намунча қолиб кетдинг? — сўради Лайло.

— Тезроқ кела олмадим, — деди Рания, — баъзи бир муаммолар пайдо бўлди.

— Қандай муаммолар?

— Бўлди, ҳаммаси жойида.

— Йўқ, Рания, ҳаммаси эмас.

— Нима воқеа юз берди?

— Марваннинг ҳарорати 40дан ошиб кетди.

Марсель аэропортининг хизматчиси ўлдирилган таксичининг жасадини эрталаб кўриб қолибди. 15 дақиқадан кейин бу жойни полиция ўраб олди, соат 7.30да инспектор Жан-Клод Годдарнинг Монте-Карлодаги телефони жиринглади.

— Ҳа, — деди кабинетда мизғиб қолиб уйғонган Жан-Клод. Кечаси у шу кабинетда тунаган эди. — Ҳазиллашяпсизми?...Қаерда? Жасад топилган жойга кўриқловчи соқчиларни кўйдиларингми? ...Йўқ, биз вертолётда етиб борамиз. ...Ҳаммасини тайёрлаб кўйинглар... Баракалла! Офарин!

Колетт Дюваль ҳаммасини ташкил қилиши учун Годдар унга кўнғироқ қилди. Сўнгра Лемьега кўнғироқ қилиб, янгиликларни айтди. Улар изни топдилар.

Годдар ховучига икки-уч марта сув тўлдириб юзини ювди, тишларини тозалади, сочларини таради. Сўнгра столнинг ичидаги кутидан тоза кўйлагини топиб, кийиб олди. Значок, пистолет, кармон ва калитларни олиб, кираверишда Дювальни кутиб олди. Дюваль уни аэропортга олиб кетди. У ерда иккови Лемье билан учрашишлари керак эди.

— Кўринишингиз жуда ёмон, — деди Дюваль ярим бўш кўчалардан кетаётганларида.

— Ўзимни ундан ҳам баттар ҳис қиялман, — жавоб берди Годдар.

— Уйингизга кетмадингизми?

— Қандай кетардим? — деди у ёзувларини варақлар экан. — Марван ҳақида бирон янгилик борми?

— Тонг сахарда соат 4 да электрон почта орқали сизга жўнатганларим, холос, — жавоб берди Дюваль, — лекин соат 10 да Бейрут ва Париж билан конференц-алоқа белгиланган. Яна бирор янгилик бўлса, сизга хабар бераман.

Дюваль тўхташ жойига бурилди. Вертолёт тайёр турган экан. Годдар портфелини олиб, машинадан тушди.

— Мен билан жойингизни алмаштиришни хохламайсизми? — моторларнинг гувиллашига қараганда янада каттикрок бақирмоқчи бўлди Годдар.

— Ҳа, кунимни Скелет билан ўтказиш учунми? — деб бақириб жавоб қилди Дюваль. — Сизга ҳавасим келади, аммо бундай имкониятдан сизни маҳрум қилмоқчи эмасман.

— Жуда кулгили, — деди Годдар. — Марван билан шуғулланишни давом эттиринг.

— Давом эттирмоқдамиз.

Инспектор Лемье келди, вертолёт кўтарилди.

— Шундай қилиб, жаноб Годдар, — деди Лемье бир неча дақиқадан сўнг, — Марванга қарши қандай далилларингиз бор?

Бошланди.

— Унинг тўлиқ исми Марван Адиб Мусо Аккад, — деб гап бошлади Годдар улар Франциянинг тепасидан ўчиб ўтаётганларида. — Исми — Сайд, 14 февраль 1978 йилда Ливанда туғилган. Отаси Адиб — банкир бўлган, онаси Сора — мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1973 йили оила Бейрутга кўчиб келади. Қолган маълумотлар унчалик тўлиқ эмас. Бизга шуниси маълумки, Марваннинг яққаю ягона укаси Рами 1982 йили туғилган. Маълумотларга кўра, Марван 1996 йили Ҳарбий хизматга борган, ўзини яхши томондан кўрсатган, унинг лавозимини кўтарганлар. Кўплаб жиддий қисмларда хизмат қилгач, уни махфий хизматга ўтказганлар, 1998 йили мудофаа вазирининг танқўриқчиси бўлиб хизмат қилган, 1999 йилдан 2001 илгача премьер-министрни қўриқчиларидан бири бўлган.

Годдар Дювалдан олинган маълумотларнинг тўлик матнини кўриб чиқди.

— Марван Аккад давлат хизматидан 2003 йили кетган, — гапани давом эттирди Годдар. — Ҳарбий хизматдан кетгач, “Аккад ва ҳамкорлар” номли кўриқчилик компаниясини ташкил этган. Бизга маълум бўлишича, улар асосан ўғирланган одамларни излаб топши ва Ироқда хизмат кўрсатаётган “Вестерн Ойл” компанияси ходимлари ва бошқарувчиларининг хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланадилар. Сўнгги вақтларда Аккад ва унинг ҳамкорлари “Вестерн Ойл” компанияси ходимлари ҳамда бошқарувчиларининг хавфсизлигини Ливанда ҳам таъминлаб келмоқдалар. Шунга кўра, Форс кўрфази худудида бой-бадавлат мижозлар туфайли уларнинг бизнеси муваффақият билан ривожланмоқда. Компания сайтида фақат мижозлар рўйхати ва Бейрутдаги асосий офис алоқа маълумотлари мавжуд. Менинг ҳамкасбим Колетт Дюваль кеча кечкурун улар билан боғланишга ҳаракат қилди, лекин компания офиси ёпиқ экан. Бир соатдан кейин у яна бир бор уланишга ҳаракат қилиб кўради.

— Ҳаммаси шуми? — сўради Лемье.

— Ҳозирча шу, — деди Годдар Лемьенинг энсаси қотиб берган саволига жавобан.

— Сиз мени буларнинг ҳаммасини билмайди деб ўйлаяпсизми? — сўради Скелет жаҳли чиқиб. — Бу маълумотларни мен шундоққина хизмат жойимга қўнғирок қилиб олдим. Бу жуда бўлмаганда, менинг беш дақиқа вақтимни олди, холос. Менинг котибам Марван Аккад тўғрисида сизга қараганда кўпроқ билади, жаноб Годдар. Манако фақатгина шунга қодирми?!

Годдар ўзини тутишга ҳаракат қилди. Баъзида бу скелет башарани у яхшигина дўппослагиси келади, лекин Годдар бундай қилолмайди. Қолаверса, у ўзини тута билмас-

дан Лемьега хурсандчилик бахш этмоқчи эмас. Шу тарика Лемье Годдарни барибир жаҳлини чиқаришга муваффақ бўла олмаслигини эътироф этмоқчи, холос.

— Сиз имкон қадар Марван тўғрисида кўпроқ билишни сўраган эдингиз, — жавоб берди Годдар. — Бир неча соатдан сўнг биз у ҳақда кўпроқ маълумотга эга бўламиз.

— Бир неча соатдан кейин Марван Японияда ёки Аляскада бўлиши мумкин, — деди Лемье киноя билан. — Жаноб Годдар, кутиб ўтиришга бизнинг вақтимиз йўқ. Қотил эркинликда юрибди, у бизни 9 соатга ортда қолдирган.

Годдар юзлари, бўйнилари қизарганини, қулоқлари эса ёнаётганини ҳис қилди. Унинг камситилишига ҳамма гувоҳ эди, у жавобан зарба бермоқчи. Аммо ҳозир вақти ҳам, мавриди ҳам эмас.

— Жаноб Годдар, менга шуниси қизиқки, — деди Лемье улар Марсельга учаётганларида, — нега сиз Марван укаси билан 1982 йилда Ливанга хужум қилиб киришнинг гувоҳи бўлганлари ҳақида ҳеч нарса демадингиз? Ака-ука онасининг пинжига кирганича, ваннада ўқ отишлари ойналарнинг синиқларидан беркиниб ётганларини нима учун айтмаяпсиз?

— Менимча, бу...

— Марваннинг кўзи олдида миномёт снаряди унинг икки тоғасини, икки холасини ва уларнинг болаларини отиб ўлдиргани ҳақида нега ҳеч нима демаяпсиз? Ўшанда улар Рамининг биринчи туғилган кунини нишонлаётган эдилар, — гапини давом эттирди Лемье. — Бу ходисалардан кейин бир неча йил ўтгач, Бейрут кўчаларидаги отишмалар пайтида машинада ота-оналарининг портлаб кетганини Марван укаси билан кўрган. Жаноб Годдар, сиз шуларни биласизми?

Вертолёт ойнасидан Годдар яланғоч дарахтларни ва ифлос фермаларни кўрди: ёмғир кечаси билан тинмай ёққан эди.

— Хўш, нима дейсиз? — сўради Лемье жойида кимир этмай ўтирган Годдардан. — 1993 йилнинг 3 январи — бу сана сизга бирор нимани эслатадими?

— Йўқ, — жавоб қилди Годдар.

У ўзини камситилган ҳис қиларди. Энг муҳими, Лемье ҳақ эди. Аслида, ўзи кўпроқ маълумотлар тўплаши керак эди. Годдар эса Лемьегга арзимас, ҳаммага маълум бўлган ахборотни таклиф қилиб ўтирибди. Годдар Лемьенинг қандай ишлашини яхши билган, мана энди у ўзини ўзи қойимокда.

Афсуски, Лемье ҳали гапини тугатмади.

— Ўшанда Марвин 15 ёшда, Рами эса 11 ёшда бўлган, — ҳеч бир муболағасиз гапирди скелет. — Ушбу кун хотираси уларни бутун ҳаёти давомида таъқиб қилади. Улар бу кун ҳақида гапирмайдилар ҳам, эсламайдилар ҳам. Жаноб Годдар, сиз ушбу жиноятни фош қилмоқчимисиз? Унда Марван Аккад қандай одам эканлигини тушуниб олишингиз керак. Инсонни шантажга нима мажбур қилишини тушунишни хоҳлайсизми? Қотилликка-чи? Одамларга хавф солишни сингдиришга-чи? Бу ҳолда сиз инсонни шаклантирган ходисаларни англашингиз керак, уларни нима ҳаракатга келтиришини тушунишингиз лозим.

— Ҳаммаси Марваннинг ота-онаси ўлдирилганда бошланган. Марван энди ака эмас эди — у оила бошлиғи бўлди. Рамини парваришлайдиган, тарбия қиладиган ҳеч ким қолмади. Хола-тоғалар, амма-амакилар аллақачон ўлиб кетишган, бошқа қариндош уруғлар Ливандан Европа ва Штатларга кетиб қолишди. Марван кичик ука билан банд бўлиши керак эди: уни едириш, кийинтириш ва ҳимоя қилиши лозим эди. Ҳатто Ҳарбий хизматда ҳам Марван Рамига ғамхўрлик қиларди. Рамини нуфузли бўлимга қабул қилишларига, махсус топшириқлар беришларига ва премьер-министр ўринбосарини қўриқлашда обрўли хизмат лавозимини эгаллашига Марван эришди.

— Нега? Улар қандай мақсадни кўзлаганлар? Олийжаноб мақсадни — ўз мамлакати раҳбарларининг ва шу раҳбарларнинг фарзандларини ўзлари бошларидан кечирган азоб-уқубатлардан ҳимоя қилишни таъминлаш, деб айтарсиз? Жаноб Годдар, ахир, сиз бу даражада соддадил эмассиз-ку.

Годдар ҳеч нима демади. Бундай маслаҳатлардан у бўғизигача тўйган.

— Жаноб Годдар, Марван Аккадни мамлакатга бўлган севги ҳаракатга келтирмайди, — деди Лемье. — Уни қиз-ғончиқлик тортади. Менга ишонинг. Мен бутун умр шунга ўхшаш одамларнинг кетидан қувиб юраман. Ундайларни мен бир кўришданоқ биламан. Марван ўзига тегишли бўлган нарсаларни кўлга киритишни хоҳлайди, унинг фикри шундай. У қачонлардир ундан тортиб олинган нарсаларни қайтаришни истайди: бойлик ва катта мол-давлатни бериши мумкин бўлган енгилмаслик ҳис-туйғусини. Ўзининг ҳарис истагини қондириш учун, Марван бойлар ва забардастлар ҳисобига тирикчилик қилади, уларни хонавайрон қилиш мақсадида бой-бадавлат одамларни сохта хавф-хатар ҳиссидан огоҳ этади. Жаноб Годдар, менинг сўзларимни эслаб қолинг, Марван Аккад — ҳақиқий иблис. У фақат ўғирлик қилиши, одам ўлдириб, йўқ қилиб юбориши мумкин. Марван Аккад яна бошқатдан қотилликка кўл урмасидан олдин, биз уни топишимиз лозим.

Годдар ва Лемье учиб келаётган вертолёт Марселга кўнгунга қадар, маҳаллий ҳокимият янги далилларга эга бўлди. Аэропорт бошлиғи кабинетида улар кузатиш камералари ёзувларини синчиклаб кўра бошладилар.

Биринчисида Марван машиналар тўхташ жойига кириб келаётгани акс этган. Иккинчи камера — у бир неча дақиқадан сўнг аэропортга кириб келганлигини кўрсатмоқда. Бошқа камераларда — Марван юк сақлаш камераси ячейкасидан алланималарни олаётганлиги, ҳожатхонага кирганлиги, билет ва чиқиш талонини олиб, Жэк Карделл номи билан назорат постидан ўтиб кетаётганлиги ёзиб олинган.

— У ахлат челагига нимани ташлаб юборди?

— Ким билади, — деди Лемье. — Бу ҳар қандай нарса бўлиши мумкин.

Годдар бошлиққа қайрилиб қаради.

— Кимдир кечаси билан йиғилган ахлатларни титиб қараб чиқиши керак.

— Жаноб, инспектор тўғри гапиряпти, — деди у, — ахир, бу ҳар қандай нарса бўлиши мумкин-ку...

— Ана шу нарсани топиш керак, — қатъий талаб қилди Годдар.

Сўнгра Лемье Марванни назорат постидан ўтказган жандармни чақиртирди. Лемье жандармни шундай сўроқ қилдики, жандарм қаттиқ асабийлашиб ўзидан кетиб қолса керак, деб ўйлади Годдар. Жандарм эгаллаб турган лавозимидан четлатилди.

Компьютер маълумотларини ўрганиб чиқиш шунинг кўрсатдики, Л Ливан интернет-провайдери орқали online режимда Марван учун “Роял Эр Марок” рейсига билет сотиб олинган экан.

— Шубҳасиз, бу Марваннинг укаси бўлса керак, — деди Лемье.

— Биз буни аниқ билмаймиз, — деб эътироз билдирди Годдар.

— Бошқа ким ҳам бўлиши мумкин? — сўради Лемье.

— Мен, — деди Годдар, — тергов ишлари қандайдир тахминларга эмас, балки суд жараёнида исботлаб бериш мумкин бўлган аниқ фактларга асосланишини хоҳлайман. Агар Марван ҳақиқатдан ҳам айбдор бўлса — бу шундай бўлиши мумкин — бизга кўпроқ тўғри далил-исботлар керак. Ҳозирча эса биз фақатгина исботи йўқ далилларга эгамиз.

— Мен эса бундан-да камроқ далилларга эга бўла туриб, қанчадан-қанча жиноий ишларни очиб ташладим, — деб мақтанди Лемье.

Янада кўпроқ далил-исботларга эга бўла туриб, қанчадан-қанча ишларни охирига етказмадингиз? — деб ўйлади Годдар, аммо ҳеч нарса демади.

— Билганингизни қилинг, — деди Лемье, — мен эса бизнинг қотилимизни топиш учун Касабланкага учиб кетаман. Сиз бўлсангиз Бейрутга бориб, ким билетга буюртма берганини аниқлашингизни хоҳлардим. Жаноб Годдар, ниҳоятда эҳтиёт бўлинг. Марван ва Рами Аккадлар — жуда хавфли одамлар. Сиз уларга қанчалик яқинлашсангиз, улар янада хавфлироқ бўлаверадилар.

— Марван! Марван, сиз мени эшитяпсизми?

Марван уйғонмоқчи бўлди, аммо киприкларини кўтара олмади. Бутун бадани титрарди, гарчанд унинг юзидан тер оқаётган бўлса-да, у совуқдан дир-дир қалтирарди. У кўрпани устига тортиб, тиззаларини кўкрагига тиради.

— Марван, бу мен Рания, сиз мени эшитяпсизми?

Ҳа, у кизнинг овозини эшитмоқда. Марван бу овозни севади, уни жуда соғинган.

Марван билан Рания болаликдан дўст бўлишган. Улар бирга ўйнаганлар, бирга хурсанд бўлганлар, шунингдек, Ливандаги гражданлар урушини ҳам биргаликда бошдан кечирганлар. Улар доимий равишда бир-бирлариникига туғилган кунни қутлаш учун борганлар, мактабда ҳам бир партада ўтирганлар. Бир куни уйларининг томига улар картон ва тахталардан қапа ясадилар, у ерга турли ширинликлар ва Раниянинг яхши кўрадиган ичимлиги — узум шарбати ва Марваннинг севимли апельсин шарбатидан бир қанча ғамлаб ҳам қўйган эдилар.

Марван ҳаётида илк бор бўса олган биринчи қиз ҳам Рания бўлган. Биринчи бор кинога америкача фильмга олиб борган қиз ҳам Рания бўлган. Фильмнинг номи ҳозир эсида йўқ, лекин кинозалга кириб охириги ўриндиқлардан жой олганлигини ҳамон яхши билади: уларнинг учрашишларига Марваннинг ҳам, Раниянинг ҳам ота-оналари норози бўлганлар. Фильмни бошидан охиригача Марван қизнинг қўлидан ушлаб ўтиргани ёдида.

Марван: “Албатта, Ранияга уйланаман”, деб қаттиқ ишонарди. Шундай қилиб, кунларнинг бирида, Марван ўшанда ўн тўрт ёшда эди, ўқув йили тугаб ёзги таътил бошланганда, қиз йигитнинг олдига келиб отаси янги ишга ўтганлигини — Францияга, янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлса — энди Парижда хизмат қилишини, кечқурун оила аъзолар кўчиб кетишини ва у ерда яшашларини айтди. Рания Марваннинг юзидан ўпгани, қизнинг кўзларидан ёш оққани ҳамон Марваннинг ёдида. Қиз хайрлашиб бўлиб ўгирилди—да, қочиб кетди. Ҳалигача Марваннинг бўғзида бир нарса тикилгандай, юраги эса нола қилаётгандай бўлади. Ўшанда Марваннинг хаёлига бир нарса келганлигини у ҳамон эсидан чиқармаган: нима учун Худо унга бунчалар жазо бермоқда?

— Марван, — деди қиз пичирлаб яна бир бор. — Кўзингизни оча оласизми? Уйғонинг.

Йигит яна қизнинг иссиққина нафасини ва унинг нафис атрининг ҳидини ҳис қилди. У зўрғагина кўзларини очди. Мана, унинг қаршисида яна Рания: қиз мулойимгина жилмайди.

Қизнинг эгнида пушти тунги кўйлак эмас, энди оқ халат эди. Қачонлардир узун бўлган қора сочлар эндиликда қирқилган ва аранг елкасига тушиб турарди. Қизнинг юзида ҳеч қандай косметика йўқ, лекин унинг шу кўриниши янада жозибалироқ эди — ёқимли ва дилкаш. Ажойиб кўйкўзлари одамни олдингига қараганда, янада кўпроқ ўзига ром қиларди. Шу кўзларга яна бир бор тикилиш учун шунча машаққатлардан қийинчилик билан ўтиш — арзийди. Олти ой мобайнида бошдан кечирилган айрилиқ азоблари ортда қолди. Энг яхши даъво ва обихаёт — бу Марваннинг уйида эканлиги, қизнинг назорати остида бўлгани ва йигитнинг олдида қиз юрагининг жўшқин уриб турганидир.

— Марван, сиз менинг гапларимни эшитяпсизми? — пичирлади қиз мулойимлик билан.

— Соат неча бўлди? — сўради Марван ҳолсизланган ва заиф бўғиқ овозда.

Луқиллаб турган қаттиқ бош оғриғи аста-секин пасая бошлади. Марван бежавотирлик ва осойишталикни ҳис қилди. У узоқ ойлар давомида ўзини бунчалик осойишта сезмаган.

Рания соатига қаради.

— Соат ҳам саккиз бўлиб қолибди.

— Эрталабки саккизми? — сўради Марван ойнага тикилиб қарар экан. — Намунча кўча қоронғу?

— Марван, энди кеч кирди, — жавоб берди Рания. — Ҳозир кечки саккиз. Сиз кеча келиб, коридорда йиқилганингизча кун бўйи ухладингиз.

— Кечир, — пичирлаб деди Марван.

Қиз бош чайқади ва унинг пешонасини силади.

— Ҳечқиси йўқ, — деди у.

— Ҳамма, ҳаммаси учун мени кечир, — пичирлади яна бир бор Марван. — Мен биламан...

— Жим, гапирманг, — деди қиз оҳисталик билан ва бир бармоғи билан унинг лабларини босди. — Мен сизга бир нимани айтишим керак.

“Нима бўлса ҳам гапираверсин, — ўйлади Марван. — Менга газеталардан таъзияномаларни ўқиб берса ҳам, сули ёрмаси солинган қутича устидаги ёзилганларни ўқиб берса ҳам майлига”. Марван Рания билан яна бирга эканлигидан хурсанд.

Бироз жим туриб Рания унинг кўзларига тикилди, энди у ўзини яхши ҳис қиларди. Бирозгина нафасини ростлаб, қиз гапини давом эттирди:

— Сиз бу ерда қолмаслигингиз керак...

Марваннинг юраги тўхтаб қолди.

Нима? — деди у ўзига ўзи. — *Ҳозиргина Рания унга нималар деди?* Марваннинг қўллари титраб кетди. У қизга бир нима демоқчи бўлди, аммо оғзи қуриб кетганидан сўз чиқмасди.

— Ҳеч нарса гапирманг, — пичирлади қиз. — Фақатгина кулоқ солинг.

У кулоқ сололмасди. Қиз нима демоқчи эканлигини у тинглашни истамасди.

— Марван, мен сизни севаман, — деб гап бошлади Рания. — Ўйлашимча, сиз мени илк бор ўпганингиздан бошлаб, балки олдинроқдир ҳам, жуда севардим. Биз оиламиз билан Парижга кетаётган кун эсингиздами? Ана ўшанда роса йиғлаганман, энди бошқа сизни кўра олмайман деб йиғлаганман. Ҳаётимда шунчалик куюниб йиғламаганман. Жуда узоқ кўз ёши тўқдим. Ота-онамга мени олиб кетиб қолганликлари учун уларни ёмон кўришимни, албатта қочиб кетиб, сизни топиб олишимни айтганман.

Бироқ мен ўшанда ёш қизалоқ эдим. Мен улғайдим, шунингдек, сиз ҳам. Биз иккимиз ҳам ўзгардик, биз олдин бошқа-бошқа ҳаёт кечирдик ва бошқача бўлиб ўсдик. Ва сиз ўтган йили гул ва совғаларни олиб, сизга турмушга чиқишни таклиф қилгани келганингизда, мен кўрқиб кетдим. Чунки менинг ҳаётим бошқа, ўзимга ёқадиган янги ҳаёт эди. Менга нисбатан яхши муносабатда бўлган дўстларга мен эга эдим, қолаверса, мени яхши кўрадиган бир инсон бор эди.

Лекин сиз муҳаббат изҳорига тўла мактуб ва номаларни йўллардингиз, тез-тез кўнғирок қилардингиз, совға ва гуллар юборардингиз. Буларнинг ҳаммаси мени довдиратиб қўйди. Ўн йил давомида мен сизни унутишга ҳаракат қилдим, эҳтимол унутишга эмас, балки эски ҳаётни эздан чиқариб менга мос бўлган янги ҳаётга ўрганишга интилдим. Биламан, сиз мени қанчалар севишингизни айтишни хоҳладингиз, мен бундан мамнун эдим. Мен тушундим: сиз менга ўз ҳаётингиз ҳақида ҳикоя қилар эдингиз, сиз нималарга эгасизу ва кимлар билан таниш эканлигингизни менга таъсир кўрсатиш учун сўзлардингиз. Аммо бу юз бермади. Ушбу хатларда мен ўз яқин дўстимни таниб ололмас эдим.

Мен уйда ҳеч қачон бўлмайдиган одамга, ўз ҳаётини доимо хавф остига қўйиб кун кечирадиган, доимо хавф-хатарда яшовчи кимсага турмушга чиқишни мен истамайман. Худога сажда қилиш ўрнига пул, бойлик ва мартабага ружу қўйган одамга турмушга чиқишни хоҳламайман. Марван, турмуш ўртоғим мени яхши кўришини, мен билан вақтини ўтказишини, болаларимизни мен билан биргаликда тарбиялашини, ҳаётда энг муҳим ҳисобланган нарсага жиддий муносабатда бўлишини мен орзу қиламан. Сиз эса, Марван, бошқача одамсиз. Эҳтимол, қачонлардир ўшандай одам бўлгандирсиз, аммо ўйлашимча, сиз ҳозирда бундай одам эмассиз.

— Мен ўзгаришим мумкин, — деди қийинчилик билан Марван.

Рания совуққина қўллари билан унинг юзларини силади ва оҳиста жилмайди.

— Эҳтимол, шундайдир, — розилик билдирди қиз. — Аммо ҳозирча сиз ўқдан ярадор бўлиб, эшигим олдида хушини йўқотган одамсиз. Сизга ёрдам бериш учун мен таваккал қилишимга тўғри келди ва мен ўз ишимдан ажралиб қолишим мумкин эди. Бундай ҳаёт мени асло қониқтирмайди.

— Шунинг учун сен Париждан қочиб кетибсан-да? — сўради Марван.

— Мен қочиб кетмадим, — хотиржам жавоб берди Рания. — Менга шу ердан иш таклиф қилишди, мен рози бўлдим.

— Биз иккаламиз бирга тушлик қилмоқчи эдик, — деди у. Марваннинг овози жиддийлашди ва кескин янгради. — Мен сени кутганимча ўша ерда бир соат ўтирдим. Ва ниҳоят, уканг келиб сенинг кетиб қолганлигингни айтди.

— Менинг укам буни сизга жуда бошқача тарзда етказган.

— Сен мен билан хайрлашмадинг ҳам, хат ҳам қолдирмабсан, — деди Марван, — индамай қочиб қолибсан.

— Мен шундай қилсам, яхши бўлади деб ўйладим, — деди Рания. — Сиз тушунишни истамаган нарсаларга мен шундай тарзда ўзимни ишонтиришим мумкин эди.

— Эҳтимол, сен ҳам буни бошқача қилишинг мумкин эди-ку, — деди Марван.

— Бўлиши мумкин, — деб розилик билдирди қиз. — Мен сизни хафа қилгим келмади.

— Лекин сен мени хафа қилдинг.

— Марван, мени кечиринг. Мен ҳақиқатдан ҳам афсусдаман. Лекин сизнинг бу ерга келишингиз хато бўлган.

— Яна кимга ёрдам сўраб мурожаат қилишни мен билмадим.

— Ишларингиз шунчалик жиддийми?

— Сен яраланган жойимни кўргансан.

— Ким қилди буни?

— Билмадим. Мен то кучимни йиғиб, нималар содир бўлаётганини билмагунимча, бирор жойда беркиниб ётишим керак.

— Аммо бу ерда эмас.

— Нега? — деб сўради Марван. — Мен сенга ҳалақит бермайман. Бу фақат вақтинчалик.

— Йўқ, — деди Рания бош чайқаб. — Бу жуда хавфли ва ...

— Хўш, нима бўлибди? — сўради Марван. У Рания деб айтишини жуда яхши биларди.

— Марван, илтимос қиламан, сизга буларни айтишимга мажбур қилманг.

— Айтишингни хоҳлайман.

— Илтимос қиламан, Марван.

Марван қаттиқ туриб талаб қилаверди. Қизнинг кўзлари ёшга тўлди.

— Марван, мен сизни севаман, — деди у, — аммо сиз хоҳлаганингиздек эмас. Мени кечиринг. Илтимос қиламан, буни тинч қўйлик.

Марван астагина бошини эгди ва бурчакда жимгина ўтирган Лайлога кўзи тушди. Унинг ҳам кўзлари ёшга тўла эди. У бор кучини йиғиб ўрнидан турди, нарсаларни йиғиштирди ва эшикка яқинлашди. Сўнгра қайтарилиб биринчи севгилисига қаради.

— Мен умид қиламанки, сен Рания, ўзинг излаётган одамни топасан, — деди Марван юмшоққина. — Сен бахтли бўлишга ҳақлисан. Энди сени бошқа чалғитмасликка ваъда бераман.

Кўз ёшлардан Раниянинг кўзлари қизариб кетган, лаблари титрарди. Марван қизга бошқа азоб-уқубатлар етказишни хоҳламасди.

— Менга биринчи ёрдам кўрсатганинг учун раҳмат, — деб айта олди Марван.

Бироз кутиб тургач, у эшикни очди.

— Марван, энди қаёққа борасиз? — бирдан сўради қиз.

— Бу қандайдир маънога эгами?

— Мен учун — ҳа, — деб жавоб қилди қиз.

— Билмадим, — деди Марван. — Эҳтимол, Мисрга, Яқин Шарққа — хуллас, бу ердан анча узоқроққа.

Марван секингина эшикни ёпиб чиқиб кетди.

Соат тўққизларга яқин Марван Рания яшаётган хонадон биносидан чиқди ва қоронғуликка йўл олди. Энди у қаерга бориши мумкин? Бу мамлакатда у ҳеч кимни билмайди. Меҳмонхонага боришдан у кўрқади. Марваннинг тахмин қилишича, изқуварлар аллақачон унинг изига тушганлар ва уни Мароккода излаётган бўлишлари эҳтимолдан ҳоли эмас.

Гарчанд унинг иситмаси 39 даражага тушган бўлса-да, у ҳамон совуқдан титраб-қақшарди. Ҳамма бўғинлари оғригани камлик қилгандай, ҳозирда унинг қалби ҳам азоб чекарди. Раниянинг ҳузурига бориб у катта хатога йўл қўйди. У нега ўйлаб кўрмай бундай йўл тутди? Сўнгги олти ой давомида у айнан шуни тан олгиси келмай юрарди: Марван танлаб олган ҳаёт тарзи унга қимматга тушди — у севган қизидан айрилди. Қолган нарсаларнинг энди унга қандай қизиғи бор?

Умид ва ишонч уни тарк этди, шу билан бирга, изқуварлардан қочиб қутилиш истағи ҳам. Марванни ёмон хаёллар чулғаб олди: у ўзининг жонига қасд қилиб йўқликка ғарқ бўлишни, шу тарзда барча азоб-укубатлардан қутулишни ўйлади. Бирок у Марванга қўлидан келган ёрдамани кўрсатишга ошиқаётган укасини эслади. Марван учун бу дунёда укасидан бошқа дўст ва яқин киши йўқ. У ҳеч қачон Рамини ташлаб кетолмайди. Ота-онаси бундай қилгани учун уни асло кечирмаган бўлардилар, нима бўлган тақдирда ҳам Марван ҳеч қачон уларнинг хотирасига хиёнат қилмайди.

Нима қилиш керак? У кўним топишга жой, ёрдам сўрашга бир инсонни изларди. Вақт эса тобора ўтиб борарди. Уни қидираётган бўлишса керак. Ўйламай қўйилган бир қадам мудҳиш оқибатларга олиб келиши мумкин.

Марван ижарага олинган машинани эслади. У машинани излаб топди, Раниянинг уйдан бир неча километр узоқликка ҳайдаб олиб борди ва калитни юкхонасида қолдирганича қоронғу кўчада уни ташлаб кетди. Сўнг бир таксини тўхтатиб аэропортга йўл олди. У ердаги автоматдан Марван бошқа кишининг номига олинган карточкаларнинг биридан фойдаланиб, укасига кўнғироқ килди.

— Рами, бу мен, Марванман. Уйингга кўнғироқ қилаётганим учун мени кечир.

— Ака, сиз нима қилиясиз? — таажжубланиб сўради Рами. — Мен сизга уяли телефондан кўнғироқ қилинг деб айтган эдим—ку!

— Биламан, аммо вақтим жуда зик.

— Қолаверса, сиз бирор жойда уч кун беркиниб ётишингиз лозим эди. Ҳали бир кун ҳам ўтмади—ку.

— Мен уйга қайтишим керак.

— Нега? Нима юз берди?

— Бу жуда узун тарих, — деди Марван.

— Қандай қилиб узун бўлиши мумкин, агар сиз у ерда ярим суткадан ортиқ турмаган бўлсангиз?!

— Мен ҳозир бу ҳақда гапиролмайман, — деди Марван. — Менга билет буюрттир.

— Йўқ, — деди Рами. — Ҳозир Бейрутга қайтишингиз унчалик яхши фикр эмас.

— Нега?

— Чунки бу жуда хавфли.

— Мен бу ерда қола олмайман. Европага ҳам қайтиб боролмайман. Эҳтимол, Сан-Паулага борсаммикан?

— Жуда қизик, — деди Рами хорғин овозда.

— Нима учун йўқ? — сўради Марван. — Мен Клодеттни топишда ёрдамлашаман.

— Бу билан бошқа одамлар машғул.

— Балки, Штатларга кетсам-чи?

— Сизга виза беришмайди.

— Қоҳирага-чи?

— Нега энди Қоҳирага?

— Нимага Қоҳира бўлиши мумкин эмас?! — Марван аэропортдан чиқиш эшиги олдида бир неча марокашлик полициячилар йиғилиб турганини кўриб қолди. — У ерда мен ўн тўрт миллион аҳоли орасида йўқолиб қолишим мумкин.

— Мен барибир тушунмаяпман, — деди Рами. — Нега сиз Касабланкада қола олмайсиз?

— Қола олмайман деб айтдим—ку сенга, — жавоб берди Марван.— Кейинроқ сўзлаб бераман.

— Яхши, унда мен сизга Қоҳирага билет буюртма қиламан. Сиз қачон учмоқчисиз?

— Ҳозирок.

— Нима деганингиз “ҳозирок”? Сиз ўзи қаердасиз?

— Аэропортдаман.

— Аэропортдамисиз? Бир дақиқа тўхтаб туринг.

— Нима бўлди?

— Француз телевидениеси орқали янгиликлар кўрсатмоқдалар.

— Нима демоқдалар?

— Марселда машина ва таксичининг жасадини топишибди, — деди Рами.

— Яна нима? — сўради Марван. — Мен тўғримда ёки Марокко ҳақида бирор нима дейишяптими?

— Йўқ, — деди Рами. — Айтишларича, полиция маълумотларни йиғмоқда ва ҳали ҳеч қандай изга тушмабдилар.

— Ғирт ёлғон, — деди Марван. — Улар аллақачон менинг изимга тушганлар. Мен зудлик билан бу ердан кетишим керак.

— Ака, сиз тўғри айтасиз. Буюртмани кимнинг номига берай?

— Тарик Жамил номига.

— Хўп бўлади, — деди Рами. — Яна қандай камчилик бор?

— Мен тўхташим мумкин бўлган жой керак.

— Меҳмонхонадан ўрин керакми?

— Йўқ, бу жуда хавфли, — полициячилар осонликча мени топиб олишлари мумкин.

— Унда нима қилай?

— Бирор квартира топгин, Рами.

— Квартирами? Сиз у ерда қачонгача бўлишни режалаштирдингиз?

— Ҳозирча аниқ айта олмайман. Эҳтимол, бир неча кун яшаб турарман.

— Наҳотки?

— Нима бўпти? — сўради Марван. — Мен уйга қайтишим ва Клодеттни излашим керак эмаслигини сени ўзинг айтяпсан. Унда яна қаерга боришим мумкин?

Рами индамади.

— Менга квартира топгин, иложи бориша тезроқ, қанча бўлишидан қатъий назар, — гапини давом эттирди Марван. — Кейин менга “Federal Express” орқали уяли телефон, бирозгина пул ва визит карточкалари жўнатгин.

— Визит карточкалар?

— Ҳа, нуфузли кўриниш учун.

— Қандайларидан?

— Билмадим, — деди Марван. — Майли, мен компьютерлар сотувчиси бўлай ёки консультантми, шунга ўхшаш. Компания номини ва логотипини ўйлаб топгин. Сайт ҳам очгин.

— Сиз хазиллашяпсизми?

— Ҳой-й, — деди Марван, — сен менга ука эмасми-сан?!



Соат 11.30 да Марван соат 00.05 да “Иджипт Эр” 848 рейс билан аэропортдан учиб кетувчи самолётга ўтирди. Соат 7.05 да Қоҳирада эди. У ҳамон кутилиб чиқиб кетганига ишонмасди.

Ҳеч ким уни тўхтатмади. Ҳеч ким бирорта савол ҳам бермади. Марваннинг ўйлашича, ҳеч ким унинг кетидан тушмади. Нимага? Бу тузоқми ёки самоларнинг ҳадясими? Лекин тузоққа ўхшамади. Нега Худо уни ҳамма нарсадан — муваффақиятли ишидан, яхши кўрган кизидан маҳрум этиб, сўнги кунларда бир неча марта унинг ҳаётини хавф остига қўйиб энди мурувват кўрсатмоқда? Бу тушунарсиз, аммо Марван бирор имкониятни қўлдан чиқармайди.

Ҳозирда у энди нима қилишини ўйлаши керак. Аввалам бор, у эндиликда Тарик Жамил эканлигини эсда сақлаши лозим. Унинг паспорти ва чиптасида худди шундай деб ёзилган. Шу номга у квартира олади. Бу исмга у кўникиши керак. У ўзи ҳақида Тарик Жамил сифатида ўйлаши керак. Ва унга мос келадиган афсона керак.

Аэропорт залидаги оломонни итариб ўтиб, у виза учун ҳақ тўлади ва таксида “Шератон” меҳмонхонасига кетди. Меҳмонхона аэропортдан бир неча километр узоқда бўлиб, Гелеополисдаги Уруба-Роудда жойлашган эди. У меҳмонхонада қолишни режалаштирмаган. У меҳмонхонада фақатгина бир неча соат бўлади, холос. “Шератон” меҳмонхонасида у бирозгина дам олади, тамадди қилади ва укаси билан олдида турган ишларни гаплашади.

Бизнес-марказда у хизматчини топди.

— Хайрли оқшом, — деди уни кутиб олган хизматчи. — Хуш келибсиз! Хўш, хизмат?

— Мен ижарага компьютер олмақчи эдим.

— Сиз бизнинг меҳмонхонамизда тўхтадингизми?

— Йўқ, мен бу ерда учрашув белгилаганман, мен эса лэптопни олмабман, бир почтани кўришим керак эди.

— Яхши, — деди клерк. — Сиз компьютерни қанча вақтга олмоқчисиз?

— Тахминан, бир соатга.

— Яхши, жаноб. Илтимос, ушбу бланкани тўлдилинг. Сизнинг исмингиз?

— Тарик Жамил.

— Жаноб Тарик, сиз кириш карточкасини сотиб олишингиз керак.

— У қанча туради?

— Бир соатлиги 45 фунт.

— Сизлар “Visa” карточкасини қабул қиласизларми?

Бир неча дақиқадан сўнг Тарик апельсин шарбатини ичиб холлнинг бурчагида ўтирарди. У компьютер орқали Интернетга кирди ва маълумотларни алмашиш тизимини очди.

— Рами, сен бормисан?.. Бу мен, Тарикман... Мен манзилга етиб келдим.

Бироз вақтдан сўнг экранда жавоб пайдо бўлди:

— Худога шукур... Ишларингиз жойидами?

— Ҳа, яхши етиб келдим... Кватира бўляптими?

— Бўлгандай.

— Яъни?

— Мен бир қватира топдим, аммо у ерда анчадан бери ҳеч ким яшамаган экан... Уй хўжайинининг гапига қараганда, уйни тозалаб тартибга солиш керак экан. Агар сиз рози бўлсангиз, бугуноқ боришингиз мумкин.

— У ерда нималар қилиш керак экан?

— Йиғиштириб, баъзи бир жойларини бўяш керак экан.

Ўзим кўрмаганлигим учун бошқа ҳеч нарса деёлмайман.

— Кватира қаерда жойлашган экан?

— Гелиополизда, аэропортга яқин экан.

— Жуда яхши... Мен ҳозир “Шератон” даман.

— Уйнинг хўжайини сизга маъқул бўлган пайтда қватирада кутиб олади. Уйни бирор кишига ижарага бераётганидан у ниҳоятда хурсанд бўлса керак.

— Тўлов ҳар ойдами?

— Йўқ, — деб ёзди Рами. — Хўжайин иложи борича уйни ҳеч бўлмаганда, ярим йилга топширмоқчи.

— Укажон, бўлмаса уйнинг хўжайинига айтгин, олдинга биз бир ойга нақд пул тўлаймиз ва ремонт қилмагунча шартнома тузмаймиз, таъмир охирига етгач олти ой ҳақида ўйлаб кўрамиз.

— Бўлади.

— Яхши, яна нима?

— Монте-Карлода сизнинг ишингиз билан ким шуғулланаётганлигини билдим.

— Ким экан?

— Улар икки киши: Жан-Клод Годдар... Ниццеда таваллуд топган, Монакода ўсган... 36 ёшда... катта детектив... ақлли... яхши ном чиқарган, ҳурматга сазовор бўлган инсон... оилали, бир қизи бор. Бошқаси — Марсель Лемье... 62 ёшда... Греноблда туғилган, Нормандияда катта бўлган. Ҳозирда Парижда котилликлар бўлимининг бош детективи... мамлакатда энг зўр детектив ҳисобланади... баъзиларнинг гапларига кўра, Европанинг энг зўр детективларидан бири. Бир нечта катта ишларни очиб ташлаган... икки марта ажрашган... болалари йўқ.

— Улардан қайси бири Мароккога кетибди?

— Сиз қаердан биласиз?

— Инстинкт.

— Лемье — мана ҳозир кўниши керак.

— Годдар-чи?

— Марван, у мени сўроқ қилгани шу ерга келмоқда.

— Ҳазиллашяпсанми?

— Агар шундай бўлсайди.

— Рами, тезроқ қочиб кет, — улар сени тутиб олмасликлари керак, айниқса, ҳозир.

— Йўқ, Марван, иложим йўқ. Мен ҳозирда барча ишларни ўзим бошқармоқдаман.

— Сен бошқа жойдан туриб бошқарсанг-чи? Сен ахир олдин шундай қилган эдинг—ку.

— Хўп, мен қаерга кетишим керак?

— Бизнинг ходимларимиз Ироқда “Эксон-Мобил” компаниясини кўриқлаш билан шуғулланмоқдалар...

— Сиз ақлингизни еб қўйибсиз! — деб ёзди Рами. — Монте-Карлодан келган қандайдир полициячи билан учрашмаслик учун Ироққа бориш?!

— Ҳа, — жавоб берди Тарик. — Агар Годдар сени топиб ўзига керакли бўлган нарсаларни билиб ололмаса, қонунга хилоф равишда ишга тўсқинчилик қилган ва тергов жараёнини қийинлаштирган, деб сени айблашади. Годдар сени қамоққа олиб мамлакатдан чиқариб юборади. Сенга нима бўлишини Худонинг ўзи билади... Бунга йўл қўйиб бўлмайди.

— Агар Годдар оркамдан Боғдодга борса-чи?

— Бормайди, — деб ёзди Тарик. — У ўзининг ҳаётини хавф остига қўймайди.

Икки кун мобайнида Тарик Жамил квартирадан чиқмай ўтирди.

Унинг ҳамон иситмаси юқори эди, аммо градусниксиз иситмаси неча градус эканлигини аниқлай олмасди. Шифокор топишга унинг кучи йўқ, магазинга боришга эса мутлақо. Унинг иштаҳаси йўқ, фақат “Шератон”дан олиб келган сувни ичиб ётибди. У сув мувозанатини қайта тиклашга ҳаракат қиларди, антибиотик ва бошқа дориларни ичарди. Бу дориларни Рания шифохонадан олиб келган ва унинг рюкзагига солиб қўйган эди.

Квартира борасида Рами ҳақ эди. Хонадон жуда катта бўлиб, унга керагидан ортиқроқ эди: унда учта ётоқхона, учта ванна ва каттагина меҳмонхона бор эди. Аммо уни “тартибга келтириш” дегани қоғозга ўралган гап экан. Эҳтимол, 50–60–йилларда бу хонадон жуда катта, бой ва бадавлат бўлган. Бироқ Тарикнинг тахмин қилишича, ўшандан бери бу уйни ҳеч ким йиғиштирмаган.

Полдан шипгача ҳаммаёқ чанг, ошхонадаги стол ва шкафчалар ёғ босиб ётибди. Учта душдан иккитаси ишламасди. Учта ҳожатхонадан иккитасининг суви оқиб ётибди. Ошхонадаги раковина ювуқсиз идишларга тўла эди. Газ плитасининг духовкаси ишламайди. Тўртта газ комфоркаларидан учтаси ёнмайди. Кечалари ҳаво совуқ бўлгани учун Тарик иситиш системасини тўғриламакчи бўлди, аммо унинг қўлидан келмади.

Уйнинг безаги ҳам жуда эскириб кетган. Деворларда кўплаб расмлар осилган, шу жумладан, “Джоконда” ми-

ниатюраси ва Тарикнинг номлаши бўйича “Жангга тайёр турган испанка” расми чанг босиб ётибди. Ошхонада сизга чекиб турган бола тасвирланган иккита бир хил расм осилган, коридорда эса — тўртта мушукча тасвирланган каттагина расм. Меҳмонхонада учта каттакон аждарҳодамларнинг шакли турибди, барнинг олдида эса — ҳайвонлар тасвирланган каттагина расм. Ҳаммасини чанг босган.

Лекин буларнинг ҳаммаси ҳеч қандай маънога эга эмас эди, чунки уйдаги чироқларнинг кўпи ёнмасди, ҳаттоки кундузлари ҳам ҳеч нарса кўринмасди.

Уйнинг бошлиғи тез кунларда хонадонни йиғиштириб, қайта таъмирдан чиқаришга ваъда берган. Лекин Тарик уйни тозалашларини ва тақир-тукур қилиб таъмирлашларини хоҳламади. Уни ҳеч ким безовта қилмаса, бир неча кун яхшилаб дам олгиси келди. У душанбага ишчиларни юбормасликларини илтимос қилди. Ҳозирча унга иссиқ кўрпа, тоза ёстиқ ва ётиб дам олиш учун каравот керак. Кўрпа билан ёстиқ топа олмагач, Тарик меҳмонхонадаги каравотга ўзини ташлади ва бир суткача қимирламай ухлади.

Бироқ учинчи кун уни эшикнинг тақиллаши уйғотди.

Одатга кўра, Тарик қўлини пистолетга чўзди, лекин унинг пистолети энди йўқлиги эсига тушди. У соатга қаради. Тушлик бўлиб қолибди, деразалар пардалар билан ёпиқ бўлгани ва чироқлар ёнмагани учун хона қоронғу эди.

Тақиллаш қайтарилди, бу сафар янада қаттиқроқ. Тарик пульсининг урилиши тезлашди. Унинг Қоҳирадалигини, жумладан, Гелиополисдалигини ҳеч ким билмасди. Қолаверса, бугун пайшанба, ишчилар душанба кунини келадиган бўлишган. Эшикнинг тақиллаши ҳамон давом этарди.

Тарик ўрнидан туриб лампани қўлига олди ва секингина эшикнинг олдига келди. Унинг изига тушдилармикин? Агар шундай бўлса, нега улар тақиллатиб турибдилар? У қўлидаги чироқни маҳкам ушлади. Тўғри, ҳужум қилувчилар учун

лампа ҳеч қандай хавф солмайди, аммо Тарик жангсиз таслим бўлмайди. У эшикнинг тирқишига қаради ва чуқур-чуқур нафас олди. Бу “Federal Express”нинг чопар куръери экан. У қўлида бир қанча коробкаларни кўтарганича турарди. Тарик эшикни қия очди ва чопарнинг юзидаги ажабланишни кўрди.

— Сиз — Тарик Жамилмисиз? — сўради у.

— Ҳа, — деб жавоб берди Тарик. Бирдан ўзининг кўриниши кўрқинчли эканлигини англади: неча кундан бери соқол ва мўйлаби олинмаган, душ қабул қилмаган ва отишма юз берганидан буён кийим алмаштирмаган.

— Шу ерга имзо қўйинг.

Тарик имзо чекди, чопарга чой чақа берди ва коробкаларни олди. Ҳа, уларнинг ҳаммаси Бейрутдан жўнатилган эди. У биринчи коробкани, болача туғилган кунига совғаларни очгани сингари, йиртиб очди.

Коробканинг ичида уяли телефон, аккумулятор, зарядниклар ва қўлланма, шунингдек, 10 минг миср фунти солинган конверт — бошланиши чакки эмас — бир қанча визит карточкалар бор экан. Карточкада шундай матн ёзилган: “Тарик Жамил, Бошқарувчи, Ай-Си-Ти Консалтинг, Брюссель, Бельгия” ва веб-сайт, электрон почта, электрон почтанинг манзилгоҳи, Брюссель почта адреси ва телефон номери бор экан.

Тарик уяли телефон орқали рақамларни терди.

— “Ай-Си-Ти Консалтинг” компаниясига кўнғирок қилганингиз учун сизга миннатдорчилик билдирамыз, — деб жавоб қилди француз тилида аёл кишининг овози. Бу овоз автожавобга ёзиб қўйилган эди. — Биз сизга ҳозир жавоб бера олмаймыз. Исмингиз, телефон рақамингиз ва хабар қолдиришингизни илтимос қиламыз, иложи бўлиши биланоқ биз сиз билан боғланамиз.

Сўнгра худди шу гаплар инглиз ва немис тилларида қайтарилди. Рами ҳаммасининг ғамини еб қўйган экан.

Рами кейинги коробкани очди ва ичидан катта чарм портфелни олди. Портфелни очгач ичидаги ноутбук “Dell Latitude D800” дастур ва аксессуарлар билан таъминланган янги компьютерни кўрди. Компьютернинг тагига бир нечта джинси ва битта нос ранг шим, футболкалар, носкилар, свитер, чойшаб, сокол олиш учун станок ва ванна учун керакли анжомлар — тиш чўткаси, паста, чўмилганда кўшиш учун суюклик, атир совун, тирноқ олгич ва шунга ўхшаш нарсалар солинган экан.

Учинчи коробкага жойланган нарсалар уни ҳайрон қолдирди. Коробканинг энг тепасида янги кичкинагина рақамли приёмник бор экан. Эҳтимол, у янгиликлардан, энг аввало, Марванни қидириш борасида ишлар қандай бораётганлигидан хабардор бўлиб туришини Рами хоҳлагандир. Пастроқда Қоҳира харитаси, шаҳардаги компьютер консалтинг компанияларининг рўйхати, шунингдек, Интернетдан олиниб чиқарилган Мисрда компьютерлар тармоқлари борасидаги вазият ҳақида мақолалар солинган эди. Буларнинг ҳаммаси Марваннинг, эндиликда — Тарикнинг янги ҳаёти ҳақидаги афсонани қўллаб-қувватлаш учун унга ёрдам беради.

Ва ниҳоят, коробканинг энг тагига калит билан беркитилиб, калити ёнига скоч билан ёпиштирилган бир қорамтил кўрғошиндан қилинган қутича бор экан. Тарик калитни суқиб қутини очиб қараса, ичида 45 калибрли тўппонча ва патронлар жойлаштирилган экан.

Тарик Жамил бирдан укаси Боғдодга жўнатаётганлигидан ўзини айбдор деб ҳисоблади. Ахир, Рами ўзини қандай тутишни, ўз акасини ҳеч қачон Годдарга ҳам, бошқаларга ҳам сотиб қўймаслигини Тарик билар эди—ку. У жисмоний оғрикни ҳис қилгандай бўлди. Агар Рами Ироқда ҳалок бўлса, у ҳеч қачон ўзини кечира олмайди. Бундай ваҳимадан чиқиб кетишнинг бирор чорасини кўриши керак. Иложи бўлса, зудлик билан.

У компьютерни ёқди ва Интернетга уланди. У Рэмзи оиласи ҳақида янги маълумотларни излай бошлади. Кўзда тутилганидай, Европа ва Миср оммавий ахборот воситалари Рафик ва Бригиттанинг ўлими, шунингдек, Клодеттнинг ўғирлаб кетилиши ҳақида батафсил маълумотлар берардилар. Қилган қотиллиги учун қидирилаётган Марван Аккаднинг расмлари ҳам ҳамма жойда бор эди. Эҳтимол, Қоҳирага келиб у катта хато қилгандир. Аммо Марван, бошқа иложим йўқ эди, деб ҳисобларди.

Ҳаммасидан ҳам “Le Monde” бераётган маълумотлар жуда бошқача эди. Бу компания Монте-Карлода қотиллик юз бермасдан олдинги ходисаларни “эксклюзив” равишда батафсил баён қилган. Шу жумладан, Клодетт ғойиб бўлгандан кейин эртанги куни Берлиндан “Ди Эйч Эл” орқали Рэмзининг Париждаги уйига Клодетт учун пул талаб қилинган хат олингани ҳақида хабар берилади. Швейцариядаги банк ҳисоб рақами ҳам берилган. Шу ҳисоб рақамига жаноб Рэмзи агар “хотинини тирик кўрмоқчи бўлса” пул ўтказиши кераклиги айтилган. Пулнинг миқдори

1 млн. евро бўлиб, 24 соат ичида ўтказилиши талаб қилинган. Жаноб Рэмзи худди шундай қилди ҳам.

“Бир неча кундан кейин, — деб ҳикоя қилишни давом эттиради “Le Monde”, — Рэмзи “Ди Эйч Эл” орқали Брюссельдан пакет олади. Бу пакетнинг ичида видеокассета бўлиб, унда қўллари боғланган, оғзига латта тиқилган, аммо тирик Рэмзи хоним тасвири туширилган. Фақат бу сафар талаб этилаётган пул миқдори анчага ошган, яъни 10 млн евро талаб қилинган, акс ҳолда Рэмзи хоним қатл этилиб, қатл жараёни Интернет орқали намоён қилиниши айтилган. Жаноб Рэмзига пулни 72 соат ичида жўнатиши, Брюссельга келиши ва яна бошқа кўрсатмаларни кутиб ўтириши буюрилган”.

Яна айтилишича, жаноб Рэмзининг меҳмонхонасида “усти ёзилмаган” конверт қолдирилган экан. Конвертнинг ичида Рэмзининг хотини расми бўлиб, 25 млн евро талаб қилинган хат бор эди. Хатда ёзилишича, агар пул миқдори тўлиқ тўланса, бир ҳафтадан кейин Мадридда Рэмзи хонимни қаердан топиш мумкинлиги тўғрисида аниқ кўрсатмалар берилган.

Буларнинг ҳаммаси ҳақиқатга тўғри келарди. Шунинг учун ҳам Рафик Рэмзи Марванни ёллаган. Аммо кейинги абзац Марванда хавотирлик уйғотди: “Полициянинг ҳисоблашича, даҳшатли қотиллик ортида Ливанда жойлашган қўриқчилик фирмасининг катта администратори Марван Аккад турибди. Текширувга оид маълумотларга қараганда, жаноб Аккаднинг бу воқеаларга бевосита алоқадорлиги тасдиқланмоқда, шунинг учун ҳам Марван Аккад қотиллик юз берган жойдан қочиб кетган ва унга нисбатан қидирув эълон қилинган. Бироқ у ҳали топилгани йўқ. Бейрутдаги “Аккад ва унинг шериклари” бюросига қилинган қўнғироқларга ҳеч ким жавоб бермаяпти, аммо жаноб Аккадни қидириш интенсив равишда давом этмоқда”.

Бирдан яна эшик тақиллади. Олдинига секингина, кейин — қаттиқроқ.

Тарик турган жойида қотиб қолди. Бу энди FedEx куръери эмас. Унда ким бўлиши мумкин?

У зудлик билан пистолетни ўқлади ва енгил қадамлар билан эшикка яқинлашди. Эшик тирқишидан қараб, хайрон қолди. Эшик олдида чамаси йигирма ёшлардаги учта чиройли қизлар туришарди. Ўртада турган аёлнинг қўлида мевалар ва ширинликлар солинган саватча бор экан. Ҳайратда қолганича Тарик пистолетини шимининг орқа чўнтагига беркитди ва устидан футболкасининг этагини тушириб олди. Кейин эшикни қия очди-да:

— Хайрли тонг, — деди.

Ўнг томонда турган қиз жилмайди, чап томондагиси уялибгина ҳиҳилади. Гапни ўртада турган қиз бошлади:

— Хайрли тонг, менинг исмим Далия — Далия Нур. Булар менинг дугоналарим, Дина ва Мерват. Биз сизнинг тепангиздаги қаватда турамиз, кўчиб келганингизни деразадан кўрдик.

Тарик нима дейишни билмай қолди.

— Далия, қизлар, сизлар билан танишганимдан хурсандман. Сизлар учун нима қилишим мумкин?

— Биз фақат сиз билан танишмоқчи эдик, — деди Далия, — жамоат комитети номидан ушбу кичкинагина, арзимас совғани топширмоқчи эдик.

Далия мевалар ва ширинликлар солинган саватчани узатди. Тарик миннатдорчилик билан совғани қабул қилди. Далия йигитни маҳлиё қилганини Тарик сизди. У ниҳоятда чиройли эди — юзлари мулойимгина, кўзлари ажойиб қўйқўз. Қиз кулганда унинг кўзлари ёниб турарди. У европача башанг кийинган бўлиб, моддий жиҳатдан яхши таъминланганлиги кўриниб турибди. Унинг эгнида юмшоқ пушти кашемирдан свитер ва қора джинси шим кийган. Мода бўлган туфлиси Қоҳира ёки Александриядан

эмас, балки Лондон ёки Париждан келтирилган. Бошқа кизлар кўплаб узук, билакузук ва мунчоқлар тақишган, Далия эса фақатгина бриллиантли кичкина зиракча ва Картъе фирмаси ишлаб чиққан олтин соат таққан.

— Сизлар ниҳоятда меҳрибон экансизлар, — деди Тарик ҳамон Далияга тикилиб турар экан. — Раҳмат.

— Арзимаиди, — деб жавоб берди Далия ва унинг кўзларида нимадир билинар-билинемас ўзгарди.

Эҳтимол, қиз йигитни мафтун қилгани сингари, Тарик ҳам Далиянинг эътиборини ўзига жалб қилдими? Ёки унинг юқори даражадаги ҳарорати у билан ҳазиллашяптими-кан? Тарик қизлар кетмоқчи бўлишаётганини сезди ва ўз афти-башарасининг кўринишидан ўзи хижолат бўлди.

— Сизлар билан ушбу ширинликларни баҳам кўриш учун бир пиёла чойга сизни таклиф қилмоқчи эдим, — деди у, имкон қадар яна бир неча дақиқага гапни чўзиш мақсадида, — аммо менинг хонадоним ўзимнинг кўринишимдан ҳам баттарроқ.

Тарикнинг бу гапидан кейин Далия ва Дина кулиб юборишди, Мерват эса яна хиҳилади.

— Ҳечқиси йўқ, — деди Далия, — бизнинг барибир чой ичиб ўтиришга вақтимиз йўқ. Лекин биз сизни бугун кечқурун томда бўлиб ўтадиган кичкинагина зиёфатимизга таклиф қилмоқчимиз. Соат тўққизда бошланади, сиздан фақат ташриф буюриш талаб қилинади, ҳа айтгандай, иложи бўлса тоза кийимда.

Тарик таклифни қабул қилмоқчи бўлди. Бу қизнинг нимасидир уни ҳайратга солди. Бироқ у ҳар жойга бурнини тикмаслиги лозим, қизлар билан хурсандчилик қилиб юрмай, жимгина, киши билмас яшаши керак. Лекин у қандай қилиб рад жавобини бериши мумкин? Агар у йўқ деса, ҳамма қўшнилар янги келган йигит тарбиясиз экан, деб айтишлари мумкин. Ортиқча гап-сўзлар эса унга ҳеч керак эмас.

— Бажонудил, — деди Тарик ниҳоят. — Сизларни хурсанд қилиш учун мен албатта тоза кўйлак топаман.

Инспектор Годдар ҳеч нарсага эриша олмади. Бейрутга келгач, у “Аккад ва унинг шериклари” фирмаси офисига борди, аммо у ерда ҳеч кимни топа олмади. Қабулхонада ёлғиз ўтирган хизматчи аёл Марваннинг анчадан бери келмаганини, унинг қаердалигини билмаслигини, бахтга қарши, Рамининг Боғдодга иш билан кетганлигини, қачон қайтиши номаълумлигини айтди. Қолган барча хизматчилар хизмат юзасидан бутун Яқин Шарқ бўйлаб кетишган экан. Годдар керак бўлиб қолса, уни топиш учун ўзининг телефон рақамини қолдирди ва меҳмонхонага қайтди. У меҳмонхонадан Скелет билан боғланиши керак эди.

У Мароккога, Рабатдаги “Хиллтон”га кўнғироқ қилди. Лемье катта муваффақиятларга эришганини эшитиб хурсанд бўлди. Марокко аэропортидаги кузатиш камералари Джек Карделл “Роял Эр Марок” рейси билан учиб келганлигини ва ижарага машина олганлигини кўрсатибди. Касабланка полицияси машинани қидириш билан банд экан, аммо ҳозирча натижасиз.

Бироқ Марокаш разведка хизмати шу номаълум қиладики, Марван Аккад бу мамлакатга фақат икки бора келган экан. Иккала сафар ҳам у Ливан премьер-министрини кузатиб юрган. Мароккодаги унинг алоқалари тўғрисида разведка хизмати ҳеч нарса билмайди. Полициячилар қандайдир Джек Карделл тўғрисидаги ва унинг Касабланкада бўлганлиги ҳақидаги ҳеч қандай маълумотга эга эмаслар. Ҳозирча Лемье боши берк кўчага кириб қолди.

— Марваннинг Мароккога боришига бирон сабаби бўлиши керак, — деди Лемье ўйланиб. — Биз унинг изига тушишимизни, у эса ўз навбатида узоқ вақт Карделл бўлиб юра олмаслигини билган. Унинг ёнидаги пули кўп эмаслигини эса биз биламиз. У ким биландир учрашишга мажбур эди.

— Марселда у жандармга бир қизнинг уйида тўхташини айтган, — деди Годдар ўйланиб.

— Бу унинг тўқиб чиқарган афсонасининг бир қисми бўлса керак, — жавоб қилди Лемье.

— Бўлиши мумкин, — деди Годдар, — агар бу рост бўлса-чи?

— Мен айтдим—ку, — деди гапида қатъий туриб Лемье, — сўнгги йилларда Марван бу ерга келганлиги тўғрисида, қолаверса, бирор қиз билан учрашганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ.

— Агар Марван у қиз билан олдин таниш бўлган бўлса-чи? — таслим бўлмасди Годдар, — қолаверса, у қиз Мароккога яқинда кўчиб келган бўлиши мумкин.

— Гапингизни давом эттиринг, — деди Лемье бирозгина паузадан кейин. — Фикрингиз жуда қизиқ.

— Марван ўзи билан никоҳ узугини олиб юрган экан, шундайми? — сўради Годдар.

— Ҳа, шундай.

— Агар бу чиндан ҳам афсона бўлса, унда нега бунчалик кўп тафсилотлар мавжуд?

Лемье бўш келишни истамасди.

— Улар қаерда танишган бўлишлари мумкин? — сўради француз. — Бейрутдами?

— Бўлиши мумкин, — деди Годдар. — Аммо менга маълум бўлишича, сўнгги ярим йил давомида Марван Париждаги унча катта бўлмаган офисдан бутун Европа Иттифоқи бўйлаб ишни координация қилиб келган.

— Қиз билан Марван ўша ерда танишган деб ўйлайсизми?

— Эҳтимол.

— Унинг укасидан сўранг, — буйруқ берди Лемье.

Бунинг имкони йўқлигини Годдар тушунтирди.

— Сиз, Рами Аккад Боғдодга сиз келган куни кетган, деб айтмоқчимисиз? — сўради Лемье.

— Бу ҳақиқатдан ҳам ғалати туюлади, — деди Годдар, — лекин хизматчи аёлнинг таъкидлашича, Рами тўрт ҳафта иш кунининг уч ҳафтасини одатда хизмат сафарларида ўтказар экан.

— Рамининг сафарга кетиши қачон режалаштирилган экан? — сўради Лемье.

— Аёлнинг айтишича, у бирдан хизмат сафарига кетадиган бўлиб қолибди.

— Бўлмасам-чи! — деди Лемье. — Хизматчи аёлнинг олдига яна боринг. Унга Марван Аккаднинг шахсий ҳаёти ҳақида нималар маълум эканлигини билинг. Тезда мен билан боғланинг.

Сўнги бор Тарик қачон кечки зиёфатда бўлганлигини эслай олмайди. Унинг ҳаёти шунчалик хизматга, кўпинча жуда хавфли хизматга бағишланган эдики, бегона одамлар билан суҳбат қуриб ўтириш у ёқда турсин, у ҳатто бирор марта таътилга ҳам чиқмаган экан. Лекин кечки хурсандчиликни интизорлик билан кутаётганлигини у тан олди.

Душни қабул қилиш анчагина қийин муолажа бўлди, чунки яраланган жойи ҳали ҳам азоб бериб турарди. Аммо Тарик қабул қилган антибиотиклар ўз таъсири кўрсатди. Ҳар ҳолда унинг соғлиги сал бўлса-да, тикланди. У иштаҳага кираётганини сизди. У Далия келтирган катта сувли апельсинларни еб тугатди.

Далия Нур.

Ойна қаршисида соқолини олаётган Тарик қизнинг мулоийм юзини кўз олдига келтирди. Ким бўлди у? Унинг ҳаёт тарзи қандай экан? Унинг қўлида никоҳ узуги йўқ эди. Шундай чиройли дилбар қиз ёлғиз бўлиши мумкинми?

Ҳаёлан Рамига посилкалар учун миннатдорчилик билдириб, Тарик чиройли кийинди ва лифтда томда жойлашган айвонга кўтарилди. У ерда 30 ёшгача бўлган йигирмага яқин одам тўпланган экан. Улар суҳбатлашиб кулишарди, рақсга тушишарди. Магнитофоннинг катта карнайидан Амро Дийабанинг сўнги альбомидан олинган бир мусиқа янграрди. Бир нечта столнинг устига ароқбоп закуска, енгил овқат, пахлава, пирожнийлар қўйилган. Бурчакда эса ичимликлар сотиб олиш учун бар бор эди.

Ичимликларнинг борлиги ва ҳиди уни тинчлантирди. Бу одамлар дин пешволари эмас экан, бу жуда яхши, деб ўйлади Тарик. Ўтган ҳафта Рания ва у билан бўлиб ўтган ходисалардан кейин, у Худо ҳақида ўйлашни ҳам, Худо ҳақида ўқишни ҳам, шунингдек, буни истаган художўйлар жамоатида бўлишни ҳам хоҳламасди.

Тарик ўзига пиво сотиб олди. У ғам-ғуссадан уйку туфайли халос бўлмоқчи эди. Энди эса бошқа воситалардан фойдаланиб кўриш мумкин эди.

Кимдир унинг елкасидан ушлади.

— Кўйлагингиз чиройли экан, — деди майин овоз.

У қайрилиб қаради ва жилмайиб турган Далияни кўрди.

— Сиз кийиниб чиқибсиз-да, — қизнинг Тарикка нозкарашма қилаётганлиги аниқ кўриниб турарди. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, қиз марихуана таъсирида эди. У дори солинган сигаретани яна бир бор тортди-да, чекишни йигитга таклиф қилди. Тарикнинг хаёлига, онам нима деган бўларди, деган фикр келди. Аммо тезда бу фикрни ҳам хаёлдан чиқарди. Шу бугун у ҳар қандай машаққатли ҳистуйғулардан озод бўлиши керак. Ўтган ишларни унутиб, ҳаётни янгидан бошлаш лозим.

— Раҳмат, — деди Тарик ва марихуана солинган сигаретани қизнинг нозик қўлларидан олиб чекди. — Қандай муносабат билан байрам уюштирилди?

— Бугун пайшанба.

— Нима бўпти?

— Дам олиш пайти, дам олиш кунларидан лаззатланиш керак.

— Ҳар пайшанбани сизлар шундай ўтказасизларми?

— Баъзилар шундай қиладилар.

— Сизлар-чи?

— Мен баъзида кинога ёки рақсга тушишга боришни яхши кўраман.

— Бугун-чи?

— Сиз келасизмикан — мен шуни билмоқчи эдим.

— Мени келмайди деб ўйладингизми?

— Тўғриси айтсам — ҳа.

— Нега?

— Билмадим, — деди Даляя. — Сиз одамга қўшилмайдиган ўхшаб кўриндингиз менга.

Тарик таслим бўлгандай қўлларини тепага кўтарди.

— Айбдорман.

— Ростданми? — киз кулиб юборди ва қўлларини унинг кўкрагига қўйди. Йигитга ёпишганича, ундан сўради: — Яна нимада сиз ўзингизни гуноҳкор ҳисоблайсиз?

Киз тасаввур қилганига қараганда, савол унга ниҳоятда таъсир қилди.

— Ҳамма нарсада, — секингина жавоб берди Тарик.

— Юринг, — деди қиз, — мен сизга ниманидир кўрсатмоқчиман.

У йигитни қўлидан ушлади ва одамларни итариб ўтиб, шинамгина боғчага етаклаб келди. У ердан Гелиополиснинг, шунингдек, учиб кетаётган ва қўнаётган самолётларнинг милтиллаб турган чироқлари кўриниб турарди.

— Нақадар гўзал тасвир, — деди Тарик.

— Ҳа, — деди қиз. Улар иккови жимгина, гапирмасдан туриб узоқдаги шуълаларни томоша қилишдан завқ олардилар.

— Сизнинг исмингиз нима, ярамас йигитча? — жимликни бузди Даляянинг берган саволи.

— Тарик.

— Тарик ким?

— Тарик Жамил.

— Сизнинг хаётингиз қандай, Тарик Жамил? — сўради Даляя. — Сиз кимсиз ва бу ерда нима қиляпсиз?

Агар Тарик ҳаммасини айтиб берадиган бўлса, унда кизнинг ажойиб кўз қарашлари қандай бўлишини у тасаввур қилди.

— Мен консультантман, — деди у бир култим пиво ичиб.

— Нима бўйича консультантсиз? — қизиқиб сўради киз.

— Компьютер бўйича.

— Нақадар зерикарли.

— Худди шундай.

— Сиз қаердансиз?

— Ҳамма жойдан, — жавоб берди у. — Сўнгги беш йил давомида вақтимнинг кўп қисмини Европада ўтказмоқдаман.

— Ростданми? — қиз жонланди. — Масалан, қаерда?

— Мадридда, Парижда, Берлинда — ҳамма жойда. Лекин менинг компаниям Брюсселда жойлашган.

— Мен Парижни яхши кўраман, — деди қиз, бизнесга боғлиқ бўлган деталларга эътибор бермасдан, — бу учун ундан миннатдор бўлдим, — айниқса, баҳорда, ҳаво тоза ва соф бўлади, ҳаммаёқда гуллар очилиб туради, кўчаларда кўплаб севишган йигит-қизлар қўл ушлашиб, сайр қилиб юрадилар.

— Сиз Парижда катта бўлганмисиз? — сўради Тарик пиво ичар экан.

— Йўқ, Куддусда, — жавоб берди Далия. — Бироқ мен “Бритиш Эрвэйз”да стюардессаман, мен баъзида Парижга бўлган рейсларда баъзи стюардессаларнинг ўрнини босиб тураман.

— Сизнинг ишингиз сизга ҳузур-ҳаловат келтирса керак.

— Баъзида, — ғамгин тортиб деди қиз.

— Аммо...

— Лекин шахсий ҳаётга эга бўлиш қийин.

— Сиз нимани назарда тутяпсиз?

— Сизни ишга ёллаганларида, нафақат инглизлар, балки ҳамма компаниялар ҳам сизга бепул саёҳат қилиш, олам-

ни кўриш ва шунга ўхшаш имкониятдан фойдаланишни ваъда берадилар. Аслида эса сиз ҳамма вақт ниҳоятда оғир график бўйича меҳнат қиласиз. Ҳар доим кўлингизда чамадон. Уйғонишингиз биланоқ қаердалигингизни дарровдагина тушунмайсиз. Қаерни уйингиз деб ҳисоблашни ҳам билмайсиз. Хизматдошларингиздан ташқари бошқа ҳеч ким билан дўстлаша олмайсиз. Тўғри, сиз пилотни севиб қолишингиз мумкин, улар эса ҳаммаси оилали, ёки стюардессаларни, уларнинг ҳаммаси эса эркаклар сингари алоқа қиладиган аёллар... Аммо нима ҳам қилардик, бу касб ҳаётда яхши яшашга имкон беради. Мана мен нималарни назарда тутаман.

Қиз яна сигаретани тутатди.

— Дина билан Мерват-чи? — сўради Тарик. — Ахир, сизлар дугонасизлар, тўғрими?

— Унчалик эмас.

— Бу нима дегани?

— Йўқ, сиз мени нотўғри тушунманг, — деди Далия. — Улар ажойиб қизлар, мен улар учун ҳамма нарсага тайёрман, шунингдек, улар ҳам мен учун ҳамма нарсага тайёрдирлар. Аммо бир-биримиз тўғримизда жуда кўп нарсаларни билмаймиз. Биз биргаликда бир квартирада яшаймиз, чунки алоҳида-алоҳида квартирада яшашни чўнтагимиз кўтармайди. Қолаверса, икки дугонам “Эр Франс”да ишлашади, шунинг учун биз жуда кам кўришамиз. Уларнинг иккисини ҳам ҳозирда Нью-Йоркка ўтказишди. Энди улар билан умуман учрашмаймиз.

— Ҳа, афсус.

— Ҳаёт шундай экан, — хўрсинди Далия. — Унда гуноҳкорларга тинчлик йўқ.

— Нега сиз бошқа бирор машғулот билан шуғулланмайсиз? — сўради Тарик.

— Масалан, нима билан? — сўради қиз ўз навбатида. — Компьютерлар сотиш биланми?

— Компьютерларни сотиш ҳам кун кечиришга имконият беради.

— Сизга шундай иш ёқадими?

— Чидаса бўлади, — деди Тарик. — Сиз айтганингиздек, мен кишибезорман. Бундай иш менга тўғри келади. Аммо сиздек одамга, менинг ўйлашимча, кўпроқ керак.

— Сиз нимани назарда тутяпсиз?

— Сиз ёқимли, чиройли, ибולי, ҳаёт учун яратилган қизсиз, сизга бирор яхшироқ иш керак. Мен шуни назарда тутяпман.

Қиз қайрилиб тўғридан-тўғри Тарикнинг кўзларига қаради, кейин бошини ёнбошга бурди.

— Сиз мени чиройли деб ҳисоблайсизми?

— Унда нима учун мен бу ўтиришга келдим?

Тарик эгилди ва мулойимгина қизнинг юзларидан ўпди. Қиз ҳам шундай куч билан жавоб қайтардики, буни йигит ҳеч кутмаган эди. Уларнинг тепасидан Қоҳира аэропортига “Боинг-747” самолёти гувиллаб, қўнгани ўтиб кетди. Йигит қиздан бир таклифни эшитди, бундай таклифни Тарик рад этолмасди.

— Ўтиришдан кейин Дина ва Мерват аэропортга кетишади, — деди секингина қиз Тарик яна уни ўпганда, — бугун квартира кечаси билан менинг ихтиёримда бўлади.

Бунинг имкони борми? Тарик яна иситмаси кўтарилаётганини ҳис қилди.

— Менга қўшилишни истайсизми? — деб пичирлади у васвасага соладиган оҳангда. Бундай овозни Тарик қачонлардир эшитишга муяссар бўлганди.

Йигит буни жуда хоҳларди, аммо икки вазият уни тутиб турарди — Рания ва елкасидаги ўк еган жойнинг яллиғланганлиги. Тарик бундай ўй-хаёлларни ҳайдади. Рания билан ораси очиқ бўлди, буни Рания аниқ ва равшан қилиб тушунтирди. Ҳаёт давом этмоқда, бошқатдан яна у ҳаётдан лаззатланиши мумкин. Иккинчи тўсиқ янада

мураккаброқ — қандайдир баҳона ёки нимадир ўйлаб топиш лозим. Бироқ ажойиб, гўзал қиз, унинг устига ўзи хоҳиш билдирган Даляя билан кечани ўтказишга унга ҳеч ким халақит беролмайди.

— Жуда ҳам хоҳлайман, — деб пичирлади йигит Даляяга жавобан ва қиз унинг қўлига калитни ушлатиб қўйди.

— 901-квартира, — деди қиз. — Шу ерда озгина кутиб туринг, 10 дақиқалардан кейин учрашамиз. Менинг квартирам — чап томондан учинчиси. Мен эшикни очик колдираман.

“Аккад ва унинг шериклари” бюроси Бейрутда Америка университетининг яқинидаги унча катта бўлмаган марказий офисда жойлашган эди. Годдар бу ерга иккинчи бор ташриф буюрганда, офис ўз асосчисининг ҳислатларига эга эканлигини ўйлади: офис Марван Аккад сингари унча кўзга ташланмайди, камтар ва қандайдир сирлига ўхшаб кетарди.

Эшикда осилган тахтачада фақатгина компаниянинг номи ёзилган эди холос, логотип ва сайтсиз. Бир қарашда, компания нима билан шуғулланишини ҳам билиб олиш жуда қийин, чунки компания тўғрисидаги маълумот одамнинг кўзи тушадиган бирор жойда қайд қилинмаган. Қабулхонадаги мебель жуда дид билан танланган, қолаверса, етарли даражада қиммат ҳам. Аммо бу ерда проспектлар, деворларда қимматбаҳо расмлар йўқ, шунингдек, компанияга ёрдам сўраб миллионлаб миллиардер мижозлар оқиб келишини кўрсатувчи ҳеч нарса йўқ эди. Фақат ўқ ўтмайдиган ойналар, кираверишда, коридорда ва холлда ўрнатилган кузатиш камералари фирма йўналишининг ниҳоятда жиддийлигини акс эттириб турарди.

Бироқ Марван ва Рами Аккадларнинг эҳтиёткорлигига қарамасдан, улар бир заиф звено, яъни хатога йўл қўйганлар. Бу — Жасмин Зейтун.

— Хайрли тонг, Жасмин хоним, — деди Годдар тиржайиб холлдаги стол ёнига ўтирар экан. — Сизни яна бир бор кўриб турганимдан жуда хурсандман.

Яқиндагина университетни битирган дилбар Жасмин жилмайди ва унга жавобан киприк қоқди, гўёки сўнгги ойлар, балки йиллар мобайнида уларни йўқлаб келган биринчи келишган эркак Годдар бўлгандай.

— Хуш келибсиз инспектор Годдар, — деди қиз. — Мен сизга яна қандай ёрдам қилишим мумкин?

— Мен уйга қайтаётиб олдингизга яна бир кириб кетай дедим. Жаноб Аккадлар ёки уларнинг шерикларидан бирорталари бугун кўринишмадим — мен шунини билмоқчи эдим.

— Йўқ, эсизгина, — деди қиз ёрдам бера олмаслигидан минг бора афсусланиб. — Ҳеч қандай ўзгаришлар йўқ.

— Нима ҳам дердим, — киноя билан гапирди Годдар, — мен яна бир ҳаракат қилиб кўрмоқчи эдим.

— Марҳамат қилинг, сиз билан суҳбатлашганимдан мамнунман, — деди қиз.

— Сизда менинг телефон номерим борми?

— Ҳа, — деди қиз ва стол тортмасидан Годдарнинг визитка карточкасини топиб унга кўрсатди. — Ака-ука Аккадларнинг бирортасидан хабар келиши биланоқ, сиз билан боғланишларини уларга етказаман.

— Сиз ниҳоятда илтифотлисиз, — деди Годдар кетишга шайланиб. — Ҳа, яна бир нарса.

— Қулоғим сизда, — деди котиба қиз.

— Марваннинг яхши кўрган қизи Париждами? — сўради инспектор. — Мен у билан гаплашиб кўришим керак. Тергов ишлари юзасидан унга берадиган бир нечта саволларим бор. Сизда унинг телефони борми? Мен телефон орқали у билан боғланардим.

— Сиз Ранияни назарда тутяпсизми? — деди қиз соддалик билан. — Фаваз хонимни Марваннинг яхши кўрган қизи деб ҳисоблаш, унчалик тўғри эмас. Шубҳасиз, Марваннинг унга нисбатан қачонлардир ҳис-туйғулари бор эди.

— Нега энди бор эди? — сўради Годдар. У имкон қадар Жасмин хонимдан у билган барча маълумотларни киши билмас олмоқчи бўлди.

— Ҳа, жаноб, — пичирлади котиба, гарчи офисда улар иккисидан бошқа ҳеч ким бўлмаса ҳам. — Айтишларича, ўтган ёзда Марван Ранияга уйланишни таклиф қилган экан, аммо Рания уни рад қилибди ва бирдан ғойиб бўлиб қолибди.

— Ғойиб бўлибди? — қайтадан сўради Годдар.

— Мен шундай бўлди деб эшитганман, — деди қиз бирдан ғамгин бўлиб. — Эҳтимол, бу жуда ёмон бўлса керак. Энди яна бу кўргуликлар бор экан-да. Мен жаноб Аккаддан хавотир оляпман. У ниҳоятда камтар инсон.

10 дақиқадан сўнг Годдар машинада аэропорт томон шошиб кетарди. У Скелетга кўнғироқ қилди.

— Унинг исми Рания Фаваз, — деди у шошилиб, Лемье гўшакни олиши биланоқ. — У 24 ёшда. Ҳамшира бўлиб ишлайди. Шу ерда катта бўлган, Парижга кўчиб кетганига 10 йил бўлибди. Май ойида Мароккога кўчиб борган.

— Сиз ҳазиллашяпсиз, — деди Лемье.

— Асло, — жавоб берди Годдар.

— Рания Рабатдамикан? — сўради Лемье.

— Дюваль ҳозирда шунинг устида ишламоқда, — деди Годдар. — Мен тез орада билиб оламан.

— Годдар, офарин! Сиз жуда яхши меҳнат қилибсиз! — деди Лемье ва бир неча кун ичида биринчи бор чин дилдан хурсанд бўлгани унинг овозидан билинди. — Сиздан бениҳоят зўр детектив чиқишига мен ишонаман.

— Тарик, айтинг-чи, бошқа ҳайдовчи ҳам сиз каби жиддий жароҳат олдимиз?

Тарик саволни эшитди, аммо унга жавоб бергиси келмади, шунинг учун ўзини ухлаганга солиб олди. Лекин Даляя ўз саволини яна бир бор қайтарди.

Бир қанча вақтдан кейин Тарик ўғирилди ва истаб-истамайгина кўзини очди. Деразага тутилган парда орасидан эрталабки куёшнинг нурлари кўриниб турарди. Даляя илик танаси билан унга ёпишганича, саволига жавоб кутарди. Йигит ёлғон гапиришга ўрганиб қолган, яна алдаш унга қийин муаммо эмас. Бироқ маълум бир сабабларга кўра бугун бу гўзал қизни алдаши уятдир, аммо Тарик ёлғон гапирмай бу вазиятдан чиқиб кета олмасди.

— Афсуски, шундай, — ниҳоят деди у. — Полициянинг айтишича, у қаттиқ маст экан. Ҳайдовчи эндигина ўтиришдан қайтган бўлиб, рулда бепарволик қилган ва машинасида бабах!... — мен уни кейин бошқа кўрмадим.

Даляя сесканиб кетди.

— Сиз ҳалок бўлишингиз мумкин эди.

Тарик жим турди ва бироздан кейин деди:

— Мен бу ҳақда ўйлагим келмаяпти.

У полда ётган кўйлагини олди ва эгнига кийди.

— Ўлим ҳақидами ёки авария ҳақидами? — сўради қиз.

— Униси ҳақида ҳам, буниси ҳақида ҳам, — деди Тарик ва ўрнидан туриб, джинси шимини кийди.

— Шунинг учун кечаси алаҳсираб чиқибсиз-да?!

— Алаҳсирадимми? — сўради Тарик.

Қиз “ха” дегандай бошини қимирлатди.

— Эсингизда йўқми?

— Йўқ, — деди у яна ёлғон гапириб.

У нима деган экан? Қиз нималарни эшитиши мумкин?

— Соат кечаси уч эди, — деди қиз. — Сиз тишларингизни ғичирлатдингиз, безовта бўлдингиз ва алланималар деб ғўлдирладингиз.

— Нималар дедим?

Далия чойшаб билан устини ёпди.

— “Йўқ, қўйинглар, мен айбдор эмасман!” деган гаплар қилдингиз. Менинг ўзим ҳам уйкусираб турганим учун нималар деганингизни аниқ эшитолмадим.

Худога шукур, — ўйлади Тарик ва деди:

— Кейин-чи?

— Ҳеч нарса. Сиз бурилдингиз-да, яна ухлаб қолдингиз. Ҳеч нимани эсламайсизми?

Унинг эсида. Аммо қизга айтиб беролмайди. У фақат бир шарт билан тирик қолиши мумкин — агар иккиёқлама ҳаёт тарзи кечирган тақдирдагина. Тарик яна бир хатога йўл қўйишга ҳаққи йўқлигини билади.

— Йўқ, эслолмайман. — Тарик эгилиб қизни ўпди ва деди: — Ҳозир менинг сенга саволим бор.

— Айтинг.

— Сенинг кейинги рейсинг қачон?

— Энди душанба куни кечкурун, — жавоб берди қиз. — Нимага?

— Яъни, дам олиш кунларинг бўшми?

— Мен Александрияникига мехмонга бормоқчи эдим.

— Дўстингникигами?

— Йўқ, — жилмайди қиз, — дугонамникига.

— Бормай қўяқолгин.

— Нега?

— Кел, дам олиш кунларини биргаликда ўтказамиз.

— Хўш, биз нима қиламиз?

— Ҳозирча билмадим, — жавоб берди йигит. — Кел, ҳозир нонушта қилгани чиқайлик-да, кейин бирор нима ўйлаб топармиз. Айтганчалик, сен нима хоҳласанг, шу...

— Нима хоҳласамми? — қиз Тарикка шубҳа билан қаради.

— Сен хоҳлаганинг, — деди йигит яна бир бор қизнинг рози бўлишига умид қилиб. Кимлар биландир айнан ҳозирда яқин алоқага киришиб, у ҳаётини хавф остига қўйишини мумкинлигини у тушунарди, аммо ҳаммасини назорат остида ушлаб туришга у ишонарди. Тўзиган ва қоронғу хонада яна ўзининг ёлғиз қолиши мумкинлигини у тасаввур ҳам қилолмасди. Далия жуда чиройли, хушчақчақ қиз ва унинг ҳаёти ҳали олдинда. Тарик у билан бирга экан, Рания ҳақида асло ўйламайди, қолаверса, Годдар ва Лемьелар ҳақида ҳам.

— Келишдик, Тарик Джамил, — ниҳоят деди Далия. — Келинг, саёҳатчиларга ўхшаб юрамиз.

Далия Қоҳирада бир йилдан ортиқроқ яшаса-да, шаҳарни яхши билмайди. Тарик ҳам бу ерга янги келган одам (бир неча бор Ливан премьер-министри билан Қоҳирага келган, аммо шаҳарни айланиб томоша қилишга ва ўзига ҳеч вақт ажрата олмаган). Улар душдан кейин “Шератон” да енгилгина нонушта қилдилар. Сўнгра улар бир таксини тўхтатиб Хан Аль-Халиль бозорига йўл олдилар. Улар ёш келин-куёв каби эрталабки вақтни бозорда ўтказдилар. Улар нарсаларга тўла тор кўчаларда сайр қилдилар, қимматбаҳо тақинчоқлар, антикварлар ва турлича шарқона ажиб нарсалар сотиладиган дўконларни айландилар, “Нажиб Махфуз Кафе”сида туркча қаҳва ичдилар.

— Сиз Нажиб Махфузнинг романларидан бирортасини ўқиганмисиз? — сўради Далия улар алоҳида кабинетда ўтирганларида. Бу хонанинг деворларига очиқ қизил матодан пардалар тортилган. Гўёки улар чодирга беркиниб олгандай эди.

— Фақат биттасини ўқиганман, — жавоб берди Тарик пирожный ер экан. — “Лидер ўлган кун” номли романини ўқиганман.

— Жуда қайғули роман, — деди Даляя.

— Унинг ҳамма романлари қайғули эмасми? — сўради йигит.

— Йўқ, ҳаммаси эмас, — деди қиз. — Менга улардаги севги тарихи ёқади. *“Менинг севгилим сувдан қармоқни тортиб олди. Қармоқ қуруқ, ўлжа йўқ, аммо қармоқ менинг бармоғимга кирди ва бугунги кунга қадар сақланиб қолган белгини қолдирди. Нил соҳилида, уйимиз олдида мен қизга — у нўноқ балиқчи эканлигини айтдим, бироқ у мени қармоққа илтирдди. Ва мен кўп қон йўқотмоқдаман...”*

— Сен мени қойил қолдирдинг, — деди Тарик.

— Махфузни ўқишни менга отам ўргатган, — деди қиз. — Эсимда, кичкиналигимда отам менга Махфузнинг романларини ухлашимдан олдин, ҳеч бўлмаганда бир бобини, агар мен уни кўндирадиган бўлсам, баъзида кўпроқ бобларни ўқиб берарди. Катта бўлганимдан кейин мен ўзим ўқий бошладим.

— Сен унинг ҳамма романларини ўқиб чиққанмисан?

— Пьесаларининг ҳаммасини бўлмаса-да, аммо роман ва ҳикояларини битта қолдирмай ўқиганман. Улар сеҳрли, сен ўз ҳаётингдан кетиб бошқа, сеҳрли оламга кириб борасан. Мен узоқ йиллар мобайнида катта бўлсам, албатта ёзувчи бўламан деб ишонган эдим, то Махфузга одамхўр пичоқ билан тажовуз қилгунга қадар. Мен бу тўғрида эшитганимда, қаерда эканлигим ҳамон ёдимда.

— Ростданми? — таажжубланди Тарик. — Ахир, бунга кўп бўлди-ку, 95 ёки 96 йилларми?

— 1994 йилнинг 14 октябри, — деди Даляя.

— Чиндан ҳам ёдингда экан.

Даляя қаҳва қуйилган идишига тикилиб қаради.

— Ўшанда менинг туғилган куним эди. Мен 13 ёшга тўлгандим. Мен мактабдан келдим, онам сўзлар бердилар. Аввалига мен ишонмадим ва акамга кўнғироқ қилдим. Акам бўлса бунинг ростлигини тасдиқлади. Мен югуриб ўз хонамга кириб кетдим, эшикни ёпдим-да, роса йиғладим. Хонамдан кейинги куни эрталаб чиқдим. Биринчи бор менга яқин бўлган одам вафот этди. Мен худди бобомдан ёки хаттоки отамдан ажрагандай бўлдим. Аммо кейин у яшаши мумкинлигини эшитиб қолдим, нақадар хурсанд бўлдим, роса энгиллик сездим, гўёки елкамдан тоғ ағанагандай бўлди. Мен яна хўнграб йиғлаб юбордим. Дўстларим ва дугоналарим мени телба деб ҳисоблардилар, менга эса барибир эди. Махфузнинг тириклигига мен хурсанд эдим, қачонлардир у яна ёзишни бошлаши учун Худога илтижо қилдим ва ҳақиқатдан ҳам яна қанчадан-қанча асарлар ёзди. Тарик, сиз шунга ўхшаш ҳис-ҳаяжонни бошингиздан ўтказганмисиз? Сиз яқинларингиздан бирор кимсани йўқотганмисиз, ёки йўқотиб кўйишдан кўрқасизми?

Одатга кўра, Тарик яна ёлғон гапириши кераклигини тушунарди. Чунки қиз унга яқин бўлиб қолишидан, қачонлардир Рания қилгани сингари Тарикнинг қалбини вайрон қилиши мумкинлигидан, умуман олганда, аслида Тарик ким эканлигини билиб қолишидан у чўчирди. Лекин унинг юраги унга бошқа нарсаларни айтарди (ҳа, улар эндигина танишдилар, бир кеча бирга бўлдилар). Шу вақт Тарик Даляянинг саволига жавоб бераётганлигини англади:

— Ота-онамни. Ота-онам 14 ёшлигимда вафот этишган. Миналаштирилган машина портлаб кетган. Бу қандай содир бўлганини биз укам иккимиз ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Агар биз бир неча метр уларга яқин бўлганимизда, биз ҳам портлаб кетган бўлардик.

— Йўқ-йўқ, — Даляя ниҳоятда ҳаяжонланиб кетди. — Сиз изтироб чекишингизни мен хоҳламагандим... Шундай бўлганини мен билмасдим...

— Ҳечқиси йўқ, — деди у юмшоқлик билан. — Бу ҳодиса юз берганига кўп йиллар бўлди.

— Афсус.

Бироз вақт уларнинг иккиси ҳам сукут сақлаб ўтирдилар. Сўнгра Далия сўради:

— Тарик, сиз ўлимни жуда кўп кўргансиз, тўғрими?

У бош чайқамади. Ҳеч қандай жавоб ҳам бермади. У жавоб бермоқчи бўлди, аммо мумкин эмас.

Далия йигитнинг кўлини ушлади. Тарикнинг биринчи истаги — қиздан нари сурилмоқчи бўлди, чунки унга одамларнинг раҳми келишини у асло истамасди. Бироқ у қизни ҳам хафа қилгиси келмасди. Қолаверса, қизнинг бундай хатти-ҳаракати шу қадар илиқ, мулойим ва оромбахш эдики, у ўз шаштидан қайтди. Унинг ўй-фикрлари ва ҳистуйғулари қачонлардир ёки кимнидир қизиқтириши мумкинлигини Тарик эслай олмасди.

— Балки, яна бирор жойга борармиз? — деб сўради бироздан кейин Тарик.

— Хўп, — жавоб қилди Далия.

Бир соатдан кейин улар ғорни эслатувчи Миср музейларининг залларини айланиб юришган эди. Тарик Даляянинг қўлини ушлаганича, улар бир неча соатда минг йиллар давомида юз берган ҳодисаларни ҳис этишга ҳаракат қилдилар. Улар сувенир магазинидан сотиб олган саёҳатнома китобчасидан парчаларни ўқирди.

— Бу ерда нечта экспонатлар борлигини топингчи, — деди киз, улар Аменхотеп III ҳазиналари ёнидан ўтаётганларида ва оҳақтошдан ўйилган шахзода Рахотеп ва унинг хотини Нофретнинг хайкалчаларини томоша қилар эканлар.

— Билмадим, — жавоб берди Тарик. У ҳеч қачон музейларни кўриш иштиёкида ёнмаган, аммо ҳозирда қизиқиш уйғонишига ҳаракат қиларди, чунки Даляяга бу жуда қизиқарли эди.

— Топинг-да.

— Хўп, яхши. Миллион.

— Йўқ, жиддий айтинг, қанча?

— Ҳа, ярим миллион.

— Жуда кулгили. Ҳозирда музейда 120 минг экспонат намоиш қилинмоқда. Айтишларига қараганда, захирада яна 150 минг экспонат сақланаётган экан.

— Шу холосми? — киноя билан деди Тарик. — Тагин шу музей деб аталармиш? Мутгаҳамлик!

— Сиз жуда ҳазилкашсиз-да, — қиз уни тирсаги билан туртиб қўйди. — Сиз ўзи масхарабоз бўлишингиз керак.

— Ҳақиқатдан ҳам, — деди Тарик. — Дунёдаги компьютерлар бўйича биринчи консультант-масхарабоз. Нега олдинроқ шу фикр менинг калламга келмабди?

— Э, бўлди қилинг, — деди киз унинг ҳазилларига эътибор қаратмасдан. — Келинг, Тут ҳазиналарини кўрамиз.

Улар зина бўйлаб иккинчи қаватга кўтарилишди ва Тутанхамон галереясига кирдилар. Олдинига улар олтиндан икки қора хайкалчани кўрдилар. Бу хайкалчалар Луксор яқинидаги Шоҳлар Водийси мақбарасига киришни кўриқлаганлар. Сўнгра Тарик билан Даляя витринага қўйилган тилла аралаш ёғоч саркофаг (қадимги тош тобут)ларни томоша қилдилар. Узоқ асрлар давомида бутун сақланган саркофаглар 20-йилларда машҳур Британия археологи Говар Картер томонидан топилган.

— Нақадар ҳайратда қолдирадиган нарсалар, — деди Даляя. — Қаранг, бу катта саркофаг ичида кичикроғи, унинг ичида янада кичикроқ саркофаг ва ҳ.к. бор экан.

Бир неча дақиқадан сўнг улар учинчи залга кирдилар. Бу хона қоронгулаштирилган бўлиб, сунъий ҳавоси бор экан.

— Кейин, — деб гапини давом эттирди Даляя, — ўша саркофагларни ичида шу саркофаг бор экан, унинг ичида кичикроқлари — олтиндан, охиридаги саркофагда — ушбу олтин ниқобдаги Тутанхамоннинг танаси сақланар экан.

Улар чироқ билан ёритиб турилган шиша витринасига яқинлашдилар. Витрина олдида соқчилар туришарди. Ўша витрина ичида Тарик ўз ҳаётида биринчи бор кўриб турган жуда ажойиб экспонат бор эди.

— Бу ўшами? — пичирлаб сўради у. — У ҳақиқийми?

— Албатта, — жавоб берди киз. — Рангларнинг тиниқлигига ва ишнинг нозиклигига эътибор беринг. Воажабо!

Кизнинг гапи тўғри эди. Қуйма текис олтиндан ясалган ва кўк, сариқ ва қизил ранглар берилган жасаднинг ниқоби ажойиб тарзда қачонлардир мамлакатни ва одам-

ларни бошқарган ёш шахзоданинг юз тузилишини ифодалаб турар эди. Витриналарда Тутанхамон билан бирга дафн этилган олтиндан ва кумушдан ясалган қимматбаҳо тақинчоқлар, зебу зийнатлар, турлича идиш-товоқлар ва бошқа нарсалар намойиш қилинган.

— Бир одамнинг шунчалик бойлиги борлигини кўз олдингизга келтира оласизми? — сўради Далия Тарикдан. Улар бир неча миллиардга баҳоланиши мумкин бўлган (агар уларга ҳақиқатдан ҳам баҳо бериб бўлса) қимматбаҳо нарсалар ва бойликлар сақланадиган хонани кўздан кечирдилар.

— Тасаввур қияпсанми, шуларнинг ҳаммасини одам билан кўмиб юборишган, гўёки келажак ҳаётда у шу нарсалардан фойдалана олармиш, — деди Тарик.

— Ҳа, — деди Далия, — бу жуда қайғули.

— Ҳамма фиръавнлар худди шундай фикрда бўлганлар, — гапини давом қилди Тарик, — самоларда яшаш учун пирамидалар куриб, бойликларни ўша ерда сақлаганлар. Ва худди шу бойликларни ўғрилар ва қотиллар талон-тарож қилганлар.

Кўриқловчи улардан секинроқ гаплашишни илтимос қилди, улар музейни кўришни давом эттирдилар. Улар бошқа залларни ҳам айландилар. Кўплаб залларда бошқача қимматбаҳо нарсалар намойиш қилинган. Бу нарсаларни Тутанхамон буйруғига биноан у билан кўмиб юборганлар. Булар қуйидагича нарсалар эди: найзалар, камонлар, у ўйнашни яхши кўрган ҳар хил ўйинлар, иссиқларда унга оро бахш этган олтиндан ясалган катта елпиғичлар, қачонлардир ўзининг буюк империясини ўтириб олиб бошқарган тилла тахт ҳам.

Ярим соатдан кейин киришга пул тўлаб улар мумиёлар сақланадиган залга киришди. Биринчи қаторда Рамсес II мумиёси турарди. Тарик эса Монте-Карлодаги ўликхонада Рафик Рэмзининг жасади сақланаётганлигини эсламасдан

туролмади. Улар куритилган юз, суяк бармоқларга ва кадимий фиръавн танасини коплаб олган жигарранг пардага тикилиб турардилар.

— Даляя, — деб пичирлаб гапирди Тарик, уларнинг гапини кўриқчи эшитиб қолмасин деб қайрилиб қараб кўйди.

— Ҳа, — жавоб берди қиз.

— Сен осмондаги ҳаётга ишонасанми?

Даляя қайрилди ва унга ҳайрон бўлиб қаради.

— Албатта ишонаман, сиз ишонмайсизми?

— Ўйлашимча, ишонаман.

— Ўйлашингизчами?

— Йўқ, ишонаман. Фақат... э-э, билмадим... аҳамиятсиз.

Қиз бирдан қаддини кўтарди. Унинг юз тузилиши ўзгарди, у йигитнинг қулоғига пичирлаб деди:

— Мени кечиринг. Мен сизни бу ерга бошлаб келмаслигим керак эди. Мен ўйламай иш қилибман. Буларнинг ҳаммаси сизга ўлимни эслатяпти.

— Йўқ, йўқ, гап бунда эмас, — деди йигит. — Ҳаммаси жойида. Фақат...

— Нима?

— Ҳеч нима.

— Йўқ, нима?

— Биз кетсак бўладими?

— Менга айтинг.

— Ҳеч нарса дедим—ку. Кел...

— Сиз авария тўғрисида ўйлаяпсизми? — сўради қиз. Унинг меҳрибон қарашлари Тарикнинг кўнглини эритди. — Сиз ўлимга нақадар яқин бўлганлигингиз ҳақида ўйлаяпсиз.

— Ҳа, эҳтимол, шундайдир, — деди у ўйланиб. Тарик нималар юз берганини бирам қизга сўзлаб бергиси келди.

— Тарик Жамил, биласизми, — унинг кўлини қисганича пичирлади қиз. У юзида қизнинг иссиқ нафасини ҳис

қилди. — Сиз яхши одамсиз. Худо эса яхши одамларни самоларга олади. Сиз фақат шуни билсангиз бўлди.

Далия уни юпатмоқчи эканлигини Тарик биларди. У хафа бўлишини қиз хоҳламайди. Аммо ҳозирда йигит қандай кўрқувни ҳис этаётганлигини қиз тасаввур қила олмайди. Агар қизнинг айтишича, яхши одамларни Худо самоларга олиши рост бўлса, бу ҳолда у ҳалокатга маҳкумдир.

У яхши одам эмас. Оддий ва кўркинчли ҳақиқат мана шундай. Годдар ва Лемье уни қотил деб айбламоқдалар. Аммо у гуноҳкор эмас, чунки у ҳеч нарса содир этмаган, агар иш судгача етиб борадиган бўлса, суд уни ҳеч нарсада айблай олмайди. Аммо самовий ҳукм-чи? Ахир, у ёлғон гапиргани, наркотик қабул қилгани учун айбдор ҳисобланмайдими? Уйланмаган бўла туриб, хотинлар билан ётиб юриши гуноҳ эмасми? Ахир, у ота-онасининг хотирасига нисбатан хоинлик қилмадими? Айниқса, онаси бошқа йўл ва ўзгача ҳаёт тарзини танлашини айтиб, ялиниб-ёлворишларига эътибор бермагани учун айбдор ҳисобланмайдими? Тарик қилган гуноҳлари ҳақида қанчалик кўп ўйласа, гуноҳлар рўйхати шунчалик узун бўлиб бораверди, шунингдек, унинг руҳи ҳам тушиб кетаверди.

Телефон жиринглади, инспектор Годдар биринчи жиринглашданок телефон гўшагини кўтарди.

— Колетт, илтимос, Рания Фаваз тўғрисида қўшимча маълумотлар топдим, деб айтинг, — деди у Бейрут аэропортида чипта олиш учун навбатда турар экан. У Мароккога бугун учиб кетишни режалаштирган. — Телефон рақами, турар жойи — мен ишни бошлашим учун нима бўлса ҳам.

— Мен унисини ҳам, бунисини ҳам топдим, — деди Дюваль.

— Офарин! — Годдар хурсандлигидан бақириб юборишига сал қолди. — У Рабатдами?

— Йўқ, Касабланкада.

— Шундай денг! Қаерида? — Годдар манзилгоҳни дафтарчасига ёзиб олди. — Унинг расми ҳам борми?

— Ҳозиргина олдим.

— Расми менинг телефонимга зудлик билан жўнатилинг.

— Яхши.

— Баракалла, Колет. Сиз жуда яхши ишлабсиз. Марокко полицияси билан сиз боғланмадингизми?

— Йўқ, маълумотларни сиз биринчи бўлиб эшитишни хоҳласангиз керак, деб ўйладим.

— Яхши. Сиз Ранияни қандай топдингиз?

— Телефон компания орқали, — жавоб берди Дюваль. — Энг қийини уни топишга рухсат берувчи шахсни излаш бўлди, албатта, мен ўзимни таништираётган одам эканлигимни тасдиқлашим ҳам. Қолгани унчалик қийин эмас эди.

— Баракалла, — деди Годдар яна бир бор. Омади келганига ўзининг ишонгиси келмасди. — Хўп, мен Скелетга кўнғироқ қиламан. Ҳозирча эса Рания тўғрисида имкон қадар кўпроқ маълумотларни йиғишга ҳаракат қилинг. Сўнги пайтларда у кимларга кўнғироқ қилган, қаерда ишлайди, унинг қўшнилари ким, эҳтимол, бирортаси билан у ижарада турар, қандай машина ҳайдайди, илтимос, ҳаммасини билиб қўйинг. Ҳозирча Марокко полициясини аралаштирмасликка ҳаракат қиламиз. Юридик сансалорликсиз иш тутамиз.

• • •

10 дақиқадан сўнг инспектор Лемье Годдар билан суҳбатлашишни тугатди ва телефонига келган хабарни ўқиб чикди. Демак, Жан-Клод ўзининг малласоч ёрдамчи қизи билан алланималарнидир топишга муяссар бўлишибди. Уларнинг бундай иш қилиши кимнинг ҳаёлига келибди.

“Вазият кўнгилдагидек бўляпти”, деб ўйлади Лемье. Марван Фавазнинг уйида беркиниб ётган бўлса керак (шундайлиги аниқ), ёки Марван қаердалигини у билади, биз унинг изига тушишимизга ёрдам беради. Ҳар ҳолда Раниянинг олдига имкон қадар тезроқ етиб бориш керак. У “Хилтон”дан югуриб чиқиб, машинага ўтирди ва Рабатдан орқага — Касабланкага шошилди.

Лемье керакли бинога етиб борганда, коронғи тушиб қолган эди, қоровул столга бошини кўйганича мудрарди. Лифт эшикларининг очилиб ёпилиши яшовчиларни безовта қилмаслиги учун, Лемье зина бўйлаб еттинчи қаватга кўтарилди.

Лемье нафази бўғзига қисилиб еттинчи қаватга кўтарилганда қаватда ҳеч ким йўқ, сукунат ҳукм суларди. Пистолетни чўнтагидан чиқариб, устига глушителни ўрнатди. У қуролни ҳар эҳтимолга қарши тайёр қилиб олди.

У 701—хонадонни топди ва икки марта тақиллатди. Ичкаридан ёшгина аёлнинг овози келди:

— Ким у?

Бу Фавазми? Марван шу ердамикан? Марван ҳеч қачон Лемьенинг овозини эшитмаганлигини у биларди. Аммо барибир зийрак туриш лозим, чунки эшик орқасида қотиллиги учун қўлга тушиб қолмаслик мақсадида қуролланган Марван беркиниб турган бўлиши мумкин.

— Сиз спутник телевидение ўрнатиш масаласида мурожаат қилганмидингиз? — сўради Лемье. Сўнгги соатда унинг бўлими томонидан йиғилган маълумотлар ҳақиқатга мос келарди. Нима учун Годдарнинг одамлари буни ўзлари амалга оширишмаганига Лемье таажжубланди.

— Ҳа, — деб жавоб берди аёл, — ҳозир, бир дақиқа.

Эшикнинг қулфи ва занжили очилаётганини Лемье эшитди. Ниҳоят, эшик ҳам очилди. Эшикдан қараб турган қиз, шубҳасиз Рания Фаваз. У Годдар юборган расмга жуда ўхшар эди.

Лемье фурсатни бой бермай, зудлик билан эшикни итарди, Ранияни қўлидан ушлаб орқасига қайирди ва бўйнидан маҳкам тутди, қўлидаги пистолетни унинг бошига тиради.

— Марван Аккад қани? — сўради у. — Ҳозироқ жавоб бер!

— Вой-й-й! Қўлим оғриди! — бақирди Рания. — Сиз ҳозир қўлимни синдирасиз!

Лемье бунга аҳамият бермади.

— Марван! Ранияни мен тутиб турибман! — бақирди Лемье. — Агар сиз уни тирик кўришни хоҳласангиз, қуролни полга ташланг ва қўлингизни тепага кўтарганча чиқинг!

— Марван бу ерда йўқ, — деди Рания оғриқдан афтини буриштириб. — У йўқ. Марван бу ерда йўқ!

— Фаваз хоним, мен сизга ишонмайман. Севикли ёрингизни қутқариш учун сиз ёлғон гапиряпсиз.

— У менинг севикли ёрим эмас. Ҳеч қачон шундай бўлмаган ҳам. У бу ерда йўқ.

Қизнинг гаплари ишонарли, аммо Лемье ўз ҳаётини хавф остига қўйишни истамасди. Қизнинг бошига пистолетни қаттиқроқ тираганича, хонадоннинг ичкарасига судраб кирди. У бирма-бир қўшни хоналарни, омборларни айланиб чиқди. Кроватларнинг тағларини, бурчакларни, ванна хонани синчиклаб текширди. Марван уни пойлаб турмаганига ишонч ҳосил қилгач, Лемье сал енгил тортди.

— Марван бу ерда йўқ деб мен сизга айтдим-ку, — деди Рания, улар ҳамма жойни қараб чиққанларидан кейин.

Лемье бориб кириш эшигини ёпиб келди.

— Овозингни ўчир! — деб бақирди Лемье ва қизни пистолетнинг дастаси билан юзига туширди. Қиз йиғлаганча, полга йиқилиб тушди. Раниянинг ёрилган лабидан қон окди. — Хўп, ҳозир Марван бу ерда йўқ, аммо у шу ерда бўлган!

— Сиз кимсиз? — қўрқувдан титраб сўради Рания. — Сизга мендан нима керак?

— Фаваз хоним, бу ерда саволларни мен бераман, — деди Лемье эгилиб пистолетни яна қизнинг бошига тирар экан. — Мен сиздан яна бир бор сўраяпман, ўйлаб жавоб беринг: яқиндагина Марван Аккад сизнинг уйингизда бўлганми?

— Ҳа, бўлган, — деди қиз ниҳоят оғриққа чидамай.

— Унга нима керак экан?

— Марван шу ерда қолмоқчи эди, мен йўқ дедим.

— Нима учун бу ерда, меҳмонхонада эмас?

— У ярадор эди. Унга ёрдам керак бўлган.

— Сиз унга ёрдам бердингизми?

— Мен — ҳамшираман.

— У сизни севади.

Рания ҳеч нима демади.

— У сизга май ойида турмушга чиқишни таклиф қилган, шундайми?

— Ҳа, шундай.

— Демак, у сизни севади.

— Ўйлашимча, ҳа.

— Сиз уни севмаганмисиз?

— Мен унга йўқ деганман.

— Бу — уни севмаслигингизни англатмайди. Ахир Марван сизнинг олдингизга келди. У ёрдам сўраб мурожаат қилиши мумкин бўлган одамлардан у сизни танлаган.

— Ўйлашимча, шундай.

— Эҳтимол, Марван: “Рания мени ҳали ҳам севади”, деб ўйлаган бўлса керак?

— Бўлиши мумкин.

— Оғир дақиқаларда у сизга мурожаат қилган. Унга ўқ тегиб ярадор бўлганми?

— Ҳа, шунга ўхшайди.

— Сиз эса уни ҳайдаб чиқардингиз?

— Мен унинг ҳаётига аралашмоқчи эмасман.

— Қотилнинг ҳаётигами?

— Мен бундай деганим йўқ, — деди Рания жаҳли чиқиб.

— Буни айтишингиз шарт эмас.

— У қотил эмас, — деди Рания. — У яхши одам.

— Ҳа, демак, унга турмушга чиқишни нолайиқ билар экансиз-да?

— Биз болалиқдан дўст бўлганмиз. Мен у учун ҳамма нарса қилишга тайёр эдим.

— Нега унда унга ёрдам кўрсатмадингиз?

— Мен... мен қўлимдан келган нарсани қилдим.

— Лекин сизнинг уйингизда унинг қолишига сиз ижозат бермадингизми?

— Мен... мен...

— Сиз унга пул бердингизми?

— Йўқ.

— Сиз унга самолётга билет олишга ёрдам бердингизми?

— Йўқ.

— Темир йўл станциясига уни олиб бориб кўйдингизми?

— Йўқ.

— Лекин Марван ҳозир қаерда бўлиши мумкинлигини, Фаваз хоним, сиз биласиз-а?

Рания полда ғужанак бўлганича ётарди, бутун бадани титтарди, кўзлари тўла ёш ва аранг гапира оларди.

— Йўқ, — деди қиз. — Билмайман.

— Ўйлашимча, сиз ёлғон гапиряпсиз.

— Мен бошқа ҳеч нарса билмайман.

Лемье пистолетнинг предохранителини шиқиллатди.

— Илтимос, менга ишонинг, Марваннинг қаерга кетганлигини мен билмайман.

— Мен учгача санайман, — деди Лемье. — Агар мен ўзимга керак бўлган маълумотни эшитмасам, мен сизни ўлдираман.

— Лекин мен билмайман, — деди қиз. — Онт ичиб айтаман. Агар билганимда эди, сизга айтган бўлардим.

— Балки айтмас эдингиз, — деди Лемье. — Балки, ҳақиқатдан ҳам сиз уни севарсиз? Эҳтимол, сиз ўзингизни қурбон қилиб, унга кочиб кетишга имкон берарсиз?

— Йўқ, яъни, ҳа, мен уни севаман, аммо сизга рост гапиряпман.

— Бир...

— Илтимос жаноб, гапларимга ишонинг.

— Икки...

— Яхши, мен нималарни билсам, ҳаммасини сизга айтаман. Лекин мен кам нарса биламан. Фақат илтимос, мени ўлдирманг.

Лемье индамай, қуролни қизнинг бошига тираганича караб турди. Сўнгра деди:

— Яхши, мен кутяпман.

— Марван қаерга боришини билмаслигини айтди, — деди қиз шошиб, — мен эса унинг гапларига ишондим.

— Фаваз хоним, у айнан нима деди?

— У... эхтимол... “Мисргами, ёки бўлмаса, бу ердан узокроқ бўлган Курфазнинг бирор мамлакатига кетмоқчи эди.” ...Бу билганларимнинг ҳаммаси.

— Ишончингиз комилми?

— Ҳа, — деди қиз. — У бошқа ҳеч нарса демади.

— Марван бу ерда бўлганини яна ким билади?

— Менинг ўзим.

— Ота-онангиз-чи?

— Йўқ.

— Дўстингиз?

— Йўқ.

— Хонадошингиз ёки қўшнингиз?

— Йўқ, — деб ёлғон гапирди Рания, токи Лемье Лайло ҳақида билиб қолмаслиги учун, — фақат мен. Бўлди, мен бошқа ҳеч нарса демайман. Илтимос, менга ишонинг.

Лемье яна бироз пауза қилиб, ўйланди. Қизнинг гапларига ишонса бўладимикан...

— Хўп, яхши, — деди у. — Ахир, бу унчалик қийин эмас эди-ку, тўғрими?


Рания енгил нафас олди.

Шу вақт кириш эшиги тақиллаб қолди. Қулф очилиб, хонага қўллариди бир қанча бозорликлар кўтарган Лайло кириб келди. Даҳшат билан у Лемьегга ва унинг қўлидаги тўппончага қаради. Қўрқувдан ранглари оқариб кетди.

— Рания, нима бўлди? — сўради у қалтироқ овозда. — Бу Марван билан боғлиқми?

Бу сўзлар қизнинг тақдирини ҳал қилди.

Лемье икки марта ўқ узди. Ўқ овозини ҳеч ким эшитмади.
Лайло полга йиқилди. Сўнгра Лемье Рания томон ўгирилди
ва яна икки марта унга қарата ўқ отди.



Годдар Рания Фавазнинг уйи олдида таксидан тушди.

— Намунча узоқ кетдингиз? — сўради Лемье норози оҳангда.

— Бу ерга Бейрутдан анчагина узоқ, — жавоб берди Годдар унинг киноясига эътибор қилмай. — Марван тўғрисида бирор нарса билдингизми?

— Йўқ, ҳаммаси жимжит.

— Қиз-чи?

— Мен сизга айтдим—ку, ҳаммаси жойида.

— Улар шу ердалигига ишончингиз комилми? — сўради Годдар.

— Айни пайтда мен ҳеч нарсага ишонмайман, — деди Лемье. — Аммо вақтни ўтказмайлик. Ҳозир ичкарига кирамиз. Ишончим комилки, Марван ғафлатда қолади.

Улар холлга киришди. Бу сафар қоровул ухламай ўтирганди. Лемье ўзининг нишонини кўрсатди ва деди:

— Биз Рания Фавазни қидирмоқдамиз. Бизнинг билишимизча, у шу ерда яшар экан.

— Фаваз хоним? — сўради қайтадан қоровул. — Ҳа. Жуда ажойиб қиз. Рания ва унинг дугонаси Лайло бир хонадонда яшашади. Еттинчи қават, 701—хона. Сизни кузатиб қўяйми?

— Бунинг кераги йўқ, — деб жавоб қилди Лемье ва қайрилиб Годдарга қаради.

— Сиз зина бўйлаб кўтарилинг. Ҳаммаси жойидами — қаранг. Тепада учрашамиз.

У ўзининг хизмат тўппончасини олди ва лифтга кириб кетди.

Годдар ҳам қуролини олди ва қоровулга бинога кириб келувчиларга ҳам, чиқиб кетувчиларга ҳам ҳеч нарса айтмасликни тайинлади. Сўнгра зиналардан кўтарилар экан, у ноҳуш воқеани тинчлик йўли билан тугагини илтижо қилди. Марван қотил эканлигига у асло ишонгиси келмасди. Лемье фикрларининг баъзи бир жойлари уни қониқтирмасди. Аммо эҳтиёткорлик зарар қилмайди. Нима бўлганда ҳам, Марван Аккад махсус тайёргарликдан ўтган.

У Лемьени 701–хонадоннинг кириверишида учратди ва улар имо-ишоралар билан ўз ҳаракатларини келишиб олдилар. “Уч” ҳисобидан кейин улар эшикни тепиб очдилар ва қўлларида тайёр турган қурол билан ичкарига кирдилар. Годдар сесканиб тушди. Улар Рания ва унинг дугонасининг хушсиз ётган жасадларини кўрдилар.

— Уларни Марван Аккад ўлдирган, — деди тезгина Лемье. — Биз кеч қолдик.

Годдар ушбу ҳолатдан даҳшатга тушди.

— Нима учун у бундай қилди?

— Масала бунда эмас, — деди Лемье. — Энг муҳими — Марван яна бирор кимсани ўлдирмасдан уни тутиш керак. Дарҳол уйни синчиклаб текшириб, бармоқ изларини ва яна бошқа жиноят белгиларини топиш лозим. Аввалам бор, Марваннинг расмини Марокконинг барча полиция маҳкамаларига, телевидениега, автобус ва темир йўл станциялари бекатларига, аэропортлар ва денгиз портларига зудлик билан юбориш лозим. Эҳтимол, у ҳали шу ердадир, биз унинг қочиб кетишига йўл қўймаслигимиз керак.

Шанба куни эрталаб Тарикнинг телефони жиринглади, аммо у эътибор бермади. У Далияга нонуштани ётган ўрнига олиб келиш билан машғул эди. Бир соатдан кейин телефон яна жиринглади. Бироқ бу сафар Тарик душда эди, шунинг учун телефон жиринглашини эшитмади. Бир соат ўтгач, ҳеч ким йўқ хонадонда яна телефон жиринглади. Тарик Далия билан яна бир кунни бирга ўтказиш учун кетишган эди. Рамия шундай сўнгги янгиликларни унга етказа олмади.

Мана, қиш фасли ҳам кириб қолди, аммо Тарик Жамил ва Далия Нурнинг ишқий саргузаштларининг айна, баҳордаги Нил дельтаси каби, гуллаб-яшнаган пайти. Душанбанинг салқин тонгида нонуштадан кейин улар 185-метр баландликда жойлашган Қоҳира минорасига кўтарилдилар. Бир-бирларининг қўлларидан маҳкам ушлаганларича, улар пастда чўзилган шаҳарга қараб турардилар, ким кўпроқ диққатга сазовор бўлган жойларни топишга мусобақалашардилар. Улар тезлик билан Миср музейини, Қўрғонни, Рафик Али ва Ибн Тулун масжидларини аниқладилар. Қолганларини — кўплаб меҳмонхоналар, кўпқаватли иморатлар ва марказий офисларни, туман гира-ширасида зўрға аниқладилар.

— Сиз пирамидаларнинг олдида қачонлардир бўлганмисиз? — сўради Далия.

— Мен буни тан олишга уяламан, — жавоб берди йигит, — аммо бўлмаганман.

— Мен ҳам бўлмаганман! — деди қиз. — Келинг, ўша ерга борамиз! Мен уларни жуда ҳам яқиндан кўрмоқчиман ва саҳро бўйлаб туяларда юрмоқчиман!

— Сен туяларни миниб юришни назарда тутяпсанми? — тушунмай сўради Тарик.

— Йўқ, мен елдай учуриб юрмоқчиман! — жавоб берди қиз. Унинг кўзлари ёниб турарди.

Тарик қизнинг қувватидан ва ҳаётга бўлган эркидан хайратланарди. Бу уни тетиклаштирар ва руҳлантирарди. У елкасини қисиб деди:

— Хўп, пойга бўлса, пойга-да!

Улар йўлдан такси тўхтатдилар ва Гилзага жўнадилар. У ердан улар Хеопс пирамидасига тушдилар. Улар мақбара залида турар эканлар, бу мақбара қачонлардир қанчадан-қанча бойликларни сақлаганлигини кўз олдиларига келтирдилар. Сўнгра улар бир йўлбошчи билан икки туяни ижарага олдилар ва саҳрога йўл олдилар. Энди улар, Нажиб Махфуз ўлимга қанчалик яқин бўлгани ҳақида ҳам, Тарикнинг ота-онаси ўлгани тўғрисида ҳам, автоҳалокат ҳақида ҳам, Тарикнинг гапига кўра, автоҳалокатда олган унинг жароҳатлари тўғрисида ҳам бошқа гапиришмас эди. Ҳозирда Годдар, Лемье, Маонте-Карло ва Рафик Рэмзилар ҳақида ҳам эшлашнинг кераги йўқ. Тергов, суд ва эҳтиёт бўлиш ҳақидаги фикрлар қаергадир узокқа кетди. Улар севишган ошику машуқлар сингари ҳаётдан лаззат олардилар. Тарик учун эса бу — жазирама иссиқда бир қултум совуқ, роҳатбахш сув ичгандай эди.

— Гаров ўйнайман, мен биринчи бўлиб сфинкс олдига етиб келаман! — деб бақирди унга Даляя. — Ким гаровни бой берса, ўша кечки овқат пулини тўлайди!

Миниб олган туяни ҳипчин билан бир урди-да, Тарикни ортда қолдириб, қумтепалардан туяни учуриб кетди.

Тарик ундан қолгиси келмай, қизнинг орқасидан қувиб кетди. Уларнинг йўлбошчиси хавотирланиб, улардан норози бўлганича, орқаларидан бақириб қолди. Даляя худди бутун ҳаёти давомида пойгаларда иштирок этгандай, олдин-

да елиб кетарди. Унинг қора, елкасига тушиб турган узун сочлари ҳилпираган байроқ каби орқасида учиб кетарди. Қиз Тарикни тахминан қирқ-эллик метрга орқада қолдирди. Бироқ йигит ҳам жангсиз таслим бўлмоқчи эмас. Туяни биқинларидан оёғи билан қаттиқроқ ниқтаб, у ҳам тезликни ошира бошлади.

Улар қумтепаликка кўтарилиб, бошқа томондан пастга тушишди, кейин бирин-кетин яна бир нечта тепаликни босиб ўтишди. Мана, Даляя сўнги тепаликка кўтарилиб кўздан ғойиб бўлди. Фақат бир неча дақиқага холос, чунки Тарик уни қувиб етиб олди.

Даляя унга алланималар деб бақириб, куларди. Қизнинг хатти-ҳаракатлари Тарикни ғалабага эришишга ундади. У имкон қадар ўзининг уч ёшли туясини олдинга бошлашга уринарди, аммо натижасиз. Анча олдинга ўтиб кетган Даляя сфинкс олдида турган саёҳатчилар билан тенглашди. Саёҳатчилар ниҳоятда кўрқиб кетдилар. Маррага биринчи бўлиб етиб келган Даляя нафасини ростлаб олиш учун уловини орқага бурди.

Қиз кўзларидан ёш чиққунча кулди. Йигит ҳам хурсанд эди, бирдан уни шундай ҳис-туйғу чулғаб олдики, аввал бундай туйғуни Тарик фақат Ранияга нисбатан ҳис этган эди.

— Менга бирор нима сотиб олиб беринг! — деди қиз улар кучоклашаётганларида.

— Бирор нима сотиб олиш? — сўради у гап нимадалигини тушунмай. — Нима, масалан?

— Билмадим, — кулиб юборди қиз Тарикни қаттиқроқ кучоклаб ва бўйнидан ўпиб. — Бирор ажойиб, алоҳида, мен эслаб қоладиган нарса бўлсин. Сиз бирдан ғойиб бўлганингизда, мен сизни бошқа кўрмаганимда, токи шунга қараб сизни эслаб юрайин.

— Сен нималар деяпсан? — сўради Тарик. — Нега сен бундай ўйлайсан?

— Ахир, эркаклар айнан шундай йўл тутадилар, — деди Даля, — ўзларига керак бўлган нарсани оладиларда, бирдан, кутилмаганда кўздан ғойиб бўладилар.

Унинг кўзлари ёниб турарди, аммо унинг сўзлари — хазиллашиб айтган бўлса-да, нишонга аниқ тегди. Тарик олов билан ўйнашаётганини тушунди. Кимдир қизни яқиндагина ниҳоятда хафа қилган, энди эса Тарик ҳам унга ғам-қайғу етказишга жуда яқин турибди. Ҳа, қиз ҳозир Тарикнинг ихтиёрида, аммо у йигитнинг қўлида ўйинчоқ бўлишни ва у билан кўнгилларига келганини қилишларини хоҳламайди. Аммо бу муаммо билан шуғулланишга ҳозир унинг вақти ҳам, истаги ҳам йўқ.

Тарик қизга нисбатан қандай туйғуларни ҳис этишидан қатъий назар, у билан узоқ вақтга қололмайди—ку. Бунинг имкони йўқ. Бир неча кундан, ҳафтадан ёки ойдан кейин Рамия унга кўнғироқ қилиб, унинг изига тушишганини айтгудек бўлса, Марван йўқ бўлиши керак. Ва у “бирдан, кутилмаганда кўздан ғойиб бўлади”.

Агар Тарик Даля билан фақатгина бир кечани ёки дам олиш кунларини ўтгадиган бўлса, унда осонроқ бўларди. Аммо бахтга қарши, қизнинг ўзига нисбатан ҳис-туйғулари борлигини ва бу Тарик учун катта аҳамиятга эга эканлигини у тушунди. Бу қизда унга ёқадиган қандайдир хислатлар мавжуд, шунинг учун у Далянинг кўнглига озор бермоқчи эмас.

— Баъзи бир эркаклар шундай йўл тутишлари мумкин, — деди Тарик қизни бағрига босиб ва юзларидан ўпиб. — Фақат мен эмас.

Мавзуни ўзгартириш мақсадида, Тарик Далияни саёҳатчилар билан тўла бўлган кўчалардаги дўконларга етаклади. Ниҳоят, улар Қохирада жуда машҳур ҳисобланган ва донғи кетган устахоналарнинг бирига киришди.

— Яхши, — деб пичирлади у, улар дўконга киришлари биланоқ. — Мен бу ердан сен хоҳлаган нарсани сотиб оламан.

Далиянинг кўзлари ёниб кетди.

— Нимани хоҳласамми? — қайтадан сўради киз.

— Ҳа, хоҳлаган нарсангни танлайвер, — деб гапини тасдиқлади Тарик, — фақат нималигини айтгин.

Киз йигитнинг кўлини қаттиқ сиқди ва атрофга қаради. Дўконнинг деворлари ранг-баранг тасвирлар туширилган катта папирус қоғозлари билан тўлган.

— Хуш келибсизлар, — деди сотувчи. — Нималар сотиб олмоқчисизлар? Мен сизга нархларни келиштириб бераман.

— Бизга устахонани кўрсата оласизми? — илтимос қилди Тарик, Далия ҳам бош чайқади.

— Жоним билан, жаноб, — деди сотувчи йигит. Сотувчи чамаси 20 ёшларда эди.

Сотувчи уларни орқа томондаги бинога олиб кирди. У ерда папируснинг новдалари қандай қилиб узун ингичка толаларга бўлинишини, кейин уларни сувда ивитиш лозимлигини, токи уларнинг таркибидаги шакар моддаси эриб чиқиб кетиши кераклигини, толалар бир-бирига ўрилиб, кейин пресс қилиб босилишини ва узоқ вақт қуритили-

шини, сўнгра мустаҳкам қоғозлар пайдо бўлишини кўрсатди ва батафсил тушунтириб берди. Ана шундай қоғозларда моҳир мусаввирлар кўпинча қадимий афсона ва ривоятларга асосланган ёрқин саҳналарни тасвирлар эканлар.

— Мана бу расм ҳақида сўзлаб беринг, — деб илтимос қилди Далия сотувчи йигит гапини тугатгандан кейин. Қиз чиройли рамкага солинган ва унда одамлар, ҳайвонлар ва турли очиқ рангларда — кўк, кизил ва олтин ранглар билан ишланган иероглифлар тасвирланган катта расмни кўрсатди.

— “Сўнги ҳукм”, — деди сотувчи. — Бу расм жуда машҳур. Қачонлардир бу расмнинг нусхалари барча уйларда, мақбараларда ва Мисрнинг ибодатхоналарида бўлган.

— Нима учун? — сўради Тарик. — У нимани ифодалайди?

— Қадимги мисрликлар, — тушунтиришни бошлади сотувчи, — одам ўлганда, у сўнги марта сўроқ-жавоб қилинишига ишонардилар. У бутун ҳаёти давомида қилган ишлари тўғрисида Худога жавоб беради, ана шунга қараб туриб Худованд унинг устидан ҳукм чиқаради. Чап бурчакда тиззалаб турган одамни кўряписизларми? У расмнинг тепа қисмидаги фигураларга қараб турибди.

— Ҳа, кўряпмиз, — деди Далия сотувчининг қизиқарли ҳикоясини тинглар экан.

— Бу — келажак ҳаётдаги одам. У ўн тўртта судья қаршисида тиз чўкиб турибди ва гуноҳсиз эканлигига онт ичмокда. У судьяларга турли назрлар ҳада этиб, уни жаннатга киргизишларига изн сўрамокда.

— Мана бу ерда-чи? — сўради Тарик. — Бу худди ўша одамми?

— Чапдан пастдагими?

— Ҳа.

— Ҳа, бу худди ўша одам. Уни адолат саройига етаклаб олиб кетмоқдалар. У ерда у яхши ёки ёмон одам эканлиги,

гуноҳқор ёки гуноҳсиз эканлиги аниқланади. Унинг қаршисида турган катта тарозини кўряписизларми?

— Ҳа.

— Ўлган одамнинг юраги тарозининг чап томонига, адолат пати эса тарозининг ўнг томонига қўйилади. Агар юрак патдан оғир бўлса, демак у гуноҳга тўла. Яъни, ўша одам жаннатга киришга лойиқ эмас, у дўзахга кетади. Агар тарозидаги юрак турган тараф энгил чикса, демак, у — яхши, пок одам бўлади ва албатта жаннатда яшайди. Расмдаги одам пок экан, кўлида калит ушлаб турган анави фигура уни самода абадий ҳаёт кечириши учун тахт турган саройга олиб кетмоқда. Сизларга расм ёқдими?

— Йўқ, — деб жавоб берди Даляя, ўзини қандайдир ўнғайсиз ҳис этиб. — Менга бошқа бирор нарса кўрсатинг.

Дарахтда ўтирган икки каптар тасвирланган расмга қиз эътиборини қаратди. Лекин Тарик ҳамон “Сўнгги ҳукм” расмини томоша қиларди.

— Қандай қилиб аниқлаш мумкин? — сўради у.

— Нимани аниқлашни? — тушунмади сотувчи.

— Юрак етарли даражада тозалигини қандай аниқлаш мумкин? Жаннатга киришни ёки дўзахга тушишни-чи?

Аммо сотувчи берилган саволга жавоб қайтармади. Чунки сотувчи ҳам қандай жавоб бўлишини худди Тарик сингари билмасди. Бирдан Тарикни ваҳима босди. У ўзига бу саволни қайта-қайта берарди. Унинг тақдири ҳал бўлмасдан олдин у бу саволга жавоб топиши керак.

Тарик Даляяга албатта бошқа расми сотиб олиб берди. Даляя танлаган расмда икки ошиқ-маъшуқ Нил дарёси бўйлаб саёҳат қилишаётганлиги тасвирланган. Расм ниҳоятда нафис ишланган ва қимматбаҳо эди. Лекин “Сўнгги ҳукм” деб номланувчи расм Тарикка жуда қаттиқ таъсир кўрсатди. У ҳамон ҳис-ҳаяжондан қутула олмас эди. Унинг кўз ўнгига йиғлаб турган онаси келди: она ўғилнинг ўз ҳаётида аҳмоқона ва худбинларча қилган ишларини

қораларди, ҳозир имкон борлигида ҳаёт тарзини ўзгартириб, ҳаммасини бошқатдан бошлашини ўтиниб сўрарди.

Аммо нимадан бошлаш керак? Кимга мурожаат қилиш керак? Тарик ҳаёт тарзини ўзгартиришни хоҳлайди, чунки ҳаёт оқими уни бошқа томонга олиб кетмоқда. Унинг оқимини қандай ўзгартириши мумкин?

Улар Далянинг уйига қайтиб келиб, душ қабул қилишди. Кейин бошқа кийим кийиб аэропортдан унчалик узок бўлмаган “Мовенпик” меҳмонхонасига кетишди. Қизнинг Лондонга кетишидан олдин шамчиروқларни ёқиб, Тарик Данияни кечки овқатга таклиф қилди. Қиз жуда бахтли эди. Йигит эса ўзини мутлақо бахтсиз ҳисобларди.

— Кеча дугоналарим Дина билан Мерват менга электрон почта орқали хабар юборишибди, — деди Даля, — сизга айтиш ёдимдан кўтарилибди.

— Эҳ-ҳа, — деди Тарик ўзининг тарелкасига қараб. Ундаги овқат тегилмай шундайлигича турган эди.

— Улар ҳали Нью-Йоркда эканлар ва ўзларига кварта-ра ҳам топишибди. Динанинг айтишига қараганда, кейин дам олиш кунлари улар нарсаларини олиб кетишга келишар экан.

Бирозгина жим тургач, у кўшиб кўйди:

— Уларнинг кўчиб кетишларига ишонгим келмаяпти. Ўйлашимча, мен билан ижарада тургани яна қизлардан топишим керак, чунки ижара ҳақини менинг бир ўзим тўла олмайман

— Ҳа, — деди Тарик мол гўштидан қилинган кийма кабобдан татиб кўрар экан.

— Тарик, тинчликми?

— Ҳа, ҳаммаси жойида, — деди йигит ўзига учинчи бор вино қуяр экан.

— Менимча, ҳозир сизнинг ҳаёлингиз паришон. Сизнинг кайфиятингиз эрталабгидай эмас. Дам олиш кунлари ҳам яхши кайфиятда эдингиз.

— Йўқ, — деди Тарик, — ўзим, шундай...

У гапини давом эттирмади.

— Нима бўлди? — яна сўради Далия.

Тарик Далияни бошқа алдамоқчи эмас. Ёлғон гапириб гуноҳкор юрагини янада оғирроқ қилиш нияти йўқ. Бу тўғригида фикрлар уни ташвишга соларди. Аслини олганда, унинг ҳаёти турган битгани ёлғондан иборат эмасми? У Тарик Жамил эмас. У Қоҳирага филиал очишга келмаган, жиддий муносабатларга тайёр эмас, — Далия у ҳақида билган нарсаларнинг ҳаммаси ёлғон.

— Фақат мен сени соғинаман, — деди йигит қизга қараб. — Сен билан бирга ўтган бир неча кун мен учун энг бахтиёр кунлар бўлди.

— Мен учун ҳам, — деди қиз Тарикнинг қўлини сиқиб.

— Сен — жуда ажойиб қизсан.

Далия жилмайди, аммо унинг берган саволи бирмунча шубҳаомуз оҳангда янгради:

— Ажойиб қизсан деганингизда, “Мен кўпроқ вақтимни сен билан бирга ўтказмоқчиман “демоқчимисиз, ёки “Вақтни жуда яхши ўтказдик, аммо биз энди учрашмаймиз” деб айтмоқчимисиз?

— Ажойиб қизсан деганимда, “Мен кўпроқ вақтимни сен билан бирга ўтказмоқчиман” деган маънони назарда тутяпман, — деди Тарик қизнинг иккала қўлини лабла-рига тортиб. — Сен қачон қайтасан? Эртагами?

— Мен эртага пешинда қайтиб келишим керак.

— Яхши, мен сени интизорлик билан кутаман.

— Ваъда берасизми? — сўради қиз унинг қўлини сиқиб.

— Ваъда бераман.

Тарик кечани Далянинг квартирасида ўтказди. У турган квартира эгаси уста ва ишчиларни ёллаган эди. Улар кун бўйи ишлашди, аммо қилган ишларининг ҳеч қандай натижаси кўринмайди. Ҳали қилинадиган иш жуда кўп. Қолаверса, Далянинг квартираси кичикроқ, иссиқроқ (шунинг учун ҳамки, у ерда иситиш асбоблари бор) ва шинамроқ эди.

Деразаларда хона шинамгина бўлиб туриши учун пардалар тутилган, ошхона столининг устида шиша гулдонда янги узилган гуллар чирой ва ифор сочиб турибди. Каравотларда тоза чойшаблар солиниб, катта қалин кўрпа тўшалган ва юмшоқ ёстиклар қўйилган. Даля қайси мамлакатга борган бўлса, ўша ердан ҳар хил совға — саломлар олиб келиб, хонасига чиройли қилиб териб ва осиб қўяр экан. Энг муҳими — идиш-товуқлар ювилган, жой-жойига қўйилган, холодильникда ва омборда озиқ-овқат бор. Агар овқат тайёрлаш масаласи юзага келгудек бўлса, газ плитаси ишлаб турибди. Тарик шу ерда қолгудек бўлса, ҳеч нарсадан қийналмайди.

Тарик ўзига кофе тайёрлади, буфетнинг ичида турган печенье билан ўзини меҳмон қилди. Сўнгра Даля ҳақида кўпроқ маълумотларга эга бўлиш мақсадида унинг қоғоз ва нарсаларини тита бошлади. Мусиқавий магнитофон асбоблари турадиган жойдаги полкаларда у замонавий мусиқа дискларини ва Миср, Европа, Америка мамлакатларига оид бўлган сўнги фильмлар дискларини, DVD турганини кўрди. Ҳаммаси алфавит тартибда

жойлаштирилган эди. Кийим-кечак осиб қўйиладиган шкафда янги кийимлар осилиб турарди, икки жуфт янги туфли, кичкина қутичаларда турли-туман тақинчоқлар солинганди. Тартиб билан дасталаб қўйилган замонавий журналлар — “Vogue” ва “Cosmopolitan”ларга Тарикнинг кўзи тушди. У сув тагида сузиш учун мўлжалланган трубкали ниқоб ва аквалангни кўрди. Булардан ташқари, полкаларда Ўртаер денгидан бошлаб то Кариб денгизигача бўлган курорт проспекtlари, Нажиб Махфузнинг барча романлари тартиб билан сақланарди. Шунингдек, у кўздан нарида марихуана беркитилган жойни ҳам кўриб қолди ва битта сигаретани олиб тутатди.

Тарик қидираётган Далянинг кундалиги, унга кўплаб маълумотларни бериши мумкин бўлган қизнинг оилавий фотосуратларнинг топилмаганлиги йигитни ҳайрон қолдирди. Даля Нур қандай қиз экан? У қаердан келган? У нимага интилади? Қиз Тарикни мафтун қилди, аммо йигит у ҳақида жуда ҳам кам маълумотга эга.

Қиз Иорданияда катта бўлганлигини Тарик билади, аммо қаердалигидан бехабар. Қиз 18 ёшда уйдан кетиб қолганлигини у билади, аммо нима учун кетганлигини билмайди. Қиз Францияда қандайдир коллежни битирганлигини билади, аммо қандай коллеж ва қиз нималарни ўрганганлигини у билмайди. Даля “Бритиш Эрвэйз”га дунёни кўриш ва бепул саёҳат қилиш имтиёзига эга бўлиш учун ишга кирганлигини йигит билади. Қиз 23 мамлакатда бўлганлигидан ва ўзининг келаси отпускасини — ҳисоб бўйича учинчисини — Австралияда ўтказишни режалаштирганидан йигит хабардор. Қизнинг айтишича, Австралияда сув тагида ниқоб билан сузиш маза экан. Бошқа у қиз ҳақида ҳеч нарса билмайди. Қиз Тарик учун, худди йигит Даля учун жумбоқ бўлгани сингари, жумбоқдир.

Жавоб топиш мақсадида Тарик каравотнинг олдида турган қутининг тортмасини очди ва тортма ичида бир

қанча реклама брошюраларини кўрди. Уларда Шарм-Эль-Шайх курортларида 2–3 кунлик дам олишга чиқишга даъват этилган. Қиз чиндан ҳам саёҳат қилишга қизиққан. Тарик эса сўнгги марта қачон ва қаерга дам олишга борганлигини эслолмайди. Далия дунёни кўриш ва тўлақонли ҳаёт кечириш ғоясига мубтало бўлганга ўхшайди. У бир жойда узок ўтирмасди. Қизнинг бир неча кун бўш вақти топилди дегунча, у қандайдир экзотик жойга жўнаб кетарди. Нега? Қиз нимадан қочмоқчи бўлади?

Тарик ўша брошюралар тахламини кўздан кечира бошлади. Унда “Хилтон” ва “Риц-Карлтон” проспектларидан ташқари, “Фор Сизонз”, “Мариотта” ва “Мовенпик Джоли Вилл” проспектлари ҳам мавжуд эди. Пастроқда Тарик “Бритиш Эрвэйз” логотипи бор блокнотчани топиб олди. Унда Далия уч кишилик жойлар қанча туришини, тахминий саналар, турли курортларнинг ижобий ва салбий томонлари ҳақида ёзган.

У ҳамма қоғозларни жой–жойига қўйиб, бу сирли қиз ҳақида яна маълумотларни тўплашни давом эттирмоқчи бўлиб турганда, бир қоғозни кўриб қолди. Бу қоғозда у бориши керак бўлган манзиллар ёзилган бўлиб, Рождество ва Янги йил арафасига мўлжалланган эди. Бироқ кейинроқ ёзилганлар устидан чизиб ташланган. Далия нима учун бундай қилганини у тушунди. Чунки Дина ва Мерват кўчиб кетишди, қизнинг ўзи эса Шарм-Эль-Шайхга дам олиш кунлари чиқиш у ёқда турсин, бу квартира ижара ҳақини тўлашга бошқа қурби етмаслигини билди.

Нима, агар у ...

Далия кейинги кун қайтиб келишига режалар тузилиб, чипталар сотиб олинди. Барча нарсалар жамадонга солинди, шу жумладан, сув тагида сузиш учун мўлжалланган анжомлар ҳам таксига жойланди. Кираверишда Тарик қизни қўлида катта гулдаста билан кутиб турарди. Далиянинг бутун ҳис-туйғулари унинг кўзларидан сезилиб турарди.

У кўзларига ишонмасди. Уларнинг иккови ҳам Шармга кетишмоқда! Ростми? Ҳозироқми? Ҳаммасининг пули тўланганми? Лекин йигит қизнинг бормоқчилигини қаердан билиб олди? Буларнинг ҳаммасини қисқа вақт ичида Тарик қандай қилиб ташкил этди? Шундай одамни севиб қолганининг ўзи омад!

Улар Синай ярим оролига йўл олувчи самолёт рейсига ўтиришганда, Тарик қизнинг барча саволларига жавоб берди. Қизнинг ҳайратланиши ва қувончи йигитни хурсанд қиларди. Тарик бутун ҳаёти давомида ҳеч қачон бундай ҳис-ҳаяжонга берилмаган эди, у ўзини ажойиб ҳис қиларди, қолаверса, бу энди бошланиши эди. Қоҳирадан кетиши — бир неча сабабларга кўра яхши бўлди. Қуёш, қум ва денгиз ҳавоси турли нохушликлардан бирозгина чалғишга унга ёрдам беради. Шунингдек, йигит имкон қадар Даля билан бирга кўпроқ вақтини ўтказишни жуда хоҳларди.

— Сиз жуда сахийсиз, — ва ниҳоят деди Даля. — Аммо нима учун шундай қилганлигингизни мен тушунолмаяман.

— Мен сени жуда соғиндим, — деди йигит. Самолёт кўнишга тайёргарлик кўрарди.

Унинг қўлини сиққанича, қиз йигитга ёпишиб олди.

— Ростданми?

— Ҳа, рост, — жавоб берди у. — Қоҳирадаги уйинг жуда яхши, лекин сенсиз унда яшаш зерикарли. Мен сенинг календарингни топиб олдим, шу кунларда сен дам олишинг кераклигини билдим. Мен чидаб туролмадим. Ҳаммасини ўзим ҳал этишим, ўйлайманки, ўзбошимчаликка кирмайди.

— Албатта, — жавоб берди қиз. — Мен жуда хурсандман.

Улар “Риц-Карлтон” меҳмонхонасига жойлашдилар ва янги келин-куёвдай бирга яшашди. Улар уйқудан жуда кеч уйғонишарди ва ётган ўриндиқларида тамадди қилиб бўлгач, бассейнда чўмилардилар. Кундузлари Қизил денгизда сузиб юришарди, кечкурунлари эса шоҳона ресторанларда кечки овқат ейишарди. Меҳмонхонага қайтгач, тўхтатиб бўлмайдиган ҳис-туйғуларга берилиб кетишарди.

Кундузлари ҳаво даражаси 30 бўлиб, шимолдан енгилгина шабода эсиб турарди. Кечалари ҳаво 15 даражадан паст бўлмас эди. Уларни ҳеч нарса безовта қилолмасди: момақалдирок ҳам, ёмғир ҳам, телефон кўнғироқлар ҳам, электрон почта орқали келган хабарлар ҳам. Бундан ўзга яхши ҳаёт йўқ ва Тарик бу ҳеч қачон тугамаслигини жудажуда хоҳларди.

Кейинги кун Тарик вақтлироқ уйғонди ва эрталабки енгил югуришга чикди. Монте-Карлода олган жароҳатлари тамомила яхши бўлиб кетди. Куч-қуввати борган сари қайта тикланарди. У қулиши, душхоналарда қўшиқ куйлаши мумкин эди. У севгидан маст бўлганди — ўзининг шундай кўтаринки кайфиятини йигит севги туфайли, деб ҳисобларди. Зеро бунинг бошқа сабабларини у билмасди.

Тарик ҳеч қачон бундай ҳис-туйғуни бошидан кечирмаганди, ҳаттоки Рания билан учрашиб юрган вақтда ҳам. Ранияга нисбатан унинг бошқача ҳис-туйғулари бор эди. Йигитнинг ўйлашича, бу ҳис-туйғулар умрининг сўнгигача сақланиб қолса керак. Аммо Рания ҳеч қачон унинг ҳис-туйғуларига жавоб қилмаган. Далиянинг унга

нисбатан муносабатлари умуман бошқача. Даляя йигитнинг кўнглини олишни хоҳларди. Йигит Даляяга керак эди. Тарик Даляя билан биргалигида ўзини жуда бошқача ҳис қиларди. Йигит қизни севиб қолганди, аммо бу ҳис-туйғу тўсатдан, қутилмаганда пайдо бўлди.

Пляж бўйлаб 4 миля югургандан сўнг, Тарик “Риц” меҳмонхонасига қайтди ва ухлаб ётган Даляяни безовта қилмаслик мақсадида уйга секингина кирди. Қиз гўё фаришта мисоли эди — унинг чиройи ва камтарлиги одамни телба қилиб қўйиши мумкин эди. Эҳтимол, Тарик туш кўраётгандир.

У душ қабул қилиб, кийинди. Бугун диққатга сазовор бўлган жойларни кўриши ёки магазинларни айланиши мумкин эди. Балки, улар бугун велосипед учиш билан ёки пара-сейлинг билан машғул бўларлар. Унга барибир. Улар бугун Даляя нимани хоҳласа, шу билан машғул бўладилар. Йигитга фарқи йўқ. Ишқилиб, у қизнинг кўнглини олиб, Даляя билан бирга бўлса, бас.

— Хайрли тонг, — деди Даляя ваннадан чиқиб келаётган Тарикни кўргач.

— Хайрли тонг, — жавоб берди йигит Даляяни ўпиб. — Кайфиятинг қалай?

— Ажойиб, — деди қиз, — қорним очиб кетди.

— Мен ҳам очқадим, — деди Тарик. — Сен душ қабул қилиб олгин, кейин иккимиз нонушта қилгани тушамиз, бугун нима билан шуғулланишимизни ўйлаб кўрамиз.

— Яхши, — деди қиз ва ваннанинг эшигини ёпишдан олдин яна бир бўса талаб қилди.

Қиз ваннада эканида Тарик у ер—бу ерни йиғиштиргандай бўлди. Даляянинг балконда қуриб турган кийимларини олиб, тахлади ва чамадонга жойлади. Кроватнинг тагида йигит қизнинг калитини ва уяли телефонини топиб олди. Уларни олиб, Даляянинг сумкачасига солаётганда, сумкадан пастга бир нечта хат тушиб кетди. Аслида бу тўланмаган

ҳисоблар эди. Бироқ конвертлардан бири унинг диққатини ўзига тортди.

Бу хат бир ҳафта олдин жўнатилган бўлиб, устида иордан маркаси ёпиштирилган эди. Конверт очик бўлгани учун ичидаги хатни ўқимасликдан ўзини тутиб туrolмади. Тарик хатни ўқиб чиққандан кейин ғалати бўлиб қолди.

Менинг севиқли Далиям!

Яқиндагина жўнатган хатинг учун сенга раҳмат.

Эндиликда Калим билан учрашмаётганлигингни эшитиб, онанг ва менинг қанчалик хурсанд бўлганимизни сенга қандай етказишимни ҳам билмайман. Биласанми, биз унинг ҳаёт тарзини — наркотиклар қабул қилишини, спиртли ичимликлар истеъмол қилишини, тунги саёҳатларини қўллаб-қувватламас эдик. Бу дунёда шундай одамга турмушга чиқишинг учун биз сени тарбиялаганимиз йўқ.

У масиҳий эмас, ёки имонли ва жиддий одам ҳам эмас. Сен у билан алоқаларингни узганингдан ва янги ҳаётга йўл қўяётганингдан биз ниҳоятда хурсандмиз.

Қизгинам, биз сени севиб, бутун ҳаётинг давомида сени ардоқлайдиган, сенга яхшигина ва имонли турмуш ўртоғи топишимизга қарши эмасмисан? Юсуф ҳақида нима дейсан? Бир ой олдин мен уни қавмбошининг ёрдамчиси қилиб олганимни биласанми? У жамоатда сидқидилдан меҳнат қилмоқда — болалар учун Муқаддас Китоб дарсларини, яқшанбалик машғулотларни олиб бормоқда, ёшлар гуруҳини бошқариб келмоқда. Менинг ўйлашимча, унинг сенга ишқи тушган. Телефон рақамингни берайми, сенга қўнғироқ қилсинми? Биз онанг иккимиз беҳад хурсанд бўламиз.

Уйга қачон келасан? Биз сени жуда соғиндик, кўргимиз келяпти. Сен Юсуф билан учрашишинг мумкин эди. Барча ака-укаларинг ва опа-сингилларинг сени соғинишган. Шу жумладан, мен ҳам.

Илтимос, жавоб ёзгин.

Сенинг севикли отанг.

Хат “Петр Байбл Черч” жамоатининг бланкасида яхшилаб компьютердан чиқарилган эди. Конверт устида Иорданиянинг жанубида жойлашган кичкинагина шаҳарчанинг почта индекси кўрсатилганди.

Тарик таажжубланди. *Бу нимаси? Даля — масихий? Унинг отаси — қавмбоши? Бу қандай бўлиши мумкин? Тушунарсиз.* Даля спиртли ичимликлар ичса, наркотиклар чекса. Уйланмаган бўлса-да, Тарик билан яшаётган бўлса. Бўйнига хоч тақиб юрмаса. Қўлида Муқаддас Китоб кўтариб юрмайди. Йигитнинг тасаввурида, қиз ҳам Тарик сингари, адашган қалб эгаси эди. Тарик учун дин, эътиқод ҳеч қандай роль ўйнамаган. Аммо у масихий оилада тарбия олмаган. Нима сабабдан Даля бундай муҳим нарсани ундан беркитди? Калим деган кимса ким бўлди экан? Юсуф-чи? Нималар юз бермоқда? Қиз Тарикдан яна нималарни беркитаётган экан?

Тарикнинг ўзи-чи? У киздан ҳеч нарсани беркитмаяптими экан?

Тарик хатни ўқиб чиқиб, ўзича бир мулоҳазалар қилаётганда, унинг уяли телефони бирдан жиринглаб қолди. У чўчиб кетди, кўнғироқ қилинаётган рақамни текширди, бу укаси Рамининг кўнғироғи экан.

— Салом, Рами, — деди у.

— Марван, сиз қаердасиз? — ғазабланди Рами. — Мен бир неча кундан бери сизга кўнғироқ қиламан. Мен сизни аллақачон ўлдириб кетишган деб, кўрқиб ўтирибман.

— Менинг ишларим ҳаммаси жойида, — деди хотиржамлик билан Тарик. — Фақат... мен... жуда банд эдим. Нимаиди? Нима юз берди?

— Бандман, денг... — сўради Рами. — Нима билан бандсиз?

— Сенинг ишинг бўлмасин.

— Ака, нима бало, эсингизни еб қўйдингизми? — сўради Рами. — Сиз тирик қолишингиз ва озодликда бе-маълол юришингиз учун мен ўз ҳаётимни хавф остига қўйсаму, сиз э йўқ, бе йўқ бир неча кунга қаергадир ғойиб бўлибсиз. Ҳозир эса сенинг ишинг бўлмасин деб, менга дағдаға қиласиз-а!

— Сен ҳақсан, ука, — деди Тарик ўзини бирозгина босиб олгач гўё ўзини оқлаётгандай. — Мени кечир.

— Ўйлайманки, сиз чин дилдан гапиряпсиз, — жавоб берди Рами. Рамининг жаҳли чиқди, лекин ўзини қўлга олишга ҳаракат қилди. — Сиз ғойиб бўлганингиздан бери жуда кўп воқеалар содир бўлди. Яқин рейс билан мен Боғдоддан Бейрутга қайтиб кетаман. Монте-Карло

прокурори менга чақирик қоғози йўллаб, инспектор Годдар билан суҳбатлашишга чорламоқда.

Бироз пауза бўлди, Тарик булар ҳали ҳаммаси эмаслигини тушунди.

Ниҳоят Рами сўради:

— Ака, Рания Касабланкага кўчиб ўтганлигини нима учун айтмадингиз?

Тарик қотиб қолди — буни Рами қаердан билиб олди?

— Тушунмадим...

— Ака, ўзингизни гўлликка солманг. Сиз у ерга борганлигингизни мен биламан. Аммо нима учун борганлигингизни билишни истардим? Сиз ҳеч бир дўстимникига ҳам, танишимникига ҳам бормайман, бирор жойда беркиниб ўтираман, деб айтган эдингиз-ку! Сиз менга ваъда бергансиз.

— Мен қаерга боришни билмадим, — тан олди Тарик. — Менга Раниянинг ёрдами керак эди.

— Нима учун? — ҳамон акасини саволларга тутарди Рами.

— Чунки мен яраланган эдим, мени олишганди. Мана шунақа! Кўнглинг жойига тушдим, Рами? Қотиллардан бири Монте-Карлода менга қарата ўқ отганди, у нишонга тегди. Мен у ерда ҳам, Францияда ҳам шифокорга мурожаат қилолмас эдим. Мени ким пойлаб юрганини билмасдим. Кимга ишонишни ҳам билмасдим. Раниянинг хузурига йўл олишдан бошқа чора тополмадим. Мен у ерга бордим. Рания менга ёрдам кўрсатди, сўнгра у ердан кетишимни айтди. Шунинг учун ҳам мен бу ердман.

— Марван, бу жуда мудҳиш хато эди, — деди Рами.

— Эҳтимол, гапинг тўғридир, укажон, — Рамининг гапини маъқуллади Тарик. — Ахир ҳаммаси жойида-ку?!

— Йўқ-да...

— “Йўқ” деганинг нимаси?

— Рания ўлган.

Тарик ўзини гўёки қаттиқ қуёш нурлари ургандай ҳис қилди.

— Нима...? Қандай қилиб...? — У ўйлай олмасди. Нафас ололмасди. *Бу қандай юз берган бўлиши мумкин?*

— Полиция унинг мурдасини Касабланкадаги квартирасидан топиб олибди. Рания билан бирга ижарада турган унинг дугонаси ҳам ўлдирилган, — тушунтирди Рами. — Уларга қарата бир неча мартадан ўқ узилган.

Бўлиши мумкин эмас! У ерда Тарик бўлган. Рания уни қучоқлаган.

— Инспектор Годдар менинг офисдаги телефонимга хабар қолдирибди, — деди Рами. — Мен мана шундан билдим. Инспекторнинг айтишига қараганда, у ерда сиз жуда кўп бармоқ излари қолдирган экансиз. Раниянинг каровотида турган ёстикда сизнинг кўплаб соч толаларингиз топилибди. Кўшни магазин бошлиғи сизни кўрганини айтибди. Раниянинг уйи яқинида сизнинг машинангизни топишибди. Лемьенинг таъкидлашича, қотилликни сиз амалга оширибсиз, ҳозирда сизни ҳибсга олишга ордер берилган. Годдарнинг айтишига қараганда, агар сиз ҳақ бўлсангиз, ҳозироқ келиб ҳаммасини тушунтириб беришингиз керак экан. Акс ҳолда сизга ҳеч ким ва ҳеч нарса ёрдам беролмас эмиш.

Тарик ҳеч нарсани эшитгиси келмасди. У ўзини жуда ёмон ҳис қилди. У дам иккиланишни, дам қаҳр-ғазабни ҳис этиб, кўлида турган трубкани деворга уриб синдирмоқчи бўлди.

Шунда Рами деди:

— Ака, бу ҳали ҳаммаси эмас. Бундан-да, ёмон хабар бор.

— Нима...? — зўрға гапирди Тарик. — Бундан ҳам ёмонроқ яна нима бўлиши мумкин?

— Лемье билан Годдар сизни Мисрда эканлигингизни биладилар.

— Нима?!

— Қаердан билишларини мендан сўраманг, — деди Рами. — Годдар менга айтмоқчи эмасди. Улар Лемье билан ўша ердалар. Қоҳирада ҳар бир полициячида сизнинг расмингиз бор, агар сиз таслим бўлмасангиз, улар сизни отиб ўлдиришга буйруқ олганлар.

— Аммо мен Ранияни ўлдирмадим, — деб ўзини оқламоқчи бўлди Тарик. — Эҳтимол, бунинг Клодетт Рэмзининг одамлари қилган бўлиши мумкин.

— Мен ҳам шундай деб ўйлайман, шунинг учун ҳам мен Бразилияга яна одамларимни жўнатдим. Ўйлашимча, Клодетт ҳозир Сан-Паулада ҳам эмас. У тоғларда бўлиши мумкин. Бироқ биз уни ва унга хизмат қилаётган одамларни албатта топамиз. Ака, мен сизга ваъда бераман. Аммо бунинг учун вақт даркор, аммо сизнинг асло вақтингиз йўқ. Сиз зудлик билан бирор жойга ғойиб бўлишингиз даркор. Имкон қадар тезроқ.

Тарикнинг сўнгги кунлардаги кечирган ҳаёти туш бўлиб чиқди. Яна мудҳиш кунлар бошланади. У яна кимлардан дидир кочиби беркиниши керак.

У қанчалик тан олгиси келмасин, аммо Рами ҳақ эди. Клодетт Рэмзи юборган ёлланма қотиллар Мароккода Ранияни топиб олибдиларми, демак, улар Мисрда Марванни ҳам осонгина топиб оладилар. Марванни улар қилмаган қотилликда айбламоқдалар. Улар бутун Европа ва Шимолий Африка полициясини унга қарши оёққа турғиздилар. Марван Қоҳирадек катта шаҳарда ҳам улардан кочиби қутилолмайди. Бироқ у Даляяни ҳам ташлаб кетолмайди. У қизни севиши мумкин эмаслигини биларди, аммо энди кеч. У ўзини тута билмади. Агар Даляяга бирор нима бўлгудек бўлса, у ҳеч қачон ўзини кечиролмайди.

Далия ваннахонадан ҳаворанг кўйлак ва шу рангдаги туфлида чиқди. Ҳар доимгидек, унинг кўриниши ажойиб эди, аммо Тарик бошқа нарса ҳақида ўйларди. Уни Далиянинг отаси ёзган хат ва эндиликда Рамининг кўнғироғи безовта қиларди. *Нима қилмоқ керак? Қаерга бориши мумкин?*

Маълум бир вазиятда ҳаммасини Далияга айтиб беришга у тайёр эди — ким у, қандай иш билан машғул эканлигини, нима сабабдан қочиб юрганини ва уни кимлар таъқиб қилаётганини. Шундай йўл тутиш тўғри бўларди. Аммо бу яхшимикан?

Йигит бу каби фикрлардан халос бўлишга ҳаракат қилди. Далия қанчалик кам нарса билса, шунчалик яхши ва беҳавотир бўлади. Аввалам бор қиз учун, деб ҳисоблади Тарик. Агар у ҳақиқатдан ҳам қизни севса, у снайперлар тўғрисидаги ҳикоялар, миналаштирилган машиналар ва ҳар дақиқада бурчакдан қотил чиқиб қолиши мумкинлиги ҳақидаги гаплар билан Далияни кўрқитмайди. Эҳтимол, бу ҳақиқат бўлиши мумкин, аммо адолатдан эмас.

Тарик соатга қаради. У зудлик билан ҳаракат қилиш режасини тузиб чиқиши лозим. Йигит қизга ҳали бирор нима деб улгурмасданоқ, Далия унинг кўлидаги хатни кўрди.

— Бу нима? — деб сўради қиз. — Сиз буни қаердан олдингиз?

Тарик бир нима демоқчи бўлди, аммо қиз унинг гапини бўлди:

— Бу — менинг отамнинг хатими? Сиз бу хатни сумкачамдан олдингизми? Қандай журъат этдингиз?

Бундай муносабатдан Тарик саросимага тушиб қолди ва кизга тушунтиришга ҳаракат қилди:

— Мен хонани йиғиштираётган эдим, бу хат тасоди-фан қўлимга тушиб қолди. Бу нималигини мен билмадим.

Даля хатни унинг қўлларидан тортиб олди. У ҳеч қочон қизни бундай кайфиятда кўрмаган. Далянинг юзи қизариб, қўллари қалтирарди.

— Сиз хатни ўқидингизми? — сўради қиз. — Ўқиганим йўқ деб онт ичинг.

— Мен сенга айтдим-ку, бу қандай хат эканлигини мен олдинга билмагандим, — деб минғиллади Тарик. — Сен чиндан ҳам масиҳиймисан? Сенинг отанг ҳақиқатдан ҳам қавмбошими?

— Бу сизнинг ишингиз эмас! — деб бақирди қиз. У хатни ғижимлаганича ваннахонага югуриб кириб кетди.

— Нима юз беряпти ўзи? — деди Тарик бундай ҳолатдан саросимага тушиб. — Нима гап? Ҳа, мен сенинг отангдан келган хатни ўқидим. Нима бўлибди ўқисам?

— Менга аталган хатни ўқишга сизнинг ҳаққингиз йўқ! — деб бақирди Даля эшик ортидан. Энди у йиғларди. — Тарик Жамил, менинг нарсаларимни кавлашга сизга ҳеч ким рухсат бермаган! Мени ҳукм қилишга сизнинг ҳаққингиз йўқ! Мени эшитяпсизми? Асло ҳаққингиз йўқ.

— Даля, сен нималар деяпсан? — деди у ваннахона эшиги ёнига келиб. Эшик ичкаридан беркитилган эди. — Мен нарсаларингни кавламадим, хат қўлимга тасодифан тушиб қолди, қолаверса, мен сени айблаётганим йўқ. Нима учун мен сени айблашим керак? Мен қизиқиб кўрдим холос, бор гап шу. Даля, йиғлашни бўлди қил, эшикни оч.

— Йўқ, — деб бақирди қиз. — Кетинг!

— Кетмайман! — деб қатъий жавоб берди Тарик ўзини босишга ҳаракат қилиб. — Мен сени севаман, шунинг учун сен ҳақингда кўпроқ билишни хоҳлайман. Сенинг отанг билан танишишни истайман. Қандай эътиқодга риоя

қилишинг, бу эътиқод қандайлиги мени қизиқтиради. Сен олдин учрашиб юрган йигит ким эди, нима сабабдан у билан ажралишдиларинг, мен ҳаммасини билишни хоҳлайман.

Далия йиғлашни бас қилганини Тарик эшитди. У эшикни тортиб кўрди, аммо эшик ҳамон ёпиқ эди. У нималар юз бераётганлигини тушунмай, эшик олдида полга ўтирди. Ахир, у қизни севади, уни қандай қилиб юпатиш мумкин?!

— Далия, илтимос қиламан, мени кечир, — деди у қилган ишидан пушаймон бўлиб. — Мен чиндан ҳам тавба қиляпман. Хатни мен тасодифан топиб олдим, лекин сен айтиб ўтганингдек, уни ўқишга менинг ҳаққим йўқ эди. Бироқ мен сени хафа қилмоқчи эмасдим, менга ишон. Сенинг шунчалик жаҳлинг чиқишини билмаган эдим. Шу арзимаган нарса учун ўртадаги муносабатларимизни бузмайлик.

Тарик илтимос қиларди ва бу йигит киши учун одатий ҳол эмасди. Лекин у ўз мақсадига эришганга ўхшайди — Далия энди йиғламасди, фақатгина бурнини шилдиратиб ўтирарди. Қизнинг нафас олиши ҳам текислашди.

— Мен нима қилай? — сўради Тарик. — Сен нима қилишимни айтсанг бўлди, мен бажараман.

Бироздан кейин эшик қия очилди.

— Менга қараманг, — деди қиз ҳамон бурнини тортар экан. — Кўзингизни юмиб ўтиринг. Менинг кўринишим жуда ёмон.

— Қарамасам, туролмайман, — деди у. Шундай бўлсада кўллари билан кўзларини беркитди. Йигит эшик катта очилганини эшитди.

— Барча айтганларингиз ростми? — деб сўради қиз Тарикдан бироздан кейин.

— Ҳа, ҳаммаси рост.

— Сиз чиндан ҳам мени севасизми?

— Ҳа, мен сени жуда яхши кўраман. Яхши кўрмаганимда сени олиб қочиб, ушбу жаннатга олиб келармидим?

Тарик шундай гапларни айтаётганлигига ўзининг ишонгиси келмасди. У Далияни унчалик яхши билмайди, шунингдек, қиз ҳам. Йигитнинг жиддий муносабатлар ўрнатишга ҳақ-хукуқи йўқ. Аммо кизда бир нарса бор эдики, у ўзини тўхтата олмади, қизни асло қўлдан чиқаргиси келмади.

— Билмадим, — деди қиз секингина. — Мен ҳозир шуни тушунмоқчиман.

— Демак, сен мени кечирасан-а? — сўради Тарик.

Қиз жим турарди.

— Шуни ҳам тагига етмоқчиман.

Қиз йигитнинг ёнига, кафелдан бўлган совуққина полга ўтирди. Тарикнинг қўлларидан ушлаб, унинг кўзларини ўпди. Ва ниҳоят ўзига қарашга ижозат берди. Йиғлаганидан кизнинг кўзлари қизарган, кўзига сурган бўёқлар суркалиб кетибди. Аммо йигит учун Далия аввалгидан ҳам гўзалроқ туюлди. Қиз нега ўзини бундай тутганлигини Тарик ҳамон тушунмасди. Лекин бунинг энди қандай аҳамияти бор? Агар у бирор нима қилгудек бўлса, тезлик билан амалга ошириши лозим. Унинг ортиқча вақти йўқ. То Лемье, Годдар ва Миср полицияси унинг қаердалигини билиб, ҳамма йўлларни беркитиб ташламагунларича у Шармдан тезроқ кетиши даркор. Аммо буни қандай амалга ошириш керак?

Далия марихуана солинган сигаретани тутатди ва биттасини Тарикка узатди.

— Бу муаммоларни ҳал қилиш усулими? — деб сўради йигит вазиятдан қандай чиқиб кетишни ўйлаб.

Қиз бош силкиди ва яна бир бор сигаретани ичига чукур тортди. Тарик қиз узатган сигаретани олди ва у ҳам сигаретани тутатиб, тортди. Улар бир неча дақиқа сигаретани тутатганларича, жим ўтирдилар. Кейин Тарик сўради:

— Битта савол берсам майлими?

— Майли.

— Нега сени бунчалик жаҳлинг чиқиб кетди?

Далия екасини қисди ва кўзини ундан олиб кочди.

— Билмадим.

— Билмайсан, — деди у.

Далия яна бир бор сигаретани тортди.

— Ўйлашимча, мен ўнғайсиз ҳолатга тушиб қолдим.

— Нега? — сўради Тарик.

— Сиз мени масиҳий деб ўйлашингиз мумкин эди. Аммо бундай эмас. Менинг оилам — масиҳийлар, мен бўлса — йўқ. Мен кичкина қиз бўлганимда шундай роль ўйнаганман. Аммо ота-онам ишонганларига мен ҳеч қачон эътиқод қилмаганман. Улардан кетиб қолганлигимнинг сабабларидан бири шу.

— Бу қачон бўлган?

— Кўп бўлди, — деди қиз. — Эҳтимол, мен коллежга ўқишга кетганимда бўлса керак.

— Ўшандан бери қайтиб борганинг йўқми?

— Ҳа.

— Сен оилангни, дўстларингни, шахрингни соғинасанми?

— Умуман олганда, ҳа, — жавоб берди қиз ўйланиб.

— Унда нега уларни бориб кўрмайсан?

Далия чуқур нафас олди.

— Чунки менинг отам — золим.

— Золим?

— У барча диний қонун-қоидаларга риоя қилади, бу унинг ҳаёт тарзи. Мен бундай ҳаёт кечирмайман, деган қарорга келдим ва ортимга қарамай жўнаб қолдим.

— Бу қандай қонун-қоидалар?

— Фарқи нима? — Далия ўрnidан дик этиб турди, ётоқхонага кириб ўзини қаравотга ташлади. — Учрашувларга чиқиш мумкин эмас, чекиш мумкин эмас, ичиш мумкин эмас, наркотикларни қабул қилиш ҳам мумкин эмас, хуллас, у мумкин эмас, бу ҳам мумкин эмас... Фақат қоидага амал қилиб яшаш керак эмиш...

— Сен нима деб ўйлаганинг? — сўради Тарик. У ҳам кроватга ётди ва шипдаги вентиляторга қаради. — У — ота. Оталар ахир, болаларини ҳимоя қилмайдиларми?

— Эй, — деди Далия. — Сиз кимнинг ёнини оляпсиз?

— Қулоқ сол, агар сен ҳам қиз кўрсанг, қизингга арок ичишга, наркотик қабул қилишга ва менга ўхшаганлар билан учрашишга рухсат берасанми?

Далия у томонга бурилди ва жилмайди:

— Эҳтимол, сизга ўхшаганлар билан учрашишга рухсат бермасман.

Тарик ҳам жилмайди. Унинг миясига бир режа келди.

— Демак, сенинг отанг — руҳоний? — сўради йигит.

— Ҳа, у — қавмбоши, — жавоб берди қиз.

— Нима, буларнинг фарқи борми?

— Аслида, йўқ.

— У жамоатни бошқаради, одамларга Исо ҳақида сўзлайди, камбағалларга мурувват кўрсатади ва шунга ўхшашми?

Қиз истаб-истамай бошини ликиллатди.

— Ҳа, худди шундай.

— “Петр Байбл Черч” нима у?

— Бу мен катта бўлган ибодатхона. Мен ҳали ту-
ғилмасимдан отам у ерда қавмбоши бўлган.

— У жуда каттами?

Далия елкаларини қисди.

— Ҳозир анча катта бўлса керак. Мен кичкиналим-
да, унда 30–40 тача одам бўлган, болалар бўлмаган. Ҳозир-
да эса, билишимча, унда 150 тага яқин одам бор, асосан
бу оилалар, янги келин-куёвлар ва жуда кўп болалар.

— Калим билан сен ўша ерда танишганмисан?

— Йўқ, — деди қиз бош чайқаб.

— Қаерда?

— Коллежда, иккинчи курсда ўқиётганимда. Мен ду-
гоналарим билан дам олиш кунлари Парижга борган эдик.
Биз у билан кафедра танишдик.

— Хўш, кейин-чи?

— Нима кейин-чи? Мен унга, у менга ёқди. Биз учраша
бошладик. Аммо бундан ҳеч нарса чиқмади. Бехуда.

— Аммо сенинг отанг учун бу бехуда эмас эди, — деб
таъкидлади Тарик.

— Отам уни ёмон кўрарди, — жавоб берди қиз. Би-
розгина ўйланиб қўшиб қўйди, — уни кўргани кўзи йўқ
эди. Тўғри, менинг отам бировни ёмон кўролмасди, лекин
Калимни хушламас эди.

— Нимага?

— Чунки Калим масиҳий эмас. Хуллас, у ҳеч ким. Дин
уни қизиқтирмасди. Отамга эса бу тўғри келмасди. Мен ҳа-
ли кичкиналимда отамнинг айтиши бўйича, фақат маси-
ҳийга турмушга чиқишим керак экан, батамом.

— Нега унда Калим билан учрашиб юргансан?

— Отам гапирaveraди-да! — жавоб берди Далия каттазанглик билан. — Мен хоҳлаган одамимга турмушга чиқаман, у отамга ёқадими ёки йўқми, менга барибир. Бу — менинг ҳаётим, отамники эмас. Менинг кимга турмушга чиқишим билан унинг иши бўлмасин. Мен ўзи турмушга чиқаманми, ҳали ноаниқ. Унинг қонун-қоидалари билан яшамаётганимга мени қойишини истамайман... Тарик, менга қаранг, келинг, отам ва аввалги йигитим ҳақида гаплашмайлик, бизнинг бундан бошқа қизиқроқ гапимиз йўқми?

— Ҳа, — деди Тарик. Унинг режаси иш бериб қолиши мумкинлигига у ҳамон ишонарди. — Овқат ейсанми?

— Очликдан ўлиб қоламан ҳозир, — деди қиз.

— Яхши, менинг ҳам қорним оч, — деди Тарик. — Пастга тушайлик, ўша ерда нонушта қиламиз. Бундан ташқари, мени сенга аталган совғам бор.

Хурсандликдан Далиянинг кўзлари чакнади.

— Ростданми? — сўради қиз. — Қандай совға?

— Ҳали кўрасан, — жавоб берди Тарик. — Ҳамма нарсанинг ўз вақти бор.

Мароккодаги иш ниҳоясига етди. Қоҳирага келгач, Лемье ва Годдар аэропорт хавфсизлиги хизмати бошлиғи билан учрашдилар.

Улар бир неча соат кузатиш камераларини кўздан кечирдилар, келган ва кетган пассажирлар ҳақидаги маълумотларни компьютердан ўргандилар. Улар Марван Аккад ҳақиқатдан ҳам Қоҳирада бўлганлигига ишонч ҳосил қилмоқчи эдилар. Қидирув ишларини бир далил қийинлаштирар эди: эҳтимол, Марван Жек Карделла исми остида саёҳат қилмаётганга ўхшайди. Унда қайси исм билан беркиниб юрибди? Агар у Мисрга келган бўлса, ҳали ҳам шу ердамикин ёки аллақачон бу ердан ҳам жуфтакни ростлаб қолдимикин?

Лемье ўз одамларини Александрияга, Абу-Дабига ва Эль-Қувайтга жўнатди. Бу ҳолатда унинг айтишига кўра, у ўз интуициясига асосланибди. Аммо Марваннинг Қоҳирага келганига унинг ишончи комил. Шунинг учун уни биринчи навбатда айнан шу ердан қидириш лозим.

Годдарнинг телефони жиринглади. Бу Дюваль эди. У дарҳол кўнгиروقқа жавоб берди.

— Колетт, сизда бирор янгилик борми?

— Ўйлайманки, бор, жаноб, — деди Дюваль. — Бу жуда муҳим бўлиши керак.

— Сиз Марванни топдингизми?

— Йўқ жаноб.

— Унда нима? — деб шоширарди қизни Годдар.

— Рафик Рэмзининг уйдаги кузатув камерасининг кўрсатганларини эслайсизми?

— Ҳа.

— Эсингиздами, Рэмзи катта конверт ичидан олиб Марванга бир қандайдир расмни кўрсатган эди?

— Эсимда, — деди Годдар. — Қандайдир расмними?

— Ҳа.

— Хўш, кейин—чи?

— Бизнинг мутахассисларимиз расмни катталаштиришга муяссар бўлдилар. Қани билинг-чи, биз нимани аниқладик?

— Тезроқ айтсангиз-чи, — шоширди Годдар Дювальни. Бир соатлардан кейин у Рами Аккад билан суҳбатлашгани Бейрутга учиб кетади. Ҳозир топишмоқ топиб ўтиришга унинг вақти йўқ.

— Бу Клодетт Рэмзининг фотосурати экан, — деди Дюваль. — Бу расм кузатиш камераси орқали Бразилияда, Сан-Паула банкида туширилган экан.

Годдар ҳайратда қолди. У гапириш қобилиятини йўқотди. Кечирим сўраб у кабинетдан чиқиб кетди, у бу маълумотни Лемьенинг аралашувисиз, ёлғиз ўзи ҳазм қилиб олиши даркор. Годдар гапини коридорда давом эттирди.

— Клодетт Рэмзи? — деб сўради у бир ўзи қолгач. — Бу аниқми?

— Аниқ, — деди Дюваль. — Расмда сана ва вақт кўрсатилган, шунингдек, девордаги банк логотипи ҳам туширилган, шундоққина Рэмзи хоним елкасининг тепасида. Мен электрон почта орқали сизга барча маълумотларни юбордим.

Годдар ҳалигача ишона олмас эди. Бу чиндан ҳам муҳим. Аммо бу нимани англатади? Нима ҳақида ўйлашни билмай, у бу саволни ўйлашга кўпроқ вақти бўлган Дювалга берди.

— Жаноб, мен билмадим, — деди қиз. — Мен ҳам худди сиз каби ҳайратга тушдим.

— Хуллас, сизнинг ўйлашингизча, бу нимани билдириши мумкин? — гапида қатъий турарди Годдар. — Сизнинг бирор тахминингиз борми?

— Биринчидан, Рэмзи хоним қаердалигидан Марван хабардор деб ўйлайман, демак, Марван Рафик Рэмзидан пул талаб қилаётган одам билан таниш бўлиши мумкин. Бўлмаса, бу расмни жаноб Аккад нимага кўтариб юрибди?

— Ҳа, шундай бўлиши мумкин, — деди Годдар олган маълумотни ўйлашни давом эттирар экан. — Бироқ бу назарияда қандайдир тушунмовчилик мавжуд.

— Қандай? — сўради Дюваль.

— Қандай? — деб ўйланарди Годдар. — Ҳа, қандай? — У аэропорт залига чиқди. Детектив ўйлаб кўриши керак ва имкон қадар инспектор Лемьедан узоқроқда. Бу жуда муҳим далил эди. Годдар бу йўлни ўйлаб таҳлил қилиши ва бу хабарни Скелет билиб қолиб, аралашгунга қадар унинг маъносини тушуниши лозим.

Годдар газета сотадиган дўкон олдида тўхтади ва газеталарнинг сарлавҳаларини кўздан кечирди. Эртага бу газеталарнинг биринчи бетида Марван Аккаднинг сурати, шунингдек, Монакодан тортиб Мароккогача борган қонли из тафсилотлари ва ҳозирда дунё бўйлаб тергов ишлари марказига айланган Қохирадаги текширувлар натижалари эълон қилинади. 24 соатдан кейин бу ҳақда ҳамма хабардор бўлади ва Марван бошқа қочиб кутила олмайди.

Годдар ўзига қажва буюртирди ва зални қадамлари билан ўлчашни давом эттирди.

— Колетт, — деди у ва ниҳоят, — агар Марван Аккад ҳақиқатдан ҳам Клодетт Рэмзининг ўғирланишида иштирок этган бўлса, нима сабабдан у Рафик Рэмзининг квартирасига ташриф буюради ва у билан шахсан учрашади? Нега у ўзини ва бутун операцияни хавф остига қўяди? Айтайлик, агар Марван араб дунёсининг энг бой кишиларидан ҳисобланмиш кимса билан тортишаётган телба бўлса (менинг назаримда

у бундай одамга ўхшамайди), унда унинг кўз олдида Рафик Рэмзини ўлдиришларига у қандай йўл қўйиши мумкин? Сиз буни қандай изоҳлайсиз?

Дюваль узоқ жим тургач, деди:

— Балки ўзига далил—исботни таъминлаш учундир?

— Бўлиши мумкин, — рози бўлди Годдар, — миналаштирилган машина-чи? У қурбон бўлишига оз қолди. Монте-Карлода “Меридьене” меҳмонхонасида ким уни ўлдиришга ҳаракат қилди? Агар Марван чиндан ҳам Клодетт Рэмзини ўғирлашда, пул талаб қилишда ва қотилликда иштирок этган бўлса, буларнинг ҳаммасини тушунтириб бериш жуда қийин.

— Жаноб, сиз ҳақсиз, — деб тан олди Дюваль. — Унда нима учун Марван Рэмзи хонимнинг расмини олиб юрибди? Касабланкада у отиб ўлдирган икки аёл-чи?

— Марван ўлдирган деб тахмин қилинмоқда, — гапга аниқлик киритди Годдар.

— Аммо жаноб, Рания Фавазнинг уйида унинг кўплаб бармоқ излари топилган, — деди Дюваль. — У шубҳасиз, ўша ерда бўлган. Ишончли далиллар мавжуд. Бундан ташқари, квартирада яна кимдир бўлганлиги тўғрисида бизда маълумотлар йўқ. Сиз буни қандай тушунтириб берасиз? Бу икки қотилликда Марван Аккадни гуноҳкор деб ҳисоблашдан ташқари, яна бошқа қандай хулоса чиқариш мумкин?

“Риц Карлтон” меҳмонхонаси айвонидан Қизил денгиз яққол кўриниб туради. Икки кишига мўлжалланган ва пальма дарахти соясида жойлашган стол атрофида Марван Аккад (ёки Тарик Жамил) ўтирибди. Ҳозир кафетерийда навбатда турган Даляя Нур тез орада унга келиб кўшилиши керак. Столнинг устида тухум билан сутдан қилинган қўймоқ, мевалар, бир стакан апельсин соки ва қаҳва турибди. Лекин Марван айна пайтда овқат ҳақида ўйламасди.

Унинг фикрлари алғов-далғов бўлиб кетган. Юраги тезлик билан дукиллаб урарди. Агар ўйлаб қўйган режани Марван амалга ошира олмаса (муваффақиятнинг эҳтимоллиги бошдан унчалик юқори эмасди), унинг жуда кам варианты ва вақти қолади. У тарвuzдан бир парча чакмоқлаб олди, лекин ейишга иштаҳаси йўқ эди.

— Жаноб, — у официантни чорлади, — бунинг ўрнига кофеинсиз кофе мумкинми?

— Албатта, жаноб, — жавоб берди официант. У Тарикнинг олдинги идишини олиб, ўрнига бошқача, ундан салгина кучсизроқ кофе келтириб берди. — Марҳамат қилинг.

Тарик кофега сут ва шакар қўшди. Даляя ҳам етиб келди. У қулупнайли ва кўпиртирилган қаймоқ қўшилган вафли олиб келди. Марван ўрnidан туриб қизга стулни суриб берди. Қизнинг кийинишини ва олиб келган нарсаларини мақтади. Унинг гаплари чин дилдан чиқарди, бироқ вақтни чўзаётганини ўзи англади. У қанчалик асабийлашмасин, энди бошқа иложи йўқ.

Тарик қайтиб ўрнига ўтирмади, қизнинг қаршисига мук тушиб, унинг қўлларини ўпди.

— Тарик, сиз нима қиляпсиз? — сўради қиз уялибгина. — Овқатингизни енг. Мен сизни очқагансиз деб ўйлабман.

— Ҳа, — деди йигит, — аммо бу овқатдан ҳам муҳимроқдир.

Далия йигитга хазил билан жавоб бермоқчи эди, аммо у Марваннинг қўлида кичкинагина бахмал идишча ушлаб турганини кўриб қолди. Йигит қутичани очди. Унинг ичида энг нафис ва қимматбаҳо бриллиант тошли узук бор эди. Қиз ҳеч қачон бундай узукни кўрмаган. Унинг юзида қувонч ва ҳаяжонни кўрди, аслида Тарик айнан ундан шуни кутган эди. Бир неча ой олдин бу ҳис-туйғуни у Раниянинг кўзларида кўрмоқчи эди, бироқ унинг ниятлари ўшанда амалга ошмаганди. Унинг орзу-ҳаваслари эндигина амалга ошадиган бўлди.

— Далия, — деб гап бошлади у титроқ овозда, — орадан озгинагина вақт ўтганини мен тушунаман. Аммо мен сени жуда севаман, бутун ҳаётим давомида мен ҳеч қачон ҳеч кимни бунчалик севмаганман. Мен шундай қаттиқ севиб қолишимни тасаввур ҳам қилмаганман. Бу жараён жуда ҳам тез юз бераётганини мен биламан. Балки, шундай ҳамдир. Аммо бу ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Қолган ҳаётимни сен билан ўтказишни хоҳлайман ва шунга ишонаман. Мен сени дунёдаги энг бахтли аёл қилмоқчиман. Агар сен менинг хотиним бўлишга розилик билдирсанг, мени энг бахтли инсонга айлантирган бўласан. Далия Нур, менга турмушга чиқишга розимисан?

Далия эрталабки куёш нурларида ярқираб турган бриллиант узукка қарарди.

— Тарик, мен... мен нима дейишни ҳам билмайман, — деди қиз тугилиб. — Бу чиндан ҳам жуда тез юз берди. Ҳозиргина мен сизга шунча кўполликлар қилдим, менинг оилам ҳақида сўраганингизда, мен сизни жеркиб

ташладим. Нимага сиз менга ўхшаган аёлга уйланмоқчи бўляпсиз?

— Чунки сен — менинг ҳаётимсан, — деди йигит мулоимлик билан, — айнан сен билан бўлиш менинг тақдиримга битилган.

Қиз ўз нигоҳини узукдан олди, уларни йигитнинг кўзларига тикди ва йиғлаб юборди.

— Бу менга айтилган барча сўзларнинг энг зўридир, Тарик, — деди қиз йиғлаганича. — Ҳа, мен сизга турмушга чиқишга розиман, Тарик Жамил. Бу мен учун фахрдир.

Қиз уни ўпмоқчи эди, бироқ Тарик уни тўхтатди.

— Менинг бир шартим бор, — деди йигит яна Даляяни ноқулай ҳолатга қўйиб.

— Шарт? — сўради қиз ҳеч нимани тушунмай. — Қандай шарт?

Тарик нафасини ростлаб, деди:

— Сен мени ўзинг билан Йорданияга олиб кетасан. Боргач мени ота-онанг билан таништирасан ва улар билан сен ҳам ярашиб олишга сўз берасан.

Даляянинг асаблари таранглашди.

— Менимча, бунинг имкони йўқ.

— Биз шундай қилишимиз керак.

Энди Даляя чуқур нафас олди ва бош чайқади.

— Ахир мен сизга айтдим-ку, менинг отам — золим, — деб тушунтира бошлади қиз, — сиз масиҳийми ёки йўқми, у билишни истайди. Агар сиз “ҳа” десангиз, у сизни соатлаб сўроққа тутайди, токи ёлғон гапирмаётганингизни аниқлаш учун. Тарик, сиз менинг ота-онамни билмайсиз, менга ишонинг, сиз уларни умуман билмаганингиз маъқул.

— Мени кечир, Даляя. Аммо бу шарт муҳокама қилинмайди.

— Муҳокама қилинмайди?

— Ҳа, — деди гапини тасдиқлаб Тарик. — Мен сенга яширинча уйланмоқчи эмасман, гўёки бу қандайдир ёмон

нарасдай ёки айбдай. Мен сизларнинг бутун оилаларинг номидан сенинг отангнинг дуосини олмоқчиман.

Қиз гапни шу билан яқунлагандай, кулиб юборди.

— Сизга муваффақият тилайман, Тарик. Аммо сиз ҳеч қачон отамнинг дуосини ололмайсиз.

— Менга ишонгин, — деди йигит, — отанг билан менинг ўзим гаплашаман.

— Бу сизга нимага керак?

— Шунинг учун ҳамки Даляя, оиладан муҳимроқ ҳеч нарса йўқ, — деб жавоб берди Тарик қизнинг юзларини силар экан. — Ота-онамни қайтариш учун мен қўлимдан келган ишни қилардим, менга ишон. Аммо мен учун бунинг асло иложи йўқ. Лекин сен учун бунинг иложи бор—ку, Даляя!

— Тарик, сиз нима қилмоқчи бўлаётганингизни тасаввур қилмаяпсиз, — деб огоҳлантирди қиз. — Йўқ, тасаввур қилмаяпсиз.

Эҳтимол, қиз ҳақдир, деб ўйлади Тарик. Аммо нимага рози бўлаётганини қизнинг ўзи тасаввур қилмаяпти. Вақти келиб, Тарик қизга бутун ҳақиқатни сўзлаб бериши керак бўлади — бутун ҳақиқатни. Аммо ҳозир эмас. Олдинига унга қизнинг розилиги керак — унга турмушга чиқиб Йорданияга, Петрга кетиш лозим. Ва фақат ўшандагина ва у ерда — Лемье ва Годдардан узоқда, Клодетт Рэмзи юборган қотиллардан кичкинагина шаҳарчада беркениши мумкин. У Даляяга ҳақиқатни қандай етказиш мумкинлигини ўйлайди. Ундан олдинроқ бунинг имкони йўқ.

— Бу чиндан ҳам сиз учун муҳимми? — сўради қиз.

Тарик қизнинг кўзларига тикилди ва “ха” дегандай бошини ликиллатди.

— Яхши, — деди қиз ва ниҳоят. — Қачон бормоқчисиз? Янги йилдан олдин менинг дам олиш кунларим бўлади.

— Йўқ, ҳали унгача жуда кўп вақт бор, — деди Тарик. — Ҳозирроқ борамиз.

— Нима, сиз ақлдан оздингизми? — таажжубланди киз. — Биз ҳозир боролмаймиз.

— Нима сабабдан? — сўради Тарик. — Биз ота-онангга сюрприз қиламиз. Индамай кириб борамиз, мени тушунгин, бу чиндан ҳам зўр. Улар хайрон қоладилар ва сени кўриб турганларидан хурсанд бўладилар. Мен сени олиб борсам, менга тагин “рахмат” ҳам айтадилар.

— Билмадим, — деб иккиланди Даляя. — Бу ҳафта охирида ва кейинги ҳафта давомида менинг рейсим бор.

— Турмушга чиқяпман деб айтасан уларга, — деди Тарик. — Шу сабабли сенга дам олиш кунлари берилиши лозимми? Шундай кунлардан фойдаланиб қоламиз.

— Мен тушунмаяпман, — деди Даляя. — Нега бунчалик шошмоқдамиз? Мен ота-онам билан кўришмаганимга беш ёки олти йил бўлибди. Мен руҳан тайёргарлик кўришим учун яна бир нечта ҳафта кутиб турсангиз бўлмайдими?

— Йўқ, — деб гапида қатъий туриб олди Тарик. — Мен сенга айтдим. Мен сени яхши кўраман ва сенсиз яшай олмайман. Биз бугуноқ нарсаларимизни йиғиштирамиз ва жўнаб кетамиз. Сен остонада пайдо бўлганингда, ота-онанг юзингни ва қўлингдаги ушбу узукни кўриб, қувонишганини тасаввур қилгин-да...

У қутичадан бриллиантли узукни олди ва қизнинг қўлига тақиб қўйди. Узукнинг кўриниши жуда ажойиб, жилваланиб турибди. Даляянинг кўриниши ҳам ўзгача. Қиз Тарикка таслим бўлди ва “ҳа” деди.

Тарик ва унинг қаллиғи тушликка яқин “Риц” меҳмонхонасидан чиқиб кетишди ва Мисрнинг шимолида жойлашган Нувейба шаҳарига таксида йўл олишди. Улар йўлда тушлик қилишди ва Даляянинг қариндош-уруғларига совға-саломлар сотиб олишди. Кейин улар Иордания жанубидаги Акаба портигача паромга чипта сотиб олдилар. Сув остида қанотлари бўлган кема соат тўртга яқин сафарга жўнади. Улар бир соатча кемада сайр қилдилар. Бироз вақт ўтгач, Тарик ва Даляя Петрда эдилар. Улар Даляянинг болалиғи ўтган кўпқаватли уйга етиб келиб таксидан тушдилар.

— Тарик, лекин барибир бу ерга келиш жуда ҳам яхши фикр эмас-да, — деди Даляя яна бир бор олдинги айтганларини такрорлаб. Қизнинг ошқозони оғриб, кўнгли айнирди.

— Жонгинам, ҳаммаси жойида бўлади, менга ишон, — деди Тарик қизни тинчлантириб. У қизнинг кўлини мулойимгина сиқиб қўйди ва юкларни таксидан туширди. Тарик ўзининг ҳақлигига ишонарди.

Улар бинога кириб, бешинчи қаватга кўтарилдилар ва керакли эшик олдида тўхтадилар. Даляянинг кўллари қалтирарди. Тарик чўнтагидан тоза дастрўмолчани олиб қизнинг юзидаги ва лабининг устидаги дона-дона терларни артди.

— Мен сени севаман, — пичирлаб деди йигит.

Даляя унинг кўзларига қаради — Тарикнинг кўзларида ишонч бор эди, айнан шундай ишонч қизда етишмасди.

— Мен ҳам сизни севаман, — деди қиз Тарикка жавобан.

Йигит жилмайди ва чукур нафас олиб эшикни такиллади.

— Надим, кимдир эшикни такиллашмоқда, — деган овоз эшитилди ичкаридан. — Сиз бирортасини кутяпсизми?

— Йўқ, ҳеч кимни кутаётганим йўқ. Мен телефонда гаплашяпман, жонгинам, эшикни ўзинг оча қолгин.

— Яхши. Бир дақиқа, мен ҳозир эшикни очаман.

— Бу менинг онам, — деди секингина Далия, — унинг исми — Рима.

— Отангинг исми Надимми?

— Ҳа.

Далия Тарикнинг қўлларини қаттиқроқ сиқди. Қиз Тарик совға қилган никоҳ узугини ечиб қўйганини йигит сизди. Йигит бир нима демоқчи бўлди, аммо бунга айтишга вақт йўқ эди. Қолаверса, қиз тўғри иш қилганга ўхшайди. Ота-онани бундай тасодифий янгилик билан довлдиратиб қўйишга ҳали эрта. Бунга қадар ҳали кўп ишлари амалга ошириш лозим (аввалам бор, тирик қолиш).

Эшик очилди ва Рима Нур бир неча йиллардан бери кўрмаган қизининг қаршисида пайдо бўлди. Она эллик ёшдан ўтган бўлиб, сочлари оқара бошлаган, бирозгина тўлишган, аммо ҳамон жуда жозибатор эди. Она ва қизнинг кўзлари бир хил эканлигини Тарик дарровдан англади.

Қизгинасини кўриб Нур хоним “вой-вой” деб юборди. Аёл қаттиқроқ бақириб юбормаслик учун қўллари билан оғзини беркитди, гўёки шарпа кўргандай тили айланмай қолди. Лекин бироздан кейин у ўзини тутиб олиб деди:

— Далия, бу сенмисан, қизгинам?

— Ҳа, ойижон. Мен сизни жуда соғинганман.

— Болажоним, мен ҳам соғинганман-а, — деди хурсандчилигини беркитолмай она. — Мен сени қанчалик соғинганимни билсанг эди.

— Ойижон, мен сизни яхши кўраман.

— Мен ҳам сени яхши кўраман, қизалоғим. Жуда яхши кўраман.

Она Даляни кучоклади. Бир-бирларини ўпиб, йиғлаб юбордилар. Уларга ҳалакит бермаслик учун йигит нари кетди. Уларнинг бир-бирларига бўлган бунчалик меҳрларини кўрган Тарикнинг кўнгли бузилиб кетди. Ота-онасини, айниқса, онасини йигит ҳам қанчалик соғинганини у англади.

Тарикнинг юраги тез-тез уриб кетди, бирдан у бу ерда бегона ва чақирилмаган меҳмон эканлигини тушунди. Нур хоним ўзларига келганларида унга қандай муносабатда бўладилар? Рима, Нур Тарикни кўрдилармикан? Эҳтимол, она уни таксичи ёки юк ташувчи ҳаммол деб ўйлагандир? Тарик кимлигини ва нима учун келганлигини айтганда, она нима дер экан? Жаноб Нур-чи, у нима дер экан? У ҳақиқатдан ҳам Даля тасвирлаб бергандай, золиммикан? Буларни Тарик билмасди. Ота-онаси у ёқда турсин, у Далянинг ўзини ҳам унчалик яхши билмасди. Аммо фол очишнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Тез орада Тарик барча саволларига жавоб олади.

— Ойи, — деди ниҳоят Даля Тарикнинг даст рўмолчаси билан онасининг юзидаги кўз ёшларини артар экан.

— Ҳа, қизгинам.

— Ойижон, мен сизни биттаси билан таништирмоқчиман.

Тарик жилмайди. Нур хоним ҳаяжонланди.

— Э-э, — деди она, — мен билмабман... Мен ўйлабманки...

— Ойижон, ҳаммаси яхши, — деди Даля ва Тарикнинг кўлидан ушлади. — Бу Тарик Жамил. Уйга келиб, сизларни кўришни у менга маслаҳат қилди.

— Ростданми? — деди Нур хоним. — Демак, сиз Тарик Жамил — менинг қилган ибодатларимнинг натижаси.

Марҳамат, уйга ташриф буюринг. Мен ҳаммамизга чой тайёрлаб келаман.

— Раҳмат, Нур хоним, — деди Тарик жилмайганича. — Сиз жуда меҳрибон экансиз. Далия кимга ўхшашлигини энди тушундим.

Улар хонага кириб оёқ кийимларини ечдилар. Шу вақт Далиянинг отаси кириб келди.

— Рима, нима тўполон? Мен бир иш қилолмаяпман...

У Далияни кўриб, жим бўлди. Ҳайрон бўлганидан оғзи очилиб қолди. Унинг кўзлари ёшга тўлди. Бошқа бир оғиз сўз айтмай, ота қўлларини Далияга узатди. Қиз отасининг кучоғига отилди. Иккиси ҳам кўз ёши қилишди.

— Менинг қизгинам уйга қайтибди, — деб пиқилларди ота. — Ниҳоят, Далиям келибди. Исо Масихга шукроналар бўлсин. Сендан миннатдорман. Нажоткорим, Сен ҳар доим менинг илтижоларимни эшитгайсан ва жавоб қайтаргайсан. Сенинг Номингга ҳамду санолар бўлсин!

Тарикнинг томоғига бир нима тикилгандай бўлди. Яна озгинадан кейин у ҳам йиғлаб юборарди. Бу уйда у бир неча дақиқа бўлганлигига қарамай, бу оила муҳотидаги севгини, муҳаббатни ҳис қилди. Олдин ўз ҳаётида бундай туйғуни у ҳеч қачон кўрмаган.

Қавмбоши Нур кизини тинмай кучоқлаб, ўпарди. Шунингдек, Исо Масихни улуғлашдан ҳам у асло чарчамасди. Гўёки унинг кизи, Тарикнинг ўйлашича, у дунёдан қайтиб келгандай эди. Маълум бир маънода ўзи шундай ҳам эди.

— Далия, — деди она бироз вақтдан кейин.

— Лаббай, ойижон, — деди Далия яхшироқ кўриш учун кўз ёшларини артар экан.

Нур хоним Тарикка қаради ва бир нима демокчи бўлгандай қошларини чимирди.

— Ҳа, — деди қиз юзидаги кўз ёшларни ҳўл бўлиб кетган дастрўмолча билан артар экан. У отасига юзланди: — Отажон, мен сизни бир одам билан таништирмақчиман. У

мен учун жуда бошқача. Унинг исми Тарик Жамил. Мен уйга келиб, сизлар билан учрашишимга у сабабчи бўлди. Мен олдин... сизларга айтмоқчи бўлдим, бироқ кўрқдим... Сизлар мени қандай кутиб олишларингни билмадим, ҳали ҳам мендан аччиқларинг чиқиб юрибдимикан деб ўйладим. Аммо Тарик оиладан улуғроқ, қимматлироқ ҳеч нарса йўқлигини айтди. У мен билан бирга келишни таклиф қилди.

Қавмбоши Нур Тарикнинг кўзларига тикилди. Тарик диққат-эътиборини Даляянинг отасига қаратди. У қавмбошининг кўзларида қаҳр, ғазаб ва шубҳа-гумонни кўришни кутди. У кун бўйи бунга ўзини тайёрлади. Аммо отанинг кўзларида у фақатгина чексиз оталик миннатдорчилигини кўрди.

— Мен ҳозирча сиз билан унчалик яхши таниш эмасман, йигитча, — деди қавмбоши, — лекин сиз менга катта совға қилдингиз. Шунча йиллар ўтгач, сиз менга қизимни олиб келибсиз, шунинг учун ҳам мен сиздан миннатдорман. Ўғлим, сизни Худонинг Ўзи марҳаматласин. Илтимос, кечки овқатни биз билан қилинг ва бизникида бир кеча ётиб қолинг. Бизнинг уйимиз — сизнинг уйингиз. Сиз бу ерда кутилган ва ҳурматли меҳмонсиз.

Бундай илиқ, самимий кутиб олинишдан Тарик ҳаяжонланди (тилдан қолди деб айтсак, тўғрироқ бўларди). Бироқ у енгил тортиб нафас ололмасди, чунки унинг олдида ҳали қанчадан-қанча қийинчиликлар турибди. Тарик ўзининг кетидан тушган изкуварлар ҳақида ўйларди.

Инспектор Годдар Рами Аккаднинг қаршисида ўтирарди. Хона Бейрут полиция маҳкамасига қарашли бўлиб, унда стол ва икки стулдан ташқари бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Годдар сигарета тутатди, аммо Рамига сигаретадан узатмади ҳам. У янги дамланган кофедан хўплади, аммо кофе ичишни ҳам Рамига таклиф қилмади. У интизорлик билан ёлғонни аниқловчи аппаратни ёқишларини кутарди, чунки айнан шу аппарат ёрдамида у Марван Аккад тўғрисида ўзига керак бўлган маълумотларни кўпроқ олмоқчи бўлди. Техник ўз ишини тугатганда, Годдар магнитофонни ёқди.

— Ҳаммаси аниқ ва равшан бўлиши учун яна бир бор такрорлайлик: сиз қасам ичиб, ваъда бераётганлигингизни тушунасизми? — бошлади у.

Рами елкаларини қисди.

— Илтимос, фақат “ҳа” ёки “йўқ” деб жавоб беринг. Жавобларингиз аниқ ва лўнда бўлиши лозим, токи магнитофон тегишлича ёзиб олсин.

— Яхши: ҳа, мен қасамёд қилдим.

— Жуда яхши, — деди Годдар, — бошладик. Сизнинг исмингиз Рами Аккадми?

— Сиз буни биласиз.

— “Ҳа” ёки “йўқ”.

— Демак, ҳа.

— Сиз “Аккад ва унинг шериклари” фирмасини акангиз билан биргаликда бошқарасизми?

— Албатта.

— Жаноб Аккад, “ха” ёки “йўқ” деб жавоб беринг.

— Ҳа.

— Бу — қўриқчилик ташкилотими?

— Ахир, гўзаллик салони эмас-ку.

— Жаноб Аккад, вазият ўта жиддийлигини сиз англамаяпсиз шекилли. Менинг саволларимга жавоб беришдан бош тортганлигингиз учун мен сизни қамоқхонага жўнатишим мумкин. Сизни ёлғон гапирганингиз учун ҳам қамоқхонага юборишим мумкин. Шунинг учун ҳазил қилмай, жиддийлик билан жавоб беришингизни талаб қиламан. Тушунарлими?

Рами яна елкаларини қисди.

— Шундай қилиб, сизнинг ташкилотингиз Яқин Шарқда фаолият кўрсатаётган кўплаб фирма бошлиқларини кўриқлаш вазифасини бажарадими?

— Ҳа.

— Сизнинг шеригингиз, акангиз Марван Аккадми?

— Ҳа.

— Сизнинг акангизни Рафик Рэмзи қизини ўлдирганларни ва хотинини олиб қочганларни топиб, уларни жазолаш учун ёлладими?

— Бу иш учун сизнинг фирмангиз олдиндан 500 минг евро ва бунинг устига кетган ҳаражатлар гонорарини олганми?

Рами таажжубланди:

— Нима...

— Жаноб Аккад, “ха” ёки “йўқ” деб жавоб беринг, шунингдек, сиз қасамёд қилганингизни эсингизга солиб қўяй.

— Ҳа, — деди ва ниҳоят Рами.

— Бу аёлларнинг ўлдирилиши ва ўғирлаб кетилиши билан Марван боғлиқ бўлганми?

— Йўқ.

— Рэмзи оиласидан Марван пул талаб қилганми?

— Йўқ.

— Ҳозирги кунда Рэмзи оиласидан пул талаб қилишга ҳаракат қиляптими?

— Йўқ.

— Ростданми? — сўради Годдар хонада у ёқдан—бу ёққа юрар экан. — Агар шундай бўлса, сизга қуйидагича савол беришга ижозат этинг. Рафик Рэмзи ўлдирилган кунни сизнинг акангиз Клодетт Рэмзи қайси мамлакатда эканлигини билганми?

Рами афтини бужмайтирди. Бир неча сония ўтди, аммо у жавоб бермади. У кўзларини юмди.

— Шундай қилиб, жаноб, — деб гапида қатъий турди Годдар, — акангиз билганми?

Рами ҳамон жавоб бермасди.

— Жаноб Аккад, мен билан ўйнашманг. Сиз биз билан ҳамкорлик қиласиз, ёки бўлмаса қамоқхонага йўл оласиз. Сизнинг фирмангизнинг активларини хатлаймиз. Яна бир бор сиздан сўрайман: жаноб Рафик Рэмзи ўлдирилган кунни акангиз Клодетт Рэмзи хоним қайси мамлакатда бўлганлигини билганми?

— Ҳа.

— Бу мамлакат — Бразилиями?

Годдарнинг бу маълумотларга эга бўлганлиги яна Рамини ҳайрон қолдирди.

— Ҳа, — деди у иккиланиб.

— Рэмзи хонимнинг Сан-Паула банкида тушган расми Марванда бормиди?

— Ҳа.

— Рэмзи хоним фойдаланган ҳисоб рақами Марванга маълум эдими?

— Ўша пайтга келиб у биларди, аммо...

— Жаноб Аккад, “ҳа” ёки “йўқ”?

— Демак, ҳа.

— Ҳозирги кунда “Аккад ва унинг шериклари” фирмасининг ўндан зиёд ходимлари Бразилияда, Сан-Пауланинг тоғли ҳудудида иш олиб бораптиларми?

Рами ҳеч нима демади. Годдар эса Рамини тахликага солиб кўйганини биларди. Унинг манбаларидан олинган маълумотлар ҳақиқатга мос келарди. Годдар, Рамини ёнғоқ сингари чақиб ташлайман, деб ўйлади.

— Демак, жаноб Аккад, ишламоқдаларми?

— Ҳа, ишламоқдалар.

— Бу одамлар куролланганми?

— Ҳа.

— Улар бугун эрталаб сизга қўнғироқ қилиб, Рэмзи хонимни нима қилмоқчи эканлигини сиздан сўрадиларми?

Рамининг юзидаги ўзгаришларни кўриш Годдарга роҳат бағишларди.

— Сиз тушунмаяпсиз, мен...

— Улар: “Клодетт Рэмзини нима қилайлик?” — деб сиздан сўрадиларми?

— Сиз менинг телефонимни эшитиб тургансиз.

— Ҳа. Хуллас, улар сизга шундай савол бердиларми?

— Ҳа.

— Сиз: “Ҳозирча ҳеч нима. Бу жуда осон эмас. Тез орада сиз билан ўзим боғланаман” деб жавоб қилдингиз. Тўғрими?

— Ҳа.

— Жаноб Аккад, Клодетт Рэмзини ўғирланишида сизнинг ва акангизнинг қўли борми?

— Йўқ.

— Ўғирликни сизларнинг ўзларингиз уюштирдигизлар, шундайми?

— Йўқ.

— Ростми? Аммо Клодетт Рэмзи қаердалигини сиз билар экансиз?

— Ҳа.

— Сиз ва акангиз бунда иштирок этмаганларингга, гуноҳкор эмаслигингизга мен ишонишим керакми?

— Сўзсиз.

— Аммо бу сиз ўйлагандай осон эмас, жаноб Аккад. Сизга шундай савол бераман: сизнинг акангиз ўтган ҳафтада Марокко, Касабланкада бўлганми?

— Ҳа.

— Марван унга турмушга чиқишдан бош тортган Фаваз Рания исмли қизнинг уйига бордимиз?

— Ҳа.

— Ва ҳозирда Фаваз хоним ва унинг хонадоши ўлдирилганлар, тўғрими?

— Ҳа, аммо Марван бундай қилолмайди, — сизлар ҳақиқий қотилни қидиринглар...

— Овозингизни ўчиринг! — бақирди Годдар. Сўрок жараёни бузилишини у хоҳламади. — Сиз менинг кўрсатмаларимга амал қилган ҳолда саволларимга жавоб берасиз, ёки кечани қамоқхонада ўтказасиз. Тушунарлими?

Рама икки қўлини кўкрагига қўйди.

— Сизнинг акангиз ҳали ҳам Мисрдами? — сўради Годдар.

Рама ошкора индамай турарди.

— Сизнинг акангиз Қоҳирадами? — яна қайтадан сўради аччиғи чиққан Годдар.

Рама жавоб беришдан қатъий воз кечди ва Годдарнинг газаби янада авж олди.

— Сизнинг яккаю ягона акангиз қотилликда айбланиб қидирилмоқда. Биз албатта уни топамиз. Агар биз уни топгудек бўлсак, биз унга ўқ узмаймиз деб, мен сизни ишонтира олмайман. Агар акангизни тириклайин кўрмоқчи бўлсангиз, биз билан ҳамкорлик қилишингизни маслаҳат бераман. Унгача сиз ҳозирок қамоқхонага жўнайсиз.

Надим Нур кўзлари катта-катта, кўллари ҳам кучли ва кулгуси баланд овозли, келишган, бақувват одам эди. У энди йиғламай, фақатгина куларди. Тарик бўлса камрок асабийлашарди.

Нур хоним дастурхон тайёрлагунга қадар, жаноб Нур Тарикка ўз уйини кўрсатиб чиқди. Бу кичкинагина, ихчам уй эди. Уйнинг учта ётоқхонаси, кичкрок ошхонаси, катта меҳмонхонаси бор эди. Меҳмонхонада бир нечта диван ва стуллар бўлиб, тахминан 15-20та меҳмон бемалол сиғарди. Деворлардаги полкаларда кўплаб китоблар терилган. Бундай кўп китобни Тарик фақат университет кутубхонасида кўрганди. Китоблардан ташқари, кўп жойларга оилавий расмлар ва турли диний воқеалар суратлари осилган.

Қавмбоши Нур қутидан расм альбомини олди. Унда Далиянинг болалигидан бошлаб, то мактабни битиргунга қадар жойлаштирилган фоторасмлари бор эди. Ота кейин Далиянинг акаси Элиаснинг расмларини кўрсатди. Ўқишни тугатгандан кейин Элиас Иордания авиациясига хизмат қилишга кетган экан. Ҳозирда у самолётда қирувчи-пилот вазифасида бўлиб, Англия Ҳарбий Ҳаво Кучларида тайёрлов муддатини ўтамоқда. Элиас катта одам бўлиб кетибди — ҳарбий капитан. Буларнинг ҳаммасидан Далия бе-хабар экан. Қиз ҳамон узоқ вақт уйга келмаганлиги, хатларга жавоб бермаганлиги учун кечирим сўрарди. Ота бўлса ҳеч нимани эшитгиси келмасди.

— Ҳаммаси ортда қолди, азизам, — деди қавмбоши Нур қизига. Унинг овозидан қизини жуда соғинганлиги,

Ўзини кўярга жой топа ололмаганлиги билиниб турарди. Ота қизининг олдида, катта қўллари билан уни кучганича ўтирарди. — Исо сени кечиради. Мен ҳам қандай қилиб шу йўлни тутмайин? Муқаддас Китобда нималар дейилгани эсингдами: “Самолар заминдан нақадар баланддир! Эгамизнинг содиқ севгиси ҳам Ундан қўрққанларга шундай юксакдир. Шарқ ғарбдан қанчалик узоқ бўлса, гуноҳларимизни биздан шу қадар узоқ қилади. Ота болаларига шафқат қилганидай, Эгамиз Ўзидан қўрққанларга раҳм қилади” (Забур 102:11–13).

— Раҳмат, ота, — деди Далия секингина. — Мен сиздан қанчалик миннатдор эканлигимни тасаввур қилолмайсиз.

Улар яна бир-бирларини кучокладилар. Ошхонадан Нур хоним келди ва столнинг устига мевалар, ёнғоклар солинган идишларни қўйди, ҳаммага қаҳва узатди. Ошхонадан келаётган хушбўй ҳидлар одамнинг иштаҳасини очиб юборди.

— Ммм, — деди Тарик, — мабодо бу тоджин эмасми?

— Ҳа, чиндан ҳам тоджин, — деди она. — Умид қиламанки, сиз уни яхши кўрасиз.

— Жуда яхши кўраман, — деди йигит. — Бу...

Тарик ўзини тўхтатди. Кўзичокнинг барра гўшtidан қилинган ва сабзавотлар қўшилган марокан рагу Раниянинг севимли таоми бўлган, деб айтиб юборишига сал қолди. Агар у ўзини тўхтатиб қолмаганда, нақадар катта хатога йўл қўйган бўларди.

— Бу нима? — сўради қавмбоши Нур.

— Буми... Мароккода менинг бир мижозим бўлган, — деб ёлғон гапира бошлади Тарик йўл қўйган эҳтиётсизлигидан ўзига келмокчи бўлиб. — Ҳар гал мен у ерга борганимда, дўстлар албатта мени уйларига меҳмондорчиликка таклиф қилардилар. Уларнинг рафиқалари мени ажойиб мрузия таоми билан зиёфат қиларди. Таомнинг мазалигидан ҳалигача сўлақларим оқиб туради.

Тарик шулар ҳақида гапирганда, бирдан уни гуноҳкорлик ҳисси чулғаб олди. У соф, имонли одамнинг уйида ўтириб, уларга ёлғон гапирса. Яна унинг хаёлига олдинги хаёти тамомила ёлғон бўлганлиги ҳақидаги фикр келди.

— Тарик, сиз билсангиз керак, мрузия — Даляянинг сеvimли таомидир, — деди Нур хоним. Унинг кўзлари яна ёшга тўлди. — Даляя кетгандан бери биз бу таомни тайёрламаганмиз...

Ўз ҳис-ҳаяжонини беркита олмаган она кечирим сўради, кўзларидаги ёшларни дастрўмолча билан артиб, ошхонага йўл олди. Даляянинг узоқ йўқ бўлганлиги оила аъзоларига қанчалар ташвиш солганлигини, қиз ҳақида қанчалар кам маълумотга эга эканлигини Тарик тушунди. Даляя қандай таомларни севишини, сеvimли мусиқаси қандай эканлигини, қайси кинофильмларни ва қандай телекўрсатувларни ёқтиришини йигит билмайди. Қиз қандай байрамларни ёқтиришини ва қайси тиш пастасини афзал кўришини ҳам билмайди. Даляя Нажиб Махфузнинг романларини севиб ўқишини ва саёҳат қилишни яхши кўришини Тарик билади. Энг асосийси, у йигитни севишини Марван билади. Мана қиз ҳақида билганларининг ҳаммаси.

Уларнинг ўрталаридаги муносабатлар ҳақида асло гапирмаслик бирдан Тарикнинг хаёлига келди. Даляя ва Марван никоҳланганларини ҳозир эшитишга Нурлар оиласи тайёр эмаслар. Бу жуда ҳам тез амалга ошган бўлади. Улар қандай танишганларини ота-она билмоқчи бўладилар. Улар кечада танишганларини, биргаликда “наша” чекканларини ва кечадан кейин бирга тунаганларини Тарик айта олмас эди. Йигит билан қиз қанча вақтдан бери таниш бўлганларини улар билмоқчи бўладилар. Аслида эса улар бир неча йил ёки ой эмас, бор-йўғи бир неча кундан бери таниш эканликларини йигит қандай айтади. Улар йигитнинг келажакдаги режалари ҳақида билишни хоҳлайди-

лар. Тарик эса: “уни ўлдирмасликлари ва камокқа олмасликлари” дейишдан бошқа ҳеч нарса айтилмайди.

Тарик на бундай саволларга, на бошқа саволларга жавоб бера олади. У нимаики айтса, ҳаммаси ёлғон бўлади. У қанчалик кўп ўйланмасин, бу одамларга ёлғон гапира олмаслигини янада чуқурроқ англади. Ҳар ҳолда, ўзининг ва уларнинг ҳаётини сақлаб қолиши учун ҳеч бўлмаганда, энди ёлғон гапирмаслиги керак.

— Тарик, илтимос, сиз ҳозирда нималар билан машғул эканлигингизни бизга сўзлаб беринг, — деди қавмбоши Нур. У қизларини узоқ кўрмагани туфайли изтироб чекаётган хотинини бироз чалғитмоқчи бўлди. — Сизни бутун дунё — Европа, Марокко, Миср, Ливан бўйлаб юришга мажбур қилаётган мижозлар қандай экан?

Тарик енгил нафас олди. Бу ҳақда у соатлаб гапириши мумкин эди. У ўз афсонасини ипидан игнасигача биларди.

— Жаноб, мен компьютерлар бўйича консультантман, — деб гап бошлади Тарик. — Мен банкларга, суғурта компанияларига, мультинационал корпорацияларга ҳафвсизлик системаларини ўрнатишга ёрдам бераман. Хавфсизлик системалари уларнинг мейнфреймларини ёки сервер системаларини хакерлардан, вируслардан ва шунга ўхшаш нарсалардан ҳимоя қилади.

Далиянинг отаси кулиб юборди.

— Худо сизга ёрдам берсин, Тарик. Булар нимани англатиши тўғрисида мен ҳеч қандай тасаввурга эга эмасман. Ҳар ҳолда, бу яшаш учун пул топиш имкониятини бериши кўриниб турибди.

— Ҳа, жаноб.

Мана бўлди. У нима билан машғул бўлиши ҳақидаги ҳикоя қандай тез бошланган бўлса, шундай тезгина ўз ниҳоясига етди. Қавмбоши Нур йигитни янада чуқурроқ суриштира бошлади, Тарик яна безовталиқни ҳис қилди.

— Сиз ливанча акцент билан гапирар экансиз, — деди кавмбоши кофедан бир хўплаб. Кейин креслога суяниб ўтирди. — Сиз Бейрутда туғилганмисиз?

Тарик ич-ичидан ҳис-ҳаяжонни сезди. Ўтмиши тўғрисидаги очиқ-ойдин ҳикоя жиддий хато бўлиши мумкин. Ёлғон бўлса олдин айтилганларнинг ҳаммасини эслаб қолишга ундайди, токи келажакда янглишмаслик учун. Унинг ўтмиши ҳақидаги афсона олдиндан тайёрлаб қўйилмаган эди — олдин ёлғон керак ҳам бўлмаган. Даляя унга кўп саволлар бермаган (қиз Тарикнинг ота-онаси ўлими ҳақида сўраган, холос), чунки ўзининг ўтган ҳаёти тўғрисида Даляя эслагиси келмасди. Агар Тарик эҳтиёткор бўлмаса, жаноб Нур унинг ҳаёти ҳақида кечаси билан сўраб чиқади. Отасига Даляя ва унинг онаси ҳам қўшилишлари мумкин. У ўзини фош қила олмайди.

Нима қилмоқ керак? Тарик бу уйда бир неча кун қолишни режалаштирган. У бир нималар тўғрисида тинмай улар билан суҳбатлашиши лозим.

Бу муаммолардан қочиб кутилишнинг ягона йўли — бу унинг хужумга ўтишидир. Саволларни Тарик бериши керак. Ана ўшанда гапни изга солувчи унинг ўзи бўлади. Суҳбатлашиш учун мавзу танлаши ва унга риоя қилиши даркор. Бу одамни қандай мавзу кизиқтиради ва диққат эътиборини жалб қилади? Тарикнинг ўтмишидан ва Даляя билан ўрталаридаги муносабатлардан узоқда улар соатлаб нималар тўғрисида гаплашишлари мумкин?

— Ҳа, жаноб, — деб гап бошлади Тарик. — Мен Бейрутда катта бўлдим. 70-йиллар болалар учун жуда оғир йиллар бўлди. Ўзингиздан колар гап йўқ, граждандлар уруши борарди ва ҳоказо. Ҳамма: масихийлар ҳам, мусулмонлар ҳам ўз диний эътиқодларини ҳимоя қилиш мақсадида бир-бирлари аёвсиз ўлдирардилар. Ҳар бир кимса ўз Худосини ҳимоя қилаётганини ва ўз дини учун курашаётганини айтарди. Дин ва эътиқод кон, уруш ва ўлим билан аралашиб кетган эди. Умид қиламанки, юз бераётган ходисаларнинг барчаси мени динга қарши қилиб қўйди десам, сиз хафа бўлмайсиз. Менинг дунёмдаги ўзларини масихий деб атаган кимсалар барча нарсаларни йўқ қилишга ва ҳаммани ўлдиришга ҳаракат қилардилар. Албатта, нафақат ўзларини руҳоний ҳисобловчи кимсалар, балки буларнинг ҳаммаси менда нохушлик уйғотди. Мен Худодан юз ўгирдим.

Мен масихий оилада улғайганим учун ибодатхонага боришим ва масихийлар томонида бўлишим керак эди. Мен жанг қилишни истамасдим, чунки масихийлар ҳам, мусулмонлар сингари, кимки бошқа динга эътиқод қилса, ўшаларни ўлдирар эдилар. Ҳамма бирдай эди, масихийлар ва мусулмонлар ўртасида ҳеч қандай фарк йўқ эди. Ёвузлик, мутаассиблик, нафрат одамларни кўр қилиб қўйди. Шунинг учун ҳам мен ибодатхонадан ва масихийлардан узоқда бўлдим. Уларнинг бошқалардан ҳеч қандай фарқи қолмаганди... Буларнинг ҳаммаси даҳшат!

— Шунинг учун сиз компьютерлар билан машғул бўлгансиз, уларда тартиб ва аниқлик мавжуд, бу илмий ва бошқарса бўладиган нарса, — деди Надим Нур.

— Шундай деса ҳам бўлади, — деди Тарик.

Қавмбоши олдинга эгилиб, пичирлаб деди:

— Тарик, мен сизга бир сирни очсам майлими?

— Албатта, жаноб.

— Сиз шуни билингки, — бошқаларга эшитилмайдиган қилиб гапирди Надим, — мен ўзимни масиҳий деб атамайман.

Бундай гаплардан Тарик донг қотиб қолди.

— Жаноб, мен сизни тушунмадим, — деди у. — Сиз қавмбоши эмасмисиз?!

— Ҳа, мен қавмбошиман, — жавоб қилди Надим, — аммо мен ўзимни масиҳий деб атамайман.

— Сиз ўзингизни қандай атайсиз?

— Исонинг издоши.

— Буларнинг иккиси ҳам бир эмасми?

— Мен буларнинг иккиси ҳам бир бўлишини истардим, — деди Надим. — Лекин билишимча, бизда кўплаб одамлар ўзларини масиҳий деб атайдилар. Улар ўзларини мусулмон ҳам, иброний ҳам ҳисобламайдилар. Бироқ улар — Исо Масиҳнинг ҳақиқий издошлари эканликларини назарда тутмайдилар.

— Ахир, улар ибодатхонага борадилар—ку?

— Албатта, худди одам ресторанга келгач, ажойиб таомга айланмагани сингари, у ибодатхонага боргани билан масиҳий бўлиб қолмайди—ку. Ҳақиқий масиҳийлик этник гуруҳга ёки ирққа мансублиги билан ўлчанмайди. Бу бирор бир клуб ҳам эмас. Бу фазилат туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномага ёки шахсни тасдиқловчи ҳужжатга қўшимча қилиб берилмайди. Бунда одамзод ихтиёрий равишда, ўз хоҳишига қараб бир қарорга келади.

— Бир қарорга келиш нимани англатади?

— Бу дегани — Худо сизни яхши кўришига, Муқаддас Китобда айтилганидек, сизнинг ҳаётингизга нисбатан Унинг эзгу ниятлари борлигига ишонишдир. Худо сизга туғилишингиз сабабларини, сизни У қандай мақсадда яратганини очиб бера бошлайди.

Қавмбоши Надим Тарикка ташвишланган ҳолда боқди ва ундан сўради:

— Худонинг борлигига сиз ахир ишонасиз—ку?

— Албатта, Худо бор. Худо мавжуд.

— Бу тўғри. Худо мавжуд. Акс ҳолда бу дунёни ва дунёдаги барча нарсаларни ким яратарди? Ерни, самоларни, галактикани-чи? Ҳайвонларни, ўсимликларни, одамзодни-чи? Буларнинг ҳаммасини — ажойиб ва мураккаб нарсаларни яратишга фақатгина Худо қодир.

Далия дастурхонни безатиш билан овора эди, Рима хоним эса суҳбатга қўшилдилар:

— У — бизнинг Яратувчимиз. Ҳар бир одам ўзининг мавжудлиги ва эсон-омонлиги учун Унга шукроналар қилиши даркор. Худонинг мавжудлигига гувоҳлик — бу одамзод, бизнинг эътиқодимиз ва абадийликни ҳис этишимиз. Шоҳ Сулаймон шундай дейди: *“Худо айтгани бўйича ҳамма нарса ўз вақтида содир бўлади. Худо юрагига солгани учун инсон вақт ўтишини сезади, лекин Худо бошидан охиригача қилган ишларни инсон тушуна олмайди... Худо қилган ҳар бир иш тоабат ўзгармас, бу ишга ҳеч нарса қўшиб бўлмайди, ундан ҳеч нарсани айириб бўлмайди. Худо бу ишларни, ҳамма Мендан қўрқсин, деб қилди”* (Воиз 3:11, 14).

— Худонинг мавжудлигига ишонмай бўлмайди, — деди гапини давом эттириб қавмбоши Нур. — Бирор ақли расо одам уни инкор эта олмайди. Пайғамбар Довуд шундай дейди: *“Аҳмоқ ўз кўнглида: “Худо йўқ”, — дейди. Бундайлар бузилиб, разолат ботқоғига ботар. Яхшилик қиладиган ҳеч кимса йўқдир... Аҳмоқ ўз кўнглида: “Худо*

йўқ!” — дейди. Бундайлар бузилиб борган сари расво бўладилар. Яхшилик қиладиган ҳеч кимса йўқ” (Забур 13:1; 52:2).

— Жаноб, мен аҳмоқ эмасман, аммо шундай буюк Худо — мени севишига ишонмайман.

— Шубҳасиз, Худо сизни севади ва сизга нисбатан бўлган Ўз севгисини доимо тасдиқлайди.

— Ўз севгисини тасдиқлайди? Қандай қилиб?

— Кун чиқиши ва кун ботиши билан, тоғ ва водийлар билан, дарахт ва гуллар билан, ҳайвонларнинг ўқириши ва қушларнинг куйлаши билан, юрагингизнинг уриши ва нафас олишингиз билан. Сизнинг эҳтиёжларингизни қондиради ва сизни асраб-авайлайди. Муқаддас Китоб Худонинг севгисини Унинг сўзларида намоён қилади: “*Сенга бўлган севгим — мангу севгидир, шунинг учун сенга содиқ бўлиб келдим*” Ермиё 31:3).

— Шу ростми?

— Ҳа, сизнинг ҳаётингиз борасида Унинг ажойиб эзгу ниятлари бор. Исо Масиҳ шундай дейди: “*Ўғри фақат ўғирлаш, бўғизлаш, барбод қилиш учун келади. Мен эса уларга ҳаёт, фаровон ҳаёт бериш учун келганман*” (Юҳанно 10:10).

— Бу биз ҳақимиздами?

— Ҳа, аммо биз ўз гуноҳларимиз учун бундай севгидан ва фаровон ҳаётдан баҳра ололмаймиз.

— Мана, муаммо нимада экан.

— Одамзод — гуноҳкор, у Худодан ажралган. Одамзод бундай севги ва фаровон ҳаётдан узоққа кетган.

— Афсус.

— Сиз билганингиздек, Худо Одам Атони Ўз сура тига кўра, Ўзига ўхшаш қилиб яратди. Аммо Одам Ато Худонинг айтганларини қилмади, у Худога қарши чиқди. Одам Ато ва Момо Ҳаво Худо тақиблаб қўйган дарахт меvasидан тановул қилдилар. Худо уларни жазолади. Гуноҳ

учун жазо — ўлим. Ўлим Худо томонидан яратилмаган, ўлимни гуноҳ келтирди — нафақат жисмоний ўлимни, балки руҳий ўлимни ҳам, яъни Худодан айрилишни. Гуноҳкор Одам Муқаддас Худо билан энди қола олмас эди, шунинг учун Худованди Карим уни Адан боғидан, жаннатдан қувди. Гуноҳ Одамда қолди ва келажакда авлоддан-авлодларга ўтиб келаверади, аммо...

— Аммо нима?

— Худо нафақат адолатли, балки марҳаматли ҳамдир. У гуноҳкорни жазосиз қолдирмайди, бироқ У шунингдек гуноҳкорларни кечириб, уларга нисбатан Ўз севгисини, марҳаматини намоён қилади. Ўз севгиси ва марҳамати туфайли, У одамзодга нажот бериш, илк яратилган образни қайта тиклаш ва У билан мулоқот қилиш имконларини ҳаё қилди.

— Яъни, Худо барча гуноҳларни кечирди.

— Ҳақиқат-чи? Гуноҳ ҳамон ўлим орқали жазоланади.

— Ҳа, бу ерда чигаллик мавжуд...

— Худонинг Ўзи ечимни — адолатни қониқтириш усулини тавсия қилди. У Исо Масих орқали гуноҳни кечиришни амалга оширди. Одамда барча ўлгани сингари, Исо Масихда ҳамма нажот топади.

— Бу нимани англатади?

— *“Зеро Худо оламни шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўғлини берди, токи Унга ишонган ҳар бир киши ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин”* (Юҳанно 3:16). Исо Масих — одамзоднинг қутқарувчиси эканлигига ишониш керак. Бизни гуноҳлардан қутқариш учун У хочда ўлганлигини, бизга абадий ҳаёт бериш учун У ўликдан қайта тирилганлигини тан олиш керак. У — самолардаги абадий ҳаётга олиб борувчи ягона йўлдир.

Тарик обдон ўйлаб, сўради:

— Нега энди бу айнан Исо Масих бўлиши керак?

— Яхши савол. Нега айнан Исо Масих? Худованд жазо белгилади ва фақатгина Исо бизни жазодан кутқара олади. Жазодан қутулиш учун гуноҳ ювилиши керак. Буни ким қилиши мумкин эди? Тарик, қасос қандай бўлиши кераклигини сиз биласизми?

— Ҳа. Гуноҳ учун жазо — ўлим.

— Кимдир ўлиши керак эди. Бу одамзод бўла олмайди, чунки Худованд унга нисбатан марҳамат намоён қилади ва унинг ўлишини хоҳламайди. Бошқа альтернатива — бу Худо, бироқ Худо ўлолмайди. Инсоний ва илоҳий табиатли ўринбосар керак эди. У муқаддас, гуноҳсиз бўлиши керак, демак, у Одам уруғидан бўлолмайди. Шундай Зот фақат Исо Масих эди. Худо инсон қиёфасини қабул қилди ва бу дунёга одамзоднинг ўрнига ўлиш учун келди, яъни гуноҳ учун жазо олишга ташриф буюрди. Гуноҳни ювиш имконини яратиш учун У ўликдан тирилди.

Хонада жимжитлик ҳукм сурди, мана, сукунатни қавмбоши Нур бузди:

— Масих кетидан боришнинг маъноси мана шунда. Мен 32 йил олдин шундай қарорга келдим ва бундай қарор менинг ҳаётимни тамомила ўзгартириб юборди.

Унинг сўзлари ишонч, хотиржамлик ва хурсандчиликни акс эттирарди.

— Аммо Тарик, мен ўз тажрибамга асосланиб сизга шуни айтишим мумкинки, кўплаб одамлар бутун умрлари давомида ибодатхонага борадилар ва ҳаммага, шу жумладан, ўзларига ҳам, улар — масихий, аммо Масихнинг ҳақиқий издошлари эмасликларини таъкидлайдилар. Улар ибодат қиладилар, рўза тутадилар, бева-бечораларга садақалар берадилар, аммо улар Масихга умидини боғлашга ва Унга эргашишга қарор қилмадилар, ўзларининг ҳаёти тўғрисида Худонинг ниятини била олмадилар. Қолаверса, ўзларини масихий деб атовчи кўплаб одамлар Исо ни-

маларни ўргатган бўлса, ҳаммасини поймол қилдилар. Улар ёлғон гапирадилар, спиртли ичимликлар ичадилар ва наркотик истеъмол қиладилар. Ҳали турмуш қурмай туриб жинсий ҳаёт кечирадилар, турмуш курганлар эса ўзгалар билан жинсий алоқада бўладилар.

Тарик Далянинг юзига қарамоқчи бўлди, лекин журъат қилолмади. Қиз гужанак бўлиб ўтирганини, отанинг Исо Масихга бўлган севгиси ҳақидаги гапларини эшитиш унга ноқулай бўлаётганини, ўзини масихий деб номловчи нопок кимсалар қаторига Даляни ҳам киритаётгани нақадар уятли эканлигини йигит тасаввур қиларди. Аммо Тарик суҳбатнинг бу йўналишдан боришига хурсанд эди. Унинг ишонишича, Далянинг отаси масихийлик тўғрисида кечаси билан гапириб чиқади ва Тарикнинг олдинги ҳаёти, унинг Даля билан муносабатлари ҳақидаги нозик мавзуларни четлаб ўтишга муваффақ бўлади.

Тарик савол беришга шайланди, аммо қавмбоши унинг гапини бўлди.

— Қизиқ, Тарик, сизнингча, Исо Масих ким?

Тарик бу ҳақда ҳеч қачон жиддий ўйламаганлигини ўзича тан олди.

— Жаноб, марҳамат қилинг, мен асло Исонинг издоши эмасман. Аммо мен уни буюк дин арбоби, деб бемалол айта оламан.

Қавмбоши “ҳа” дегандай, бошини ликиллатди.

— Йигитча, тўғри айтасиз. Мен сизнинг гапингизга қўшиламан. Шак-шубҳасиз, Исо Масих буюк дин пешвоси бўлган, унинг ҳаёти ва таълимоти тарих жараёнини ўзгартириб ташлади. У нафақат яхши инсон ёки буюк устоз бўлган. Янги Аҳд У тўғрисида худди Худо ҳақида гапиргандай сўз юритади.

— Қавмбоши Нур, мен очиқ-ойдин гапирсам бўладими?

— Албатта, марҳамат. Тарик, сиз дўстлар орасидасиз.

— Шубҳасиз, мен тушунаман: Янги Аҳдни ёзган масиҳийлар Исо — Худодир, деб ўйлашлари мумкин. Эҳтимол, улар Исонинг Худо бўлишини хоҳлаганлар. Бироқ Исо Ўзи ҳақида, албатта, бундай деб эътироз билдирмаган.

— Аслида, Тарик, билдирган.

Нур хоним ҳаммани дастурхонга таклиф қилди. Меҳмонларни зўр зиёфат кутарди, Тарик эса тезроқ зиёфат бошланишига интиқ эди. Бироқ Тарик дивандан тургач, Далянинг кўзларида ваҳима ҳиссини кўрди.

Куёвни ёки отасининг дилини оғритмаслик учун қиз бу ҳақда очик—ойдин гапирмади, аммо отасининг Тарик билан бўлиб ўтган суҳбати Далянинг кўнглини ранжитди. Лекин Тарик мавзуни алмаштиришга шошилмади.

— Даля, отанг ажойиб инсон эканлигини сен нега менга айтмадинг? — деб сўради у ҳазил тарикасида дастурхонга ўтираётиб.

Жаҳли чикқан Далянинг кўзлари қисилиб кетди. Марваннинг гапларидан ғазабланаётганини у ота-онасига билдирмоқчи эмас. Агарда ғазабли қарашдан одамнинг ўлиши мумкин бўлганда эди, Тарик Джамил (у Марван Аккад ҳам) аллақачон мурдага айланган бўларди.

— Сиз дин тўғрисидаги суҳбатларни ёқтиришингизни мен билмасдим, — деди Даля.

— Сиёсат ҳақидаги гаплардан кўра бу қизикроқдир, — деб жавоб берди Тарик жилмайганича. Йигит Далянинг кайфиятини кўтармоқчи эди. У айнан шундай йўл тутишни тўғри деб ҳисоблади, чунки қизнинг отаси гапни Марваннинг ўтмиши ҳақидаги мавзуга буриб юбориши мумкин эди.

— Даля, ибодат қиласанми? — деб сўради ота қизидан улар дастурхон атрофида ўтиришганида.

— Отажон, ўзингиз марҳамат қилиб айта қолинг, — деди Даля.

— Яхши, — деди ота, аммо қавмбоши салгина ранжиганини Тарик сезди.

Қавмбоши, унинг хотини ва Даляя қўлларини қовуштирдилар, бошларини эгиб кўзларини юмдилар. Тарик ҳам тездагина уларнинг кетидан шундай қилди.

— Азиз Отажон, Сенинг севгинг ва шафқатинг учун Сенга шукрона айтамиз. Ер юзига Ўзингнинг Ўғлинг, Раббимиз Исо Масихни юборганинг учун шукрона айтамиз. У бизни севиб, Ўз ҳаётини биз учун қурбон қилди. Биз мукамал ва абадий ҳаётга эга бўлдик. Сен бизнинг ибодатларимизни эшитиб, жавоб берадиган Худо бўлганинг учун, Сенга шукрона айтамиз. Отажонимиз! Даляяни уйга ҳеч қандай зарар етказмасдан олиб келганинг учун Сенга чин дилдан раҳмат айтамиз. Сен Даляяга ва унинг дўсти Тарикка ғоят марҳамат қилишинг учун, улар бу ерда ўзларини суюкли ва азиз меҳмон деб ҳис қилишлари учун Сенга ибодат қиламиз. Бу уй ҳаётини бахтсизликлардан бошпана бўлсин! Шу таом учун ва биз билан бирга бўлишинг учун Сенга шукрона айтамиз. Исо Масих номи билан ибодат қиламиз, Омин!

Қавмбоши кетидан ҳамма “Омин!” деб қайтарди, Тарик ҳам худди шундай қилди. У ҳеч қачон масихийча ибодатда олдин иштирок этмаган эди. Ибодат уни мафтун этди. Бу ибодат сохта эмас, самимий, чин дилдан қилинганлиги унга ёқди. Марван ёшлигида катталардан эшитган ибодатдан ҳозирги ибодат кескин фарқ қиларди. Қавмбоши гўёки улар билан ҳақиқатдан хонада бўлган Худога илтижо қилаётгандай эди. Тарик хонадаги қандайдир осойишталикни ҳис қилди. Эҳтимол, бундай ҳис-туйғу ҳозиргина тайёрланган лаззатли таомлар ҳидининг таъсиридир. Сўнги марта қачон уйнинг овқатини егани Марваннинг эсида йўқ.

— Тарик, сиз қачон бўлса ҳам Янги Аҳдни ўқиганмисиз? — деб сўради қавмбоши Тарик барра қўзичоқ гўштини сабзавотлар билан димланган таомидан еб бўлгач.

— Йўқ, жаноб, — деб минғирлади Тарик, — ҳеч қачон ўқимаганман.

— Ўқиб чиқинг, жуда қизиқарли. Ўйлашимча, сизга маъқул келади. Бир нухасини мен сизга совға қиламан.

— Сиздан миннатдорман. Аммо мен бундай совғани қабул қила олмайман.

— Мен чин дилдан совға қиляпман, ахир, мен қавмбошиман—ку.

Тарик кулиб юборди. Бу ҳақиқат.

— Нима ҳам дердим, катта раҳмат. Янги Аҳдни мен диққат билан ўқиб чиқаман.

— Демак, сизнинг ўз китобингиз бўлиши керак. Кўп йиллар илгари мени қизиқтириб қўйгани сингари, китоб сизда ҳам катта қизиқиш уйғотади. Масалан, Исо бир неча бор Ўзи ва Парвардигор бир эканлигини таъкидлайди. Юҳанно баён этган Муқаддас Хушхабарда Исо шундай дейди: *“Мен ва Отам — бирмиз”* (Юҳанно 10:30); *“Агар Мени таниганингизда, Отамни ҳам таниган бўлар эдингизлар”* (Юҳанно 8:19) ва *“Мени кўрган одам Мени Юборганни кўрган бўлади”* (Юҳанно 12:45). Исо Марта исмли аёлга шундай дейди: *“Мен тирилиш ва ҳаётдирман. Менга ишонган одам ўлса ҳам яшайди. Кимда-ким Менга ишониб яшаса, то абад ўлмайди. Бунга ишонасизми? Марта Унга деди: “Ҳа, Раббим. Сен оламга келадиган Масаҳ, Худонинг Ўғлисан, деб ишонаман”* (Юҳанно 11:25–27).

— Исо ҳақиқатдан ҳам шундай деганми?

— Ҳа, У чиндан ҳам шундай деган ва бу жасорат! Юҳанно баён этган Муқаддас Хушхабарда айтилишича, ўша замоннинг яҳудий дин арбоблари шунчалик Унга қарши чиқдиларки, ҳатто Уни тошбўрон қилиб ўлдирмоқчи ҳам бўлдилар: *“Шунда яҳудий дин арбоблари яна Исони тошбўрон қилмоқчи бўлиб, тош ота бошладилар. — Мен сизларга Отам номидан кўп хайрли ишлар кўрсатдим, уларнинг қайси бири учун Мени тошбўрон қилмоқчисизлар.*

Сен одам бўла туриб Ўзингни Худо деясан! — дейшиди” (Юҳаннно 10:31–33). Охир окибатда дин арбоблари уни ўлимга маҳкум қилдилар. Расмий айблов сифатида улар Исони куфрликда айбладилар, яъни Исонинг “Мен Худонинг Ўғлиман” деган гапларини улар рад этдилар.

Акс ҳолда, бутун Яқин Шарқда Исо ҳақидаги хушхабар нима сабабдан кенг тарқаларди? Матто баён этган Муқаддас Хушхабарда шундай дейилган: *“Исо бутун Жалилани айланиб чиқди. У юртнинг ибодатхоналарида таълим бериб, Худонинг Шоҳлиги тўғрисидаги Хушхабарни эълон қилиб, одамлардаги ҳар турли касаллик ва дармонсизликни шифолаб юрди. У ҳақдаги хабар бутун Сурияга ёйилди. Турли-туман дарду иллатлардан қийналиб юрганлар, жинга чалинганлар, тутқаноқ ва шол касалига йўлиққанларнинг ҳаммасини Исонинг олдига келтиришар, У эса уларни соғайтирар эди. Жалила ва Ўнкент вилоятидан, Қуддусдан, Яҳудия ҳамда Ўрдуннинг нариги томонидаги юртлардан келган кўплаб халойиқ Унинг орқасидан эргашиб борди”* (Матто 4:23–25). Шунингдек, ҳикоя қилинишича, Исо Худонинг севгиси ва уларнинг ҳаёти борасидаги Унинг мақсадларини билдириш ниятида Ливанга ҳам келган экан.

— Ливанга? — Тарик қўлидаги вилкани қўйди. — Айнан қаерига?

— Тир ва Сидўнга.

Тарик ҳайратини беркитишга ҳаракат қилди.

— Айнан қаерда ёзилганини менга кўрсатасизми? — сўради у. — Мен ўз кўзларим билан кўрмоқчиман. Мен бу ҳақда ҳеч қачон эшитмаганман.

— Албатта, — деди қавмбоши Нур. У оғзини сочик билан артди, ўрнидан турди ва Муқаддас Китобни олди. У Матто баён этган Муқаддас Хушхабарни очди.

— Мана, — деди у.

Тарик Муқаддас Ёзувни олиб, ўқий бошлади:

— *“Исо у ердан чиқиб, Тир ва Сидўн юртига кетди”*
(Матто 15:21).

Исо чиндан ҳам Марваннинг она шаҳри Сидўнда бўлган? Ушбу саволни Тарик оятни яна бир бор ўқиб чиқиб берди. Нима сабабдан буни у билмаган? Нега бу ҳақда унга ҳеч ким айтмаган?

Годдарнинг телефони жиринглади. Ким кўнғироқ қилаётганини у кўрди ва жавоб берди.

— Ишда силжиш борми? — билмоқчи бўлди Скелет.

— Ҳа, баъзи бир силжиш бор, — деди Годдар.

— Аккаднинг укаси таслим бўлдими? — сўради Лемье.

— Йўқ.

— Марван қаердалигини у айтмадими? — сўради Лемье.

— Йўқ.

— У бирор нима дедими?

— Тайинли ҳеч нарса демади. Мен уни қамоқхонага жўнатдим.

— Нима?!

— Мен яна нима қилишим мумкин эди?

— Марванни қаердалигини айтишга зўрлаш керак эди, — жавоб берди Лемье.

— Шунинг учун ҳам мен уни қамоқхонага жўнатдим. Рами Аккадга ўхшаган одамлар Бейрут қамоқхонасида кўп ўтиришни хоҳламайди. Ҳа, менинг гапларимга ишонаверинг.

— Тушунмадим, — деди Лемье. — Ахир, сиз силжишлар бор дедингиз—ку.

— Ҳа.

— Қандай силжишлар?

— Биз Рамининг уяли телефони орқали бўлиб ўтган суҳбатни эшитдик.

— И-и...

— Ва у Сан-Паулага бир нечта курулланган одамларни юборибди. Айтинг-чи, улар у ерда кимни тутиб турибдилар?

Телефоннинг нариги томонида сукунат.

— Инспектор, сиз мени эшитяпсизми? — сўради Годдар.

Бироқ Лемье жавоб бермасди. Гўёки у Годдар нима демоқчи бўлаётганини ҳис қилгандай эди. Шунинг учун ҳам тили айланмай жим турарди.

— Уларда — Рэмзи хоним, — деди барибир Годдар. У “бомба”ни ташлаб қўйиб энди нима бўлишини кутарди.

Аммо ҳеч қандай гап йўқ. Сукунат давом этарди.

— Мен барча одамларимнинг ҳаммасини ҳибсга олишга ва Рэмзи хонимни қутқаришга юбордим, — деб гапини давом эттирди Годдар. — Уларнинг хатти-ҳаракатлари Бразилия ҳукумати билан уйғунлаштирилган.

Годдар Лемьенинг бирор нима дейишини кутарди, аммо ундан бирор садо чикмади.

— Инспектор, сиз менинг гапларимни эшитяпсизми? — сўради Годдар.

— Ҳа, эшитяпман.

— Нега сиз индамайсиз? Ахир, бу жуда муҳим янгиликлар. Мен, сиз хурсанд бўласиз деб ўйлабман. 24 соатдан кейин Рэмзи хоним Монте-Карлода бежавотирликда бўлади. Мен Клодетт Рэмзига ҳаммасини айтиб беришим мумкин. Сиз иштирок этишни хоҳлайсизми?

— Мен яна сиз билан боғланаман, — деди Лемье. Унинг овозида хурсандчилик эмас, балки қандайдир чорасизлик акс этиб турарди. Ва Годдар буни қандай тушунишни ва қабул қилишни билмасди.

Тушликни тугатиб ҳамма меҳмонхонага йўл олди. Уларни у ерда туркча қаҳва ва паҳлава кутарди.

— Надим, — деди Нур хоним, — Исо ҳеч бир иккиланмай Ўзининг илоҳийлиги тўғрисида гапирганини назарда тутди. Исо буни далил сифатида тасдиқлайди. Исо, шу жумладан, Унинг душманлари ҳам, нимани назарда тутишаётганини ҳамма тушунарди. Ҳа, уларга бу ёқмасди, хозирда кўпчиликка ёқмагани сингари. Шубҳасиз, бу ҳеч кимга сир эмасди.

— Нур хоним, балким шундайдир, — деди Тарик. — Аммо тан олишим керак, бу мен учун мутлақо янгилик.

— Биз буни тушунамиз, — деди Далиянинг онаси. — Биз эндигина турмуш қурганимизда, Исо Ўзини Худо дейиши ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга эмас эдик. Ҳеч биримиз Исо Масих кетидан борадиган оилада ўсмаганмиз. Надим ҳам, мен ҳам Муқаддас Китобни ҳеч қачон ўқимаган эдик. Аммо кунларнинг бирида бизга таниш бўлган бир ёшгина оила бизни ўйлантириб қўйди. Сизнинг ўрнингизда ўшанда ўтирган эркак шундай деган: “Янги Аҳдни ўқиб, Исо Ўзининг илоҳийлигини таъкидлаганлигини кўрмаслик, бу — ёруғ кунда кўчада туриб куёшни кўрмайпман дейиш билан баробардир”. Ростини айтсам, унинг гаплари гарчанд мен Муқаддас Китобни ўқимаганлигим учун бироз уялган бўлсам-да, ўшанда мени ранжитди. Худди шундай ўнғайсизликни Надим ҳам хис этган. Иккаламиз ҳам бир нусхадан Муқаддас Китоб-

ни олгач, ўша куниёқ ўқишга киришдик. Биз қанчалик кўп ўқисак, дўстларимизнинг гаплари тўғри эканлигига шунчалик кўп ишонардик.

— Кейин нима бўлди? — сўради Тарик ва бирдан ўйланиб қолди: у оддийгина ўзининг ҳаёти ҳақидаги гаплардан қочмоқчими ёки буларни билиш ҳақиқатдан ҳам унга қизиқми?

— Бизнинг ҳаётимиз кийинлашди, — деди қавмбоши Нур.

— Қандай қилиб?

— Ўйлаб кўринг, — деди у Далия узр сўраб, идиш-товоқ ювгани ошхонага чиқиб кетганда. — Модомики Исо Худо эканлигига даъвогарлик қилган экан, У оддий юқори ахлоқли ёки доно пайғамбар бўла олмас эди. У — ёки Худо, ёки йўқ. У ёки чин гапиради, ёки ёлғон. Учинчи варианты йўқ. Ўзининг илоҳийлигини у турлича усуллар орқали намоён қилди. Шунинг учун Унинг айтганларини биз сўзсиз қабул қилишимиз керак, ёки инкор этишимиз, ёки ишонмаслигимиз даркор. Нейтрал нуқтаи назарни танлашнинг имкони йўқ. Янги Аҳдни ўқиб чиққач, сиз Унинг айтганларини (шу жумладан, Унинг илоҳийлигини ҳам) ҳақиқат сифатида тан олишингиз керак, ёки Уни ёлғончи деб ҳисоблашингиз лозим.

Эзгу ҳақиқатни ваъз қилувчи инсон ҳақиқатга мос келмайдиган баёнотни қилиши мумкинми? Ўз шоғирдларини ва бутун оламни, бизни алдаши мумкинми? Агар Унинг айтганлари ёлғон бўлса, У қандай қилиб хочга михланиб бизнинг гуноҳларимиз учун ўлиши мумкин? Ким ёлғон учун қатл қилинади?

Тарик, ўғлим, Масих — Худо. У Ўзи ҳақида очиқ-ойдин ҳақиқатни гапирган. У айтганларининг барчаси Муқаддас Китобда аниқ ва равшан қилиб қайд этилган. Шунинг учун ҳам мен ва миллионлаб имонлилар бунга ишонамиз ва уни ҳақиқат сифатида қабул қиламиз.

— Тарик, — деди Нур хоним суҳбатга қўшилар экан, — бу чиндан ҳам ҳақиқат. Худонинг Каломи бўлмиш Муқаддас Китобни ўқир экансиз, сиз бунинг исботини топасиз.

— Шундайми? — таажжубланди Тарик.

— Юҳанно баён этган Муқаддас Хушхабар шундай бошланади: *“Азалда Калом бор эди, Калом Худо ҳузурида эди, Калом — Худо эди”* (Юҳанно 1:1). Ва давоми: *“Калом инсон қиёфасига кирди ва биз аро маскан қилди. Биз эса Унинг улугворлигини кўрдик”* (Юҳанно 1:14). — Масих бизнинг орамизда яшади.

— Шунга ўхшаш парчалар жуда ҳам кўп, — гапини давом эттирди қавмбоши Надим. — Ҳақиқатда, Янги Аҳдда Масихнинг Худо эканлиги 11 марта такрорланган бўлса, У — Худонинг Ўғли эканлиги 50 марта айтилган.

— Худонинг Ўғли...? — сўради Тарик. — Бунинг нималигини тушунмадим.

— Бу шунинг учун ҳамки, — жилмайди Надим, — сиз Унга инсон нуқтаи назаридан қарамоқдасиз. Ўғил жисмоний тана маъносида эмас: Худо — Рухдир, У Ўғилни уруғлантира олмайди. У иккиламчи маънода Ўғил эмас — Ота-Худо Ўғилдан олдин бўлмаган. Масих — Рухий маънодаги Ўғилдир. У севги орқали Худо Ўғлидир. Ўғил Худога тенгдир. У — Худонинг тимсолидир.

Бир сўз билан айтганда, Исо мана ким эди. Агар сизнинг саволларингиз бўлса, биз бажонидил жавоб берамиз.

— Янги Аҳдни ўқиганингизда, — деди Нур хоним, — сиз буларни ўз кўзингиз билан кўрасиз ва буларнинг гувоҳи бўласиз. Унинг дўстлари ва душманларининг айтишича, У — устоз. Уни Устоз ҳисоблаб, Унинг таъкидларидан бирини — У — Худо Ўғли эканлигини қандай қилиб қабул қилмаслик мумкин? Яхши ва доно устоз бировларни алдаб ўзи ҳақида ёлғон гапириши мумкинми?

— Ўйлашимча, йўқ.

Жаҳли чикқан Далия дастурхонни йиғиштириш билан овора эди. Қавмбоши Нур қўшиб қўйди:

— Тарик, мен Масиҳнинг ҳаётини ўрганаётганимда, мени бир нарса хайратда қолдирди: мен шахсан билган одамлар ёки улар ҳақида ўқиган одамларим Масиҳ кетидан боришга қарор қилганларида, уларнинг ҳаёти яхшиланганини кўрдим. Улар Масиҳга ўхшаб меҳрибон, ростгўй бўлиб қолдилар. Улар камбағалларни ва бева-бечораларни яхши кўришни ва уларга ёрдам беришни ўргандилар. Исо Масиҳга эътиқод қилинган жойда, бутун халқлар такдири ижобий томонга ўзгарганидан мен хайратландим. Агарда Масиҳ инсонларнинг юрагини ва ҳаётини ўзгартириш кучига эга бўлмаганда, бунинг имкони бўлармиди? Фақатгина Худо бунга қодир.

Тарик ўйланиб бошини қимирлатди.

— Бу рост.

Тарик Даляянинг акаси хонасига кириб эшикни ёпди. Ўзини каравотга ташлади ва ўз ҳаётида биринчи марта Янги Аҳд китобини ўқий бошлади.

У биринчи китобни — Матто баён этган Хушхабарни очди ва кўз узмай бир неча соат ўқиди. Тарик, шунингдек, Марк, Луқо ва Юҳанно баён этган Хушхабарларни ўқиб чиқди. Шу бир неча соат ичида у Исо Масих ҳақида жуда кўп нарсаларни билиб олди. Исо бокира қиз Марямдан туғилганини, Насролик дурадгорнинг ўғли кўрларга нур ато этишини ва соқовларга тил-забон ҳадя қилишини, чўлоқ ва фалаж бўлганларни юришга ва сакрашга ўргатганини Тарик билиб олди. Исо жин урган одамдан жинларни қувиб чиқарарди, ўлганларни тирилтирарди, ўликлардан бири қабрда тўрт кун ётган ва Исонинг мўъжизаси туфайли тирилган. Ҳаммасидан ҳам Тарикни Исонинг ривоятлари, таълимоти ва фикрлари қизиқтирди. Тарик ҳеч қачон бу каби нарсалар ҳақида ўқимаган ҳам, эшитмаган ҳам. У Матто баён этган Хушхабардаги тоғдаги ваъз ҳақида фикр юритди. Исо шундай деган:

“Қадимгиларга: “Одам ўлдирма; ким одам ўлдирса, жавобгарликка тортилади”, — деб айтилганини эшитгансизлар. Лекин Мен сизларга айтаман: кимки биродарига беҳуда газабланса, жавобгарликка тортилади. Кимки биродарига аҳмоқ деса, олий маҳкамада жавоб беради. Кимки биродарига телба деса, жаҳаннам оловида жавоб беради” (Матто 5:21–22).

Тарик ҳеч қачон одамлар ўртасидаги муносабатларга бундай нуқтаи назардан қарамаган. У ўқишни давом эттирди:

“Яна: “Қариндошингни севгин, душманингдан нафратлан”, — деб айтилганини эшитгансизлар. Лекин Мен сизга айтаман душманларингизни севинглар. Сизни лаънатлаганларни дуо қилинглар. Сиздан нафратланганларга яхшилик қилинг. Сизнинг номингизга иснод келтирганлар учун, сизга жабр-зулм ўтказганлар учун ибодат қилинглар. Шунда сиз осмондаги Отангизнинг ўғиллари бўласизлар. Чунки У Ўз қуёшини ёвузлар устида ҳам, яхшилар устида ҳам балқитади, ёмғирини солиҳлар устига ҳам, фосиқлар устига ҳам ёғдиради. Агар сизни севадиганларнигина севсангиз, бундан сизга раҳмат бўлурми? Солиқчилар ҳам худди шундай қилишмайдими?” (Матто 5:43–46).

Бунинг маъноси жуда катта, аммо ким ўз яқинларига бундай муносабатда бўлишга қодир?

“Шундай қилиб, осмондаги Отангиз баркамол бўлгани каби, сиз ҳам баркамол бўлинглар” (Матто 5:48).

У нимани ўқиган бўлса, шулар Тарикни ҳайратга соларди. Оддий одам бунга ўхшаш нарсаларни айта олмасди. Исо Масиҳ ажойиб шахс экан-да!

Уят, ор-номус ва шахсий ночорлик уни чулғаб олганлигини Тарик ҳис этди. Барча одамларга, шу жумладан, ўз укасига қаратилган ўзидаги нафратни нима қилмоғи керак? Унинг нафрати ҳукм қилинишга лойиқ эканлигини Тарик тушунди.

Душманларни севишга бўлган даъват-чи? Ўз дўстларини севишга қийналган Тарик душманларини сева олармикан? Тарик Лемъени, Годдарни ва Клодетт Рэмзини сева олармикан?

Исонинг ҳаёти билан танишар экан, ҳақиқатдан ҳам, ҳаёт унинг даъватларига мос келишига Тарик гувоҳ бўлди.

Исо Тарикка ўхшаб ўз душманларидан қочмади. Ҳибсга олинишдан кўркиб, У ёлғон гапирмади. Исонинг душманлари боғда Унга ҳужум қилганларида, У душманларига қаршилиқ кўрсатмади. Бутрус Унинг ёнини олиш мақсадида олий руҳоний хизматкорини қулоғини кесиб ташлаганда, Исо уни қойиди ва қиличини ташлашни буюрди. Исо Масихнинг айтишича, кимки қилич кўтарса, ўша қиличдан ўзи ҳалок бўлар экан.

Янги Аҳдни Тарик тўхтамасдан ўқирди. У имкон қадар Исо ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлмоқчи эди. Бу қандай юз бериши мумкин, шунча йил яшаб Тарик Уни билмаса?

Юҳанно баён этган Хушхабарнинг 19–бобини ўқишни бошлагач, Тарик ҳайратга келди:

“Шундан кейин Пилат Исога даст солиб, Уни камчилатди. Аскарлар эса тиканлардан тож ўриб, Исонинг бошига қўйдилар, танасига шоҳона тўн кийдирдилар. Исонинг олдида турганларича: — Яшавор, эй яҳудийларнинг Подшоҳи! — деб, Уни тарсакилар эдилар” (Юҳанно 19:1–3).

Тарик биринчи бор Исонинг маҳкум қилиниши тафсилотларини билди.

“Охири Пилат Исони хочга михлаш учун уларга топширди. Улар эса Исони олиб кетдилар. Исо Ўз хочини кўтариб, Бошсуяги (яҳудийча Гўлгота) деган жойга келди. У ерда Исони хочга михлаб қўйдилар. Исо ўртада бўлиб, чап ва ўнг томонига яна икки кишини михлаб қўйдилар” (Юҳанно 19:16–18).

Исонинг жон бериши уни янада ҳаяжонлантирди.

“Исонинг хочи ёнида Унинг онаси, онасининг онаси, Клопанинг хотини Марям ҳамда магдалик Марям турар эдилар. Исо онаси ёнида Ўзининг севикли шогирди турганини кўрди-да, онасига: — Эй аёл, мана бу сенинг ўғлинг! — деди. Кейин шогирдига қараб: — Мана бу сенинг онанг! — деди. Ўша ондан бошлаб у шогирд Марямни ўз

уйига олиб кетди. Шундан кейин Исо энди ҳаммасининг амалга ошганини кўрди. Забур ояти бажо бўлсин деб, У: — Чанқадим! — деди. Бу ерда сирка тўла бир идиш турган эди. Аскарлар сиркага шимгични ботирдилар-да, найнинг учига илиб, Исонинг оғзига олиб бордилар. Исо сиркани татиб кўргач: — Бажо бўлди! — деди-ю, бошини эгиб жон берди” (Юҳанно 19:25–30).

Тарик Исони уриб-хўрлаганлари, ҳақоратлаганлари ва хочга тортганлари ҳақидаги оятларни ўқиди. Бундай тасвирдан Тарикнинг юраги эзилиб кетди. У Исонинг онаси Марямни ўйлади: она учун ўғлини хочда қийналиб ўлишини кўриб туриши нақадар оғир. Аслида Исо бегуноҳ эди, У ноҳақ айбланган, ҳеч қандай қотиллик қилмай ўлимга маҳкум этилганди. Исо азоб чекаётган онасини кўриб турарди ва Ўзининг азоб-укубатларидан кўра онанинг ғам чекишидан қийналарди. Исо Ўз онасига ғамхўрлик қилишни Ўзининг синалган шогирдига топширди.

“Исо михланган жойда бир боғ бор эди, у боғда ҳали ҳеч мурда қўйилмаган янги қабр бор эди. Яҳудийларнинг дам олиш кунига тайёргарлик қилиш муддати тугаётгани сабабли улар, бу жой яқинроқ, деб Исони ўша қабрга кўмдилар... Ҳафтанинг биринчи кун эрта саҳарда, ҳали қоронғи пайтда, мағдалалик Марям қабрнинг олдига келиб, қабр оғзидаги тошнинг ағдарилганини кўрди. У югуриб Симун Бутрус ва Исонинг севган бошқа шогирди олдига келди-да: — Раббимни қабрдан олиб кетишибди, Уни қаерга қўйишиганини билмаймиз, — деди” (Юҳанно 19:41–20:2).

Тарик Янги Аҳдни кечаси билан ўқиб чикди. У ҳақиқатни билишни ва уни қизиқтирган барча саволларга жавоб топишни истарди. Тарик қанчалик кўп ўқигани сари, бу ажойиб китобда шунчалик кўп жавобларни топарди.

“Ўша заҳоти Бутрус ва бошқа шогирд қабр томон жўнашди. Иккови бирга югуриб кетишди. Аммо у шогирд Бутрусдан тезроқ югуриб, қабрга биринчи бўлиб етиб келди.

У энгашиб ичкарига кўз ташлади, у ерда фақат кафан ётганини кўрди. Ўзи қабрга кирмади. Унинг орқасидан Симун Бутрус етиб келиб, қабрга кирди-ю, ётган кафанни кўрди. Исонинг бошига ўралган рўмол эса кафан билан бирга эмас, алоҳида жойга йиғиштириб қўйилган эди” (Юҳанно 20:3–7).

“Ўша якшанба куни оқшомда шогирдлар тўпланган эдилар. Улар яхудий мансабдорлардан кўрқиб, уйнинг эшикларини қулфлаб қўйган эдилар. Шу пайт Исо келиб қолди. У ўртада туриб шогирдларига: — Сизларга тинчлик бўлсин! — деди. Шундай деб, қўл-оёқларини ва биқинини уларга кўрсатди. Шогирдлар Раббимизни кўрдик, деб жуда севиндилар” (Юҳанно 20:19–20).

“Исо бу китобда ёзилмаган бошқа бир талай ибратли мўъжизаларни Ўз шогирдларига кўрсатди. Булар эса Исо — Худонинг Ўғли, Масих эканлигига ишонишингиз учун ва ишониб, Унинг номи билан ҳаётга эришишингиз учун ёзилган” (Юҳанно 20:30–31).

Тун билинмасдан ўтиб кетди. Петру тоғлари узра куёш кўтарила бошлади. Тарик ҳар бир сўзни обдон ўйлаб, Янги Аҳдни бир кечада ўқиб чиқди. Унинг ўқиб чиққанлари Тарикни бениҳоят қизиқтирди, ҳайрон қолдирди ва таажжублантирди.

Юҳанно баён этган Муқаддас Хушхабардан у ниҳоятда таъсирланди. Юҳанно Исога бошқача яқин бўлган инсондир. Юҳанно ўзини “Исо яхши кўрган шогирд”, деб атарди. Юҳаннонинг Хушхабари — Исонинг ҳаёти ҳақидаги кучли, ҳақиқий ва аниқ тарихдир, Унинг сўзлари, кўрсатган мўъжизалари, ўлими ва қайта тирилиши ҳақидаги ҳикоялардир. Юҳанно ўз Хушхабарини Исо Масихга бўлган тўла ишонч билан ёзган. У ўз асарида Масихга бўлган севгисини, Унинг таълимоти ва характерини тушунишини тасвирлаган. Ахир, Юҳанно бошқа одамларга караганда Исога яқинроқ бўлган.

Исонинг якин шогирдларидан бири, Унинг биринчи хизматидан бошлаб то хочдаги ўлимига қадар Уни кузатиб юрган Бутруснинг сўзлари Тарикка эшитиларди.

“Биз Раббимиз Исо Масихнинг куч-қудрат билан келиши ҳақида сизларга маълумот берганимизда, уйдирма афсоналарни гапириб келмадик. Унинг салобатини ўз кўзимиз билан кўрганмиз” (2 Бутрус 1:16).

Бу Исо Масих қудратининг ҳақиқатдан гувоҳи бўлган ва ўз асарларида У ҳақда бутун оламга Хушхабар етказган шогирднинг дил сўзлари эди. Бутруснинг ҳаётида юз берган улкан ўзгаришлар Тарикни хайратда қолдирди. Олдинига тўрларни ямаб, катта балиқ ўлжаси ҳақида умид қилиб юрган оддий балиқчини Исо одамларнинг овчисига айланишига сабабчи бўлди. Бутрус уч бора Исодан тониши ҳақида Исо унга каромат қилган. Исони ҳақоратлаб маҳкум қилишаётганда, Унинг устидан кулишаётганда ҳам Бутрус Ундан тонади. Аммо кейин нимадир юз берди-ю, кўрқоқ одам жасур ва баҳодир одамга айланди — қолди. Қуддусда ҳаворий Бутрус овозини баландлатиб халойиққа шундай хитоб қилди: *“Шундай қилиб, бутун Исроил аҳли узил-кесил билсинки, сизлар хочга михлаган бу Исони Худо — Раб ва Масих қилиб тайинлади”* (Ҳаворийлар 2:36). Бутрус қаршилиқларга, таъкибларга ва хавф-хатарга қарамасдан, Исони ҳамма жойда тарғиб қилиб юрди. Чунки Бутруснинг ўзи Уни кўрган ва Уни эшитган эди. Бутрус оламнинг гувоҳи, ҳақиқатнинг шоҳиди бўлган, ҳақиқатни эса зудлик ва жасорат билан эълон қилмоқ даркор. Шундай бўлгач, у Масихнинг ўлими ва тирилиши ҳақидаги ҳақиқатни яшира олармиди?

Ҳаёти тубдан ўзгарган одам фақатгина Бутрус эмасди. Яна бир мисол тариқасида Тўмани айтишимиз мумкин. У Исонинг тирилишига гувоҳ бўлган бошқа шогирдларга ишонмасди. Тўманинг айтишига кўра, у Исонинг қўлларидаги мих чандиқларини кўрмагунча, Унинг мих чан-

ликларига ўз бармоғини тегизмагунча, қўлини Унинг би-
кинина қўймагунча ишонмас эмиш. Саккиз кундан сўнг
шогирдларининг хузурига Исо келади ва Тўмага қўллари-
ни кўрсатади, унинг қўлини Ўзининг биқинига қўяди.
Тўма имон билан дейди: “*Эй, менинг Раббим ва Худойим!*”
(Юҳанно 20:28). Тўма Исонинг Худо эканлигига ишонч
хосил қилди ва ҳар қандай шубҳа-гумонлардан фориғ
бўлди. Исо Масих — Худо, У — нажот топишнинг ягона
йўли эканлигини ва Унга имон келтирганларнинг барчаси
самоларда абадий ҳаётга эга бўлишларини Тўма бутун
оламга эълон қилди.

Қавмбоши Надимнинг айтишича, айнан Тўма Ироқда ва
Ҳиндистонда Хушхабарни тарғиб қилган ва Исо Масихга
эътиқод қилгани учун қатл этилган. Тўма ҳам ҳақиқатнинг
гувоҳи бўлган.

Тарик ўз эътиқодлари учун азобланиб ўлган Бутрус,
Тўма ва Масихнинг бошқа шогирдлари ва ҳаворийлари
ҳақида ўйларди. Ёлғон учун улар барча қийинчиликлар-
ни енгиб ўтганларми?

Янги Аҳдда ўқиган барча оятларга Тарик ишонди. Бу
одамлар ҳақида айтилганларнинг ҳаммаси рост эканлигига
унинг ишончи комил эди.

Тарик ухлай олмаслигини билиб, югуриб келишга қарор қилди. Шортик, футболка ва кроссовкасини кийиб, ҳеч кимни уйғотиб юбормаслик учун уйдан иложи борича секин чиқиб кета бошлади. Энди чиқиб кетай деб турганда, югуришдан қайтиб келаётган Даляни қаршисида кўриб хайрон бўлди.

— Ҳайрли тонг, — деди Тарик жилмайиб.

— Салом, — деб жавоб берди Даля истаб-истамай.

Тарик уни ўпмокчи бўлганда Даля орқага сурилди.

— Нима бўлди? — деб сўради Тарик.

— Бу ерда эмас, — деб пичирлаб гапирди Даля ёнидаги ухлаб ётган портъени уйғотиб юбормаслик учун. Даля ишора билан Тарикни ўз ортидан чақирди ва квартал бўйлаб югуриб кетди. Тарик унга етиб олиб, савол берди:

— Нима бўлди? Мендан хафамисан?

— Нималар деяпсиз, устимдан куляпсизми? — деб сўради Даля.

— А, даданг билан имон ҳақида гаплашганим учун мендан хафа бўлдингми?

— Сиз чиндан ҳам тушунмаяпсизми?

— Менимча, йўқ, — деди Тарик. — Ўзи нима бўлди?

— Дадам билан Исо ҳақида шунчаки гаплашиб бўлмайдими, Тарик, — деб жавоб берди Даля. — Ахир, дадам мутлақо ғайришуур. У сиздан масиҳийликни тан олишингизни талаб қилади, бўлмасам мен билан учрашингизга йўл қўймайди. Тўй ҳақида-ку умуман унутишингиз мум-

кин. Барибир бўлмайди. Сиз ҳаммасини расво қилмоқчимисиз? Мен бўлсам, мени севадиз, деб ўйлардим.

— Мен сени севаман.

— Унда Муқаддас Китоб ҳақидаги гапларни унутинг. Бу гаплар барибир яхшиликка олиб бормайди.

— Лекин менга қизиқ туюляпти.

— Бас қилинг, — деди Даляя. — Сиз ҳазиллашяпсизми?

— Мен ҳаммасини жиддий гапиряпман, — деди Тарик.

— Сиз бу ўл билан дадамнинг илтифотига сазовор бўлмоқчимисиз? Аслида масихий бўлиб қолганингиз билан ҳеч нарса ўзгариб қолмайди.

— Масихий эмас, Исонинг издоши, — деб Тарик қавмбоши Нур сўзларини айтиб гапига аниқлик киритди.

— Нима фарқи бор? — деб жавоб берди Даляя аниқликдаги юморни тушунмай.

— Қулоқ сол, — деб гапини бошлади Тарик, — бошида мен ҳақиқатдан ҳам илтифот кўрсатиб даданг билан дўстлашиб олмоқчи эдим. Албатта, мен дадангга ёқиб қолишни истайман. Бўлмасам, у сени ўзининг ёрдамчиси Юсуфгами ёки бошқасигами турмушга бериб юборади.

— Бас қилинг! — деди Даляя кўзларини осмонга қарата. — Бундай ҳодиса ҳеч қачон содир бўлмайди.

— Бу гапинг кўнглимни тўқ қилди, — деди Тарик. Улар Бутруснинг кўчаларидан ён атрофга қарамай югуриб кетишарди. — Лекин гап шундаки, даданг қанча кўп гапиргани сари, менинг қизиқишимни шунчалик оширди.

— Ростданми? — Даляянинг бунга ишониши қийин бўлди.

— Ҳа, бу рост, — деб жавоб берди Тарик. — Яна бир ҳақиқат шуки, мен кечаси билан ухламай даданг менга берган Янги Аҳдни ўқиб чиқдим.

— Ҳаммасиними? — деб ҳайрон бўлди Даляя.

— Ҳаммасини, — деди Тарик.

— Нега?

— Менга қизик бўлиб туюлди, — деб жавоб берди Тарик. — Исо қачонлардир қайтиб келиши ҳақида биласанми?

— Бўлиши мумкин, — деди Даляя ишончсизлик билан.

— Сен Исонинг қайтиб келишига ишонмайсанми?

— Билмадим, — деб жавоб берди Даляя ва Тарикни югуришини тезлаштиришига мажбур қилди.

— Нега билмайсан? — деди Тарик Даляяга етиб олиб.

— Мен нимага ишонишни ҳам билмайман, бу ҳақда гаплашгим ҳам келмаяпти.

Даляя янаям тезроқ югуриб кетди ва Тарик ортидан қичқирди:

— Қулоқ сол, нимадан бунчалик кўрқяпсан?

Годдар эрта тонгда туриб, пишлокли бутерброд ва кофе билан ўзининг номерида нонушта қилди. Кейин эса Бейрутдан олти квартал нарироқда жойлашган марказий полиция маҳкамасига отланди. У кечаси умуман мижжа қоқмай чиққани учун карахт бўлиб юрарди. У тагига еткиза олмаётган иши ҳақида ўзига-ўзи савол берар, лекин унинг жавобини топа олмасди.

Агар Марван Аккад Рафик Рэмзини кўрқитиб пулини олмаган бўлса-чи? — деб ўйлади Годдар. — Агар ҳақиқатдан ҳам, Марван укаси билан худди ўзлари айтаётганларидай, Клодетт Рэмзини ўғирламай, уни қидириб топмоқчи бўлган бўлсалар-чи? Агар Клодетт Рэмзини ҳеч ким ўғирламаган бўлса-чи? Агар бу воқеани Клодетт Рэмзини ўзи тўқиб чиқарган ва ҳозирги вақтда Бразилияда яшириниб юрган бўлса-чи? Агар Марван Рафик Рэмзига ёрдам бериб, унинг хотинини эрига нисбатан уюштирган фитна уюштирганлиги ҳақидаги исботни топган бўлса-чи? Агар Клодетт ва унинг ёрдамчилари бу ҳақда билиб, биринчи бўлиб бу ишни амалга ошириши учун ҳаракат қилган бўлсалар-чи?

Бундай сценарий Рэмзининг ўлимини, машинанинг портлашини ва “Меридьене”даги отишмаларни тушунтириб берса керак. Лекин нега Марван яшириниб, аҳолига ёрдам беришни истамаяпти? Рания Фаваз билан унинг қўшнисини ўлимини қандай тушунтириш мумкин?

Годдар маҳкамага келиб, гувоҳномасини кўрсатди ва маҳбус билан учрашувни кутди. У ўйларди, унинг миясига

фақат иккита фикр келди: худди Лемье айтганидай, ё Марван айбдор ва шунинг учун яшириниб юрибди ёки Марван Аккад айбдор эмас, қандайдир сабаб билан полициячиларга ишонмай беркиниб юрибди, у фақат гувоҳ бўлиши мумкин, холос. Қайси бири тўғри бўлиши мумкин?

Телефон жиринглаб қолди. Бу Лемье эди.

— Алло.

— Менда янгилик бор, — деди Скелет. — Марван Қохирагача бўлган рейсга ўтиргани ҳақидаги маълумот Марокколик хизматчиларда бор экан.

— Нега улар бунчалик кўп қидирмасалар? — сўради Годдар.

— Мен ҳам бу ҳақда билмоқчийдим, — деди Лемье. — Лекин гап бунда эмас. Нима бўлгандаям, бу ҳозир аҳамиятсиз. Энг аҳамиятлиси шуки, у “Тарик Жамил” деган номдан фойдаланиб юрибди. Миср полицияси ҳам бунга тасдиқлади. Сизга маълумки, оммавий ахборот воситалари унинг суръатини беришди, Гемиполисдаги бир одам ҳам биз билан боғланди. У одам Тарик Жамилга квартирасини ижарага берган, лекин ўша Тарик яқинда Далия Нур исмли қиз билан кетибди. Улар қаерга кетишганини биз ҳозирча билмаймиз, лекин уларни қидиряпмиз. Бу кўп вақтни олмайди деб ўйлайман.

— Менинг қандайдир ёрдамим керакми? — деб сўради Годдар.

— Унда яна бир марта Рами билан гаплашиб кўринг, унга нималар маълумлигини билиб олинг, — хозироқ! Менга панд берманг Годдар, куннинг охиригача менга Марваннинг калласи керак.

Годдар тушунганини айтиб, алоқани узди. Шу ондаёқ унга Дювалдан хабар келди. У ўқиганларига сира ҳам ишонмади. Годдар маълумотни тўғри тушунганлигини тасдиқлаш учун яна бир марта ўқиди. У худди куёш чигалига зарба егандай, бу хабар уни тешиб ўтди. Ҳаммаси

ўз жойига тушди. *Нега у олдинроқ билмади? Нега у тушунмади?* Энг ёмони Годдарда умуман вақт қолмаётган эди.

Қамоқ олди камерасига киришдан олдин Годдар сержантнинг столида қуроли ва телефонини қолдириб, гувохномасини кўрсатди ва имзо қўйди. Камерага кириш биланоқ у Рамини саволлар билан кўмиб ташлади. У вақтнинг бекор ўтказишга ўзига йўл қўя олмасди.

— Сизнинг акангиз Тарик Жамил номидаги ҳужжатлардан фойдаланяпти, шундайми?

Рамининг юзидаги ифода унинг гапларини тасдиқлади.

— У аэропортнинг ёнидаги, Қоҳирадан узоқ бўлмаган Гелиополисда бир уйни ижарага олган, шундайми?

Довдираб қолиб, Рами бошини силкитди.

— Сизнинг акангиз бу ишни тергаётганлардан бири унга тухмат қиляпти деб ўйляяптими?

Рами яна секингина бошини силкитди.

— Сиз Бразилияга Клодетт Рэмзини топиш учун ўз одамларингизни жўнатдингиз, чунки сизлар Марван билан бу аёл ўзининг эридан ёлғон йўл билан пул ундириб оляпти деб ўйляяпсизлар, шундайми?

— Шундай.

— Ва сиз Рэмзи хоним билан акангизни ўлдирмоқчи бўлган одамни топмагунингизча Марван беркиниб юрмоқчими?

— Худди шундай, — деб тасдиқлади Рами.

— Лекин муаммо шундаки, сизнинг одамларингиз Рэмзи хонимни топганларида уни кимнинг қўлига топширишни билмай, одамларингизга кейинги кўрсатмаларни кутишларини буюрдингиз, тўғрими?

— Ҳа, жаноб.

— Ва сиз ҳозир ҳибсдасиз, инспектор Лемье эса яқин орада акангизни топиб, уни ҳам қамоққа туширади, агар ундан олдин ўлдириб юбормаса?

— Инспектор, нега менга буларни айтяпсиз? — деб сўради Рами. — Нимани таклиф қилмоқчисиз?

— Жаноб Аккад, — деб жавоб берди Годдар, — ҳозир мен акангиз айбдор эмаслигига ишончим комил бўлди.

— Мен сизга буни бошидан бери айтиб келяпман.

— Хўш, мен ҳозир сизга ишонаман. Бу терговда ким “юмронқозик” эканлигини биламан, деб ўйлаяпман.

Рами кўзларини катта очди.

— Ким?

— Марсель Лемье.

Рами чуқур нафас чиқарди.

— Бош терговчими? Ишончингиз комилми?

— Энди ишончим комил, — деди Годдар.

У Рамига ҳаммасини айтиб берди. Рамининг телефонидаги гапларини эшитишдан ташқари, у электрон почтасини ҳам текширишга буйруқ олган ва Франция разведкасидаги мансабдор шахс томонидан юборилган маълумотни аниқлабди.

— Бу Пьер эди, биз анчадан бери танишимиз, — деди Рами. — У пок инсон. Мен ундан нима қилиш мумкинлиги ҳақида билиб беришини сўрагандим, холос.

— Ҳа, — деб тасдиқлади Годдар.

— Нима бўпти? — деб сўради Рами. — Акам Рафик Рэмзининг ўлимидаги Лемьенинг асосий гумондор шахси бўлган. Ахир, у Марванга алоқадор барча нарсаларни билиши табиий эмасми?

— Албатта, — деб фикрига қўшилди Годдар. — Лекин Дюваль хатни ўқигандан кейин Франциянинг махсус хизматчиларига мурожаат қилган, Лемье улардан қачон расмий талаб қилганлиги ҳақида савол берган. Аниқланишича, Марван билан Рэмзининг учрашувидан уч кун олдин сўраган экан.

— Қотилликдан уч кун олдинми? — деб сўради Рами. — Бу қандай бўлиши мумкин?

— Лемъега акангиз хақидаги маълумот олдиндан керак бўлиб қолганини фақат битта нарса билан тушунтириш мумкин, — деди Годдар. — Рэмзи Марванни яширинча ёллаганини, Марван Рэмзи хонимни эридан ёлғон йўл билан пул ундириб олаётганини аниқлаганлигини Лемъе билиб олган. Уч кун ичида Лемъе жаноб Рэмзи ва Марваннинг ўлимини режалаштириб, Рэмзи хонимни Сан-Пауладан чиқиб кетиб, тоғларда яшириниши кераклиги хақида огоҳлантирган. Айтгандай, Рэмзи хоним беркиниб яшаётган ва сизнинг одамларингиз топиб олишган уй кимники эканини биласизми?

Рами “йўқ” деб бошини қимирлатди.

— Лемъенинг акасининг уйи.

Рами ларзага келди.

— Ҳазиллашяпсизми?

— Заррача ҳам ҳазиллашаётганим йўқ. Дюваль бунни аниқлади. Мен ҳозир ундан шу хатни олдим.

— Тўхтанг, — деди Рами, — демак, Рафик Рэмзи ўлимининг бош терговчиси — шу қотилликнинг иштирокчиларидан бирими?

— Билишимча, худди шундай.

— Демак, менинг акамни пойлаб юрган одам уни камамасдан ўлдирмоқчими?

— Ҳамма аниқланганларга қараганда, шундай.

— Лемъе Марванга қанчалик яқинлашиб қолди? — деб сўради Рами ва унинг юзида хавотирлик белгиси пайдо бўлиб.

— Жуда ҳам яқин, Рами, — деб тан олди Годдар, — шунинг учун ҳам менга сизнинг ёрдамингиз керак. Марваннинг қаердалигини айтинг, мен уни ҳибсга оламан, мен Лемъега қарши ҳужжатларни топиб, уни қамагунимча Марван менинг ҳимоям остида бўлади. Бу осон кечмайди (чунки Европадаги қонунни ҳимоя қилувчи кучлар учун Лемъе — қахрамон), лекин сизнинг ёрдамингиз билан мен бу ишни қиламан.

— Мен сизга ёрдам берардим, жаноб Годдар, — деди Рами, — лекин акам ҳозир қаердалигини билмайман. Мен уни фақат йўлдош телефон орқали топишим мумкин, чунки у фақат шу орқали қўнғироқларни қабул қилади. Лекин мени ҳибсга олишганда, у телефон қаёққа ғойиб бўлганини билмайман.

— Сизнинг телефонингиз мен тўхтаган меҳмонхонада, — деди Годдар. — Акангиз қўнғироқ қилиб қолиши мумкин деб телефонни кузатгандим. Юринг.

Рами Аккадни қамоқдан чиқариб олиш учун Годдар керак бўлган ҳужжатларга имзо қўйди ва ўзининг қуроли билан телефонини олди. Улар полиция маҳкамасидан чиқиб, такси тўхтатдилар ва меҳмонхонага шошилиб кетдилар.

Тарик душ қабул қилиб бўлгач, кийинди ва нонушта қилаётган Нур оиласига кўшилди.

— Бугун биз нима қиламиз? — деб сўради Даля. — Келинлар, бирор нарса билан шуғулланамиз, масалан, шаҳарни томоша қиламиз.

(Бу гап “Келинлар, Исо ҳақида гаплашмаймиз” — деган маънони англатади деб ўйлади Тарик.)

— Надим, келинг сизам бугун дам оласиз, биз иккимиз Даля билан Тарикни Набатий ғорларига ва Фиръавнларнинг Хазиналарига олиб борамиз, — Нур хоним ҳаммага қаҳва қуяётиб шу таклифни қилди.

— Ойи, бу ажойиб фикр, — деди Даля. — Ўйлашимча, бу Тарик учун қизиқарли бўлади.

— Сиз у ерда бўлганмисиз? — деб сўради қавмбоши Нур.

— Йўқ, жаноб, — жавоб берди Тарик, — лекин мен бу жойлар ҳақида кўп эшитганман.

— Бу ҳаммаси рост, — деди қавмбоши. — Қадимги шаҳар — бу ҳақиқатдан ҳам диққатга сазовор ажойиб манзара ҳисобланади. У вайроналардан тикланган. Бутрус гуллаб-яшнаётган савдо маркази ва Набатийлар хазинаси сақланадиган жой бўлиб, Набатий шоҳлигининг пойтахти эди. Даля ҳақ, сизларга қизиқарли бўлади.

— У ерда ҳозир кимдир яшайдими?

— Йўқ, шаҳар тарк этилган. У ерда ҳозир фақат сайёҳлар, сувенирлар ва яхна ичимликлар сотадиган савдогарларни учратиш мумкин. Лекин кўпчилик масихийлар —

шу қаторда мен ҳам — Худо бу шаҳарни бошпана учун мўлжаллаган жой деб ҳисоблашади. Бу ҳақда ҳаворий Юҳанно Ҳаворийларнинг Фаолияти Китобида ёзган (Ҳав. 12:6,14).

— Дада, — деди Даляя, — биз ҳар икки сония ичида Муқаддас Китоб ҳақида гаплашмасдан, шунчаки нонушта қилишимиз мумкинми?

— Азизам, биз Яқин Шарқда, Инжил воқеалари содир бўлган Иорданияда яшаймиз. Айнан шу ерда Худо Исо Масих орқали дунёга Ўзининг марҳаматини кўрсатган. Биз бу ерда Муқаддас Китоб еридан юрамиз. Шу ерга белкуракни тикқанимиздан сўнг, Муқаддас Китобни чинлиги ҳақидаги янги далилларни кўрамиз.

Даляя жавоб бермоқчи эди, аммо Тарик биринчи бўлиб сўзлади.

— Ҳа, қавмбоши Надим, сиз кеча кечқурун гапирганларингиз ҳақида кўп ўйладим ва менда саволлар туғилди. Сизда менинг саволларим учун бир неча дақиқа бўш вақтингиз борми?

— Албатта. Тарик.

— Ана бошланди, — деди Даляя ва бир қултум қаҳвани ичиб, кўзларини тепага қаратди.

— Кечир, Даляя, — секин гапирди Тарик, — лекин бу мен учун қизиқарли. Бу кўп вақтни олмайди.

Лекин бу гап кўп вақтни олди.

Тарик ва қавмбоши Надим нонушта вақтида Муқаддас Китоб ҳақида суҳбатлашардилар. Улар Набатий шаҳрига бўлган сафарларида ҳам ва ҳаттоки дара орқали қадимги Бутрус марказида кетаётганларида ҳам суҳбатлашардилар. Даляя суҳбатга қўшилишдан ўзини олиб қочарди. У онаси билан ёшлиги ҳақида гаплашишга уринарди, аммо Нур хоним эркакларнинг суҳбатларини тинглаб кетарди.

— Лекин Янги Аҳд Исодан кейин, анча вақт ўтгач ёзилган—ку! Бу шунга кўрсатадики, Янги Аҳд Исонинг

сўзларини аниқ етказиб бера олмайди, — деди Тарик масиҳийликнинг “қатъий”лигини синаб.

— Ҳа, баъзи бир скептиklar Янги Аҳд китоблари Исодан кейин юз йиллар ўтгач ёзилган деб исботлашга ҳаракат қилдилар. Аслида улар анча илгари Масиҳнинг ўлими ва тирилганидан кейин бир неча ўн йилликлардан кейин ёзилган. Археологлар Инжилнинг эрамизнинг 50 ва 66–йилларида ёзилганини аниқладилар.

Тарик ҳайратланди:

— Яъни воқеа гувоҳлар ҳаёт бўлганларида ёзилган.

— Худди шундай. Бу ёзувларнинг аниқчилигини кафолатлайди. Агар Янги Аҳд ҳикоялари воқеаларни нотўғри талқин қилганда эди, бу воқеаларнинг гувоҳлари индамай турмасдан зарур чораларни кўрардилар. Бутрус Исонинг кароматлари ҳақида сўзлаётганда тингловчиларга шундай деб айтарди: Насролик Исо орқали Худо уларнинг орасида мўъжизалар ва ажойиботлар кўрсатди. Шу туфайли Исо уларнинг олдида илоҳий ҳукмронлик билан тасдиқланган. Буни ўзлари ҳам биладилар (Ҳавор. 2:22). Наҳотки, одамзод бўлиб ўтган воқеаларни ўзгартира олади?

— Йўқ, ўзгартира олмайди, — деб тасдиқлади Тарик.

— Сизга Уильям Олбрайт номи танишми?

— Йўқ, мен бу одам ҳақида ҳеч қачон эшитмаганман, — деди Тарик.

— У Муқаддас Китобнинг таниқли археологларидан бири, — деди қавмбоши Надим рюкзагини титкилаб. У рюкзайдан “Не просто плотник” деб номланган китобни олди ва китобни очиб, уни Тарикка узатди.

— Мана бу ердан бошлаб ўқинг.

Далиянинг отаси саёҳатга Исо ҳақидаги китобни ўзи билан олиб юрганидан Тарик ҳайратда қолди.

— Сизнинг сумкангизда яна нималар бор? — деб кулди у. — Ўлик денгизининг ёзувларими?

— Йўк, фақат Муқаддас Китоб, сув ва мевалар, — жавобан кулди Надим. — Мевалардан ейсизми?

— Йўк, жаноб, раҳмат. Мен ҳозирча бу китобни ўқиб чиқаман.

Тарик бошини қимирлатаётган Даляга қаради ва ўқишни бошлади:

“...энди биз тўлиқ ишонч билан қуйидагиларни тасдиқлашимиз мумкин: Янги Аҳднинг барча китоблари эра-мизнинг 80–йилларигача ёзилган — яъни 130–150 йиллардан олдинги икки авлод ёзган, бу сана Муқаддас Китобнинг радикал танқидчилари томонидан эътироф этилган” (Джош Мак-Дауэлл. Не просто плотник. — М.: Изд-во “Остожье”, 1992. — 42–43-бет).

У тўхтаб қавмбоши Нурга қаради.

— У ерда яна бир парча бор, — деди у. — Жаноб Уильям Рэмзи, яна бир машҳур археолог, у ҳам аслида худди шундай дейди. Агар истасангиз, мен сизга яна ўнтача китобларни тавсия қилишим мумкин, у китобларда ҳам Янги Аҳд китоблари воқеа замондошлари томонидан ёзилганини исботлайди, шундай экан, ишончимизни оқлашга муносиб. Айтинг—чи, уларни ким ёзган?

— Исонинг издошлари ва шогирдлари, тўғрими? — деб жавоб берди Тарик.

— Тўғри. Китоб муаллифлари Унинг шогирдлари ва издошлари бўлишган. Улар гувоҳ бўлганлар! Мана нега Муқаддас Китоб шубҳасиз тўғри. Улар Масих билан бирга яшаганлар, Уни тинглаганлар, Уни кўрганлар ва У билан бирга юрганлар. Инжил, учта мактуб ва Ваҳий Китобини ёзган пир Юҳанно шундай деган:

“Азалдан бор бўлган Ҳаёт Каломи борасида биз эшитиб тамошо қилган, кўзларимиз кўрган, қўлларимиз сезганини сизларга маълум қилмоқдамиз. Ҳаёт зоҳир бўлди, Отанинг ҳузурида абадий Ҳаёт бизга зоҳир бўлди. Биз Уни кўрдик ва шоҳид бўлиб сизларга билдирмоқда-

миз. Сизлар биз билан муносабатда бўлинглар, деб мана шу кўриб эшитганларимиздан сизларни хабардор қилмоқдамиз” (1 Юх. 1:1–3). Демак, Юҳанно ким бўлган?

— Мен уни гувоҳ бўлган деб айтардим, яна, — давом этди қавмбоши, — Худонинг ҳаворийси Павлус айтган:

“Ҳеч бир пайгамбар ўзининг инсоний хоҳиши билан башорат қилган эмас. Бу азиз одамлар Муқаддас Руҳ томонидан ҳаракатга келтирилиб, Худонинг сўзларини гапириб берганлар” (2 Бутрус 1:21).

— Қизик, — деди Тарик.

— Шунчаки қизикми?

Тарик бу саволга нима деб жавоб беришни билмасди.

— Жуда ҳам қизик, — қўшимча қилди у китобни қайтараётиб.

— Қизик, лекин сиз охиригача ишонмадингизми? — деб сўради қавмбоши Нур.

Тарик елкасини қисиб кўйди. Нур оиласи унинг бошида ва қалбида қандай алғов–далғов тугёнлар ҳукмронлик қилаётганини билишлари керак эмас. Аввало, унинг ўзи ҳамма нарсани тушуниб олиши керак.

— Бизда муаммо туғилди, — деди Рами. Меҳмонхонадаги Годдернинг номери ойнасидан у Бейрут марказига қараб турарди.

— Қандай?

— Марван жавоб бермаяпти.

— Яна ҳаракат қилиб кўринг, — деди Годдар хонада у ёқдан—бу ёққа юриб.

— Мен тўрт марта кўнғироқ қилдим.

— Бу нимани англатиши мумкин?

— Бу шуни англатадики, ё телефон ўчирилган, ёки ўзи билан уни олмаган, ёки...

Рами гапини охиригача тугатмади, лекин бунда зарурият қолмаганди. У нима демоқчи бўлганини Годдар тушунди. Марван Аккадни қўлга олишган ёки ўлдиришган бўлишлари мумкин.

— Хавотир олманг, — деди Годдар. — Биз уни топамиз. Ҳаммаси яхши бўлади.

У бу гапига ишонгиси келарди.

Тўсатдан унинг телефони жиринглади. Бу Дюваль эди. Годдар гўшакни кўтарди.

— Сизларда нима гап, Колеетт?

— Сиз қаерда эдингиз? — сўради у. — Мен сизга кўнғироқ қилиб туша олмаяпман.

— Мен полиция маҳкамасида эдим, — тушунтирди Годдар, — у ерда телефонни ишлатиш мумкин эмас. Нима бўлди?

— Сиз менинг хабаримни олмадингизми?

— Йўқ.

— Лемье сизга икки марта қўнғироқ қилди, — деди Дюваль. — Қўнғироқ қилиб туша олмагач, унинг жуда жаҳли чикди ва сизни қидириб топишимни мендан талаб қилди.

— Лемье нима демоқчи экан?

Рамми Годдарга қараб ўгирилди.

— Миср хизматчилари Тарик Жамил билан бир қизни Шарм-Эль-Шейх меҳмонхонасигача кузатиб юрганларини у менга айтди.

— Яхши. Ҳозироқ менга самолётга чипта буюринлар.

— Бу ҳали ҳаммаси эмас, — давом этди Дюваль. — Улар меҳмонхонадан чиқиб кетиб, таксида Нувайбагача, у ердан эса паромда (кемада) — Акабагача боришибди.

— Иорданиягами? — деб сўради Годдар. — Нега энди Иорданияга?

— Аслида қиз ўша ерлик экан.

— Унинг исми ким?

— Далия Нур.

— Бир дақиқа, Колетт, — деди Годдар. У Рамига ўгирилди ва Далия Нур деган исми унга танишми йўқми эканини сўради.

— Йўқ, — деб жавоб берди Рами. — Лекин бир неча кун олдин мен акамни Қоҳирадан чиқиб кетиши кераклиги ҳақида огоҳлантиргандим. Балки, акам шаҳардан чиқиб кетиш учун ўша қиздан фойдалангандир.

Годдар телефондаги суҳбатини давом эттирди.

— У қиз қайси шаҳардан экан?

— Бутрусдан, — деб жавоб берди Дюваль, — менда унинг манзили бор. У Лемьеда ҳам бор. У ўзининг одамлари билан ўша ерга кетди.

Бу гапларни эшитиб Годдарнинг ичи қизиди.

— Улар ўзларининг ташрифлари ҳақида иорданиялик ҳамкасбларга хабар бердиларми?

— Йўқ, жаноб.

— Улар мисрлик полициячилардан кимнидир ўзлари билан бирга олдиларми?

— Йўқ, жаноб.

Годдар ҳаёлини бир жойга қўйиш учун жим бўлиб қолди.

— Колеетт, мен Лемье ҳақида қандай ўйлаётганимни биласизми?

— Сизнинг фикрингизча, ўша “юмронқозик” — Лемье, у Рэмзи хоним билан бирга иш юритади.

— Сиз эса нима деб ўйлайсиз?

— Биз охириги бир неча соат ичида билиб олганларимизга асосланган ҳолда, мен ҳам худди шундай деб ўйлаяпман.

— Биз буни исботлай оламизми?

— Ҳозирча йўқ, жаноб, — деди Дюваль. — Бизга кўпроқ вақт керак.

— Бизнинг вақтимиз қолмади. Агар Лемье Марван Аккадани топиб олса, уни ўлдиради.

— Иордан полициясига хабар берайми, улар эса Лемьени ҳибсга оладилар.

— Йўқ, — деди Годдар. — Улар ҳеч нима қилмайдилар, чунки уни ҳибсга олиш учун иккаламизда бор далиллардан кўпроқ далил ўзларига керак.

— Қандай чораларни кўриш керак деб ўйлайсиз, жаноб?

— Қўлимдан келган бирдан бир ишни, Колеетт. Бутрусгача менга вертолётни ташкил қилинг. Мен аэропортга отланаман. Юринг, Рами. Сиз мен билан бирга кетасиз.

Улар тўртгаловлари Набатейнинг қадимги пойтахтида усталарнинг тоғлардан ўйиб яшашган саройлари ва ибодатхоналарига лол қолиб, бир неча соатдан бери сайр қилиб юрардилар. Нур хоним йўлкўрсаткичдан қуйидагиларни ўқиди:

“Бутрус — дунёдаги таассуротли, жилвали ва диққатга сазовор жойлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу ерда бир вақтлар гуллаб-яшнаётган шаҳардаги тошдан ўйилган мақбаралар ва ибодатхоналар яхши сақланиб қолган. Манзилгоҳ қадимги вақтлардан бери мавжуд эди, лекин набатийликлар Бутрусга келмасларидан олдин, бу ер саҳродаги бир қудуқ эди, холос. Эрамиздан ав. III асрдан то эрамизнинг I асрига қадар бу ерда шоҳликнинг савдо маркази бўлган серҳашам шаҳар қурилган эди. Эрамизнинг 106 йилларида Бутрус Рим империясининг таркибига киритилди. Шаҳар IV асрда масиҳий, VII асрда ислом шаҳрига айланди ва қисқа вақтга XII асрда бу ерга салиб юришчилари кириб келдилар. Бутрус 1812 йилда швейцариялик тадқиқотчи Якоб Буркхард томонидан қайта очилди”.

Аль-Хазна Ҳазинасининг ҳашаматли биноси ва ундаги юнон устунлари, цоколлари ва альковалари уларни ҳайратга солди. Зинапоядан улар Эль-Дайир ибодатхонасига чиқдилар, бу ибодатхона олд томонининг эни 47 метр ва бўйи 40 метр бўлиб, бу собиқ тиллар ибодатхонаси эди. Улар шоҳ мақбараси ва устунли кўчалардан ўтиб, Бутрусдаги катта Каср-Эль-Бинт ибодатхонасининг чега-

расига кирдилар. Ниҳоят, улар Бутрус Ибодатхонасига — Иорданиядаги Худога хизмат қиладиган қадимги жойлардан бирига етиб келдилар. “Қадимги замондаги Византиянинг катта базиликаси (қадимги ва ўрта асрлар архитектурасида: ички қисми қатор устунлар билан бир неча қисмга бўлинган бино — *таржимон изоҳи*)” бўлган бу жой ажойиб мозаикалар билан безатилган эди. Нур хоним таъкидлаганидек, йўлқўрсаткичга биноан, “бу ерда топилган 152та ўроғлиқ хатлар Византия даврида Бутруснинг ҳар кунги ҳаётининг тафсилотларини очиб беради”.

Улар Исо издошларининг даргоҳларини томоша қилаётганларида, Тарик Исо ва Унинг шогирдларининг гаплари ва қилган ишлари ҳақида ёзилган Муқаддас Китоб ҳикоялари мавзусига яна қайтишга мажбур бўлди. Тарик яна савол беришни бошлади.

Лекин ундан олдин қавмбоши Тарикка савол берди.

— Сиз Янги Аҳднинг қўлёмалари бошқа қадимги қўлёмалардан кўплиги ҳақида биласизми?

— Сиз нимани назарда тутяпсиз? — тушунмай сўради Тарик.

— Барча археологлар томонидан Янги Аҳднинг қадимги қўлёмаларидан 24 мингтаси топилган (уларнинг баъзилари 130–йилларга тўғри келади). Қўлёмаларнинг матнлари ҳам бир-бирига мос келади, — деб тушунтирди жаноб Нур.

— Бу нимани исботлайди?

— Бу шуни исботлайдики, бизда бор Янги Аҳд кўчирилиб, биз яшаётган даврларга хатоликларсиз етиб келган. Таққослаш учун: миқдор жиҳатдан мавжуд барча қўлёмалар ичида катта фарқ билан Гомернинг “Илиада”си қўлёмаси иккинчи ўринда туради. Биз унинг 643та қўлёмалари бор деб тахмин қиламиз. Айтганча, қадимги адабиётларнинг кўплаб матни аутентик ҳисобланади. Бу асарларнинг қўлёмалари ҳозирда жуда кам қолган.

Масалан, Цезарь “Галь жанги хотиралари” асарини тахминан милодгача бўлган 58–50–йилларда ёзган. Лекин дунёда фақатгина 9 ёки 10та қўлёзма нусхалари қолган. Уларнинг ҳаммаси Цезарнинг ўлимидан минг ва ундан кўп йиллардан кейин ёзилган. Арасту ўзининг “Поэтика”сини тахминан эрамиздан аввалги 343 йилларда ёзиб қолдирган. Лекин унинг энг қадимги қўлёзмаси эрамизнинг 1100 йилларига тўғри келади. Ҳозирда бу асарнинг 49та нусхаси бор, холос. Мен айтмоқчиманки, бошқа тарихий ҳужжатларнинг аниқлигига қараганда, Исо шогирдлари ёзувларининг нусхасини аниқлигига шубҳа туғилмаслиги керак.

— Бўлиши мумкин, аммо, — эътироз билдирди Тарик, — шулардан келиб чиқиб, Исонинг шогирдлари Унинг сўзларини аниқ ёзганлар деб айта олмаймиз-ку. Исонинг шогирдлари янги динга асос солиш учун Исонинг баёноларини, У — Худо эканлигини ўйлаб топишмаган деб ким қафолат беради?

— Уларни ёлғон гапиришга қандай сабаблари бўлган? — деб сўради қавмбоши Нур. Узоқ сайрдан сўнг улар чарчаб қадимги теартга кирдилар. Бу театрга қачонлардир 7 минг томошабин сиққан эди. Улар тоғдаги ясалган ўриндикка ўтирдилар.

— Дада, бас қилинг, унинг сабаблари турлича бўлган бўлиши мумкин, — ҳаммани таажжубга солиб қўшилди Далия, — хасислик, машҳурликка ёки бойликка интилиш — турли сабаб бўлиши мумкин. Наҳотки Рим империяси масиҳийларга ўтмаган бўлса? Наҳотки улар Исо — Худо, масиҳийлар эса Масиҳнинг ердаги вакиллари деб таъкидлаб, бойлик ва ҳукмронликка эга бўлмаган бўлсалар?!

— Азизам, сен ҳозир хазиллашмаяпсанми? — деди отаси. Тарик уни бундай юмшоқ гаплар билан сўрайди деб кутмаганди.

— Йўқ, мен жиддий гапиряпман, — деб жавоб берди Далия.

Тарик ижирғанди. У нималар қияпти? Ота ва қиз ўртасидаги баҳс уларга ҳозир умуман керак эмас.

— Менимча, сен ниманидир адаштиряпсан.

— Нахотки Рим императори Константин масиҳийликни тан олмаган ва жамоатга катта бойликни, ҳукмронликни бермаган бўлса?! — ўзининг гапларида туриб олиб сўради Далия.

— Албатта, йўқ. Ҳа, у масиҳийликни тан олди, лекин Далия, бу Исодан 300 йилдан кейин содир бўлган. Масиҳнинг биринчи издошлари бўлиб камбағаллар, ўқи-маган балиқчилар ва Фаластиндаги рим қишлоғининг солиқ йиғувчилари бўлишган. Улар Исонинг ўлими ва қайта туғилгани ҳақида дунёга айтганларида, бундай бойлик ва ҳокимиятга эга бўлишларига умид ҳам қилмагандилар. Аксинча, бу сенга ҳам маълум, илк масиҳийлар катта мажусийлик империясида камчиликни ташкил этганлар. Улар билан келиша олмаганлар, уларни қатъий назорат остига олганлар. Исо Ўзининг издошлари бўлиши учун танлаб олган ўн битта ҳаворийларни азоблаб ўлдиришган. Улар Исони — Худо ҳамда Масиҳнинг қайта туғилганлиги ҳақидаги гапларида қатъий туриб олганликлари туфайли қатл қилинганлар. Модомики, улар масиҳий бўлган эканлар, уларни урганлар, қийнаганлар ва энг шафқатсиз усуллар билан ўлдирганлар. Ҳаворийларнинг олтитасини қўлоёқларидан хочга михлаганлар, Бутрусни эса бошини пастга қилиб хочга михлаганлар. Ҳаворийларнинг иккитасини эса қилич билан, Ёкубни тошбўрон қилиб, Фомани эса найза тикиб ўлдирганлар. Ўн иккинчи ҳаворий, яъни Юҳанно эътиқоди ва ваъзи туфайли Патмос оролига қувғин қилинган ва ўша ерда вафот этган. Шу ўн икки ҳаворий Исонинг изидан юрганлари учун ҳеч қайсиси на моддий, на сиёсий бойликка эга бўлганлар. Лекин уларнинг ҳеч қайси бири, ҳаттоки, қийноқлар вақтида ҳам ҳаёт Худоси ва одамзоднинг Қутқарувчиси бўлган Исодан воз кечмаганлар.

— Балки шундай бўлгандир ҳам, — деб жавоб берди Далия, — лекин бу ҳеч нимани исботламайди, — тарихий жараёнда дадам ва бошқа кўп одамлар ёлғон учун ўз ҳаётларини бахшида этганлар.

Сухбатга Нур хоним ҳам кўшилди.

— Тўғри, кўпчилик одамлар ёлғон туфайли ҳалок бўлганлар, Далия, лекин улар ҳақиқат йўлидан бораётганларига ишонардилар. Сенингча, Исо Ўзининг илоҳийлиги ҳақидаги баёнотини ҳаворийлар бойлик ва ҳокимиятни олиш учун ўйлаб топганлар деб ўйлаяпсан. Лекин бу ҳақиқатга тўғри келмайди. Янги Аҳднинг таъкидлашича, агар Исо ўлимидан уч кун кейин қайта туғилиб, Ўзининг илоҳийлигини исботламаганда эди, унда ҳаворийлар бунинг ёлғонлигини билардилар. Сенинг таълимотинг бўйича ёлғон учун жавобгарлик уларнинг бўйнида ётади. Лекин ўйлаб кўр: бу шуни тушунтирадики, улар фақатгина ёлғон учун эмас, балки ўзларининг ёлғонлари учун ҳаётларини берганлар. Фақат бундан уларга на сиёсий, на моддий тарафдан ҳеч қандай фойда йўқ эди. Сен булардан келиб чиқиб, қандайдир бир маъно борлигини кўряпсанми?

Далия ўйланиб қолди. Бир оздан кейин у истар-истамай рози бўлди.

— Ҳақиқатдан ҳам, бу ерда ҳеч қандай маъно йўқ. Ҳеч ким бундан маъно тополмайди.

— Исонинг танаси—чи? — деб сўради отаси. — Исонинг ўлганлар орасидан қайта туғилгани ҳақидаги баёнотнинг нотўғрилигини исботлаб, шу билан бир қаторда, масихийликка барҳам бериш учун унинг душманларига Исонинг танасини олиб келиб бериш керак эди, холос. Лекин улар бунинг уддасидан чиқа олмадилар.

— Нега? — сўради Тарик.

— Чунки ҳеч ким уни топа олмади, — деб жавоб берди қавмбоши Нур. — Кимдир танани ҳаворийлар ўғирлашган деб таъкидлаган. Лекин биз Масихни қайта туғилгунча бўлган ҳаётини ўрганганимиз сари, бунинг мумкин эмаслигига шунчалик амин бўламиз. Улардан ҳеч ким бу учун етарли даражада мард эмасди. Бундан ташқари, қабрни римлик аскарлар қўриқлашарди. Чунки маҳбуснинг йўқотилиши, ҳаттоки мурдаси ҳам, улар учун ўлим жазоси эканини англатарди. Лекин барибир Исонинг танаси ғойиб бўлди. Қуддусдагилар ҳам, ҳаттоки Исонинг ашаддий душманлари ҳам Унинг танаси ғойиб бўлганини билишарди.

— Унинг танасини бошқа кимдир ўғирлаши мумкин эмасми? — сўради Тарик.

— Римлик аскарлар олдидан ҳеч ким ўта олмасди, — жавоб берди қавмбоши. — Бу кимга ҳам керак эди? Яху-

дия раҳнамоларига ҳам, чунки одамлар Исо ўлганлар орасидан тирилди деган фикр уларга умуман керак эмасди. Исо ўлиmidан уч кундан кейин ўликдан тирилиши ҳақида айтиб кетган эди, фақат шунинг учунгина улар римликлардан қабрни кўриқлашларини сўрашганди.

— Шунга кўра, сиз бу ҳақда кўп ўйланган кўринасиз, жаноб, — деди Тарик.

— Ҳа, мен тарихий ва археологик ҳужжатларни узок вақт ичида ўрганиб чиққанман. Шундан кейингина мен Исонинг издоши бўлдим, — мен далилларни ўрганиб чиқиб, ўзим учун хулоса чиқариб олдим. Исо нафақат яхши одам бўлган. У яна оддий дурадгор ҳам эмас. У Ўзини ким деб айтган бўлса, худди шундай бўлган: *“Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман. Менсиз ҳеч ким Отанинг олди-га боролмайди”* (Юҳ. 14:6).

— Гуноҳларни кечирувчи ягона йўл — бу Исо эканлигига сиз аминсиз, шундайми?

— Ҳа, мен бунга аминман.

— Осмонга бўлган ягона йўл ҳамми?

— Ҳа, худди шундай.

Тарик ўйланиб қолди. Қадимги Бутрус шаҳри унинг кўз олдида намоён бўлди. Унинг онгида қилган гуноҳлари кийнади. Гуноҳларнинг рўйхати борган сари узунлашиб кетаверди. Уларнинг энг асосийси ёлғон эди, лекин бошқа тур гуноҳлар ҳам кам эмас.

Тарик “Сўнгги ҳукм” деб номланган папирус қоғозига ёзилган расм тасвирини кўз олди-га келтирди. Унинг юраги патдан енгил эмас. Яъни, агар у бугун ўладиган бўлса (бу ҳодисадан Худонинг Ўзи асрасин), жаннат эшиклари унга ёпиқ бўлади. У тўғридан-тўғри дўзахга тушади. Бу ўй уни кўрқувга солди.

Нажот — Исодами? Унинг Ўзи Йўл, Ҳақиқат ва Ҳаётми? У — жаннатга бўлган ягона йўл? Қавмбоши Нурнинг айтишича, Ҳақиқат — бу Исо, Унинг ҳамма гаплари

ҳақиқат. У ҳаётни ва одамни ҳам ўзгартириши мумкин. Лекин барибир...

У ўйламай туриб, шу саволни овоз чиқариб айтди. Қавмбоши Нур унга қараб савол берди:

— Нима барибир? Тарик, сиз нима ҳақида ўйлаяпсиз?

— Агар Муқаддас Китоб ҳам, Янги Аҳд ҳам кейин-роқ ўзгартирилган бўлса—чи?

Бу савол Нур хонимни ҳижолатга қўйди:

— Муқаддас Китоб? Ўзгартирилган?

— Ахир кўпчилик шундай дейишяпти.

— Ҳатто буни минг марта гапирганда ҳам, — деб жавоб берди қавмбоши Нур, — рост бўлиб қолмайди. Бу гапни гапираётганлар — Масих ва масихийликнинг душманларидир. Тарик, менга айтинг—чи, қачон ва ким томондан ўзгартирилган?

— Қачон?

— Ҳа. Муқаддас Китоб қачон ўзгартирилган бўлиши мумкин?

— Қачон хоҳласа.

— Йўқ. Муқаддас Китоб қўлёзма ҳолида анча вақтдан бери бор ва бу қўлёзмаларни хоҳлаган одам кўриши мумкин. Келинг, биз ҳозир Янги Аҳд ҳақида суҳбатлашамиз. У I асрдан бери мавжуд.

— Ҳа.

— Ўша пайтда ўзгартиришнинг иложиси йўқ эди, чунки Исонинг замондошлари ҳали ҳаёт эдилар, улар воқеаларнинг ўзгартирилишига йўл қўймасдилар. Шундан кейин қўлёзмалар тарқалиб кетди ва фақат ҳаммасини қайта йиғиб олгандагина ўзгартиришни қилиш мумкин. Бунинг эса иложиси йўқ эди, чунки қўлёзмалар жуда ҳам кўп бўлган.

— Тушунаман.

— Энди иккинчи савол: ким томондан? Матнларни ким ўзгартириши мумкин? Яхудийларми ёки масихийлар-

ми? Яхудийлар Масихни қабул қилмаганлар. Улар Исони ва Унинг гапларини рад қилишган. Улар Янги Аҳдни хозирдагидек, яъни Масих ва масихийларни улуғловчи асар сифатида ҳеч қачон ўзгартира олмасдилар.

Ўйланиб туриб, Тарик уларнинг суҳбатини тинглашаётган Далия билан унинг онасига қараб деди:

— Унда бу ишни масихийлар қилган бўлишлари мумкин. Улар ўзларининг фойдасига Янги Аҳдни ўзгартирган бўлишлари ҳам мумкин.

— Агар улар бунга ҳаракат қилганларида ҳам, яхудийлар шовқин-сурон кўтаришарди. Улар эса бунга йўл қўймасдилар. Сиз қандай деб ўйлайсиз?

— Сиз ҳақсиз, — рози бўлиб жавоб берди Тарик. — Бунинг сира ҳам иложиси йўқ.

— Худога шукр, — деди жилмайиб қавмбоши Нур. — Демак, бу Худонинг сўзи ва Худо Ўзининг Муқаддас Китобини одамзоднинг фитналаридан ҳимоя қила олади. “*Ким-да-ким бу китобда башорат қилиб айтилган сўзлардан бирор нарсани олиб ташласа, Худо уни бу китобда ёзилган ҳаёт дарахтидан ва муқаддас шаҳардан маҳрум қилади*” (Ваҳий 22:19) — шундай дейилган. Ким китобни ўзгартиришга журъат қила олади? Исо деди: “*Осмону ер ўтиб кетади, аммо Менинг сўзларим ҳеч қачон ўтиб кетмайди*” (Мат. 24:35).

Қавмбоши Нур унинг ёнида елкасидан кучоклаб ўтирарди.

—Ўғлим, кўриб турибманки, булар ҳақида жиддий ўйланиб қолганга ўхшайсиз?

— Ҳа, жаноб.

Қавмбоши Нур бир оз жим тургач, сўради:

— Сиз Масихнинг издоши бўлишни ва гуноҳларингиз кечирилганини ишонч билан айта оласизми? Жаннатда абадий Худонинг Ўзи билан бирга бўлишга—чи, ишонасизми?

Тарикнинг юраги тез уриб кетди. Рами ва Далия қандай йўл тутишларини у билмасди. Лекин у шунга амин эдики, Исо унга Худонинг оиласига киришни таклиф қиляпти.

— Ҳа, жаноб. Мен буни жуда хоҳлардим. Лекин қандай амалга ошириш мумкин?

— Исо деди: *“Мана, Мен эшик олдида туриб, тақиллатяпман. Кимда-ким овозимни эшитиб эшикни очса, Мен унинг ёнига кираман; Мен у билан, у Мен билан кечки овқатни баҳам кўраимиз”* (Вах. 3:20).

— Бу ҳақиқатдан ҳам шундайми? — сўради Тарик.

— Ҳа, шундай, — деди Нур — Сиз хозирок Исо Масихни шахсан ўзингизнинг Нажоткорингиз ва Худоингиз қилиб қабул қилишингиз мумкин.

— У менинг ҳаётимга қандай кириб келади?

— Эътиқод ва ибодат орқали. Ибодат — бу Худога мурожаатдир. Худо сизнинг юрагингизни ва унда нима бўлаётганини билади. У учун сўзлар эмас, юрагингиздаги истак муҳимроқ. Мен Исонинг издоши бўлганимда Унга куйидагича ибодат қилганман:

“Исо, Сен менга кераксан. Менинг гуноҳларимни деб хочда ўлганинг учун Сендан миннатдорман. Мен юрагимнинг эшигини очаман ва Сени ўзимнинг Нажоткорим, Худоим сифатида қабул қиламан. Менинг гуноҳларимни кечириб, абадий ҳаёт бераётганинг учун Сендан миннатдорман. Менинг ҳаётимни йўлга сол. Мени қандай бўлишимни Сен истаётган бўлсанг, шундай қил”.

Бундай ибодат сизнинг ҳис-туйғуларингизни акс эттирадими, Тарик?

— Ҳа, жаноб, — деб жавоб берди Тарик ва Далияга назари тушмаслиги учун кўзларини олиб қочди.

Далия нималарни ўйлаётганидан унинг хабари йўқ эди. У фақат биттагина нарсага ишонарди, шу ондан бошлаб уларнинг муносабатлари тубдан ўзгаради. У Далия билан унинг оиласига бор гапни айтади. Лекин бундан кейин Да-

лия у ҳақда ўйлашни, уни севишни ва ўзлари орзу қилганларидек унга турмушга чиқишни олдингидек хоҳлармикан? Ўзининг Масиҳ ортидан бориш қарори эвазига ўз севгисини қурбон қилмасмикан? “Бўлиши мумкин”, деб ўйлади Тарик. У бунинг эвазига шундай товон тўлашга тайёрми? Исо эса бундан ҳам катта товон тўлаган: У Тарикка нажот бериш учун ўзини қурбон қилган. Исо — олам Худоси. У оламини қутқариш учун самоларни тарк этиб ерга тушди. Унга имон келтирганларни, шу жумладан, Тарик ва бошқаларни абадий лаънатдан қутқаргани келди. Ҳозир Масиҳ унинг юраги остонасида туриб, унинг эшигини тақиллатяпти. Тарик қарор қабул қилиб, Унга миннатдорчилик билан жавоб бериши керак. Исо уни чақирмоқда, тўланган товонга қарамай Тарик Унинг ортидан боришни истайди. У бунга эришади.

— Сиз бу қарорнинг жиддийлигини англаяпсизми? — сўради қавмбоши Нур. — Уни енгилтаклик билан қабул қилмаслик керак. Худо сизни кечиради, нажот беради, янги, тоза юракни ва янги ҳаётни сизга бахш этади. Бу ишда фақат самимий бўлиш лозим. Ўзингизнинг олдинги диний қарашларингиздан воз кечишга тайёр туриб, Масиҳнинг издоши бўлишга ўзингизни бахшида этишингиз керак.

— Албатта, жаноб, мен буни тушунаман.

— Сиз Исо Масиҳнинг хочда ўлганига ишонасизми?

— Ишонаман.

— Сиз Исо Худо эканлигини ва У сизнинг ҳаётингизнинг ҳоқими эканлигини тан оласизми? Сиз Уни ҳар доим севишга ва Унга чин юракдан, қалбдан, ақл билан ва бор кучингиз билан хизмат қилишга тайёрмисиз?

— Ҳа, жаноб. Мен тайёрман. Менга Худонинг ёрдами керак бўлади, — мен Исо Масиҳга маълум бўлган ҳаётни кечиролмайман. Агар У мени қабул қилса, мен Унинг ортидан боришни истайман.

Тарик ҳақиқатдан ҳам ҳаётда шуни истарди, у шуни ҳис киларди.

Тўсатдан Далия қуйидаги гапларни айтди:

— Мен ҳам Исонинг ортидан боришни хоҳлайман, ота, бу сафар чиндан ҳам.

Далия йиғлаб юборди. У шунчаки йиғлаётгани йўқ — Далия ўз ҳаётининг маликаси бўлгани ва Исога меҳр-муҳаббат, миннатдорчилик билан хизмат қилмагани сабабли, у Худодан ва ота-онасидан кечирим сўраётган эди.

Кўз ёшлари қавмбоши Нур ва унинг хотинининг кўзларида ҳам бор эди. Ҳиссиётлар Тарикнинг ҳам вужудини қамраб олди. У ота-онасининг ўлимидан сўнг йиғлашга ўзига-ўзи йўл қўймаган, лекин у шуни тушунарди, агар улар ибодат қилишни бошламасалар, улар билан бирга йиғлаб юборади.

Тўртгаловлари ҳам тиз чўкдилар. Қавмбоши Нур юрагига Масихни қабул қилган пайтда қилгандай ибодат қилди. Кейин у Далия билан Тарикни маҳкам кучиб, узок вақтгача уларни кучоғидан қўйиб юбормади.

Ҳаммалари кўз ёшларини артишди, қавмбоши Нур эса улар абадий Худонинг ҳаётига кирганларини, улар ҳеч қачон ўзларининг нажотларини йўқотмасликлари кераклигини айтди. Қавмбоши уларга Муқаддас Китобдан шундай оятларни кўрсатдики, бу оятларга биноан уларнинг исмлари эндиликда Китоб Ҳаётига ёзилди, улар бу дунёни тарк этганларида самоларга кўтариладилар, абадий ҳаётни Худо билан бирга ўтказадилар.

— Исо деди: *“Пулпарастликдан холи кун кечиринглар. Қўлингизда бори билан қаноатланинглар. Чунки Худонинг Ўзи: «Сени ҳеч ташлаб кетмайман ва асло тарк этмайман»* деган (Ибронийлар. 13:5). Исонинг ортидан қандай боришни ўрганиш лозим. Лекин хавотирланманглар —

қадам ортидан қадам ташлайверинглар. Муқаддас Китобни ўқинг. Ҳар куни ибодатда Худога мурожаат қилинг. Кўпроқ тажрибага эга ва донишманд имонлилар билан суҳбатлашинг, улар имонингизни оширишга ёрдам берадилар. Турли ҳолатларда ўзингизга савол беринг: “Менинг ўрнимда Исо нима қилган бўларди?”

Тарик йўталиб, сўради:

— Демак, менинг гуноҳларим кечирилди ва унутилди, шундайми?

Ҳа, — деди қавмбоши Нур. — Муқаддас Китоб дейди: “*Шарқ ғарбдан қанчалик узоқ бўлса, гуноҳларимизни биздан шу қадар узоқ қилади*” (Заб. 102:12). “*Шундан кейин одамлар бир-бирига “Эгамизни таниб билинг”, деб айтмайдиган бўлишади, чунки каттаю кичик Мени биладиган бўлади. Мен уларнинг айбларини кечираман, гуноҳларини ҳеч қачон эсга олмайман. Мен, Эгангиз, шундай дедим.*” (Ермиё. 31:34) — Худо шундай дейди.

— Худонинг олдида энди менинг қалбим тозами?

— Ҳа, ўғлим. Ёзувдаги аҳд бўйича сиз ювилдингиз, қордан ҳам оппоқ бўлдингиз. Сизнинг юрагингиз энди патдан енгил.

— У менинг барча гуноҳларимни кечирадим — баъзи бирларини эмас, барчасиними?

— Ҳа, Тарик, — деб тасдиқлади қавмбоши. — “*Агар гуноҳларимизни эътироф этсак, Худо гуноҳларимиздан ўтади ва бизни ҳар турли ноҳақликдан фориғ қилади. Чунки У Ўз сўзида содиқ ва адолатлидир*” (1 Юх. 1:9). Агар Худо ниманидир ваъда берган бўлса, У албатта сўзида туради.

— Қандай яхши, — деди қавмбоши Тарик енгил тортиб, суҳбатни давом эттиришга киришди. — Мен сизга ниманидир айтишим керак.

Худо олдида ҳам Тарик ўзининг гуноҳларини тан олса, шу жумладан, унга яхши муносабатда бўлган шу оиланинг,

ҳамда ҳамманинг олдида ҳам ўз гуноҳларини тан олиши керак бўлади. Лекин буни қандай амалга ошириш мумкин?

У Тарик Жамил эмаслигини, компьютерлар бўйича консультант эмаслигини, уни бир нечта мамлакатларнинг полицияси кидираётганини қандай қилиб Нур оиласига айтсин? Қолаверса, у Даляни ниҳоятда севишига, унга уйланмоқчи эканлигига, бутун ҳаётини у қиз билан бирга ўтказишига ва бахтли қилмоқчи эканлигига уларни қандай ишонтирсин? Улар шубҳасиз Тарикдан ранжишади. У кўп ёлғон гапларни айтди, лекин Тарик ёлғончи эмас, фақат тирик қолиб, Даляни ҳимоя қилмоқчилигини улар тушунишларига умид қилса бўладими?

Бунга умид қилиш даргумон, лекин барибир ҳамма гапларни айтиши шарт. У Исонинг қилмаган жиноятлари учун жабр кўргани ҳақида ўйлади ва унда танлаш ҳуқуқи йўқлигини тушунди.

— Нима бўлди, Тарик? — деб сўради Даля Тарикнинг кўзларидаги хавотирликни кўриб.

— Нимадан бошлашни ҳам билмай қолдим, — деб жавоб берди у.

— Ҳаммаси жойида, биз — сизнинг дўстларингизмиз.

— Биламан. Худди шунинг учун ҳам бор гапни айтишга кийналяпман.

— Нимага?

— Сизлар мендан нафратланиб қоласизлар-да.

— Қўйсангиз—чи, нималар деяпсиз?

— Мен бир ёқимсиз иш қилдимки, у ҳақда гапиргим келмаяпти.

— Биз ҳаммамиз ҳам шундай ишни қилганмиз, Тарик, — деди қавмбоши Нур. — Лекин мен барча гапларни айтганимдан кейин ҳаммаси ортда қолди.

— Мен Тарик эмасман. Мен Марван Аккадман. Мен сизларга бутун бир воқеани айтиб беришим керак, у нима билан тугашини билмайман...

У гапини давом эттирмасдан олдин дарадан ўқ овози гумбирлаб эшитилди, Марван Аккад оғриқдан тиришиб йиқилди.

Далия бакириб юборди. Қавмбоши Нур ўқ қаердан узилганини билиш учун орқасига қаради, хотини билан кизини беркитиш учун ҳаракат қилди.

Яна битта ўқ узилди. Бу сафар ўқ тошли ўриндикқа тегди. Тош парчалари ва чанг кўтарилиб кетди.

— Беркининглар! — деб бақирди Марван. — Устунларнинг орқасига!

Тарик бор кучини йиғди ва Далияни ушлаб пастга — илгари сахна ва оркестр учун чуқурлик бўлган жойга олиб тушди. Қавмбоши Нур ва унинг хотини икковининг ёнларида эдилар. Ўқ қандайдир мўъжиза билан уларга тегмади, аммо улар жуда яқин ётган эдилар. Марван шуни тушундики, унинг энг ёмон кутганлари рост бўлиб чиқди. Энди хавф остида фақатгина ўзининг ҳаётини эмас, балки у бу ажойиб оилани ҳам хавф остига қўйди.

Ҳозир уларни тошлар беркитиб турибди. Нур хоним йиғларди, қавмбоши Нур эса уни кучоклаб турарди. Далия бақиришни бас қилган, аммо у қўрқувдан титрарди. Марван уни тинчлантиришни истарди, лекин у олов қаердан келаётганини билиши керак эди. У асталик билан сурилди, лекин шу заҳотиёқ Далия унинг кўлидан ушлаб олди.

— Қаерга? Кетманг!

— Мен кетаёганим йўқ, — деди Марван. — Уларнинг нечталигини кўришим керак.

— Улар кўпчиликми?

— Ўйлашимча, шундай.

— Ким ўзи улар?

— Бу узун воқеа, — деди у тошлар орасидан қараб. — Лекин уларга сизлар керак эмассизлар. Уларга мен керакман.

— Нега, Тарик? Сиз нима қилдингиз?

— Даляя, менинг исмим Марван, Марван Аккад. Мен хеч нима қилмадим, онт ичаман. Менга қарши бу вазият атайдан уюштирилган...

Ўқ ёнгинасига келиб урилди. Даляя бакириб юборди ва Марван гавдаси билан уни беркитди.

У бу ерда қолиши мумкин эмас. Марван ўзига қадрли бўлган Нур оиласини ташлаб, Лемье ва Годдарни уларнинг ёнидан олиб кетиши керак. Лекин у зўрға ҳаракат қила оларди. У оёғида пульсацияловчи оғрикни сезарди. Джинси шими қонга беланди. Даляя унинг жароҳатига қараб туриб, хушини йўқотай деб турганини Марван кўриб колди.

— Ҳечқиси йўқ, — деди у Даляяни кучиб. — Ҳаммаси яхши бўлади. Қулоқ сол. Мени эшитяпсанми?

Даляянинг юзи қордай оппоқ эди. У шок ҳолатида турганди.

— Даляя, мени эшитяпсанми? — деб қайта пичирлади Марван ва чўнтагидан рўмолчасини олиб, оёғини боғлади.

Марван Даляянинг кўрқиб кетган кўзларига қаради. Ниҳоят, у жароҳатдан кўзларини олиб унга қаради ва бошини силкитди.

— Яхши, менга диққат билан қулоқ сол, — деб тез гапирди у. — Улар мени излаб келишди, сен ва сенинг оиланг уларни қизиқтирмайсизлар. Лекин сен мени ҳимоя қиламан деб, нимадир қиладиган бўлсанг, улар ўйламай туриб сени ҳам ўлдиришади. Улар — қотил. Улар аёлларни, болаларни ўлдирганлар, Монте-Карлодан Касабланкагача уларнинг ортидан конли из бирга келяпти. Мен уларнинг найрангларини билиб олиб, уларга тўсқинлик қилишга ҳаракат қилдим. Мана энди улар менинг ҳаётимга нуқта қўйиш учун келдилар. Мени эшитяпсанми?

Кўркувдан қалтираб, Даляя яна бошини силкитди.

— Қолганини сенга кейин айтиб бераман, ҳозир эса мен қочишим керак. Уларни сизлардан олиб кетишим лозим, ёки...

— Йўқ, — деб Даляя унинг кўлидан янаям маҳкам ушлаб олди. — Биз дадам билан...

Автоматнинг навбатдаги овози унинг гапини бўлди.

Гаплашишга вақт йўқ эди. Ё ҳозир, ёки бўлмаса ҳеч қачон. Марван Даляяни ўзига тортиб уни ўпди, кейин йўлак бўйлаб чапга қараб судралди. Ортидан эса отишмаларнинг янгиси ва Даляя билан онасининг қичқириклари эшитилди.

У Худодан Нур оиласини ҳимоя қилишини сўраб, қисқа ибодатни айтди, сўнг сакраб-сакраб тошли зинапоядан югурди. Кейин эса театр устидаги тоғлардан ўйилган макбаралардан бирининг кичкина чуқурлигига шўнғиди. Бир неча тарафдан отилган ўқ овозлари бўйича Марван уларнинг камида тўртта эканликларини аниқлади. Лекин улар кўпроқ бўлишлари ҳам мумкин, балки уларнинг ёнига ёрдамчи кучлар ҳам келгандир.

Мақбара қоронғи эди, у тепаликда жойлашганлиги сабабли Марванга отишма жойини кўришига имкон яратди. У Нур оиласининг йўлак бўйича ўнгга қараб юриб кетаётганларини кўриб, тез орада улар хавфсиз жойда бўлишларига умид қилди. Лекин шундан кейин улар Нур оиласини ҳам ўлдиришлари мумкинлигини Марван жуда яхши тушунарди. Гувоҳларни йўқотиш учун Лемье ва Годдар худди Рания билан унинг дугонасини ўлдирганлари каби шу ишни қилардилар.

Ва у бу ердан туриб бир неча одамнинг кўлида автомат ушлаб театр томон югуришаётганини кўрди. Уларнинг қисқа навбатлари ҳисобига Марван жойида қолишига мажбур эди. Улар жуда тез яқинлашиб келардилар.

Марван чиқиш жойини қидириб атрофга қаради. Чапга қараган йўл ёпиқ эди. Лекин ўнг тарафда у ёруғлик тушиб турган кичкина шахтани кўриб қолди. Оёғидаги оғрик эса борган сари кучайиб борарди, лекин у ёруғлик томон судралди ва бошқа макбараларга йўналтирувчи кичик жойга борадиган чиқувчи йўлни пайқади.

Яқинлашиб келаётган кадам товушларини эшитиб, Марван йўлак бўйича тез ва оҳиста юрди. Лекин битта ногўғри ҳаракат қиладиган бўлса, 20 метр баландликдан пастга, тошларнинг устига тушарди. Икки минг йил ичидан қумли бурғилар сўқмоқларнинг юзаларини умуман силлиқлаб ташлаганди.

Лекин Марван кейинги ғорга етиб келди, нафасини ростлаб, тинчланиб олиш учун ерга ўтирди. Унинг қоронғу ғорда ўтиргани яхши бўлди, унга ким яқинлашиб келаётганини кўра оларди. У пастда нима бўлаётганини кўриб турарди ва даранинг қарама-қарши тарафида жойлашган ғорни ўраб олган уч кишини кўрди. Шу тарафи ёмон эдики, у яна қанча чидай олишини билмасди.

— Марван Аккад, сиз қуршовга олиндингиз! — деган акс-садо қадимги шаҳар бўйлаб эшитилди. — Сиз одам ўлдирганликда айбланыпсиз! Қўлларингиз кўтарилган ҳолда секин чиқинг, сизга зиён келтирмаймиз!

Марван бу овозни таниди. У Лемье эди. Франция полициясининг таниқли инспектори Монте-Карлодаги қотилликдан сўнг турли каналларда бир неча бор интервью берган, унинг миждов, каттазанг овози Марваннинг хотирасида муҳрланганди. Лекин Лемьеге таслим бўлмақчи эмас. Таслим бўлиш — тўғридан-тўғри ўлимга олиб бориши шак-шубҳасиздир.

Қоронғуликда ўтириб, у чўнтагидан телефон қидира бошлади. Балки, у Рамига қўнғироқ қила олар. Шу пайтда укасининг унга ёрдам бериши даргумон, ҳеч бўлмаганда ҳозир нима бўлиши ҳақида унга хабар бериш мумкин. Лекин телефон йўқ эди, у телефонини Нурлар оиласининг квартирасида, чемоданида қолдиргани эсига тушди. *Қандай қилиб бундай аҳмоқ бўлиш мумкин?* — деб ўзини койиди.

Телефон ўрнига Марван марихуанали бир нечта сигарет ва гугуртни топди. У бошини чайқади — уларнинг бири хил кўриниши унда ёқимсизлик ҳиссини уйғотди. *Исо унинг ҳаётини бундай ўзгартириш ҳақида тахмин қила оларми-ди?* У бунинг сабабини топа олмасди, лекин ҳозир энди бунинг аҳамияти йўқ, деб ўйлади Марван. У тез орада Исо билан юзма-юз кўришади, Ундан ҳамма нарсани сўраб олади.

Марван сигаретни ташлади, гугуртни ёқиб, ғорнинг ичига секин-аста кира бошлади. У пепси-коланинг бўш

идиши ва қандларнинг қоғозини кўриб қолди. Балки, болалар ўзларининг ўйинлари учун шу ғордан фойдалангандирлар. Гугурт аста-секин ўчиб, унинг бармоқларини куйдирди.

— Марван Аккад, бу охириги огоҳлантириш! — деб яна бақирди Лемье. Лекин бу сафар унинг овози яқин масофадан эшитилди. Француз энди пастдаги театрда эмас, балки макбараларнинг бирида эди. — Ҳозироқ чиқинг, агар ҳозир чиқмасангиз, сиз ўлдириласиз. Сизнинг бошқа иложингиз йўқ. Мен сизга ўн сония вақт бераман.

Марван дўқ-пўписага эътибор бермади.

— Ўн... тўққиз... саккиз...

Марван яна битта гугуртни ёқиб, ғорни кўздан кечиришни давом эттирди.

— *Етти... олти...*

Лемье ҳақ. Бошқа иложи йўқ. Ортиқча вақт ҳам йўқ.

— Беш... тўрт...

Марван гугуртни ўчириб, ғорнинг кириш жойида турган катта тошга ўтирди ва кучли оғриқдан тишини тишига қўйди. Нима юз бериши борасида у ўйламасди ҳам. Лекин у жангсиз таслим бўлмасликка ўзига-ўзи қарор қилди.

— Уч... икки... бир. Нима ҳам қилардик, Марван Аккад, сизнинг имконингиз бор эди...

Лемъенинг одамларидан иккитаси автоматлардан ўқ узиб, ғорга бостириб кирдилар. Ғор тутунга тўлди, ғорнинг орқа деворини эса отилган ўқлар тешиб ташлади. Марван бағрини ерга бериб ётганича, отишманинг тўхташини кутар эди. Лекин отишма яқун топмади.

— Қани у? — деб сўради босқинчилардан бири янги магазинини жойлаштираётди.

— Ақлимга сиғдиролмайман, — деб жавоб берди бошқаси ўзининг автоматидан магазинини олиб.

Марванда битта имконият пайдо бўлди ва у бундан фойдаланди. Босқинчилардан биринчиси тошнинг ёнидан ўтиб кетаётганди, Марван унинг оёғидан ушлаб олди ва қаттиқ тортди. У одам мувозанатини йўқотиб йиқилди.

У ўзини тиклаб олишига Марван йўл қўймай, унинг АК-47 русумли автоматини олди ва босқинчининг юзига зарба берди. Марван ўмбалоқ ошиб, иккинчи босқинчига қараб икки марта ўқ узди.

Бир неча сония ичида у куролларни ва ташаббусни ўз қўлига олди. Марван ёнида ётган одамнинг пульсини текширди. Унинг боши ва юзи қон билан беланганди. Марван қоронғида шуни аниқладики, унинг бурни синган, мияси чайқалганди, лекин у нафас оларди, демак, у яшайди.

Марван иккинчисининг ёнига судралиб келди. Униси оғриқдан инграб ётарди. Тагин, кеча Марван уни отиб ўлдиришга тайёр турганди. Ҳозир эса бундай фикр унда

нафрат уйғотди. Агар иложи бўлганда, Марван унга тиббий ёрдам кўрсатган бўларди. У ярадорга, жим ёт, деб огоҳлантирди. Огоҳлантириш зое кетмади.

Энди нима бўлади? — деб ўйлади Марван. Лемье билан бирга ҳали уч ёки тўрт киши қолишди.

— Нима бўлди? — деб бақирди Лемье. — У ўлдими?

— Йўқ! — деб жавоб берди Марван.

Ўйлаб ўтирмасдан, Марван автоматнинг камарини бўйнига осиб, бор кучи билан ғордан тез отилиб чиқди ва даранинг девори бўйлаб юқорига кўтарилувчи зинапоёга борди.

Отишма бошланди. Марваннинг юраги кўкрагидан чиқиб кетгудай бўлиб, унинг ҳар бир уриши бошига ҳам тарқаларди. Чап оёғи тиззасининг пастига ўқ теккан жойини худди олов каби куйдирарди. Лекин у ўз вазифасини аниқ биларди. У Лемье ва унинг бандасини Далия билан унинг оиласидан иложи борича узоқроққа олиб қочиши керак. Нима бўлмасин, у шуни қилади.

Марван гоҳ ўннга, гоҳ чапга чайқалиб, зинапоядан тепага кўтариларди. Отишмалар эса ҳали ҳам давом этмокда эди. У тепагача чиққанда оғриқ унинг ўнг елкасида пайдо бўлди. Оғриқ шундай кучли эдики, у ҳатто оёғида ҳам тура олмади. Марван юзи билан ерга йиқилди ва бор кучини йўкотди.

Марван оғриқдан тиришиб, нафас олишга ҳаракат қилди ва жароҳатини ушлади. Чап қўли шу заҳотиёқ қонга беланди. У яқин масофадаги тош тўпламларидан иборат беркиниш жойигача судралиб келди. Лекин Марван уни қувлаб етиб олишаётганини эшитиб турарди.

Сўнгги лаҳзада у ўгирилиб олиб, автоматини тўғирлади ва учта қисқа навбатсиз ўқ узди, бу ўқлар босқинчиларнинг иккитасини жароҳатлади. Бир босқинчи орқага қараб йиқилди, Марван уни пастга қараб тушиб кетаётганини эшитди. Иккинчиси эса Марваннинг шундоққина ёнига

йиқилди. Босқинчи жим ва қимирламай ётарди. Марваннинг кўнгли айниб кетди. У ҳеч кимни ўлдирмоқчи эмасди. Марван ҳеч кимга зиён келтиришни истамасди. Лекин бу ўзини-ўзи ҳимоя қилиш эмасми, ахир? Одамзод ўзини қотиллардан ҳимоя қилиши керак-ку!

Тез орада қолган босқинчилар ҳам шу ерга келишади. Бор кучини йиғиб, Марван тошларгача судралиб келди ва тошларнинг орқасига беркиниб, кута бошлади. Пастдан қандайдир овозлар эшитиларди. У ҳатто олисдаги сиренани ҳам эшитди. Лекин овозлар кучайиб бормасди. Қайтанга улар пасайиб борарди. Марваннинг қовоқлари эса шишиб, осилиб қолди. Кўз олдидаги тасвир эса борган сари хиралашиб кетарди. У шокка яқин ҳолатда ўтирарди, лекин кўлидан ҳеч нима келмасди.

Тўсатдан қоронғулик пайдо бўлди. Натижада у ҳушини йўқотди. Лекин Марван қачонгачалигини билмасди. Мана, у яна ўзига келиб, кўзини очди. Марван яна тайёр бўлиб турганди. Шу онда у қотиб қолди — уч метрча нарироқда Лемье қўлида глушителли тўппончани ушлаб турар, Марваннинг бошига қаратиб мўлжаллади.

Ўйлаб ўтирмасдан, Марван автомат тугмасини босди, аммо бахтга қарши ҳеч нима бўлмади. У яна босди ва яна ҳеч нима содир бўлмади. Ё автомат бузилиб қолди ёки магазин бўш эди. Лекин нима бўлса ҳам, унинг ҳаётига нуқта қўйилганди. Марваннинг оёғи ва елкасидан қон оқиши давом этарди. У мутлақо ожиз — Марваннинг қаршисида уни ўлдирмоқчи бўлган одам турибди.

— Қўлга тушдинг, таниқли Марван Аккад, — деди Лемье.

Марван ҳеч нима деб жавоб бермади. Лемье гапида давом этди.

— Балки, миянгизга қандайдир фикр келмасдан олдин автоматингизни ерга ташларсиз?

Марван унинг гапига бўйсунди.

— Яхши бўлди, энди биз гаплашиб олишимиз мумкин, — деди Лемье.

— Гаплашиб олишимиз? Сизнинг гаплашгингиз келяптими? — деб хайрон бўлди Марван. — Яхши. Нега сиз бундай қилдингиз, инспектор? Қандай қилиб сиз Рафик Рэмзини ва унинг яккаю ягона кизини ва сизнинг йўлингизга тўғаноқ бўлганларни ўлдириш учун Клодетт билан тил бириктирддингиз? Ахир, сиз жинойтчилар билан бирга алоқада бўлмай, уларни ушлашга қасамёд қилмаганмидингиз?

— Мен сизга ўхшайдиганлар олдида ҳисобот бераманми, жаноб Аккад, — деб кулди Лемье.

— Сиз мени бошимдан кечирганларимга мажбур қилганингиздан кейин, — деб қаршилик қилди Марван, — мени ўлдиршингиздан олдин ҳаммасини билишга ҳаққим бор.

Лемье нафрат билан тўнғиллади.

— Мен сизни мажбур қилдим, — деб сўради у. — Ҳазиллашяпсизми? Сиз тентакона ишларни қилдингиз, Марван Аккад, — менинг йўлимда тўғаноқ бўлишингиз керак эмасди. Менинг ажойиб режам ва ҳимоям бор эди. Жинойтни тергов қилаётган терговчидан ким ҳам шубҳаланарди? Ҳеч ким. Лекин сиз аралашишингиз шарт эди!

— Сизни тутиб олишади, Лемье, — деди Марван.

— Кўрамиз, — деб жавоб берди Лемье.

У шу гапни айтиши биланоқ, чўққига яна иккита Лемьенинг одамлари кўтарилишди ва куролларни Марванга қарата мўлжаллашди.

— Мен ниманики билсам, укамга ҳам шу нарсалар аён, — деди Марван. — Биз сиз билан гаплашиб турганимизда укамнинг одамлари Бразилияда Клодетт Рэмзини қидиришяпти. Агар уни топишса, сиз ўлдим деяверинг.

— Сизнинг укангиз қамоқда, — деди Лемье. — Клодетт эса ишончли жойга яширинган. Умуман олганда, жаноб Аккад мен эмас, сиз ўлдим деяверинг.

— Мен бундай деб ўйламайман...

— Бас қилинг! Етар! Мен сизни эшитиб бўлдим, Марван Аккад. Энди эса бошингизни пастга, кўлингизни орқага қилинг!

— Йўқ, — деди Марван.

— Айтганимни бажаринг! — деб буйруқ берди Лемье.

— Сиз мени отиб ташлайсизми? Йўқ, инспектор.

Жаҳли чиққан Лемье одамларидан бирига ишора қилди. У одам эса Марваннинг биқини ва бошига бир неча марта тепди, кейин эса уни юзини ерга қаратиб ётқизди. Марван оғриқдан инграб юборди. У зўрға нафас оларди. Марван ибодат қилмоқчи бўлди. У воқеанинг якун топганини биларди, аммо у бир сўз ҳам айта олмади.

Лемье яқинлашди ва унинг қаршисида туриб, тўппончани энсасига тиради.

— Хайр, Марван Аккад, — деди у. — Дўзахда кўришгунча.

Марван бошини ўгирди. У Лемьени ҳозироқ тўппонча тепкисини босмоқчи эканлигини кўриб урарди.

Лекин Лемье шу онда шовкин–суронни эшитди, кучли шамол чангни кўтариб юборди. Ҳамма орқага қараб ўгирилди — тоғ устида вертолет турарди, унинг ичида Годдар билан Рами Аккад бор эдилар.

— Тўппончани ташланг, инспектор Лемье! — деб гапирди Годдар радиокарнай орқали. — Ҳаммангиз куроллари ташланглар! Менга ҳаммаси аён, инспектор. Менинг одамларим Сан-Паулада Клодетт Рэмзини ушладилар, у ҳаммасини тан олди. Сизнинг товламачилик ва котилликдаги ролингиз бизга аён бўлди. Сизни Марван Аккадга тухмат қилмоқчи бўлганингизни ҳам биламиз. Баллистик экспертизанинг жавобига кўра, сиз Касабланкада Рания Фаваз ва унинг дугонасини ўлдиргансиз. Ҳаммаси тугади, инспектор. Қуролни туширинг, ҳеч кимга зиён тегмайди.

Лемьенинг одамлари куроллари ерга ташлаб, қўллари кўтардилар. Аммо Лемье бўйсунмади. У чангдан кўзларини ҳимоя қилмоқчи бўлди, Годдар куролни ташлашни буюрганда у вертолётга қарата ўқ узди.

Учувчи ўқдан қочиб, вертолётни чапга, ўнга, сўнгра юқорига кўтарди. Лекин Лемье обоймада ўқ қолгунча отишни давом эттирди. Ўқлардан биттаси шамолдан ҳимоя қилувчи ойнага тегди, натижада вертолёт баландлигини йўқота бошлади. Лекин уддабурон учувчи вертолётни ўнглаб олди ва у яна кўтарилди.

Марванда яна битта имкон пайдо бўлди. У ўзининг оғригини ҳам унутди. У Даляя, унинг оиласи ва ёрдамга етиб келган укаси ҳақида ўйларди.

Марван ўрнидан сакраб туриб, Лемьегга ташланди. Унинг қўлидаги тўппонча учиб, тошга урилди ва тоғдан пастга қараб тушиб кетди. Марван Лемьенинг қорни ва юзига зарба берди. Лекин Лемье кучини йиғиб, Марваннинг тиззасига тепди. Оғриқдан Марван йиқилиб тушди. Шу пайтда Лемье Марваннинг устига ташланиб, унинг томоғи-

ни ушлаб бўға бошлади. Ҳар сония ичида Марван ҳаётни тарк этаётганини сезиб турарди.

Лемьенинг қўл остидагилардан бири ўзининг тўппончасига қараб чўзилди, аммо уч марта ўқ овози эшитилгандан сўнг ерга чўзилиб олди. Лемье ўқ овозларига хайрон қолиб, ким отаётганлигини билиш учун орқасига қаради. Марван ҳам қаради. Вертолётдан туриб Годдар отганди, у ўзининг қуролини Лемьенинг бошига қарата пойлади.

Лемьенинг чалғиб қолганидан фойдаланиб, Марван соғ оёғи билан французнинг чотига тепди ва унинг қўлларидан халос бўлди. Вазият ўзгарди. Марван Лемьени юзи билан пастга қаратиб ўгирди ва Ливандаги ҳарбий мактабда ўргатишгандай, тиззаси билан унинг белини эзди. Лемье қимирлаёлмай қолди. Энди эса у Марваннинг қўлида, шу қўллар Лемьенинг бўйинини бўғарди.

Марван бўғишни сусайтирмади. Лемье нафас олмоқчи эди, лекин қила олмади. Унинг юзи олдин қизарди, сўнг-ра кўкариб кетганида ҳам Марван уни қўйиб юбормади.

— Марван, илтимос, ундай қилманг!

У хайратланиб қаради. Бу овоз Далияники эди.

У Марваннинг ёнига секин юриб келди, кўзлари эса ёшга тўлганди.

— Марван, илтимос, бу нотўғри иш, — деди Далия.

Вертолёт қўнди. Рами биринчи бўлиб ундан сакраб тушди ва улар томон югурди. Бир неч вақтдан сўнг қавмбоши Нур билан Нур хоним ҳам пайдо бўлишди.

Бу вақтда Годдар Лемьенинг одамига қўлкишанни солиб, уни вертолётга ўтказди. Энди Годдар Марваннинг ёнига келди.

— Мен сизга шуни ишонтириб айтаманки, жаноб Аккад, бу одам энди бутун умрини қамоқда ўтказди, — деди Годдар. — Фақат бу учун эмас, балки барча жиноятлари учун ҳам. Мен буни амалга ошираман деб сўз бераман.

Марваннинг юраги кўкрагидан чиқиб кетай деб урарди. Унинг қўллари ҳали ҳам Лемьенинг бўйнини сиқиб турар ва Лемье ҳушини йўқотай деб турганди. Марван укасига, Нур оиласига, кейин эса Даляянинг кўзларига қаради. Даляя жим турарди, лекин унинг кўзлари тўғри йўл тутиш ҳақида ўтинарди.

У шундай қилди.

У қўлларини бўшатиб, ўрнидан турди ва Лемьени Годдарга топширди.

Марван энди кўп нарсани ўрганиши ва кўп нарсаларни унутиши керак эди. У Даляяга, унинг оиласи ва Рамига кўп нарса айтиши керак, улар ҳам унга кўп нарсаларни айтишлари лозим. Энг асосийси, қавмбоши Нур ҳақлигини Марван тушунди. Энди эса у умуман янги одам, ҳаёти ҳам янги, у илгари одимлайверади, холос. Марван даҳшатли қотилликлар гувоҳи бўлган. Энди эса — у буюк севги, Нажоткори Исо Масиҳ севгисининг гувоҳи эди.

Марван Аккад келажакда уни нима кутаётганини билмасди. У Исо ортидан қандай қилиб боришни ва Даляяни қандай севишни билмасди. Лекин у битта нарса ни аниқ билади: шу ишларни у ҳозироқ бошлайди.